

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK
LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI



O'ZBEK TERMINOLOGIYASI: BUGUNGI HOLATI VA ISTIQBOLI

Ilmiy-nazariy anjuman materiallari

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI

ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Илмий-назарий анжуман материаллари

Тошкент-2017



Мазкур илмий тўплам атоқли тилшунос, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев таваллудининг 70 йиллигига бағишланган “Ўзбек терминологияси: бугунги ҳолати ва истиқболи” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари асосида тайёрланган бўлиб, ундан ўрин олган мақолалар бугунги ўзбек терминологияси олдида турган муаммо ва вазифалар тахлилига йўналтирилган. Тўплам талабалар, магистрлар, тадқиқотчилар, тилшунослар, профессор-ўқитувчиларга мўжалланган.

The collected articles consist of materials of scientific-theoretical conference called “Uzbek terminology: current situation and perspective” which devoted to 70 jubilee of a great linguist, the doctor of philology, Professor Khamidulla Dadaboev. The articles deal with the analysis of issues and matters of Uzbek terminology. The collection devotes for the students, master students, researchers, linguists, professor-teachers.

Манзил: Тошкент-100174, Талабалар шаҳарчаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси

Масъул муҳаррирлар:

Ш. Сирожиддинов, филология фанлари доктори, профессор
Б. Абдушукуров, филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Қ. Содиқов, филология фанлари доктори, профессор
З. Холманова, филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати:

М. Қурбонова, филология фанлари доктори, профессор
М. Раҳматов, филология фанлари номзоди, доцент
Д. Маҳкамова, ўқитувчи
О. Абдуллаева, ўқитувчи
Н. Абдурахмонова, катта илмий ходим-изланувчи
М. Холмурадова, катта илмий ходим-изланувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (2017 йил 15 июнь 11-сонли баённома).

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Илм-фан билан шугулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан кудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб”. Айни ҳақиқат. Бу теран мушоҳада кўплаб тилшунос устозларимиз ва уларнинг шоғирдлари ҳақида ҳам айтилган. Зеро, маънавияти, билими, одамийлиги юксак инсонларнинг ҳаёти ёш олимлар учун ибрат мактабидир. Шундай азиз устозлардан бири, ўзбек тилшунослиги, туркология ривожиди ўзига хос ўринга эга таниқли тилшунос ва моҳир педагог Ҳамидулла Дадабоев 1947 йилнинг 5 сентябрида Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг сўлим гўшаларидан саналган Чимган қишлоғида ишчи оиласида таваллуд топган. Қибрай туманидаги Ломоносов номи (ҳозирги Мирзо Улуғбек туманидаги 54-сонли) ўрта мактабни тамомлагач, маълум фурсат Тошкент трактор заводида чилангар бўлиб ишлади. 1966-1971 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг Роман-герман факультетида таҳсил олди. 1971-1974 йиллар давомида шу факультетда талабаларга немис тилидан дарс берди.

Устоз 1974-1976 йилларда Тошкент давлат чет тиллар институти (ҳозирги ЎзДЖТУ) ҳузуридаги Олий педагогик курслар тингловчиси бўлди. 1977-1980 йилларда ЎзРФА Тил ва адабиёт институти кундузги бўлим аспирантурасида ўқиди. Сўнгра ЎзРФА Тил ва адабиёт институти Тарихий лексикология ва лексикография бўлими лаборанти (1980-1981), ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Туркология бўлими лаборант (1981-1982), кичик илмий ходим (1982-1984), катта илмий ходим (1984-1987) лавозимларида меҳнат қилди. 1987 йилдан 1998 йилнинг августигача ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Туркология бўлимини бошқариш билан бирга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ) “Умумий тилшунослик” ҳамда “Эски ўзбек тили ва ёзуви” кафедраларида катта ўқитувчи, профессор вазифасини бажарувчи сифатида самарали фаолият юритди.

Олим 1981 йилда профессор А.Н.Баскаковнинг илмий раҳбарлигида “Эски ўзбек тилидаги ҳарбий лексика” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Семантик-функционал, тарихий-этимологик ва структур-грамматик аспектларда бажарилган ушбу тадқиқотда қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тилида битилган манбаларда қайд этилган ҳарбий терминлар ўзбек халқининг ранг-баранг тарихи билан чамбарчас боғланган ҳолда атрофлича таҳлилга тортилган. Мазкур изланиш нафақат ўзбек тилшунослигида, шунингдек, туркийшуносликда ҳам тарихий-ҳарбий терминологияни ўрганишда муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

Ҳамидулла Дадабоев 1992 йилда Тошкент давлат университети қошидаги Ихтисослашган кенгашда 10.02.06-туркий тиллар ихтисослиги бўйича “XI-XIV аср туркий ёзма манбалардаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология” мавзусидаги докторлик диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди ва бу туркологияда тарихий терминшуносликнинг шаклланишига замин яратди. Шу боис мазкур тадқиқот асосида “Ёзувчи” нашриётида рус тилида чоп этилган монография ҳали-хануз МДХ давлатлари ҳамда хориж туркологлари эътиборини тортиб келмоқда.

Олим серкиррала илмий ижодини педагогик фаолиятдан ажратмаган тарзда олиб боришни маъкул кўради. У 1998-2000 йилларда Тошкент автомобиль-йўллар институти “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси мудири бўлиб ишлади. 2000 йил августдан 2016 йилнинг июлига қадар Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Умумий тилшунослик”, “Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси”, “Тил назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири лавозимида меҳнат қилди. 2016 йилнинг сентябридан эътиборан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси профессори сифатида фаолият олиб бормоқда. Айни чоғда, тиним билмас мураббий ва педагог Тошкент давлат шарқшунослик институти “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори ҳам ҳисобланади. Устознинг ўзбек лексикографияси ва терминологияси борасида эгаллаган теран билими ва назарий қарашлари Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ ҳузуридаги педагог кадрлар малакасини ошириш курслари тингловчиларига замонавий талаблар асосида ўқилаётган маърузаларда ҳавола қилинмоқда. Ҳ. Дадабоев педагогик фаолияти давомида ўзи мударлик қилган кафедрада ўқитиладиган асосий фанларга оид ДТС, Намунавий дастур ва Ишчи дастурларни белгиланган меъёрларга мос тарзда тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш билан бирга “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”, “Компьютер лингвистикаси”, “Лингвокультурология”, “Илмий тадқиқот асослари”, “Назарий тилшунослик асослари” сингари фанларни ўқув режага киритди. Саъй-ҳаракатлар, табиий, ўз натижасини кўрсатди. Домла раҳбарлик қилган кафедра ЎзМУ кафедралари ўртасида ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган танловларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллади. Устознинг 2014 йилда шогирди Ш. Усмонова ҳаммуалифлигида нашр қилинган “Хорijiy sotsiolingvistika” ўқув қўлланмаси Республика танловида рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ топилди. Олимнинг шогирди З. Холманова билан биргаликда 2015 йилда эълон қилинган “Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi” ўқув қўлланмаси республикамызда она тилида илк бор чоп этилган асар сифатида баҳоланди.

Ҳамидулла Дадабоев ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослигининг фаол намоёндаларидан бири сифатида илмий муҳитда ўз “мени”, дадил қадамига эга. Серкирра олим илмий фаолиятининг асосий жиҳатини қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили ёдгорликлари тил хусусиятлари, уларда қайд этилган турфа соҳаларга доир лексик бойлик ва терминлар тизими тарихи, этимологияси, лексемалар маъно нозикликлари билан боғлиқ лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ташкил этади. Унинг VIII-

XIX асрларга хос тарихий, адабий-бадий, илмий манбаларда қўлланган ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, социал, бож ва солиқ, дипломатия, илми нужум сингари соҳалар терминологияси устида олиб борган бир қатор монографик тадқиқотлари, юздан ортиқ илмий мақолалари ўзбек тили тарихи қатори туркийшуносликда ҳам алоҳида саҳифа очди. Олимнинг “Эски ўзбек тилидаги ҳарбий лексика” (Военная лексика в староузбекском языке) (1990), “XI-XIV аср туркий ёзма манбалардаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология” (Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.) (1991), “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми -XX аср боши)” (хаммуаллиф, 2007), “Девону луготит турк”нинг тил хусусиятлари (2017) сингари монографик изланишлари ўзбек ва туркий тиллар тарихий лексикологияси ва терминологияси соҳасида янги фундаментал тадқиқотлар саналади.

Устознинг республика ва хориж илмий журнал ҳамда тўпламларда эълон қилган мақолалари илм аҳлини қадимги обидаларда қўлланишда бўлган ранг-баранг лексик бириклар ва терминларнинг воқеланиш тарихи, семантикаси, этимологияси билан яқиндан таништиришга йўналтирилган. Бундай мақолалар сирасига икки қисмдан иборат “Эски ўзбек тилида қайд этилган мўғулча ўлашмалар”, “XI-XIV аср ёзма манбаларидаги судлов терминологияси”, “XI-XIV аср эски туркий тил дипломатик терминологияси”, “Бобуронома”даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар”, “Қисаси Рабғузий”нинг лексик хусусиятлари ҳақида”, “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихини яратишнинг долзарб муаммолари”, “Қутадғу билиг”да қўлланган синфий-табақавий терминлар парадигмаси”, “Огаҳийнинг тарихий-хронологик асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминология”, “Ўзбек терминологиясининг лексик-генетик хусусиятлари”, “Алишер Навоий асарлари тилидаги баъзи терминларнинг семантик-функционал тадқиқи” каби ўнлаб ишларни киритиш мумкин.

Турк ҳоконлиги, Хоразмшоҳлар, қорахонийлар, темурийлар салтанатига хос давлат бошқарув тизими, сиёсий-ижтимоий вазият, дипломатик муносабатлар, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат каби масалалар олимнинг илмий-тарихий манбалар тадқиқотчиси сифатидаги самарали фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Хусусан, “Кўк турк ҳоконлигининг ҳарбий қурилиши”, “Жалолуддин Хоразмшоҳ салтанатни қандай бошқарган”, “Усманийлар даври ҳарб иши” сингари мақолалари, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси буюртмасига биноан 10 000 нусхада нашр қилинган “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати”(1996) ҳамда “Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати”(2016), “Амир Темур-буюк давлат арбоби ва етук саркарда” (2012) каби бевосита тарихнависликка доир рисола ва монографик тадқиқотлари илм аҳли ва китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди. Айни пайтда, устоз томонидан Амир Темур ҳарбий маҳоратига бағишлаб ёзилган асарларнинг ҳарбий билим юртлари талабалари ва Ўзбекистон ҳарбий академияси тингловчилари учун қўлланма вазифасини ўтаб келаётганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳамидулла Дадабоевнинг нодир қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаш йўналишида ҳам салмоқли ишларга қўл урганлиги кўпчиликка, айниқса, илм аҳлига яхши аён. Олим 1990-1991 йилларда XIV аср ўзбек насрининг ноёб дурдонаси, Носируддин Рабғузий қаламига мансуб “Қисаси Рабғузий” асарини энг қадимий нусхаси асосида кирилл алифбосида тўрт юз минг ададда чоп этишда, 2010-2011 йилларда Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” фалсафий-дидактик асари илмий-танқидий матнини беш жилда эълон қилишда, 1960-1963 йилларда С. Муталлибов томонидан чоп этилган Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асари тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашрини 2016-2017 йилларда “Мумтоз сўз” нашриётида босмадан чиқаришда жонбозлик кўрсатиб, кўхна манбалар тил хусусиятларини мукамал эгаллаганлигини яна бир бор намойиш этди.

1983-1985 йилларда халқимизга тухфа этилган тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”ни тузишда фаол иштирок этиб, лугатшунослик бўйича улкан тажриба тўплаган олим 2003 йилда ўзбек адабий тили тарихини ўзида мужассам этган, тил ва терминология тарихи учун зурур бўлган йирик фундаментал манба-16 босма табоқдан иборат “Тарихий ҳарбий терминлар лугати”ни нашр эттирди. 2008 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги муносабати билан бу лугатнинг иккинчи нашри эълон қилинди. Ушбу лугатда VIII-XIX аср туркий обидаларда қўлланган уч мингдан ортқ ҳарбий терминларнинг изоҳи келтирилган.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг 10 та жилдида 182 та мақоласи билан қатнашгани Ҳамидулла Дадабоевнинг нафақат етук тилшунос, шу билан бирга, билимдон тарихнавис эканлигини кўрсатади. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”ни тузишда иштирок этган олимнинг Амир Темур феноменига бўлган ҳурмати ва эҳтироми нашр қилиниши қутилаётган “Амир Темур даврдошлари мўъжаз энциклопедияси”да яққол кўзга ташланади. Ушбу асарда Соҳибқирон замонида яшаган, у билан мулоқатда бўлган мингдан зиёд шахснинг суврати ва сийратига тарихий манбаларда қайд этилган ашъвий материалларга асосланган ҳолда объектив чизгилар берилган.

Домланинг ташкилотчилик қобилияти бир қатор ишларда аксини топган. Чунончи, у кишининг бевосита ташаббуси билан 2002 йилдан буён ҳар икки йилда “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-назарий анжумани ўтказиб келинмоқда. Бу конференциянинг тадқиқот қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, анжуман материалларининг муттасил чоп этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, усгоз раҳбарлигида 2010 йилдан эътиборан ҳар йили нашр юзини кўраётган “Лингвист” илмий мақоллар тўплами аллақачон республика тилшунослари эътиборига тушган.

Ҳамидулла Дадабоевнинг ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлар, истикбол режалар билан хориждаги ҳамкасбларни яқиндан таништириш борасидаги саъй-ҳаракати ҳам таҳсинга лойиқ. Домланинг Туркия, Германия, Россия, Қозғистон, Тожикистон, Озарбайжон сингари мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро конференция, симпозиум ва конгрессларда ўқиган маърузалари, рус, немис, турк, инглиз тилларида чоп эттирган мақолалари

Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги ҳолатидан чет эллик мутахассисларни яқиндан бохабар қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан Турк Дил куруми, Аҳмад Яссавий номидаги Турк-қозоқ университети, Жанубий Қозоғистон педагогика университети, Фаробий номидаги Қозоқ Миллий университети ўртасида алоқаларни ўрнатишда олимнинг маълум даражада ҳиссаси бор.

Устоз юқори малакали филолог-тилшунос мутахассислар тайёрлашда ҳам кўпчиликка ибрат бўлиб келмоқда. Шу кунга қадар олтмишдан ортиқ битирув малакавий иши, ўттиздан зиёд магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилди. Устознинг илмий маслаҳатчилиги ва илмий раҳбарлигида тўртта фан доктори, саккизта фан номзоди тайёрланди. Айни пайтда, олим бешта фалсафа доктори (PhD) ва иккита фан доктори (Doctor of Science) диссертациясига илмий раҳбарликни амалга оширмоқда. Устоз ўнга яқин докторлик, йигирмага яқин номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилган, мамлакатимиз ҳамда хориж ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтларида тайёрланган ўнлаб диссертацияларнинг экспертиза қилинишида, ташқи тақриздан ўтказилишида фаол қатнашиб келмоқда.

Домла узоқ йиллар ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Филология фанлари бўйича Эксперт кенгаш аъзоси ва илмий котиби сифатида фаолият юритиб, республика филология илмини етук кадрлар билан таъминлаш масаласига объектив ва принципаал жиҳатдан ёндашди, кўплаб ёш тадқиқотчилар илмий ишларининг самарали якунланишида беиннат хизмат қилди. Анча йиллар давомида ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Давлат тили ҳақида”ги қонун ҳамда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувининг ҳаётга татбиқини мониторинг қилувчи Ишчи гуруҳ аъзоси, ЎЗРФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли Ихтисослашган(Илмий)кенгаш аъзоси ва шу кенгаш қошидаги илмий семинар раиси сифатида фаолият юритди. Ҳозирги вақтда устоз республика Таълим маркази филология йўналишидаги илмий-методик кенгаш раиси, ТошДШИ, ЎзЖТУ, ЎзМУ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSC 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгаш аъзоси ва мазкур Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ТошДШИ ҳузуридаги 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик бўйича Малакавий имтиҳон комиссияси аъзоси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 10.00.02 -Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон комиссияси раиси, “Илм сарчашмалари”, “ФарДУ ахборотномаси” ва “Соҳибқирон юлдузи”журналлари таҳрир хайъати ҳамда Жанубий Қозоғистон Педагогика университети “Оразов окулары” халқаро илмий-амалий конференция ташкилий кўмитаси аъзоси саналади.

Ҳамидулла Дадабоев мамлакатимизда тилшунослик илмининг даргаларидан бири сифатида ўзида мавжуд куч ва тажрибаларни янгидан-янги изланишларга сафарбар этмоқда. Истиқболда улкан режаларни рўёбга чиқариш мўлжалланган. Бу йўлда устозга мустаҳкам соғлик, куч-ғайрат, узоқ умр ва

улкан илмий-ижодий зафарлар ёр бўлишини, фарзандлар ва шогирдлар бахт-икболи ҳамда камолини кўришини тилаймиз.

Низомиддин Маҳмудов,
ф.ф.д., профессор

ЎЗБЕК ТАРИХИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ЕТАКЧИСИ

Ўзбек туркийшунослигининг жаҳон миқёсида эътироф этилишида, унинг ҳозирги тараққиёт даражасини таъминлашда А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, Э.Фозилов, А.Рустамов, Ш.Раҳматуллаев, И.Кўчқортоев, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Қ.Маҳмудов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Қ.Содиқов сингари номдор олимлар қатори илмий-ижодий фаолиятини тил тарихи масалаларини ўрганишга йўналтирган профессор Ҳамидулла Дадабоевнинг ўзига хос дунёқараши, салмокли ва сезиларли улуши бор.

Эътироф этиш жоизки, дунё тилшунослигида шиддат билан юз бераётган турфа ҳодиса ва жараёнлардан бохабар Ҳ.Дадабоев айна фаннинг исталган соҳаси, йўналиши доирасида мулоҳаза юритиш, баҳслашиш истёбодига эга олимлардан ҳисобланади. Бунда, албатта, унинг ўзбек ва бошқа тиллар, чунончи, рус ҳамда Ғарбий Европа тилларига хос қонуният ва ҳодисаларни юқори савияда эгаллагани, улар тўғрисида фикр билдириш салоҳиятига эгаллиги яққол кўзга ташланади.

Ҳамидулла Дадабоевнинг қирқ йилдан бери тил тарихи, хусусан, тарихий терминология, лексикология, лексикография, семасиология, этимология, манбашунослик, матишунослик билан изчил, оғишмай самарали ижод қилиб келаётгани сир эмас.

Олимнинг ўзбек туркологияси ривожига кўшган залварли ҳиссасини, шубҳасиз, мозийда битилган қўлзёма манбалар матнида қўлланган истилоҳлар тизимини атрофлича, чуқур ўрганишга қаратилган тадқиқотлари ташкил қилади. Таъкидлаш ўринлики, ўзбек тилшунослиги турли соҳа терминларини синхрон аспектда ўрганиш борасида анчагина ютуқларни қўлга киритган. Ушбу жараён ҳозирги кунда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Шу билан бир қаторда, таассуф ила айтиш керакки, узоқ йиллар мобайнида қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг катта қисмини ташкил этган, ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган ранг-баранг терминлар тизимини диахрон аспектда таҳлил этишдек долзарб масала нафақат ўзбек тилшунослари, шунингдек дунё туркологлари диққат-эътиборидан чет қолган эди. Ушбу бўшлиқни бартараф этиш, тарихий терминологияни соҳанинг етакчи йўналишларидан бирига айлантириш вазифасини айнан Ҳамидулла Дадабоев ўз зиммасига дадиллик билан олди. Олим қўйилган вазифани қойилмақом тарзда бажариш билан чекланмай, бугунги кунда номлари республикадан ташқарида ҳам бот-бот тилга олинаётган бир қанча шогирдларини ҳам шу йўналишга ошно қилиб, ўзбек тилшунослигида тарихий терминологияга асос солди. Устоз ва шогирдларнинг тарихий терминология ва лексикологияга хос асарларида илгари сурилган

фикр-мулоҳазалар, ғоялар ҳозирда янги изланишлар учун дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Олимнинг “Эски ўзбек тилидаги ҳарбий лексика” мавзuida 1981 йилда ёқлаган номзодлик диссертацияси ва 1990 йилда “Фан” нашриётида рус тилида чоп этилган монографияси VIII-XIX аср туркий обидаларда ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга оид фаол ишлатилган истилоҳларни функционал-семантик, тарихий-этимологик ва структур-грамматик нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган эди. Туркологияда биринчи бор ҳарбий терминларнинг шаклланиш ва тараққий этиш динамикасини очиб беришга қаратилган ушбу фундаментал тадқиқот нафақат Ўрхун-Энасой руник битиглари, эски туркий тил манбалари, эски ўзбек адабий тили ёдгорликлари, балки хитой ва араб мурихлари ҳамда форс-тожик тилида таълиф этилган бадий, тарихий манбалар, лексикографик ва терминологик асарларда қайд этилган фактик материаллар асосида дунё юзини кўрди. Мазкур изланишда туркий уруғ. қабила ва халқларнинг кўпдан-кўп ҳарбий ҳаракатларда иштирок этгани, ҳарбий машғулот ҳар бир фуқаро учун мажбурий ҳисоблангани, натижада, ҳарбий қурилиш, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат билан боғлиқ турли тушунчаларни ифолаловчи терминлар тизими жуда қадимдан шакллангани, теурийлар замонида бу тизим ўзининг юқори чўққисига чиққани рад этиб бўлмас даллилар билан исботланган. Таъкидланган жиҳатлар терминологининг 2003, 2008 йилларда ЎзМУ нашриётида эълон қилинган “Тарихий ҳарбий терминлар лугати” ҳамда “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг барча жилдларидан ўрин олган мақолаларида ўз аксини топган.

Тарихий ҳарбий терминологияни тадқиқ этишда эришилган ютуқлар Ҳ. Дадабоевни бошқа соҳа терминлар тизими тарихи устида изланиш олиб боришга сафарбар қилди. Маълумки, туркологияда XI-XIV аср эски туркий тилда ёзилган обидаларнинг сўз бойлиги А.Нажиб, Э.Фозилов сингари атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, лекин шу даврга хос манбаларда ишлатилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология махсус тадқиқот объектига айланмаган эди. Ушбу ҳолатнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини яхши англаган Ҳ. Дадабоев 1985 йилда айни терминологик тизимнинг тадқиқига бел боғлади ва етти йиллик машаққатли меҳнатдан сўнг уни ниҳоясига етказди. 1991 йили “Ёзувчи” нашриётида рус тилида минг нусхада чоп этилган 11.6 табоқ босмадан иборат монография ва унинг асосида 1992 йилда ТошДУ қошидаги Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинган докторлик диссертация айни мавзуда илк бор яратилган фундаментал тадқиқот тарзида эътироф этилди. Семантик-функционал, тарихий-этимологик, лексик-семантик ва қиёсий-статистик нуқтаи назардан олиб борилган изланиш ёқориди таъкидланган асрлар ёдгорликларида қўлланган маъмурий-судлов, мансаб-лавозим, синфий-табақавий, тижорат-молия, дипломатия, бож ва солиқ терминологиясининг эски туркий тилдаги ҳолати, унинг қадимги туркий тил ва эски ўзбек адабий тилига муносабати интралингвистик ва экстралингвистик омилар заминиди. улкан миқдордаги бирламчи манба ҳамда илмий асарлар материаллари жалб этилган тарзда амалга оширилган эди. Олинган натижалари туркий адабий тиллар тараққиёти тарихини даврлаштириш, қардош туркий

тиллер тарихий лексикологиясини яратиш, этимологик ва терминологик луғатлар тузишда ўта кўл келувчи ушбу тадқиқотда изланиш объекти сифатида танланган терминологик тизимнинг асосан уч мустақил қатлам, яъни а) ИС ва СИ терминологияга тайёр тил бирлиги сифатида олинган умумистеъмол сўзлар; б) махсус номлар тарзида ҳосил қилинган истилоҳлар; в) бошқа тиллардан ўзлашган сўз-терминлардан иборатлиги очиб берилган. Тадқиқ этилган даврда асл туркий терминлар функциясининг кенгайиши қатори, катта миқдордаги ўзлашмаларнинг эски туркий тилга кириб келганлиги кузатишган. Асосини туб туркий сўзлар ташкил қилган ИС ва СИ терминология таркибидан халқлар ва миллатлараро турфа алоқалар боис ўрин эгаллаган чет сўзларнинг эски туркий тилга ўзлашиш хронологияси уч— 1) исломгача бўлган(санскритча, сўғдча, хитойча); 2) исломдан кейинги (арабча, форс-тожикча); 3) мўғул истилосидан кейинги(мўғулча) даврга тақсимланиб ўрганилган.

Олимнинг кузатишлари кўшни халқлар билан кечган турли муносабатлар оқибатида эски туркий тил муайян миқдордаги ўзлашмаларни қабул қилганига қарамай ўз табиатини, асосини сақлаб қолгани, баъзи чет тили элементлари туркий тилнинг қонун-қоидаларига бўйсуниб, унинг сўз бойлиги таркибига сингиб кетганини тасдиқлаган.

Тарихий лексикологиянинг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш тарихий терминология аксар вазиятларда умумистеъмол сўзлардан фарқли ўларок махсус тушунчаларни ифодалаш учун қўлланган. Ҳ.Дадабоевнинг мазкур илмий иши XI-XIV асрлар туркий тиллар,чунончи, ўзбек тили ИС ва СИ терминологиясининг шаклланишида муҳим босқич бўлганлигини кўрсатган. Бу босқичда бошланган барча лексик-терминологик жараёнлар кейинги, яъни қардош туркий тилларнинг шиддатли ривожланиш ва барқарорлашиш вақтида ўз эчимини топгани изланишда алоҳида таъкидланган. Терминшуноснинг фикрича, қадимги туркий уруғларнинг моддий-маънавий турмуш тарзини акс эттирувчи руник битиглар лексикаси XI-XIV аср туркий тиллар луғат бойлигининг негизини ташкил қилган.

Олиб борилган семантик таҳлил қадимги туркий тилда қўлланган кўпгина ИС ва СИ терминларнинг эски туркий тилда мавжуд бўлганлигини аниқлаштирган ва улар икки гуруҳга бўлинган: 1) эски туркий тилнинг фақат илк даври (XI-XII)га оид манбаларда ишлатилган қадимги туркий тил элементлари; 2) эски туркий тилнинг ҳам илк, ҳам кейинги давлари (XIII-XIV)да қўлланган қадимги туркий тил элементлари. Биринчи гуруҳга хос терминларнинг аксарияти кейинчалик қардош туркий тилларнинг луғат таркибидан бутунлай тушиб қолган, иккинчи гуруҳга оид терминларнинг маълум қисми туркий тилларда маъноси торайган ёки кенгайган ёхуд фонетик шакли ўзгаришларга учраган ҳолатда ишлатишда давом этганлиги ашёвий мисоллар ёрдамида асосланган. ИС ва СИ терминлар салмоқли улушининг сўз ясовчи моделлар асосида воқеланган ясамалардан иборатлиги, қўлланишда қолган истилоҳларнинг фонетик вариантлари типи ҳамда турлари ранг-баранг ва миқдоран сезиларли бўлганлиги аниқланган.

Тил тарихини халқ, миллат тарихи билан чамбарчас боғлиқликда таҳлил этиш тамойилларига содиқ Ҳ.Дадабоев томонидан Чингизхон бошлиқ мўғул

истилочиларининг кучли зарбалари остида Хоразм мулкидан сиқиб чиқарилган, XIII асрнинг 20-йилларида Шимолий Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Кавказорти, Ироқ ҳудудларида қисқа муддатга бўлса-да ҳукмдорлигини ўрнатишга эришган Султон Жалолиддин салтанати бошқарувига оид истилоҳларни ҳафсала билан ўрганилгани алоҳида илмий аҳамиятга молик. Олим олиб борган изланишлар бевосита султон хонадонига тегишли кўчмас мулк ва ҳаракатдаги мулклар *амлок ул-мулк* ёки асбоб ул-мулк деб номлангани, улар махсус маъмурий маҳкама-*дево*н ул-хос томонидан идора қилингани, мулкнинг иккинчи тури арабча *иқто* истилоҳи билан аталгани, *иқто* атоқли ҳарбий зодагонларга мамлакат олдидаги улкан хизматлари эвазига инъом этилгани, иқто эгаси-*муқтадо* унга тааллуқли мулкни шахсан ўзи бошқариши шарт ҳисоблангани, иқто наслдан наслга мерос тарзида ўтувчи мулк сирасига кирмагани, муқтадонинг вафотидан кейин унинг ерлари бошқа амалдорга берилиши мумкинлиги, ҳукумат аппаратида мавжуд бўлган рутбалар ичида “*Низом ул-мулк*”, “*Шараф ул-мулк*” унвонларига сазовор бўлган вазир мавқеининг ўта баландлиги, давлат ишларини юритувчи идоранинг *дево*н ул-иншо ёхуд *дево*н ул-туғро истилоҳлари ёрдамида ифодалангани, *дево*н ул-иншода фаолият олиб борган малакали ва саводли *котиб ул-иншо*ларга хусниҳат сирларини аъло даражада эгаллаган *соҳиби дево*н ул-иншо истилоҳи билан шарафланган шахс раҳбарлик қилганини кўрсатган (Қаранг: Жалолиддин Хоразмшоҳ салтанатни қандай бошқарган эди. - Ватан, 1999. - №.27(266).

Олим илмий изланишлар олиб бориш тактикасининг ўзига хос жиҳатларидан бири баъзи сабаблар боис кўпчилик диққат-назаридан четда қолган асарлар тил хусусиятларини эринмасдан ўрганишдир. Мазкур мулоҳазанининг тасдиғини у киши томонидан Огаҳий тарихий асарларида қўлланган турфа терминлар таҳлилига қаратилган, Ўзбекистон, Туркия ва Қозоғистонда эълон қилинган қатор мақолаларда кўриш мумкин.

Х.Дадабоевнинг фикрича, Огаҳий асарлари XVIII-XIX аср ўзбек адабий тили терминлар тизимини ўзида мужассам этган, атоқли муаррих ва таржимон томонидан ишлатилган соҳа терминлари Бухаро амирлиги ва Қўқон хонлиги тарихини акс эттирувчи манбалар матнида қўлланган терминлар тизимига маълум даражада мос тушган. Шу билан бирга, аини бир тушунчанинг Хива хонлигида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фарқли истилоҳлар билан англашилгани кўзга ташлаган.

Огаҳий асарларидаги терминлар таркибида қадимдан фаол қўлланиб келган асл туркий истилоҳлар бирламчи маъносини деярли саклаб қолишга эришгани, аини чоғда, VIII-XIX асрларда кенг ишлатилган туб туркий терминлар маълум қисмининг забардаст тарихчи ва шоир даври ўзбек адабий тили сўз бойлигидан чиқиб кетгани, бунинг сабаби кўп сонли ўзлашмалар ҳамда янгидан ясалган лексик бирликларнинг фаоллашуви билан боғлиқлиги, халқлараро муносабатлар пировард-натижада тиллар луғат фондида янги сўз(ўзлашма)ларнинг пайдо бўлишига туртки бергани, ушбу ходиса XIX аср ўзбек адабий тили терминологиясига ҳам тааллуқли эканлиги, хусусан, Хива хонлиги ва Россия ўртасидаги сиёсий. дипломатик алоқалар *импиратур* “подшоҳ, император”сингари терминларнинг илк марта Огаҳий асарларида

қўлланишига замин яратгани хусусидаги таҳлиллар Ҳ.Дадабоевнинг нафақат йирик тилшунос, шунингдек дурустгина тарихшунос эканлигидан даракдир.

Хуллас, тарихий терминшуносликнинг республикамиз қатори туркологияда ҳам шаклланиш ва такомиллашувида фидокорона ижод қилаётган атоқли олим, моҳир устоз-педагог, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоевни кутлуғ ёши билан чин қалбдан самимий муборакбод этаман, у кишига узоқ умр, тани соғлик, оилавий хотиржамлик, илмий ишларида улкан зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Ибодулла Мирзаев,
ф.ф.д., профессор**

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАРБИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ҳарбий лексика ўзбек тили сўз фондининг кўҳна қатламларидан бири саналиб, тил тарихий тараққиётининг барча босқичларида яққол кўзга ташланади. Мозийда битилган ва ҳозирга қадар маълум бўлган манбаларнинг деярли ҳаммасида ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга доир истилоҳлар фаол қўлланишда бўлганлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолатни нафақат «Зафарнома», «Бобурнома», «Шайбонийнома», «Таворихи гузида. Нусратнома», «Шажараи турк», «Риёз уд-давла» каби тарихий асарлар, балки «Кутадгу билиги», «Қисаси Рабгузий», «Ўқ ва ёй мунозараси», «Гул ва Наврўз», «Садди Искандарий» сингари дидактик-панднома, диний, бадийи обидалар матнида ҳам кузатиш мумкин.

Ички ва ташки омиллар таъсирида воқеланган, умумодабий сўз бойлигининг сезиларли қатламларидан ҳисобланган ҳарбий терминологияда эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш хусусиятлари ўз аксини топган.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан туркологияда ўзбек, турк, туркман ва қозоқ тилларида ҳарбий терминларни тарихий ва синхрон аспектларда махсус ўрганиш масаласига диққат қаратилди. Ўзбек тилшуноси И.Расуловнинг 1951 йилда «Улуг Ватан уруши даврида ўзбек тили лексикаси» номли номзодлик диссертациясида соҳа терминологиясини маълум даврдаги шаклу шамойили тадқиқ қилинди. Айни пайтда, профессор А.Матғозиевнинг 1974 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган «Ҳарбий терминларнинг тарихига доир» номли мақоласини ҳисобга олмаганда, ўзбек тили ҳарбий терминологияси тарихий планда алоҳида тадқиқ этилмай қолаётган эди.

Ўзбек тили ҳарбий терминологияси узоқ муддатли шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлиб, унинг илдизлари қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили обидаларига бориб тақалади. VII-XIX асрлар туркий халқлар, чунончи, ўзбек халқи турмуш тарзида юз берган ранг-баранг тарихий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар умумлексика қатори, ҳарбий терминлар тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказган.

Эътироф этиш жоизки, экстралингвистик омилларнинг таъсири қанчалик кучли бўлишига қарамай, ўзбек тили ўз ички қонуниятлари, имкониятлари

асосида ривожланиш ва такомиллашишда муттасил давом этди. Мана шу жиҳат ҳарбий терминологиянинг шаклланиши ва барқарорлашишида равшан намоён бўлади.

Ўзбек тили лексикаси, хусусан, ҳарбий терминологияси тарихини атрофлича тадқиқ этиш, табиий, изланувчидан халқ тарихи билан яқиндан ошно бўлишни, ўтмишда содир бўлган тарихий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етишни, мозийда битилган кўҳна манбалар тилини мукамал эгаллашни, қолаверса, ёдгорликларни аслида ўқишни талаб этади. Ушбу мезонларга тўла жавоб берадиган изланишлар илм аҳли томонидан ҳақли равишда эътироф этилади, хурматга сазовор топилади.

Ўзбек тилшунослигида айни шундай ишни амалга ошириш бугунги кунда тил тарихининг етук вакилларида бири ҳисобланмиш Ҳамидулла Дадабоевнинг ҳам зиммасига тушган эди.

1977 йилда ЎзРФА Тил ва адабиёт институти «Тарихий лексикология ва лексикография» бўлими кундузги аспирантурасига қабул қилинган тадқиқотчининг номзодлик диссертацияси, гарчи, «Эски ўзбек тилидаги ҳарбий лексика» тарзида номланган бўлса-да, унда қадимги туркий тил (ҲП-Х), эски туркий тил (ХІ-ХІҲ) ва эски ўзбек адабий тилига (ХҲ-ХІХ) хос жуда катта миқдордаги манбаларда ишлатилган ҳарбий истилоҳлар тизими илк бор семантик-функционал, тарихий-этимологик ва структур-грамматик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди ва нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркологияда ушбу соҳа терминологиясини диахрон аспектда ўрганиш борасида мавжуд кемтикка барҳам берилди.

Ўрхун-Энасой битиклари, қорхонийлар даври обидалари, темурийлар, шайбонийлар, уч хонликлар замони манбаларидан жамланган салмоқли ашъвий материал ўзбек тилини даврлаштириш принциpidан келиб чиққан ҳолда – а) ҳарбий унвон, лавозим, мансаб ва рутбалар; б) қушин турлари, ҳарбий бўлинма ва қисм, аскарлар, ҳарбий ҳаракатлар ва амалиётлар; в) қурол-яроғ, аслаҳа ва мудофаа иншоотлари номларини ифодаловчи терминларга тақсимланиб тадқиқ этилди.

Олиб борилган изланиш ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга юқорида тилга олинган сулолар ҳукмронлиги даврида жуда жидди эътибор қаратилгани, аҳоли улкан қатламининг жанговор ҳаракатлар ва амалиётларга жалб этилгани, шу боис ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга оид кўпгина терминлар маъно ва мазмунининг оммага тушунарли бўлганлиги, ижтимоий ҳаётда, хусусан, ҳарбий қурилишда рўй берган туб ўзгаришлар оқибатида қадимги туркий тил ва эски туркий тилда ишлатилган бир қатор терминларнинг кейинчалик истеъмолда чиқиб кетиши, уларнинг ўрнини ўз ёки ўзлашма қатламга тегишли истилоҳлар эгаллагани, темурийлар даврида ҳарб ишида юз берган новаторлик натижасида кўшин турлари, ҳарбий қисмлар, жанговор тартиб, қурол-яроғ, турли лавозим ва унвонлар номларини англаувчи янгидан-янги терминларнинг қўлланиши билан боғлиқ масалаларга биринчи бор ойдинлик киритилди.

Тарихий ҳарбий терминологияни тадқиқ қилиш асосида Ҳ.Дадабоев В.Бартольд, И.Безезин, Г.Фёдоров-Давидов, Б.Греков, А.Якубовский, В.Гордлевский, В.Владимирцов, И.Петрушевский, В.Тизенгаузен сингари

муаррихларнинг қорахонийлар, салжукийлар, ғазнавийлар, теурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, уч хонликлар тарихига доир асарларига, Ҳ.Вамбери, М.Рясянен, Г.Рамстедт, Я.Экман, А.Шчербак, Г.Дёрфер, Дж.Клаусон, Э.Фозилов каби туркологларнинг илмий ишларию лугатларига бот-бот мурожаат қилди, зарур ўринларда улардан истифода этди.

Олиб борилган структур-грамматик таҳлил эски ўзбек тили ҳарбий терминларининг ясалишида морфологик ва синтактик усулларнинг махсулдорлигини, семантик усулнинг эса каммаҳсуллигини исботлаган. Ҳарбий терминлар тизими асосини от-терминлар ташкил этгани, улар содда, ясама ва қўшма сўзлар кўринишида реаллашгани эътироф этилган. Аффиксация усулининг умумдабий тилдагидек соҳа терминларини ясашда ҳам ўта сермаҳсул бўлиб, уларнинг 1) исмлардан от-термин ясовчи; 2) феъллардан от-термин ҳосил қилувчи; 3) отлардан феъл-терминлар ясовчи; 4) феъллардан феъл-терминлар ҳосил қилувчи гуруҳларга тақсимланиши очиб берилган. Соҳа терминларини ясашда *-чи, лиз/-лик, -луз/-луқ, -лақ, -уз/-уқ/-ағ/-ақ, -и, -қун/-қун, -ақ/-қақ, -ғучи/-қучи* каби асл туркий аффикслар катори *-вул, -л, -боз, дор, -каш, -банд, -гоҳ, -хона* каби ўзлашма қўшимчаларнинг иштироки фактик мисоллар ёрдамида агрофлича ёритилган.

Синтактик усул ёрдамида *черик су* «лашкар, қушин», *ук йачи* «ёй отувчи, камонкаш», *уруш тукуш* «жанг» сингари жуфт, *тункотар* «туртки сокчи», *қуктемар* «совут, зирх» каби қўшма, минг беги, йуз беги, туман беги сингари изофали бирикмалар, исм+феъл колипли феълларнинг аналитик типлари ясалгани курсатилган.

Хуллас, узоқ тарихий жараён, хусусан, тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, маданий-диний ва ҳ.к. омиллар негизида шаклланган эски ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг мураккаб тизимдан иборатлиги айнан Ҳ. Дадбоевнинг тинимсиз саъй-ҳаракати, фидокорона меҳнати туфайли исботини топди, десак асло муболаға бўлмайди.

Олимнинг қирқ йилдан бери ёзилган асарларида ўзбек тили тарихий терминлар тизими шу даражада мукамал таҳлил этилганки, менингча, кейинги тадқиқотчиларга устознинг ишларига суяниш, уларга ҳавола беришдан бошқа вазифа қолмаган.

Ҳамидулла Дадбоев ўзбек тили ҳарбий терминологиясини монографик иланда ўрганиш билан чекланиб қолмай, ўта кўп сонли ёдгорликлар матнидан синчковлик билан тўпланган материал заминидан мингдан зиёд истилоҳлар изоҳини қамраб олган «Тарихий ҳарбий терминлар лугати»ни «Университет» нашриётида икки бор (2003, 2008) эълон қилиб, ўзбек лексикографияси тараққиётига муносиб улуш қўшиш катори, қадимги манбаларда ишлатилган ҳарбий истилоҳлар маъно-мазмунидан китобхонларнинг бохабар бўлиши учун қулай имконият яратди. Ҳозир ушбу лугат тарихий лексикология йўналишида олиб борилаётган изланишлар учун зарур манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Юқорида тил тарихи билан шуғулланишга жазм қилган ҳар бир изланувчининг, албатта, халқ тарихини мукамал билиши, яъни тил тарихини халқ тарихидан ажратмаган ҳолда тадқиқ ва таҳлил қилиши лозимлигини ургулаган эдик. Ушбу тамойилнинг нақадар тўғрилигини Ҳ.Дадбоевнинг

нафақат республика, балки хорижда чоп этилган ишларида ҳам рўй-рост кўриш мумкин.

Маълумки, буюк салтанатга асос солган, эл-улус манфаати ва равнақи йўлида матонат ва жасорат намуналарини зоҳир этган, жаҳон ҳарб санъати тарихи томонидан атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатида тан олинган Амир Темурнинг ҳарбий маҳоратиغا оид чизилган Соҳибқирон фаолиятига бағишланган тарихий-бадий ёдгорликларда, кейинги вақтларда юртимиз ва чет элларда яратилган турфа асарларда у ёки бу тарзда баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1996 йилда Темурбек таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Мана шу тadbир муносабати боис шу йилда «Ёзувчи» нашриётида Ҳ. Дадабоев томонидан тайёрланган «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» рисоласи чоп этилди. Асарда муаллиф Соҳибқирон ҳаёти акс эттирилган манбалар асосида унинг дунё ҳарб иши ва санъатида қўшган салмоқли ҳиссасини моҳирона тасвирлашга эришган. Тарихчилар амалга ошири керак бўлган вазифани аъло даражада уддалаган олим Темурбек қўшини тузилиши, жанг олиб бориш тактикаси, усуллари, қурол-яроғи ва х.к. хусусида сўз юритганда улар билан боғлиқ терминларни матнга қойилмақом қилиб сингдириб юборган. Булар сирасида *ясол* «жанговар тартиб», *ўнлик*, *йўзлик*, *минглик*, *туман*, *қунбул* «қўшин қанотларини ҳимоя қилувчи қисм», *тавачи* «адъютант», *бўржал* «белгиланган жой, ўрин», *тумантуғ* «дивизия қўмондониги туғи» сингари терминлар келтирилган бўлиб, уларни бугунги кунда ҳам қўллаш ўзини оқлайди, деб ўйлайман.

Рисоланинг «Истеъдоднинг сайқал топиши» номли фаслида 12 минг кишилик отлик қўшин ва Темурбек армиясининг ясоли *қаравул* «айғоқчи гуруҳ», *ҳиравул*, *манглай* «килғор қисм, авангард», *бурангар* «қўшиннинг ўнг қаноти», *жувангар* «қўшиннинг сўл қаноти», *гўл* «қўшин маркази», *қунбул* «қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм», *чагдавул* «захира қисм, арьергард»дан иборат етти бўлакка тақсимлангани, бундай жанговар тартиб айнан Соҳибқирон томонидан жорий этилгани баён қилинган.

Олимнинг тарихчилар ҳавас қилса арзигулик яна бир асари, яъни 2016 йили «Академнашг» да дунё юзини кўрган 175 саҳифадан иборат «Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати» номли монографиясининг «Мақолалар» номли иккинчи қисмида Турк хоқонлигининг ҳарбий қурилиши, Жалолуддин Хоразмшоҳнинг салтанатни бошқариш усуллари, «Бобурнома»даги баъзи ҳарбий терминлар борасида қизиқарли мулоҳазалар юритилган, Амир Темур ишончини қозонган Сайфуддинбек, Аббосбек, Жақубек, Сулаймонбек, Нуруддинбек, Шоҳмаликбек, Шайх Али баҳодир сингари саркардалар, лашкарбошилар фаолиятига, характериға объектив баҳо берилган. Темуршуносликка салмоқли улуш сифатида қўшилган ушбу асар тарихшунос, сиёсатшунос, руҳшунос, тилшунос, ҳарбшунос назариётчи ва амалиётчилар учун муҳим назарий манба ролини ўташи шубҳасиз.

Сизнинг диққатингизга қаратилаётган ушбу маърузани тайёрлаш жараёнида «Соҳибқирон юлдузи» адабий-бадий, илмий, ижтимоий-маърифий журналнинг 2017 йил 1(27) сонида Ҳ. Дадабоев қаламига оид «Соҳибқироннинг

атоқли лашкарбошиси» номли мақола билан яқиндан танишишга муяссар бўлдим. Каминада катта хайрат уйғотган бу мақолада Амир Темур барпо этган улкан салтанатнинг оёққа туриши ва ривожланишида фаол иштирок этган, ҳарбий санъатнинг сир-асрорларидан вокиф бўлган, ғаним аскарлари сафини яқсон этиш йўлларини тўла эгаллаган, оғир вазиятларда ҳам дадил ва тез ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқлару ғовлардан чўчимайдиган, кўшин сафларида содир бўлиши эҳтимолдан холи топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф этиш истезоддини эгаллаган, Соҳибқироннинг чексиз иззату хурматини қозонган, унинг оталарча тарбияси ва раҳномолиги туфайли номдор саркарда, йирик давлат арбоби даражасига кўтарилган икки шахс, яъни қипчоқ уруги вакили Шайх Нурулдинбек ҳамда Шохрух мирзо ҳукмронлиги даврида Хоразм вилояти ҳокими мақомига эришган Шохмаликбекнинг лашкарбошилиқ маҳорати, инсоний суврати ва сийрати гўзал ҳолда тасвирланган. Кейинроқ билсам, ўзбек давлатчилиги пойдеворини қуришда Темурбекка елкадош ва камарбаста бўлган Шайх Нурулдин ва Шохмаликнинг темурийлар силсиласи даврида тутган ўрни ҳақидаги мақола илм йўлида асло чарчоқ билмайдиган олимнинг яқин кунларда нашр юзини кўриши қутилаётган «Амир Темур замондошлари мўъжаз энциклопедияси» кўёмасидан намуна тарзида олинган экан. Аминманки, бу каби асарлар Темурийлар давлат музейидаги экспонат ва лавҳаларни бир қадар такомиллаштириш ва бойитишга хизмат қилиши қатори, китобхонлар, айниқса, келажак авлод вакилларининг аждодлар тарихи билан яқиндан ошно бўлишида асқатади.

Хулоса, ўзбек тили тарихий терминологияси ва лексикологиясига доир залварли асарлари орқали ном чиқарган, ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослиги равнақи йўлида бир нечта истезодли фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлаган, камтарин инсон, адолатшиор ва ҳақиқий дўст Ҳамидулла Дадабовни муборак сана билан самимий қутлайман, эзгу ниятларининг амалга ошишида Тангри таолонинг мададкор бўлишини чин юракдан тилайман.

Қосимжон Содиқов,
ф.ф.д., профессор

ЭСКИ ТУРКИЙ ТИЛ МАНБАЛАРИ БИЛИМДОНИ

Таниқли турколог, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев ўзбек тилшунослигида, туркологияда ўзининг теран мазмунли, фундаментал илмий асарлари билан танилган.

Ҳ. Дадабоевнинг И. Носиров, Н. Хусанов билан бирга чоп эттирган “Проблемы лексики старо-узбекского языка” китоби (Тошкент, 1990), “Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв.” номли йирик монографияси (Тошкент, 1991), З. Ҳамидов, З. Холмонова билан бирга чоп эттирган “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши)” (Тошкент, 2007), шунингдек, “Девону луғотит турк”нинг тил

хусусиятлари” (Тошкент, 2017) номли китоблари ўзбек туркологиясида яратилган йирик тадқиқотлардан саналади.

Туркий ёзма адабий тилининг XI юзйилликдан бошлаб XIV юзйилликкача бўлган даври туркологияда шартли равишда “эски туркий адабий тил” номини олган. Бу давр тили ёзма ёдгорликларга бой бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳамидулла ака яратган илмий асарларнинг муайян қисми ана шу давр ёдгорликлари тилини камраб олади.

Бу жиҳатдан олимнинг “Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв.” номли китоби эътиборга лойиқ. Асар ниҳоятда бой материал асосида яратилган бўлиб, унда ёзма ёдгорликларнинг лугат таркиби лексик-семантик жиҳатдан атрофлича таҳлил этилган. Китобда эски туркий тилнинг сўз бойлиги, семантика, тарихий лексикография масалаларида чуқур ва жўяли фикрлар билдирилган, чиқарган илмий хулосалари жиддий. Бу асарни ўзбек туркологиясидаги кучли тадқиқотлар қаторига киритиш мумкин. Айни тадқиқоти унинг докторлик диссертациясига асос бўлди.

Ҳ. Дадабоев тадқиқотларида тарихий-қийсий, чоғиштира метод етакчи ўрин тутди. У муайян сўзнинг қўлланиши, семантикаси тўғрисида сўз юритар экан, ўша ёдгорлик билан чекланиб қолмайди. Бу сўзнинг ўзидан бурунги ёдгорликларда қўлланиши, ўзи билан олдинма-кетин ва кейинги юзйилликларда яратилган асарларда ишлатилиши, сўз маъноларида юз берган ўзгаришлар тўғрисида муфассал тўхталди. Ана шуларнинг таҳлилдан кейингина илмий хулосалар чиқаради. Бу фанда эътироф этилган маъқул усулдир. Фарб туркологияси ҳам шу йўлдан бормоқда.


У ўз ишларида илмий аппаратга ҳам жиддий эътибор қаратади: бирон-бир ёзма ёдгорликдан мисол олдим, албатта, қавсда унинг ишлатилган ўрини ҳам кўрсатиб қўяди. Олим муайян масала устида сўз юритганда, илмий этикани сақлашни ҳам билади: таниқли олимларнинг фикри ҳеч ерда ҳаволасиз қолмайди.

Ҳамидулла аканинг сўнгги йилларда яратган йирик ишларидан бири “Девону луготит турк”нинг тил хусусиятлари” номли монографиясидир.

Асарда “Девону лугати-т-турк”да кечган туркий лугавий қатламнинг ўзига хос хусусиятлари, эркак ва аёл жинсини, ҳайвон, қуш ва паррандалардаги эркак ва ургочи маъносини ифодаловчи лексемалар, егулик ва ичгуликларнинг атамалари, синоним, омоним ва антонимлар семантикаси, сўзлардаги кўпмаънолилиқ, асарда кечган этнонимлар чуқур таҳлил қилинган. Таҳлил ўта илмий ва асосли.

Шу ўринда китобда эътибор қаратилган масалалардан бир нечасига тўхталсак.

“Девону лугати-т-турк”да “ўғил, эр бола” маъноси *oʻyul* сўзи ёрдамида ифодаланган. Урхун битиглари тилида бу лексеманинг “зуриёт; фарзанд” маъноси ҳам бор: *urī oʻyul* – “ўғил бола”; *qiz oʻyul* – “қиз бола”. Бу лексема илк ўрта асрларда инсонларгагина эмас, ҳайвонларнинг боласига нисбатан ҳам ишлатилган: *quš oʻyli* – “қуш боласи, полопон”; *muš oʻyli* – “мушукча”; *arstan oʻyli* – “арслоннинг боласи”; *böri oʻyli* – “бўри боласи”. Ҳ. Дадабоевнинг кузатувича,



қадимги туркий ва эски туркий тилнинг илк даврларида (XI–XII асрлар) *oyul* умуммаъноли сўз бўлиб, унинг инсонгагина нисбатан ишлатилиши тилнинг кейинги даврларида воқеланган (43–44- б.).

Шу ўринда олим ҳайвон ва қушларнинг боласи *bala* сўзи ёрдамида ифодаланганлигига ўқувчи эътиборини қаратади. Унинг асардан олиб келтирган мисоли шундай: *Quş balası – qusunçy, it balası – oxşançy*. Бунинг маъноси: “Қуш боласи – жирканч, ит боласи – ёқимли” деганидир. Ҳозирги туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида *bala* лексемасининг маъно доираси кенгайиб, у “инсон зурриёти, фарзанди”ни ҳам ифодалайди (*yua epoa*).

Қадимги туркий тилда “малика; хоқоннинг завжаси” маъносида *qatun* сўзи ишлатилган. Ушбу сўз Маҳмуд Кошғарий даврида ҳам ишлатилган. Кошғарий ўз луғатида уни *qatunlan-* шаклида беради: *urayut qatunlandi* – “аёл киши маликаларга ўхшади”, яъни “хотин киши ўзини маликадай тутди”. Кейинги даврларда сўз бошидаги [q] ундошининг [x] га ўтиши боис, ушбу лексема *xatun* шаклини олади.

Ҳ. Дадабоевнинг таъкидлашича, *qatun/xatun* лексемаси қадимги туркий тил (VII–X асрлар) ва эски туркий тил (XI–XIV асрлар) даврларида дифференциал маъно касб этган, кейинги даврларда, хусусан, XIV–XVI асрларда “зодагон аёл” маъносини, XIX асрга келиб умуман “хотин, аёл, завжа” интеграл маънони англатган (48–49- б.).

Тадқиқотда ҳайвонлар, қуш ва паррандаларнинг эркаги билан урғочисини англатувчи лексемалар семантикаси ҳам яхши ёритилган. Эски туркий тилда ҳайвонларнинг эркаги учун *erkäk*, урғочиси учун эса *tışı* лексемаси қўлланган. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг жинси (эркаги ёки урғочиси) зоонимлар ёрдамида ҳам анлашилган. Масалан, ёдгорликларда “йилқи, от” маъносида *yilqi* ва *at* зоонимлари ишлатилган. Шунингдек, “ҳайвонот” маъноси *yilqi qara* бирикмаси билан ифодаланган. Бу ҳайвонларнинг умумий отидир.

Уларнинг жинсига келадиган бўлсак, “отнинг эркаги” “Девон”да *adyir* лексемаси билан номланган. Масалан, *adyir qisir kışnadi* дейди. Бу “айғир билан байтал кишнади” деганидир. Бу сўз кейинчалик товуши ўзгариб, *ayyir* шаклига айланган.

“Урғочи от, бия” маъносида *bi* сўзи ишлатилган. Масалан, *bi qisir boldi* дейди, бу “бия қисир бўлди” деганидир. “Девон”да *qisraq* сўзи ҳам бор. Асар муаллифи бу сўзнинг “бия” маъносини ифодалаши, кўпинча у, “қисир қолган бия”ни англатишини таъкидлайди. Шунга таянган ҳолда, Ҳ. Дадабоев *qisraq* сўзи *qisir* дан ясалган, деган хулосага келади: *qisir+aq>qisraq* (57- б.).

“Девон”да “туя” сўзи, диалектларига қараб, *tewä, tewäy, tevi, devä* фонетик вариантларида ишлатилган. “Туянинг урғочиси” *iyän* ёки *tür* дейилган. Масалан: *Iyän igräsä, botu bozlar* деган мақол берилган. Бунинг маъноси: “Урғочи туя инграса, бўта бўзлайди” демак.

“Эркак туя” маъносида эса *buyra* сўзи ишлатилган. Масалан, *buyra kirkini kirdi* дейилади, бу “эркак туянинг шахвати қўзғаладиган пайт кирди” деганидир. Эски туркий тилда *buyra* сўзи киши отларига қўшилиб, эркакларга бериладиган лақабни билдирган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, қорахонийлар сулоласининг дастлабки вакилларида бирининг оти *Buyra qara*

хан эди. Ҳ. Дадабоевнинг таъкидлашича, *bu*ра сўзи “эркак туя” маъносида кейинги давр ёдгорликларида ҳам кенг ишлатилган.

“Девон”да “ахта қилинган туя”ни *atan* дейилган: *Atan yūki az bolsa, ačqa az kōrūnūr.* – “Ахта туянинг юки оз бўлса, оч қолганга оз кўринади”.

“Девон”да “туянинг боласи, бўталок” *botu* ёки *botuq* дейилган. Бу ва бу сингари сўзларнинг маънолари ва ишлатилиш ўрни Ҳ. Дадабоевнинг китобида яхши очиб берилган (56–66- бетларга қаранг).

Менга ёққан ери, Ҳамидулла ака ўзининг илмий ишларида ёзма манбалардан олинган мисолларни илмий транскрипцияда беради. Ўзбек илмида транскрипцияни қўллаётган олимларнинг ўзи санокли. Ваҳоланки, дунё туркологияси бу соҳада анча илгарилаб кетган. Аслида, илк ўрта асрларда яратилган туркий ёзма ёдгорликлардан тортиб, эски ўзбек адабий тили ёдгорликларига қадар – ҳамма-ҳаммасини илмий транскрипцияда берганимиз маъқул. Ҳамидулла ака ўзбек туркологиясини, тарихий лингвистикани дунё туркологияси даражасига олиб чиқишга интилиб тер тўкаётган олим. У билмили ва яхши устоз. Ёшларимиз, бўлгуси тилшунослар ундан кўп нарсани ўрганмаги керак. Олимнинг ўрганса ва эргашса арзигулик фазилати кўп.

Менга Ҳамидулла акадек теран билимли олим, кўнглида ғарази йўқ ажойиб инсон билан бирга ишлаш насиб этди. Узоқ йиллар ЎЗР ФА Қўлёзмалар институтида академик А. Қаюмов раҳбарлигида ишладик, илмий ишларни ўша ерда ёздик. Тошкент давлат университети қошидаги Ихтисослашган кенгашда у билан олдинма-кетин докторлик диссертацияларимизни ёклаганмиз. Ихтисослигимиз ҳам бир: 10.02.06 – Туркий тиллар.

Ўша кезларда Ихтисослашган кенгаш раиси таниқли тилшунос, филология фанлари доктори, профессор И. Кўчқортоев эди. Оллоҳ раҳмат қилсин у кишини; яхши ишларни қўллаб-қувватларди; кўп ёрдами тегди бизга.

Мана, ҳозир ҳам Ҳ. Дадабоев билан бир даргоҳда ишляпмиз. бир илмий кенгашнинг аъзоларимиз, илмий семинарларда ҳам елкама-елка туриб қатнашиб келамиз. Унинг билан йирик илмий анжуманларда қатнашганмиз, ҳатто чет эл сафарларида ҳам бўлганмиз. Буни қарангки, ўртамызда кўнглига огир ботадиган, кишини ранжитувчи гап ўтмабди. Бир-биримизга ҳурматимиз баланд, оға-инидек яқинлигимиз бор. Айрим илмий жумбоқларни ечишда маслаҳатлашиб ҳам турамыз.

Ҳамидулла ака, Сизни табарруқ ёшингиз билан чин кўнглидан қутлайман. Илмий ишларда улкан ютуқларга эришинг. Эзгу эмгақларингизнинг роҳатини кўриб юринг. Соғ-омон бўлинг.

Нишонбой Ҳусанов,
ф.ф. д., профессор

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШИЛГАН САЛМОҚЛИ УЛУШ

Ҳамидулла Дадабоев ўзбек лугатшунослиги, хусусан тарихий лексикографияга муносиб ҳисса қўшаётган олимлардан биридир. Номзодлик диссертациясини ёклагандан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва

адабиёт институти “Тарихий ва этимологик луғатлар” бўлимида Алишер Навоий асарлари тилининг кўп жилдли луғатини тузишдек шарафли ва машаққатли ишда фаол иштирок этди. Бўлим мудиританиқли турколог олим Эргаш Фозилов бу ишга икки авлодни - тажрибали олимлар ва ёшларни бирлаштириб улуг мақсадни амалга оширишга киришган эди. Алишер Навоий асарлари тилининг кўп жилдли луғатини яратишда таниқли олимлар— Ал-Азхар университетининг имтиёзли дипломи соҳиби, араб, форс тиллари ва адабиёти, Куръони карим ва ҳадисларнинг билимдони, филология фанлари номзоди Ю.Шокиров, форс, араб тиллари ва адабиёти билимдони, тасаввуфнинг энг юксак тариқатига муяссар бўлган филология фанлари номзоди Қ.Муҳиддинов, форс тили ва адабиётининг етук намояндаси Жафар Ифтихор, аруз илмининг амалий билимдони, аруз вазида халқимизга манзур бўлган ғазаллар яратган шоир Чустий (Н.Хўжаев) ҳамда ёшлар: филология фанлари номзоди А.Каримов, филология фанлари номзодлари А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев, Н.Асилова, И.Носиров, З.Ҳамидов, Н.Хусанов, В.Раҳмонов, Ҳ.Бектемиров, Б.Бафоев, Л.Данилова, Л.Чичулина, И.Тажиддинова, И.Чайковскаялар фаол иштирок этишди.

Илмий жамоанинг тинимсиз саъй-ҳаракати билан тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” 1968 – 1982 йилларда тузилди ва 1983-1985 йилларда “ФАН” нашриётида чоп этилди. Луғат кўпчиликка манзур келди, матбуотда кўплаб тақризлар, фикрлар эълон қилинди. Чунончи, Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг “Ҳазиналар қалити” (Правда Востока, 16 февраль 1986 йил); филология фанлари доктори, профессор Н.А.Баскаковнинг “25 минг жавоҳир” (Известия, 13 март 1983 йил); филология фанлари номзоди Саидбек Ҳасановнинг “Жавоҳирлар хазинаси” (Ойдин, 1987, 5-сон); филология фанлари номзоди М.Имомназаровнинг “Туганмас хазина. Алишер Навоий асарларига 4 жилдли луғат” (Гулистон, 1986, 12-сон); филология фанлари доктори, профессор А.Шерматов ва Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти Умумий тилшунослик кафедраси доценти С.Ризаевнинг “25 минг жавоҳир” (Вечерний Ташкент, 20 январь 1986 йил); филология фанлари доктори, профессор Б.Ўринбоевнинг “Навоий асарларининг изоҳли луғати” (Жиззах ҳақиқати, 16 июль 1983 йил); филология фанлари номзоди, доцент С.Ризаевнинг “Жавоҳирлар хазинаси” (Совет Ўзбекистони, 9 апрель 1983 йил); филология фанлари доктори, профессор Andras J.E. Bodrogligetining Chagatay or classical Uzbek? (Türk dilleri Araştırmaları. Ankara, 1993) шулар жумласидандир. Ушбу тақризларда “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” га ҳолисона баҳо берилган. Кези келганда айтиш жоизки, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”ни тузишда Ҳ.Дадабоевнинг ҳам ўз ўрни бор: Ҳ.Дадабоев Қ.Муҳитдинов билан ҳамкорликда Алишер Навоий насрий асарларининг луғатини тузган. Э.Фозилов билан биргаликда иш жараёнида I-III томларга кирмай қолган сўз ва ибораларни аниқлаган ва уларнинг изоҳини берган. Шунингдек, қўлёзмани нашрга тайёрлашдаги техник ишларда Н.Асилова, Б.Юсупов, Н.Шораҳмедова, И.Тождиддиновалар каторида Ҳ.Дадабоев ҳам иштирок этган.

Тўрт жилдди лугат тузувчилари ҳеч қачон мукамал изоҳли лугат яратдик, деб даъво ҳам қилишмаган. Бундай лугатни яратишда матишуносликда ҳал бўлмаган жуда кўп жумбоқлар бор. Алишер Навоийнинг ҳақиқий том маънода илмий ишлари яратилмаган. Навоий асарларининг қадимий нодир қўлёзмалари тўла ҳолда Ўзбекистонда жамланмаган. Навоийнинг ҳар бир асарига мукамал лугатлар тузилмаган. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар томонидан тузилган ва 1972 йилда чоп этилган “Навоий асарлари лугати” дан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

1) шоир асарлари тилининг сўз бойлигини тўлароқ қамраб олган. П.Шамсиев ва С.Иброҳимов лугатида 11626 сўзга изоҳ берилган. Тўрт жилдди “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” да 25 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларига изоҳ берилган;

2) изоҳли лугатда ҳар бир сўз, ибора, фраза, қўшма, жуфт сўзларга изоҳ берилиб, Навоий асарларидан олинган фактик материаллар билан тасдиқланган. Бу намуналар Навоий асарларининг қайси нашрида, саҳифа ва айрим ўринларда, саҳифа сираси ҳам қайд этилган. Бу ҳолат Навоий тилига бағишланган бошқа бирор бир лугат ва лексикографик асарларда йўқ;

3) тўрт жилдди изоҳли лугатда оммавий нашрларда содир бўлган хатолар, нотўғри ўқилган сўзлар имкони борича тузатишлар, уларнинг тўғри ўқилиши кўрсатилган;

4) “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” да шоир асарлари бўйича тузилган лугатларнинг деярли ҳаммаси ҳақида тўла маълумот келтирилган ва бу лугатлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг муаллифлари номма-ном тилга олиниб, уларнинг хизматлари ҳурмат билан қайд қилинган;

5) “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” да иштирок этган ҳар бир мутахассиснинг қилган иши, унинг бу лугатнинг яратилишида нималар билан иштирок этгани очиқ-ойдин санаб ўтилган ва аниқ кўрсатилган;

6) “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” да шарқ филологларининг асарлари, шарқ лугатчилиқ аъёнлари, ғарб тилларида чоп этилган лугатлардан илк бор тўла фойдаланилган;

7) тўрт жилдди лугатни тузишда тажрибали, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган оқсокол олимлар билан ҳамкорликда ёшларнинг қатнашиш имконияти яратилган ва бунда ўндан ортиқ истеъдодли ёшлар иштирок этган, улар лугат муаллифлари сирасидан ўрин олган. Натижада лугатни тузиш жараёнида тарихий лексикология, лексикография, ономастика, матишунослик соҳасида ҳақиқий мутахассислар, фанлар номзодлари ва фанлар докторлари, профессорлар етишиб чиқди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоев Навоий лугатини тузишда фаол иштирок этган шундай олимлардан биридир.

Маълумки, ўзбек халқининг бой ўтмиши, тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, русуми, урф-одати аجدодлардан мерос бўлиб қолган миллий қадриятлар, ёдгорликлар ва кўпдан-кўп ёзма манбаларда ўз ифодасини топган.

Ҳ.Дадабоевнинг илмий меҳнатлари самараси бўлган, 2008 йилда “Университет” нашриётида чоп этилган “Тарихий ҳарбий терминлар лугати” тарихий лугатчилик йўналишида ташланган муҳим қадамдир. Бу лугат тарихий асарларни ўрганиш, уларнинг тилини тушуниш, турли даврларга оид терминларнинг моҳиятини очишда бениҳоя зарур илмий манбадир.

“Тарихий ҳарбий терминлар лугати” қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили обидаларида кенг қўлланилган, ҳозирда истеъмолдан чиққан ёки архаиклашиб қолган сўзлар асосида тузилган. Лугатда Ўрхун-Энасой битиклари, эски туркий тил обидалари ва эски ўзбек адабий тили манбаларида қўланишда бўлган, ҳозирги кунга келиб тарихий ёки архаик сўзлар сирасига кириб қолган мингга яқин ҳарбий терминлар жой олган, уларнинг маъно нозикликлари аксарият ҳолда ёдгорликлардан келтирилган ашъвий мисоллар ёрдамида очилган.

Лугат мақолалари қатъий алифбо тартибида тузилган, ҳар бир термин йирик қора ҳарфлар билан терилган. Лугатдан ўрин олган мисолларнинг қайси асарга оидлиги аниқ кўрсатилган. Ашъвий мисоллар ҳам қўлёзмалардан, ҳам нашрлардан олинган. Лугатда терминлар асос қилиб олинган, бироқ тарихий воқеликни кўзда тутиб, баъзи бирикмаларни ҳам келтирган. Айрим ўринларда бир сўзнинг турли фонетик шакллари бир лугат мақолада берилган.

Шаклдош сўзларнинг ҳар бири алоҳида мақолаларда бош сўз тарзида келтирилиб, рим рақамлари билан бир-биридан фарқланган. Синонимлар алифбо тартибда ўз ўрнида бош сўз тарзида берилиб, мустақил изоҳланган.

Ҳ.Дадабоев лугатни тузишда Древнетюркский словарь (–Л., 1969), Девону луғотит турк (нашрга тайёрловчи С.Муталибов, т. I – III, Тошкент 1960 – 1963), Вельяминов-Зернов. Словарь джагатайско-турецкий (СПб., 1868), Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий (Т. I – II СПб., 1869, 1871), Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий (Т. I –IV СПб., 1893 – 1911). Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века (Т. I – II Ташкент, 1966, 1971), Наджил Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. (Книга I. –М., 1979), Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на гласные (–М., 1974), Gronbech K. Komanisches Wörterbuch. Türkisches Wortindex in Codex Cumanicus (Kopenhagen, 1942), Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente im Neuperzischen (Bd. I – IV. Wiesbaden/ 1963 – 1975), Алишер Навоӣ асарлари тилининг изоҳли лугати (Т., I – IV. Тошкент, 1983 – 1985) ва муаллиф томонидан тахминан 25 йил давомида қўлёзма ва нашрлар асосида тўпланган ҳарбий терминлар картотекасида истифода этилди.

Ҳ.Дадабоев “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”ни тузишда, аниқроғи, унга мақолалар беришда ҳам самарали меҳнат қилди. Лугатнинг 1-жилдида қуйидаги тарихий термин ва сўзларнинг изоҳини берди: *авурта, адуббанд, аёқчи, ажзчи, айғучи, алай, аламдор, алаф пули, албо, аллоф, алп, алпагут, алтмиш, анқара жанги, арқиш, аргадал, асас, асиғ, атка, ахтачи, ақча, бавурчи, баковул, барангар, баргуствон, барият, барзу, башқиян, бақир, бақирчи, баҳодир, бек атка, берт, билод*; 2-жилдида қуйидаги сўзлар ва тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларни берди: *Билса хоқон, борини, будал,*

Бумин, бутлуқ, булорук, бўлжар, висоқ, висоқ боши, геттман; 3-жилдда куйидаги сўзларни берди: даҳа, донишмандчохон, доруза, ёвар, ёргучи, жабеу, жанггоҳ, жанги лой, жарчи, жиловдор, жондор, жувангар; 4-жилдда: Илѐсхўжа, илгор, иноқ, камингоҳ, камончи, катта гўл, колонна; 5-жилдда: конвой, контратака, курен, манжаниқ, манзилгоҳ, манглай, марзбон, Меҳмед I, Меҳмед II Фотиҳ, мингбоши; 6-жилдда: мирохур, мункэ, мурод, муҳтасий, мўлжар, мўрчил, нойиб, номунтазам кўшинлар, нўён, нўгай, омил, отлиқ аскарлар, пайза, пайкон, палахмон, Панипат жанглари, парвоначи; 7-жилдда: пешкаш, тистирма, Помпей, понсод, раис, Сайфуддин, саркор, саркуб, Сарой Берка, Сарой Боту, саройчик, сарҳанг, сафар, серторий, Синд дарѐси бўйидаги жанг, сипоҳий, сипоҳсолор, совут; 8-жилдда: Сомий Шамсуддин, соқа, соҳибқирон, субоши, Султон, Султон Маҳмудхон, сурон, Суюрғатмишхон, суюргол, табарзин, тавачи, тахт, тегин, Темур малик, Темур хоқон, Темур Кутлуг, Темур ҳарбий санъати, терек дарѐси бўйидаги жанг; 9-жилдда: тўлғам, тўпчибоши, тўфанг, Тўхтамишхон, Тўқтайхон, Умаршайх мирзо (1), Умаршайх мирзо (2), фаланга, Филипп II, Хадичабегим, хазиначи, хандақ, хон, Хонзодабегим, Хонзода (Севинбека) бегим, чагдавул, черик, Чингизийлар, Чингизхон, Чингизхон ясоси, Чигатойлар, Чигатой улуси, Чигатойхон, чопар, чоповул, чопкун, чухра, чухра оқоси, Чўлпон Мулк ого; 10-жилдда: элчи, Эсон Давлатбегим, юртчи, ясол, ясоқ, ясоқчи, ўлжа, ўрда, Ўқтойхон, ўруқ, қалқон, қанот, қилиқ, Қозонхон, Қорачар нўён, қоровул, кубчур, кумбул, Кутлуг Нигор хоним, кўл, кўшин, ҳафтон, ҳашар, ҳировул, ҳожиб, Ҳожси Барлос, Ҳусайн ибн Мусаллаб каби бир қанча сўзлар, тарихий шахслар ва терминларнинг изоҳини берган.

Умуман, луғатнавис Миллий энциклопедиянинг 10 та жилдида 182 та тарихий сўзлар, терминлар ва шахслар ҳақидаги маълумотларни киритди. Сўз ва терминларнинг изоҳи, тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларнинг алифбо тартибидеги баёнини берди. Филология фанлари доктори, профессор Х.Дадабоев ўзбек луғатшунослигида ўзининг ўрнига, луғатларига эга сержмаҳсул олим ҳисобланади.

Шонра Усмонова,
ф.ф.д., профессор

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОЛОГИЯСИНИНГ МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур”¹ деган фикрларини ўзига дастуриламал қилиб келаётган фидоий инсонлардан бири – устозимиз филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоевдир.

Х. Дадабоев туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигининг ривожига, айниқса, лексикология соҳаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тилнинг

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 63

лексик сатҳини диахроник ва синхроник аспектада чуқур ўрганган забардаст олимлардан биридир.

Ҳ. Дадабоевнинг тилшунослик фаолиятида сўзнинг тадқиқи билан боғлиқ масалалар етакчи ўрин эгаллайди. Сўзни ўзида улкан қувватни жамлаган контейнерга ўхшатиш мумкин. Бундай юкни кўтариш, ундан фойдаланиш тилшуноздан катта мағнат ва машаққатли меҳнат талаб қилади. Шу маънода кўп йиллардан бери бу соҳада фаолият олиб бораётган заҳматкаш олимнинг ишлари таҳсинга лойиқдир.

Ҳ. Дадабоевнинг эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили лексикологияси билан боғлиқ қарашлари *Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв.* (Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Ташкент, 1994), *Эски ўзбек адабий тилидаги араб ва форс-тожик тилларига оид ўзлашмалар* (Илм зиёидир. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2006), *Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи* (Тошкент, 2007), *Илк эски туркий тилдаги антонимлар* (Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент, 2010), *XVI аср ўзбек насридаги архаик лексика хусусида* (*FarDU ilmiy xabarлари*, №4, 2015) ва бошқа асарларида ўз аксини топган.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил ва эски туркий тилнинг катта ҳиссаси Ҳ. Дадабоевнинг тадқиқотларида кенг ёритиб берилганлигини кўриш мумкин. Бинобарин, олимнинг қайд этишича, қадимги туркий тил (VII-X) ва илк эски туркий тил (XI-XII) манбалари сўз бойлиги XIV асрнинг иккинчи ярмидан ўз шаклланиш ва тараққий ёўлига тушиб олган қариндош туркий тиллар, чунончи, эски ўзбек адабий тили лексикасининг асосини ташкил этади. Изланишлар XI-XIV аср туркий манбаларида ишлатилган 700 ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминларнинг 645 таси эски ўзбек тилида қўлланишда давом этганлигини кўрсатган¹. Эски ўзбек адабий тили лексика бойлигининг салмоқли қисмини белгилловчи баъзи сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳамон қўлланишда давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, 1969 йили нашр қилинган “Қадимги туркий луғат” (*Древнетюркских словарь*) қадимги туркий тил ва эски туркий тил лексик фондини акс эттирган бўлиб, унда изоҳланган сўзларнинг 2500 тадан ортиғи шаклан ва мазмунан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сўзлар билан айнан мос келиши, айни чоғда, луғатдан ўрин олган 2000 тага яқин сўзнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамаслиги аниқланган².

Ҳ. Дадабоев Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг лингвистик хусусиятларини атрофлича ўрганиб, уни қорахонийлар даври эски турк тили хусусиятларини ўзида мужассам этган, туркий тилларни қиёсий аспектада ўрганишга асос солган асар сифатида баҳолайди. Бинобарин, “Девону луғотит турк”да турк тили (ҳокония турклари тили)га оид лингвистик хусусиятларни асосан ўғуз ва қипчок, чигил, яғмо, тухси тилларига муқояса қилинганини кўрсатиб беради. Шунингдек, олим “Девон”да қайд этилган

¹ Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Автореф. дисс. докт. филол. наук. –Ташкент, 1992. –С.12.

² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: Фаң, 1985. –Б. 73,75.

тиллarning фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари ҳозирги қардош туркий тиллар, алалхусус, ўзбек тилининг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини белгилашда алоҳида илмий аҳамият касб этади, деган хулосага келади.

Ҳ. Дадабоевнинг З.Ҳамидов ва З.Холманова билан ҳамкорликда яратган “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи” (Тошкент, 2007) монографиясида XIV асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидаги ўзбек адабий тили лексикаси шу даврда яратилган илмий, бадиий ва тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган. XIV аср иккинчи ярми – XX аср боши ўзбек адабий тили тизимида содир бўлган ўзгаришлар, турли лексик, генетик-стилистик қатламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбек адабий тили, айниқса, XIV – XV асрларда – Темурийлар даврида ривожланишнинг янги, энг юксак босқичига кўтарилди. Бу даврда ўзбек миллий тили бутун миллат учун муштарак бўлган, меъёрланган, кўп вазифали адабий тил ҳамда нутқнинг ностандарт оғзаки турларини ўзида намоён этувчи мураккаб ҳодиса тарзда майдонга чиқади. Адабий тил миллий ўзбек тилининг меъёрий шакли сифатида бой ва кўп қатламли лексик тизимга эга бўлган. Монографиянинг “Ўзбек адабий тили лексикасининг Алишер Навоийгача бўлган даврдаги тараққиёти XIV аср иккинчи ярми – XV аср биринчи ярмида ўзбек адабий тили лексикасида содир бўлган асосий жараёнлар” деб номланган I-бобида эски ўзбек адабий тили лексикаси таркибидаги умумтуркий ва эски ўзбек адабий тилига мансуб бўлган лексика ўртасидаги асосий тафовутлар ёритиб берилган. Лисоний узусдаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларга таъсир кўрсатган лингвистик ва экстралингвистик омиллар кўрсатиб берилган. Мазкур даврдаги фаол ва нофаол лексика даражаси аниқланиб, унинг ўз қатлам ва ўзлашма қатлам, хусусан, санскритча, сўғдча, хитойча, мўғулча, арабча ва форс-тожикча ўзлашмалар ҳисобига бойиши масалаларига диққат қаратилган.

Ҳ. Дадабоев омонимия, синонимия ва антонимия масалаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, олимнинг “Илк эски туркий тилдаги антонимлар” (Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент, 2010) номли мақоласида “озод, бўш” маъносидagi *бош* лексемасига антоним сифатида “эрксиз, қарам, ўзга кишининг мулки” семемали *қул* сўзи келтирилган. *Бош* сўзининг умуман барча шахсларга нисбатан қўлланиши, *қул* лексик бирлиги билан эса асосан эркак хизматкорлар, қаролларнинг номланиши таъкидланган. Шунингдек, чўри, жорняларга нисбатан *кўн*, “озод хотин” маъносида қўлланилган *бош урағут* бирикмасининг маъно фарқлари очиб берилган.

Ҳ. Дадабоев туркий тиллар ва ўзбек терминологиясининг жонкуяр тадқиқотчиларидан бири сифатида ҳам эътироф этилган. У кишининг қатор илмий асарлари XI–XIV асрлар эъза ёдгорликлар тилидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва астрономик терминлар тадқиқига бағишган. Маълумки, туркий тилли қабилалар қадимдан Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Шарқий Европа ва ҳ.к. қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйишган. Бундай муносабатлар натижасида дипломатик лексика шаклланган. XI–XIV асрлар эъза ёдгорликлар тилидаги дипломатик лексика

туркийшуносликда илк бор Х. Дадабоев томонидан 1) дипломатик шахс номларини ифодаловчи терминлар; 2) давлатлараро дипломатик муносабатларни ифодаловчи терминлар; 3) дипломатик хужжатларни ифодаловчи терминлар каби мавзуий гуруҳларга таснифланиб ўрганилган. Шунингдек, олим томонидан XI–XIV асрлар ёзма ёдгорликлар тилидаги 100га яқин коинот илми терминлари тадқиқотга тортилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ўзбек илм аҳли олдига улкан вазифаларни қўйди. Фармонда энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги куннинг ўта долзарб масаласи сифатида қайд этилди. Устозимиз профессор Ҳамидулла Дадабоев ҳам бугунги кунда мазкур фармонда белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида талабаларга сабоқ бериш билан бирга, таълим сифатини ошириш йўлида замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратмоқда. Кенг қамровли илмий изланишларини давом эттирмоқда, қатор катта илмий-ҳодим изланувчилар ва мустақил тадқиқотчиларга раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, республиканинг турли олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқотларига илмий-назарий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Тилшунослик фанининг жонкуяри, фидойиси, меҳрибон устозимиз профессор Ҳамидулла Дадабоевни қутлуг сана билан табриклаймиз. Мухтарам устозимизга сихат-саломатлик, узоқ умр, рухий тетиклик, илмий-педагогик фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз. У кишига янги, забардаст асарлар яратиш йўлида яратгандан куч-қувват сўраб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –176 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи. 2016 йил 14 май, № 94 (6529).
3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.
4. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. Автореф. дисс. докт. филол. наук. –Ташкент, 1992.
5. Дадабоев Х. Старотюркская дипломатическая терминология // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Ташкент: Фан, 1994. –С. 4-13.

6. Дадабоев Х. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв. // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. –Ташкент: Фан, 1994. –С. 32-43.

7. Дадабоев Х. Эски ўзбек адабий тилидаги араб ва форс-тожик тилларига оид ўзлашмалар // Илм зиёди. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2006. –Б. 55-58.

8. Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. –Тошкент: Фан, 2007. –156 б.

9. Дадабоев Х. Илк эски туркий тилдаги антонимлар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 59-65.

10. Дадабоев Х. XVI аср ўзбек насридаги архаик лексика хусусида // FarDU ilmiy xabarları. №4. 2015. –Б. 57-60.

**Зулхумор Холмонова,
ф.ф.д., профессор**

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ХОРИЖДАГИ ТАРҒИБОТЧИСИ

Шундай инсонлар борки, Ўзбекистон қудратини илмий салоҳияти орқали дунёларга танитади. Жаҳон афкор оммаси уларнинг сиймосида Ўзбекистонни, суратида ўзбек халқини, сийратида ўзбек маънавиятини, маданий даражасини кўради. Ана шундай олимлардан бири самимий инсон, таниқли олим Ҳамидулла Дадабоевдир.

Ҳамидулла Дадабоев ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларига доир масалаларда ўз фикрига, қарашларига эга бўлган олимдир. Устознинг, айниқса, тил тарихи, тарихий лексикология, терминология соҳаларидаги фаолияти таҳсинга лойиқ. Ҳамидулла Дадабоевнинг мазкур соҳаларга доир илғор қарашлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур. Хориж тилшунослари олимни Туркия, Қозоғистон, Германия, Озарбайжон давлатларида бўлиб ўтаётган халқаро анжуманлар, тил қурумлари, қурултойлардаги чиқишлари орқали яхши билишади. Устоз доимий равишда “Uluslarasi türk dili kurultayı”да иштирок этиб келади.

Ҳамидулла Дадабоевнинг ёзув турлари, эски ўзбек ёзуви, транскрипцияни мукамал билгани тил тарихи борасида долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзуларда иш олиб боришига замин ҳозирлаган бўлса, турк, қозоқ ҳамда немис тилларини яхши ўзлаштиргани хориж илмий доирасида салмоқли фаолият олиб боришини таъминлаган.

Олимнинг хориж илмий доирасидаги чиқишлари тилшуносликнинг турли масалаларига оиддир. Устознинг хориж илмий доирасидаги фаолиятини мантиқан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Профессор Ҳамидулла Дадабоев ўзбек адабий тили тарихи билан боғлиқ ҳолда тарихий асарлар тили, услуби, лексикасини, мазмун-моҳиятини мукамал билган олим ҳамдир. Устоз томонидан хорижда эълон қилинган бир қатор мақолаларда тарихий асарларнинг тил хусусиятлари, лексикаси, семантикаси ёритилган.

“Девону луготит турк” туркий оламдаги тенгсиз хазина бўлиб, бу лугатни турли жихатдан тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослиги учун бой материал беради. Ҳ.Дадабоев 2008 йилда Анқарада ўтказилган “Uluslararsi Turk Dili Kurultayi”да “Девону луготит турк”да аёл жинсини ифодаловчи лексемалар (Devan-u Lug’atit Turkda Kadın Jinsini ifodalavci Leksemalar)ни таҳлил қилиб берди. Бу мақола тарихий асарга гендерология жихатидан ёндашув асосида юзага келган бўлиб, тил тарихи масалаларини социолингвистик аспектда таҳлил қилиш имкониятини намён қилади.

Ўзбек наsrининг илк намунаси бўлган “Қисаси Рабғузий”ни ўрганишда ва тадқиқ қилишда Ҳ.Дадабоевнинг алоҳида ўрни бёр. Даставвал, устоз ушбу асарни жорий алифбода нашр қилдиришда фаол иштирок этди. Бу нашр “Қисаси Рабғузий”ни кенг жамоатчиликка етказишда асосий манба сифатида хизмат қилмоқда. Хориж мутбуотида, илмий конференцияларида устознинг “Қисаси Рабғузий” лексикасига доир бир қатор мақолалари эълон қилинган. Жумладан, XIV аср эски туркий тил лексикаси шаклланишида “Қисаси Рабғузий” лексикасининг ўрни масалалари ёритилган (Қазахский язык на стыке веков: Теория, история и современное состояние, Алматы. 2007).

Замонавий туркология: назария, амалиёт, истиқбол мавзусидаги II Халқаро Туркология конгрессида “Қисаси Рабғузий” тилидаги туркий лексемалар семантикаси ҳақида сўз юритилган (Туркистан, 2006).

Ҳамидулла Дадабоев номзодлик, докторлик диссертацияларини тайёрлаш жараёнида тарихий асарларни кўп ўрганди. Тарихий асарлар лексикасини таҳлил қилар экан, бевосита унинг мазмунига доир фикр-мулоҳазаларини ҳам баён этади. Бу фаолиятини докторлик диссертациясидан кейин ҳам давом эттирди. Республикада, хорижда эълон қилган мақолаларида тарихий асарлар тилини таҳлил қилди. III uluslar arasi turk dil qurultoyida (Anakara, 1999) Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари лексикаси, мазмуни, тил тараққиётида тутган ўрни борасида фикр билдирди.

2014 йилда Чимкентда ўтказилган “Кўп тиллилик ва этномаданият” масалаларига бағишланган Халқаро конференцияда (Проблемы полиязычия и этнокультуры. Шымкент 2014) биринчи ўзбек тарихий достони бўлган “Шайбонийнома”даги эски туркий тил лексик қатлами борасида маъруза қилди.

“VIII Milletlerarasi Turkoloji Kongresi” (Istanbul, 2013)да XVI аср ўзбек насридаги архаик сўзлар семантикаси ҳақида сўз юритди.

Олимнинг тарихий асарлар тили хусусидаги фикр-мулоҳазалари “Türkologiya (Веунәхәлq elmi jurnal)”да эълон қилинган мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган. Шарафиддин Али-Яздийнинг эски ўзбек тилига қилинган таржимаси лексик хусусиятларига бағишланган мақоласида XVI аср бошларида Муҳаммад Али ал-Бухорий томонидан форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига ўгирилган матннинг лексик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Профессор Ҳ.Дадабоевнинг илмий доирадаги чиқишларида тарихий морфология, аффиксация масалалари таҳлили ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, олим аффиксларнинг тарихий шакллари, уларнинг грамматик хусусиятлари борасида муҳим фикрларини ўртага ташлаган. Масалан, “Türk dil

kurumu. V uluslar arasi türk dili kurultayi” (2004, 20 Eylül – 26 Eylül) йиғинидаги Tarixiy asarlar tilidagi *-miş(i) -miş(i) affiksli leksemalar paradigmasiza* бағишланган маърузасида ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихи ўз инъикосини, шубҳасиз, ўзбек тилида топиши, узоқ давом этган тараққиёт босқичида ўзбек тили сўз бойлиги ва лексикасида ранг-баранг семантик жараёнлар содир бўлгани, тилнинг фонетик ва грамматик қурилиши лисоний қонуниятлар, экстралингвистик омиллар таъсирида такомиллашиб бориши, адабий тилнинг мавқеи кучайиб, тилнинг барча сатҳлари, айниқса, лексик-семантик сатҳи сезиларли даражада ўзгаришларга учрагани ҳақида сўз юритади. Олим шаклан сифатдош ясовчи *miş-miş* аффиксига ўхшаш от ясовчи *miş(i)-miş(i)* кўшимчали лексемаларнинг миқдори чигатой адабий тили обидаларида кам учрашини таъкидлайди. *miş(i)-miş(i)* аффиксли сўзлар Огаҳийнинг (XIX аср) “Зубдат ут-таворих” (*-nikâmişi* “айғоқ, разведка”) ҳамда Мирхонднинг “Равзату ус-сафо” (*yasamişi* “жанговар тартиб”, *siyurgamişi* “инъом, тортиқ”) асарларида учрашини айтиб ўтади. Тарихий манбалар тилида мавжуд лингвистик ҳодисаларни диахрон аспектда тадқиқ этиш тил тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун хизмат қилиши, узоқ давом этган тараққиёт босқичида ўзбек тилининг шаклланишида қадимги туркий, эски туркий ва, айниқса, чигатой адабий тилининг ўрни бекиёс эканлиги, шу боис ўзбек тили ривожланиш босқичлари билан боғлиқ лингвистик ҳодисаларни атрофлича тадқиқ этиш ўзининг долзарблигини ҳануз сақлаб қолаётганлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Х.Дадабоевнинг бир қатор мақолалари ижтимоий-сиёсий, ҳарбий терминологияга бағишланган. Масалан, “Osmanlı dünyasında bilim ve eğitim”. Milletlerarası Kongresidagi (İstanbul, 12-15 Nisan 1999. İstanbul 2001. Tebliğler) “Osmanlılar davri harb işi” мақоласида тарихий манбалардаги ҳарбий лексика, ўрта асрларда турк ҳукмронлиги давридаги ҳарбий тизим ва уни ифодаловчи бирликлар таҳлил этилган.

Устоз Қазақстан Республикасы Мәдениет министрлігі Тіл комитеті томонидан 2011 йилда Астанада ташкил этилган Туркі тілдес елдердін терминқор қалыптастыру тәжірибеси мавзусидаги конференцияда ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминологияси тараққиётига доир маъруза билан иштирок этди. Маърузасида ёзма ёдгорликларда кузатиладиган ижтимоий-сиёсий терминология ўзбек адабий тили тараққиёти ва эволюцион босқичларига доир муҳим материал бериши, тарихий лексикологияни, ўзбек тили этимологик, терминологик луғатларини яратишда ўзига хос аҳамият касб этишини таъкидлади.

2008 йилда Алмати шаҳрида бўлиб ўтган “Тил жене жахандану: бугуни мен болашыгы” атты халыкаралык ғылыми-теориялык конференцияда VII-X асрларга оид қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги ҳарбий лексика борасида фикр билдирган.

2011 йилда Астанада бўлиб ўтган “Туркі тілдес елдердін терминқор қалыптастыру тажірибеси” мавзусидаги халқаро йиғинда ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминологияси ривожі ҳақида сўз юритди.

Мухаммад Хайдар давридаги туркий халқлар ҳарбий санъати ҳақида чиқиш қилди. Қозоғистонда ўтказилган терминология масалаларига бағишланган конференцияда Оғаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминология мавзусида маъруза қилди.

Москвада ўтказилган конференцияда XI – XIII асрлар қадимги туркий тил ёзма ёдгорликларидаги маъмурий тип ва титулларни ифодаловчи терминлар ҳақида маъруза қилган (тезисы докладов XIX сессии. М., 1986. с.).

Оңтүстік Қазақстан педагогикалық университетінің 25 жылдық мерейтойына және педагог-ғалым Юнусов Бахтияр Саидұлын еске алуға арналған “Заманауи бәсекелестіктегі жоғары білім және дамытудың мәселелері мен перспективалары” атты халықарық ғылыми-тәжірибелік конференциясы (II-том. 30-наурыз Шымкент 2017)даги чиқишда ўзбек тилидаги терминларнинг мотивлашиш жараёни ҳақида сўз юритилган. Узоқ тарихий тараққиёт даврида ўзбек халқи бошқа халқлар билан сиёсат, иқтисод, маданият, фан ва тил борасида муайян алоқада бўлиб келганлиги, натижада ўзбек тилининг луғат таркиби ўзгарганлиги, адабий тил янги тушунчалар ва реалиялар билан бойинганлиги, ўзбек тилига келиб чиқиши жиҳатидан турли тилларга мансуб бўлган сўзлар, терминлар ўзлашгани ҳақида маълумот берилган.

IV улусларо туркологлар анжумани (Анкара, 2007)даги маърузада чигатой адабий тилидаги мўғулча ўзлашмалар таҳлил қилиб берилган.

Х.Дадабоев хориж илмий доирасидаги фаолиятида нафақат туркий тиллар, балки туркий тилларнинг бошқа тил оилаларига муносабати масалаларига бағишланган чиқишлар ҳам мавжуд. Бу чиқишларда туркий ва герман тилларидаги лексик параллелизмлар, уларнинг маънолари, ўзлашиш омиллари изоҳланган (*Usbekisch-deutsche Studien II/ Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. Berlin –Taschkent, 2007*).

Х.Дадабоев Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам салмоқли иш олиб борган олимлар фаолиятини тарғиб қилишда, оммалаштиришда, хориж илм аҳлига таништиришда ҳам фаол ҳисобланадилар. Олимнинг *Türkologiya/ Веунәхалқ elmi jurnal* (№ 1, ВАКИ – 2015)ида эълон қилинган Фазылов Эргаш Исмаилович фаолиятига бағишланган мақоласи таниқли турколог олим фаолиятининг асосий қирраларини ёритишга қаратилган.

Х.Дадабоев тил тарихи, ҳозирги тилшунослик соҳалари бўйича яхши мутахассис бўлиш билан бир қаторда, тилшуносликнинг замонавий йўналишлари: социолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, компьютер лингвистикаси масалалари бўйича ҳам алоҳида қарашларга эга. Жумладан, компьютер лингвистикаси, унинг тараққиёт йўналишлари, шаклланиши, ривожланиши ҳақида ҚИПХДУ-ниң (бўрынғы ОПКУ) қўрылтайшысы Б.С.Юнусовтың – 60 жылдығына (1954-2010) арналган “Жастардың заманауи кәсіб тандауы және оларды білікті маман ретінде қалыптастырудың өзекті мәселелери” атты халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференциясы (I том, Шымкент, 2014)да маъруза қилди. Маърузада ўзбек компьютер лингвистикасининг тарихи, ҳозирги ҳолати, истиқболи ҳақида сўз юритди. Компьютер лингвистикасининг мантиқан математик лингвистиканинг

давоми эканлиги, амалий тилшуносликнинг муҳим тармоқларидан бирига айлангани, бугунги кунда компьютер лингвистикасининг олдида турган муҳим вазифалардан бири ўзбек тилидаги ахборот услубини яратишдан иборатиги таъкидланган.

Олимнинг хориж илмий конференцияларидаги ҳар бир чиқишлари иштирокчилар томонидан кизгин қарши олинган ва диплом, сертификатлар билан рағбатлантирилган.

Профессор Ҳамидулла Дадабоев Ўзбекистон билан бир қаторда хориж илмий доирасида ҳам ўз йўналиши, ўз овози, ўз услубига эга олимдир. Олимнинг хориж матбуотидаги, илмий конференцияларидаги фикрлари, мулоҳазалари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда. Хориждаги маслақдошлар, илм аҳли профессор Ҳамидулла Дадабоевни қутлуг ёшлари билан муборакбод этиб, табрик номалари жўнатмоқдалар, дил сўзлари билан қутламоқдалар. Шу фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам сеvimли устозимиз, тил илми фидойиси Ҳамидулла Дадабоевни таваллуд айёмларининг муборак санаси билан қутлаймиз. Уларга узок умр, тансиҳатлик, илмий фаолиятларида бардавомлик, хориж илмий доирасидаги фаолиятларида улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

**Шарифа Искандарова,
ф.ф.д., профессор**

ТУРКИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Мен филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоевни илк бора 1999 йилнинг кузида докторлик диссертациямни якунлаб, ҳимояга чиқайтган кезларимда учратган эдим. Устоз Ҳамидулла Дадабоев Ихтисослашган кенгаш томонидан диссертациямга расмий оппонент сифатида белгиланган эдилар. Мен Ҳ.Дадабоевни немис тили бўйича мутахассис, терминология, тил тарихи соҳасидан етук олим сифатида билар эдим.

Ўша пайтлари домла Тошкент автомобиль-йўллар институтида кафедра мудири бўлиб ишлар эканлар. Расмий оппонентимнинг диссертация ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билиш учун институтни топиб бордим. Домланинг мўъжазгина хонасига бироз хавотир билан кирганимда, устоз берилиб ишга киришган, айрим ҳужжатлар устида ўтирган эканлар. Устоз диссертация юзасидан ўз тақризларини тайёрлаб қўйган эканлар, уни менга топширдилар. Ишнинг ютуқ-камчиликлари тўғрисида ўз мулоҳазаларини тушунтириб, аниқ маслаҳатларини бердилар.

Ўша кичик суҳбат орқали мен профессор Ҳ.Дадабоевни синчков олим, ҳалол ва самимий инсон сифатида яқиндан танидим. Шундан буён Устоз Ҳ.Дадабоевдан илмий-ижодий масалада тез-тез маслаҳатлар сўраб, ҳар гал домладан зарур ёрдамлар оламан. Профессор Ҳ.Дадабоев илмий жамоатчилик орасида ўзининг объектив қарашлари, масалага холис ёндашиши, вазиятни доимо тўғри баҳолаши орқали катта обрў қозонган олим.

Ўз илмий фаолиятини илк бора эски ўзбек тили лексикасининг тадқиқидан бошлаган олим кейинчалик туркий ёзма ёдгорликлар тили, хусусан, терминологияси бўйича жиддий илмий изланиш олиб бориб, мазкур йўналишда йирик мутахассис, зукко тадқиқотчи сифатида катта эътибор қозонди. Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб устоз маънавий меросимизни пухта ўрганиш, уни тадқиқ ва тарғиб этиш соҳасида самарали изланиш олиб бормоқдалар.

Ҳ.Дадабоев XI-XIV асрларга хос “Девону луғатит турк”, “Кутадғу билиг”, “Ҳибат ул ҳақойиқ”, “Қисаси Рабғузий”, “Гулистон-бит туркий”, “Тафсир”, “Муқаддимат-ул адаб” сингари манбаларни синчиклаб ўрганиш, уларни илмий асосда тадқиқ этиш билан бир қаторда, ўша давр терминологияси, ўрганилаётган бириклар этимологияси билан ҳам изчил шуғулланмоқдалар. Бугунги кунда устоз ўзининг тинимсиз изланишлари, мунтазам равишдаги изчил фаолияти натижасида нафақат республикамиз, балки туркийшуносликда ҳам тил тарихи, манбашунослик, терминология тарихи, лексикография соҳаларининг етакчи вакиллари билан бирга айланди.

Профессор Ҳ.Дадабоевнинг ўзи изланиш олиб бораётган соҳага доир юзлаб асарлари орасида XI-XIV аср туркий ёзма ёдгорликлар терминологиясига бағишланган “Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.” номли монографиясида (Ташкент: Изд-во “Ёзувчи”, 1991) мазкур даврга хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий терминлар доирасидаги маъмурий-ҳуқуқий, савдо-сотик, молиявий, синфий-табақавий, дипломатик ва бошқа ўнлаб соҳага оид терминлар функционал, лексик-семантик асосда таҳлил қилиниши билан бирга, уларнинг тарихий-этимологик хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Монография ўзбек тили тарихи, манбашунослик, терминология соҳалари раванкига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳозирга қадар мазкур асар долзарб, қимматли манба сифатида шу йўналишдаги қатор ишларга старлича замин тайёрлаб бермоқда. Умуман, Ҳ.Дадабоев томонидан яратилган асарлар туркий тиллар тарихи, терминологиянинг ажойиб намунаси сифатида бугунга қадар яратилаётган тадқиқотлар учун таянч вазифасини ўтаб келмоқда.

Профессор Ҳ.Дадабоев республикамизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам самарали меҳнат қилиб келаётган йирик олимлардан ҳисобланади. Шу кунга қадар Устоз раҳбарлигида 3 та докторлик, 8 та номзодлик диссертациялари тайёрланди, ўнлаб тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Қувонарлиси шундаки, унинг издошлари, шогирдлари ҳозирда устоз билан бир қаторда меҳнат қилиб, республикамиздаги илмий нуқтан назардан ўз қарашлари, ўрни, мавқеига эга бўлган олимлар сафига қўшилишган.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоевни муборак 70 ёшлари билан қутлаб, Устозга узоқ умр, мустақкам саломатлик, илмий-ижодий фаолиятларида янада улкан зафарлар тилаймиз. Соғ бўлинг, Устоз!

ТЕРАН ФИКРЛИ ОЛИМ

Илми хаётининг мазмунига айлантирган «Ҳамидулла» исми зиёли инсонлар кўп. Ҳайрон қоладигани мен билган ва таниган одош олимларнинг барчаси ўз иқтидорига, кўп қиррали илмий-иждоий салоҳиятга эгаллиги билан фанимиз ривожига, миллий маънавиятимизга муносиб ҳисса қўша олган зиёллар. Менга соҳадод Ҳамидулла Дадабоевни ҳам сира иккиланмай шулардан бири дея оламан.

Бугунги кунда табаррук ёшни қаршилаётган филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев ҳеч шубҳасиз ўзбек тилшунослиги илмига муносиб улуш қўшиб келаётган тилшунослардан. Бундан чорак аср муқаддам - 1992 йили докторлик диссертацияси сифатида муваффақиятли ҳимоя қилинган “XI-XIV аср туркий обидалар тилидаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология” мавзусидаги илмий тадқиқот иши ва бир оз кейинроқ чоп этилган “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати” (1996) номли монография ўшандаёқ олимнинг илмий салоҳиятини яққол намойиш қилган эди.

Атамашунос олим Ҳамидулла Дадабоевнинг 1983-1985 йилларда яратилган “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (4 жилдлик), 1990-1991 йилларда кирилл алифбосида чоп этилган Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (2 та китобдан иборат) каби нашрларнинг ҳаммуаллифи эканлиги ҳам унинг илмий-иждоий қамрови яқка мавзу, бир хил йўналиш билан чекланиб қолмаганлигини кўрсатади.

Унинг муҳаррирлигида ёки илмий тақризи билан нашр этилган дарслик, қўлланма, илмий тўпламлар ҳам олимнинг илмий талабчанлиги, синчковлигини рўй-рост кўрсатадики, буни сўнгги йилларда чоп этилган ишлар сирасидан англаш қийин эмас: “Систем тилшунослик асослари” (2007), “Ҳозирги адабий ўзбек тили” (1-2- китоблар) – 2010, “Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос” (2006), “Hozirgi adabiy o'zbek tili” (2006), “Global taraqqiyot va o'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari” (2017) ва х.к.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган ишларнинг барчаси илмий нашрлар олдига қўйилган жами талабларга тўлиқ жавоб бериши билан шу турдаги бошқа нашрлардан ажралиб туради. Шунингдек, ҳеч муболағасиз айта оламаники, профессор Ҳамидулла Дадабоевнинг ҳар бир мақоласи, ҳар бир чиқиши ўз илмий даражасини чуқур ҳис қилиб ёзилганлиги боис олим сифатида Аллоҳ унга насиб этган ушбу мақомга муносиб. Менинг наздимда уларнинг ҳар бири ўзига хослиги, илмий изчиллиги, баён қилиш услуби, мавзу моҳиятининг асосланганлиги билан диққатни тортади. Мақолалар сўнггида берилган ҳаволалар сираси фикримга далил бўла олади.

Ҳамидулла Дадабоевни илк бор тахминан 1990-1994 йилларда Ўзбек филологияси факультетида ўқув йили сўнгида ўтказиладиган Давлат имтиҳонлари пайтида кўрганман. Олим факультетимизга давлат имтиҳони комиссиясининг раиси сифатида таклиф қилинган эди.

Сир эмас, олий таълим тизимида ўқув йили якунида ўтадиган бу жараённинг мураккаблиги, унга мутасадди сифатида тавсия этилган шахс зиммасига юкланадиган вазифанинг ўта масъулиятли эканлиги шу соҳада фаолият олиб борувчи барчага аён. Ҳ.Дадабоевнинг эса мана шундай қизгин, якунловчи жараёнга ҳакам сифатида таклиф қилиниши, шунга лойиқ топилишининг ўзиёқ факультет жамоасида унга нисбатан илиқ муносабат уйғотган эди, ўшанда.

Факультет ўқув ишларини бошқаришдек масъулият зиммамда турган ўша йилларда профессор Ҳ.Дадабоевнинг ўзига юклатилган вазифага сидқидилдан ёндашгани ва билдирилган ишончга амал қилган ҳолда барча масалалар муаммолар ечимида ҳолисона, одилона йўл тутганлигининг гувоҳи бўлганман. Бу ДАК аъзоларининг сессия давридаги иш тартибини ташкил қилиш ва унга қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилганида кўзга ташланган. Аниқроғи, ҳар бир давлат имтиҳони, ихтисослик кафедраларида ўтадиган ҳар бир ҳимоянинг аввалдан белгиланган муддатларда, олий таълим тизими кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлашдек хилма-хил жараёнларни қамраб оладиган бу якуний босқичда бирон бир кўнгилсиз ҳолат кузатилмаган. Бу, сўзсиз, унга мутасадди шахснинг ички интизомига, одамийлик сифатларига ҳам боғлиқ бўлиб, худди мана шу нуктаи назардан имтиҳон ҳайъати раиси Ҳ.Дадабоев билан ҳамкорликда ишлаш қийин кечмаган. Назаримда, бунинг асосий сабаби таклиф қилинган инсонда масъулият ҳиссининг кучлилигида. Олим шахсиятидаги мана шу фазилатни факультетимизнинг ўша йиллардаги декани, азиз устозимиз филология фанлари доктори, профессор Иристой Кўчқортоев (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) тўғри илган эканлар.

Ҳеч муболағасиз айта оламанки, давлат имтиҳон ҳайъати раиси Ҳ.Дадабоев ўзига билдирилган мана шу ишончни тўлиқ уддалай олган. Ушбу вазифанинг ҳалол, холис, тартибли олиб борилганлигининг далили эса ўша жараёнлар акс этган қайдномаларда, имтиҳон ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Кейинчалик Ҳ.Дадабоев ҳам устозлик, ҳам “Умумий тилшунослик” кафедрасига раҳбарлик қилган даврларда олимнинг бошқа илмий-ижодий қирралари намён бўлди. Бу, аввало, уларда педагогик маҳорат, жамоани бошқара олишдек салоҳият мужассам топганлигини юзага чиқарди. Талабаларга юқори савияда, муаммоли тарзда, замон талаблари даражасида ўқилган маърузалар, долзарб мавзуларда ҳимоя қилинган диплом ишлари, кафедра аъзоларидан ҳар бирининг илмий фаолиятидаги ижобий силжишлар, узвийликда, кетма-кет чоп этилган сифатли илмий нашрлар, факультет илмий кенгашларида қилинган маърузалар - барча-барчаси Ҳамидулла Дадабоев фаолиятининг кўп қиррали эканлигини кўрсата борди.

Кузатганларимдан яна бири, Айюб Ғуломдай беназир устозларимизда кўрганам Ҳамидулла Дадабоев шахсиятида кўзга ташланадиган нозик дид, нафосатга мойиллик. Бунинг биргина мисоли улар маълум муддат раҳбарлик қилган кафедранинг жиҳозланишида, расмий қоғозлар тартибида, саранжом-саришталикда ва ҳатто иш столи устига қўйилган гулдондаги янги узилган

гуллардан тарқалаётган ифорда кўзга ташланиб турарди. Фаолиятим зарурати билан ҳар гал кафедрага кирганимда шу ҳолатни кўриб, дилим яйрарди ва ҳатто аёллар кўп кафедраларда ҳам бунақа ҳолатнинг йўқлигидан таажжубланардим. Шундай экан, кутлуғ ёш бўсағасида турган Ҳамидулла Дадабоевдек истеъдод эгаларини, ўз ички дунёсининг бойлиги билан миллий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланган тилшунослигимизга садоқати билан камарбаста бўлиб турган кенг қамровли, фидойи, сермахсул олимни, туркий обидаларнинг нуқтадон тадқиқотчисини эъозлашимиз керак. Бундай олимларнинг борлиги ўзбек миллатининг фахридир.

Мен ҳамкасбим Ҳамидулла Дадабевга мустаҳкам соғлиқ, илмда собитлик, оилавий хотиржамлик ва узоқ мазмунли умр тилайман.

Исҳоқ Носиров,
ф.ф.н., доцент.

НИЯТИ ПОК МАЪРИФАТЛИ ОЛИМ

Ҳар бир ёзишма тафсилоти маълум воқелик, кечинмаларда содир бўлган ҳаёт лавҳалари тасвири ва бу ўтмиш масофада инсон умри саҳифаларида битилган нек хислат-фазилатларнинг тарихий мажмуи.

Қалам тасвирига тортилган мавзу кадрли касбдошим, бегубор, самимий дўстим, маслакдошим филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоевнинг баракотли ҳаёт гулшани сафҳасида амалга ошган хайрли амалларининг мундарижасида сабт этилган бўстоннинг шукуҳидан бир лавҳа деб англамоқ лозим.

Ҳамидулла Дадабоев фасоҳат аҳлидан. Амали ҳам, юриш-туриши, равиши ҳам фасоҳатга тобе. Шайх Муслиҳиддин Саъдий “Ақл ва ишқ” рисоласида “Билгинки, зоҳирий илмдан мурод макорим ахлоқдир. Солик ботинида ўрнашган нафсоний иллатни тозаламай туриб, илоҳий мушоҳада сари йўл топа олмайди. Илм йўл очқувчи маёқдир”, деб таъриф беради. Ҳақиқатда, улуглар: илмнинг манбаи таҳсил, таҳсилнинг манбаи кунт, кунтнинг манбаи сабр-чидам деган ҳикматга Ҳамидулла Дадабоев қаъий амал қилиб, умрини илм, таълим-тарбияга бағишлади ва бу йўлда шараф топди. Олим томонидан эълон қилинган мақола, рисола, монография, қўлланмаларда таҳлил ва талқинга тортилган муаммоли мавзулар тадқиқи ўзга лингвистик мактаб тилшунослари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар билан қиёсланиб, илмий жиҳатдан янги, оргинал хулосалар чиқариш Х. Дадабоевга хос фазилат. Қўлланмаларнинг амаллий аҳамияти ва қадри шундаки, улар бевосита ОТМларнинг филологик таълим йўналиши ўқув жараёнида дарслик ва методик тавсиялар сифатида қўлланмоқда. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу тадқиқотлар фундаментал асосда яратилгани билан эҳтиром ва эътирофга сазавор. Рисолаларда тадқиқот объекти даражасида таҳлилга тортилган ўзбек тили тарихига оид обидалар, қўлёзмалар, матнлар тадқиқи тарихий лексикология, лексикография, семасиология ва ҳарбий терминологияга доир долзарб масалаларининг атрофлича ёритилиши, чиқарилган назарий хулосалар.

изланишлар натижаси ўзбек тилшунослиги ҳамда туркология соҳасида амалга оширилган жиддий илмий тадқиқотлар сирасига киради. Ҳ. Дадабоев илмий жамоатчилик орасида ўзининг илмий тадқиқот йўли, йўналиши ва услуби билан ажралиб туради. Ҳамидулла Дадабоев оддий тадқиқотчидан фан номзоди, филология фанлари доктори илмий даражасига, профессор унвонига сазавор бўлишида олимнинг илм заҳмати йўлида сабр-чидам билан босиб ўтган йилларини таҳлилга тортиш жоиз деб ҳисоблайман.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йиллари охирида машҳур тилшунос, тенгсиз шижоат соҳиб, устоз академик Эргаш Исмоилович Фозилов бошчилигида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти “Тарихий лексикология ва лексикография” бўлимида ҳазрат Мир Алишер Навоий асарлари тилининг мукамал изоҳли лугатини тузиш бўйича иш бошланган эди. Бўлимга қатор етук олимлар, жумладан, лугат илмининг йирик билимдони, “Фарҳанги забони тожикӣ”ни тузишда фаол иштирок этган “Мир Араб”, “Улугбек” мадрасаларини хатм қилган, араб, форс тиллари ва эски кўлёмалар бўйича етук мутахассис, Куръони каримни ёд олган, муҳтарам устоз Қутбиддин Муҳиддинов, араб тилини чуқур ўзлаштирган қори Абдулла Юнусов, исломшунос Юсуфхон Шокиров, эронлик олим Жафар Эфтихор, шоир ва шеършунос Набихон Хўжаев (Чустий), Жавқон Лапасов, Ноила Асилова жалб этилганди. Зиёдулла Ҳамидов, Ҳамидулла Дадабоев, Бердақ Юсупов, Исҳоқ Носиров каби бўлимнинг ходимлари томонидан 25 миллиондан ортиқ лексик бирликлар махсус қортекага олиниб, фонд тузилганди. 80-йилларнинг бошида Э.И. Фозиловнинг чет эл сафарига юборилгани босиб бўлимга раҳбарлик қилиш Ҳамидулла Дадабоевга топширилди. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”ни нашрга тайёрлаш, чоп этиш масъулияти унинг зиммасига юклатилди. Лугатнинг 1983-1985 йилларда “Фан” нашрети томонидан 4 жилдда чоп этилиши, салкам йигирма йиллик машаққатли меҳнат самарасидир.

Лугатни тузиш жараёнида Ҳ. Дадабоев рус ва ўзбек лексикографиясига доирда изоҳли лугатларда қўлланилган тартиб-усул, методларни чуқур ўзлаштириб, Э. Фозилов раҳбарлигида ҳар бир сўз-мақолани алифбо тартибида тизимлаштириб, лугатнинг илмий апаратини шакллантиришда фаол иштирок этди. “Тарихий лексикология ва лексикография” бўлимида самарали меҳнат фаолияти ва бу жараёнда қомусий билим соҳиблари, заковатли, улуг устоз-мураббийлар билан ижодий ҳамкорликда эришган, ортирган бой тажрибаси ёш олимни лексиколог-лексикограф бўлиб етишишида мактаб вазифасини ўтади. Бу йилларда илмий даргоҳда Ҳ. Дадабоев ўзлаштирган кўникма, малака, назарий-амалий билимлар унинг кейинги тадқиқотлари таҳлили, тадқиқи учун асос ва изланишларининг натижаси эса олим йўналишини шаклланишида таянч бўлди.

2008 йилда Ҳ. Дадабоев томонидан “Университет” нашриётида чоп этилган “Тарихий ҳарбий терминлар лугати” лексикография соҳасида амалга оширилган жиддий тадқиқотлардан бири саналади. Лугат сираси таркибига киритилган ҳар бир термин сўз-мақола сифатида изоҳланади. Уларнинг қайси ёзма ёдгорликларда учраши, қайд қилиниши, мисол тариқасига олинган

иллюстратив материалнинг манбаи, бети, асар номи, муҳораба, жангу жадал жараёнида қўлланиши, вазифаси, терминларнинг асл, туб, кўчма маъноси, сўз ясовчи аффикслар, кўмакчи феъллар воситасида ясалиши, изофали бирикма ва туркий бирикмаларда англашилган маънолар изоҳи, сўзларнинг фонетик таркиби, варианти, этимологик ишораси ва маъно тараққиёти, ўзлашган терминларнинг кўрсаткичи, уларнинг кўмакчи феъллар билан англашган маъно оттенкаси атрофлича тадқиқ қилинади ҳамда терминлар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг диахрон ва синхрон аспектида таҳлилга тортилади. Эътибор беринг: Қадимдан лугат тузиш ва тартиб бериш энг масъулиятли, оғир меҳнат талаб қиладиган мурракаб соҳа бўлганлиги сабабли камдан-кам олимлар жазм қилиб, бунга қўл урмаганлар. Шунинг учун ҳам аввалдан лугатнинг илм олдида эътибори юксак. Таърифга ҳожат йўқ. Рисоланинг ўқувчига тортиқ қилиниши осон бўлмаган, чунки муаллиф қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тилига оид эллика яқин тарихий обидалар, адабий ва бадий асарларни бирма-бир кўздан кечириб, уларда қўлланган мингдан ортиқ ҳарбий терминларни аниқлаб, жамлаб, бир қолипга солиб, изоҳлаб, нашр этиши машаққатли илм маҳсули ва бу таҳсинга лойиқ. Қалбида эзгулик жўш уриб турган, нияти покиза маърифатли кишиларгина бунга қодир.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “Сўз дуррининг тафовути мундин дағи бегоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдурур, андоққи, шарифидин ўлган баданга руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танға захри ҳалок хосияти зухур этар” деб, сўз латофати хусусияти ҳақида берилган таърифни, бизнингча, сўзнинг лиқосида мавжланган маъно мудроқ қалбга руҳ, жон бахш этса, унинг захри тирик танни ҳалок этади деган тушунчани англаш лозим бўлади. Матлабдан мақсад шуки, бизнинг лексикология соҳасининг биринчи устози— Алишер Навоий ҳазратлари шубҳасиз, албатта.

Лексикология дунё тилшунослигида тадқиққа тортилган энг қизиқарли ва доимий олимлар диққатини жалб этган, экстралингвистик ҳулосалари билан кишини ҳайратга солган туганмас мавзу. Ареал лингвистика ва туркологиянинг ўтган асрларда жадал ривожланиши натижасида туркий халқларнинг тили ва этногенези ҳақида фундаментал тадқиқотлар, илмий асарлар яратилди. Жумладан, ўзбек тилининг тарихи, эволюцион тараққиёти ҳам жиддий ўрганилган. Даврлаштирилган, аммо тил сатҳида юз берган лисоний ўзгаришларни аниқлаш, уларни таҳлил, тадқиқ этиш, бу тарихий жараёнда вужудга келган ноёб обидалар, қўлёзмалар, бадий ва мемуар асарлар тилини ўрганиш, халқимизнинг маданий ҳаётда босиб ўтган йўлларини тиклаш ҳисобланади. Оғир, машаққатли йўлни танлаб, шарафли ишга бел боғлаган олимларнинг хосияти шундаки, улар ҳеч маҳал амалга оширган хайрли ишларини омма олдида кўз-кўз қилишдан тортинганлар. Жумладан, Ҳамидулла Дадабоевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти бунга далилдор. Олимнинг изланиши, кузатиши самараси ўлароқ вужудга келган ҳар бир тадқиқот моҳият нуқтаи назаридан жиддий мушоҳада маҳсули. Айниқса, олимнинг 1991 йилда чоп этилган “XI-XIV аср туркий манбалардаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология”, 1990 йилда “Фан” нашретида эълон қилинган “Эски

Ўзбек тилидаги ҳарбий лексика”, 2007 йилда З. Ҳамидов ва З. Холмонова ҳамкорлигида эълон қилинган “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи”, 2015 йилда З.Т. Холмонова билан биргаликда чоп этилган “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси (лотин ёзувида) ўқув қўлланма, 2017 йилда дунё юзини кўрган “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари” каби монографиялари ва қатор мақолаларида бевосита тарихий лексикологияга оид долзарб масалаларга бағишланган.

Хуллас, табаррук ёшни қаршилайётган профессор Ҳамдулла Дадабоевнинг ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослиги тарққийтидаги саъй-ҳаракатида янгидан янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Неъмат Маҳкамов,
ф.ф.н., доцент

ИЛМГА САДОҚАТ

Алломалардан бири фанда “Таппа-тахт, андозали йўл йўк ва унинг чақир тошли сўқмоқларидан ҳориш билмай, тиришиб-тортишиб чиқа олган кишиларгина унинг нури чўққиларига етишади”, деган эди. Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев ҳам айнан шундай машаққатли йўлни босиб ўтган олимлардан.

Олим ўз иш фаолияти даврида ўзбек тилшунослигининг тарихий терминология, лексикология, лексикография каби соҳаларида изланишлар олиб борди. Олимнинг эълон қилган ўндан ортиқ монография ва луғатлари, икки юздан ортиқ илмий ва илмий амалиёт ишлари унинг серқирра олим эканлигидан далолат беради.

Ҳамидулла Дадабоев илмий фаолиятининг катта қисми тил тарихи, туркий ёзма ёдгорликлар тили, улардаги турли соҳаларга оид терминлар тарихи билан боғлиқ тадқиқотлардир. Ҳаммуаллифликда яратилган 4 томли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, “Тарихий ҳарбий терминлар луғати” кабилар Ҳ. Дадабоевнинг етук лексикограф эканлигидан далолат. Олим илмий истеъдодининг яна бир қирраси тарихий манбалар тадқиқотчиси сифатидаги фаолиятидир. Унинг “XI-XIV аср туркий ёзма ёдгорликлардаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология” мавзусидаги фундаментал иши туркийшуносликда катта воқеа бўлди. Айниқса, ушбу тадқиқотнинг монография шаклида нашр қилиниши нафақат филологлар, балки этнографлар, тарихчилар ва манбашуносларни ҳам ўзига жалб этди. Ушбу асарда илмий таҳлилга тортилган қатор терминологик бирликлар тадқиқи ўзига хос усулда текширилган. Шуниси диққатга сазоворки, бугунги кунда ҳам ижтимоий-сиёсий терминлар чегараси масаласи олимлар ўртасида бахсталаб мавзу ҳисобланса-да, ўша давр ижтимоий-сиёсий терминларининг ёзма манбаларга суянилган ҳолда аниқ чегараси кўрсатиб берилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳ. Дадабоев ўзбек терминологияси тарихини ўрганган биринчи олимлардан.

Х. Дадабоев жамоатчилик ишларида ҳам фаол. Айниқса, унинг давлат тили ҳақидаги қонун ҳамда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси масаласини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тил комиссиясининг аъзоси, Республика Таълим маркази қошидаги “Филология фанлари” ИМК раиси сифатида амалга оширган кенг кўламли ишлари диққатга сазовор.

Х. Дадабоев қатор йиллар давомида ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Филология фанлари бўйича Эксперт кенгаш аъзоси, шунингдек, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси, Илмий семинар раиси сифатида фаолият юритди. Унинг қатъиятли, талабчан ва ҳалол олим эканлигини ҳар бир чиқишида сезиш мумкин. Ҳақиқий олимдан илмий баҳс пайтида ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ мушоҳада, ўзга илмий мулоҳазаларга ўта хайрихоҳ муносабат талаб этилади. Кўпинча унинг хотиржам туриб, камтарона айтилган фикрлари салмоқли ва асосли бўлар эди.

Ҳамидулла Дадабоевнинг юқори малакали филолог-тилшунос мутахассислар тайёрлашда ҳам ўрни бекиёс. У томонидан шу кунга қадар 7 нафар фан номзоди, 4 нафар фан доктори тайёрланди. Айни пайтда олим 5 та номзодлик ва 2 та докторлик ишига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳозир Ҳамидулла Дадабоев ўз ҳаётининг серҳосил, сербарака фаслида. Унинг илмий ва ижодий режалари кўп. Етук олим, зукко тилшуносни баркамол етмиш ёши билан чин юракдан муборакбод этамиз, илмнинг баҳри-балоғати, уни юсак довлонлар—янги чўққилар сари бошлайди, деб умид қиламиз.

Устоз олим Ҳамидулла Дадабоевни кутлуг сана билан барча касбдошлари ва дўстлари, кенг тилшунослар жамоаси номидан самимий кутлар эканмиз, у кишига ўзбек тилшунослигини ривожлантиришда битмас-туганмас куч-гайрат, узоқ-умр, сихат-саломатлик, оилавий ҳаётида тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

**Зиёд Ҳамидов,
ф.ф.н., доцент**

СЕРҚИРРА, ЗАҲМАТКАШ ВА СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ

Ҳамидулла Дадабоев аввало лугатшунос. Лугат илми ниҳоятда мураккаб ва машаққатли, оғир меҳнат талаб қиладиган соҳа.

Тил ёхуд сўз тарихини ёритувчи лугатлар бугунги кунда ниҳоятда зарур ва алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, олимнинг ўтмиш, тарихий, илмий, адабий манбаларини ўқиши асосан қадимги, эски туркий, эски ўзбек ёдгорликлари тили, улардаги турли соҳа терминлари тарихи, айниқса, этимологиясини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, солиқ соҳаларига оид терминлар, осмон жисмлари ва бошқа терминология билан боғлиқ кенг қамровли соҳага катта улуш қўшганлиги билан туркология, ўзбек тили тарихида алоҳида мактаб яратди, десак муболаға бўлмайди. Биз 40 йилдан ортиқ умргузаронлик қилган кадрдон ва вафодор улфат ҳамкасбмиз.

Ҳамидулла Дадабоев серқирра, унда меҳнаткаш олимнинг илмий қирралари жуда кўп. XI-XIV асрлардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳолат, ўша даврга хос дипломатик муносабатлар, давлат бошқарув тизими, Амур Темурнинг ҳарбий маҳорати каби масалалар унинг илмий фаолиятида асосий ўринни эгаллади. “Амур Темурнинг ҳарбий маҳорати” (1966) номли монографияси билан Ҳ.Дадабоев тарихчи олим сифатида зукко, синчков тадқиқотчи эканлиги билан кўпчиликка танилди. Бу борада аниқ, фактик далилларга асосланиши, фикрий изчиллик, қисқа ва лўнда илмий тафсилот баёни, унинг илмий услубида асосий ўрин эгаллади. Олимнинг Амур Темур тарихи билан боғлиқ бир қатор илмий монографияи ва илмий мақолалари орқали омма уни соф тарихий манбаларга асосланган тарихчи олим сифатида танийди.

Олимнинг таъкидлашича, ўзбек адабий тилига хос лексик таркибнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида XIV аср иккинчи ярми - XV аср биринчи ярми даври алоҳида аҳамиятга эга. Лексикада умумтуркий ва эски ўзбек адабий тилига хос қатламлар фарклана бошлади. Умумтуркий характердаги лексиканинг муайян қисми Навойгача бўлган эски ўзбек адабий тилида ўз фаоллигини сақлаб қолган ҳолда, бошқа бир қисми эса маълум даражада архаиклашди. “Архаик лексемалар аксарият қорахонийлар даври бадий, лисоний аънаналарни ўзида сақлаб қолган обида тилида кўринади”, деб туркологлар фикрига таянади. Олимнинг таъкидлашича, лексик таркибнинг сўз ясовчи аффикслар ҳисобига бойиши тил тараққиётининг у ёки бу даврига оид асосий лексик жараёни ҳисобланади. Навойгача бўлган давр айна шундай ходисаларни, яъни кўп миқдордаги неологизмларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Темурийлар салтанати, Олтин Ўрда хонлиқларида содир бўлган турфа ўзгаришлар бу жараёнга таъсир ўтказди. Натижада ўзбек адабий тилида қатор янги сўзлар тизими вужудга келди. Лексик таркибнинг бойиши асосан ўз она тили асосида сўз яшаш ва хорижий тиллар лексик таркибини ўзлаштириш орқали рўёбга чиқа бошлади.

Профессор Ҳамидулла Дадабоев доимо сўзларга этимологик шарҳ бериш, уларнинг пайдо бўлиши ёхуд қайси тилдан ўзлашгани хусусида аниқ маълумот келтиришни маъқул кўради. У ҳамиша тилшуносликни аниқ фан сифатида баҳолаш тарфдори бшлиб келди. Фикр-мулоҳазаларини илгари суришда айна шу принципга қатъий риоя қилади.

Олим “Туркий тиллар сўз бойлигида сўгдча, санскритча, хитойча, мўғулча ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига, туркий халқларнинг жуда қадимдан сўгд, ҳинд, хитой, хоразм халқлари билан яқиндан бўлган алоқалари маҳсули” сифатида баҳо беради. Фикримизнинг исботи учун бир икки мисоллар билан чегараланамиз:

санскритча: черик “лашкар”; сўгдча: ажун “дунё”; хитойча: “хоқон “Шарқий Туркистон ҳукмдорлари”, инжу (чинчу) “дур, марварид”; мўғулча: жиба “совут”, муран “дарё”; ҳиндча: кутвол “шаҳар, қўрғон ҳокими”; лотинча: мил “масофа ўлчов бирлиги” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, олимнинг асосий илмий ишларидан яна бири - ҳарбий санъат ва унга доир терминлар изоҳига бағишланган “Тарихий ҳарбий терминлар лугати” (2003; 2008) туркология, жумладан, ўзбек

тилшунослиги учун муҳим янгилик ҳисобланиди. Ҳ.Дадабоев томонидан тузилган ушбу лугатда 1000 дан ортиқ ҳарбий терминлар изоҳланган. Унда ҳарбий соҳа билан боғлиқ қуро-ла-слаҳа номлари, унвон, рутба, мансаб номлари, қўшин таркиби, ҳарбий кийим-кечак номлари ва шунга ўхшаш тушунчалар изоҳи берилган. Лугатда соҳага доир терминларнинг этимологик кўрсаткичи, асословчи манба матни, унинг бош луғавий маъноси, матнда кўчма маънода келган бўлса, ишонтирувчи маъно билан мажозий маъноси кўрсатилган. Лугатнинг мукамал тузилишида Ҳ.Дадабоевнинг кўп йиллик илмий тажрибага эгалиги, турли даврларда яратилган кўлёзма манбаларни ўрганганлиги, улар асосида тарихий-ҳарбий соҳага оид ниҳоятда кўп материал тўплаганлиги асқотди. Тўплаган ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга оид сўзлар асосан XI-XIV асрлар оралиғида яратилган туркий обидалардан олинган бўлиб, муаллиф луғат сўзбошисида бу манбаларни Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ, Шарқий Туркистон ва бошқа минтақаларда яшовчи туркий халқларнинг умумий бойлиги эканлигини эътироф этади. Лугатнинг қимматли жиҳатларидан бири кўпгина терминларнинг семантик-функционал жиҳати, яъни улар маъно тараққиётида содир бўлган ўзгаришларнинг очиб берилганлиғидир.

Тарихий этимологик аспектда тузилган ушбу луғатда тузувчи томонидан эски туркий обидалар тилида қайд этилган ҳарбий терминларнинг асосини туб туркий қатлам ташкил этганлиги, уларнинг ясалишида аффиксациянинг муҳим ўрни борлиги кўрсатиб ўтилган. Баъзи терминлардаги фонетик фарқлар ҳам келтирилган. Бундан ташқари, луғатда ҳарбий терминларнинг сезиларли қисмини ўзлашмалар ташкил этганлиги ҳам кўрсатилган.

Хуллас, Ҳ.Дадабоев томонидан тузилган “Тарихий ҳарбий терминлар луғати” туркийшуносликда, жумладан, тарихий терминшуносликда шу кунгача тадқиқ этилмаган соҳага бағишланган бўлиб, эски ўзбек тилида битилган асарларда қўлланган ҳарбий терминларни тушуниб етишда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу луғат ўзбек лекикографияси учун ноёб, янги манба эканлиги билан қимматлидир.

Олимнинг яна бир қирраси Алишер Навоий асарлари бўйича ёзган тадқиқотларида кўзга ташланади. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”ни тузишда иштирок этиб, луғатшуносликнинг сир - асрорларини эгаллади. Ҳазрат Алишер Навоий дўстлик, ҳақиқий дўст хусусида деярли ўзининг барча асарларида таъриф-тавсиф этган. Адибнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида дўстлар дўстларнинг вафосини асрагайлар номли ҳикоятда қадрдон дўстлик ҳақида ниҳоятда қимматли ва ибратли маълумот бериб ўтган.

Ҳамидулла Дадабоев ана шундай садоқатли дўст, ниҳоятда камтарин, кўнгилчан, беғубор, бировларга беғараз яхшилик қиладиган, қилган яхшилигидан ўзи роҳатланадиган кўнгли очик инсон.

Биз 1977 йилдан эътиборан Ҳ.Дадабоев билан бирга ЎзФА Тил ва адабиёт институти, ЎзФА Шарқшунослик институти, Кўлёмалар институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти педагогика институти, ЎзМУда ҳамфиқр, ҳамнафас бўлиб ишладик. Ҳар доим дўст, биродар, тенгдош сифатида умргузаронлик қилдик.

Ҳамидулла Дадабоев ўнлаб докторлик, номзодлик ишларига илмий раҳбарлик қилди, у, узоқ йиллар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Филология фанлари бўйича эксперт кенгаш аъзоси ва илмий котиби сифатида фаолият олиб борган. Ҳозирда республика таълим маркази “Филология фанлари” Илмий методик илмий кенгаши раиси, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси тарих фани бўйича илмий маслаҳат кенгаш аъзоси, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш аъзоси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан “Давлат тили ҳақида”ги қонун ҳамда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосини ҳаётга татбиқ этиш Тил комиссияси аъзоси ҳамдир. Олим шунча катта лавозиму мансабларда ишлаган бўлса ҳам бирор характерида ўзгариш, калондимоглик, манманлик, кибру-ҳаво каби хислатлар унга ёт, улфатчиликда дўстларга хизмат қилиб доимо лаззатли овқатлар пишириб, бизга хизмат қилишдан ўзи роҳатланади.

Дўстимиз серқирра, заҳматқаш, сермаҳсул олим, моҳир мураббий Ҳамидулла Дадабоевни 70 йиллик муборак ёши билан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, илмий ишларида улкан зафарлар тилайман.

**Зарифбой Дўсимов, ф.ф.д., профессор,
Абдулла Ўрозбоев, ф.ф.н, доцент**

ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОЕВ – ОҒАҲИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Тилшунослигимизда ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири Муҳаммадризо Огаҳий асарлари тадқиқига нисбатан кеч киришилди. Огаҳий асарлари тил хусусиятларига бағишланган илк мақола С.Долимов томонидан эълон қилинган¹. Ушбу мақолада олим Огаҳийнинг омоним ва синонимлардан фойдаланишдаги поэтик маҳоратини очиб беради. У.Турсунов ва Н.Ражабовлар таъкидлаганидек, “ушбу иш соф амалий характерга эга”². З.Дўсимовнинг “Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида” мақоласида эса мазкур асарнинг лисоний ўзига хосликлари кўрсатиб берилган³. Олим “Зубдат ут-таворих”, умуман, Огаҳийнинг барча тарихий асарларига хос бўлган лексик ва синтактик хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, жумладан, уларда форсий изофа ва изофий занжирнинг кенг қўлланганлиги, мураккаб синтактик қурилмаларда форс тили синтактик қурилишининг таъсири катта эканлигини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Бу фикрларга қўшилган ҳолда, Х.Назаровнинг XV аср охири - XVI аср бошлари насрий асарлари тили синтаксиси борасида билдирган кўпгина фикрларини⁴

¹ Долимов С. Огаҳий поэзиясида омоним ва синоним сўзлар // Ўқитувчилар газетаси. 1957. – № 51.

² Турсунов У., Ражабов Н. Из истории омонимов в узбекском литературном языке // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 45.

³ Дўсимов З. Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Огаҳий абадияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 37-41.

⁴ Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV – начало XVI в. – Ташкент: Фан, 1979. – 160 с.

Огаҳий тарихий асарлари синтаксисига ҳам татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. XVII – XIX асрлар эски ўзбек тили морфологик хусусиятларини текширган А.Матғозиев кўплаб объектлар қатори Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол”, Огаҳийнинг “Зубдат ут-таворих”, “Гулшани давлат”, “Шоҳид ул-иқбол” каби асарларини мавжуд кўлэмаларидан фойдаланган ҳолда таҳлилга тортган¹.

Ҳ.Дадабоев ўзбек тили тарихий ҳарбий терминларини тадқиқи асносида Огаҳий тарихий асарларига кўплаб мурожаат қилган ва *тавовул*, *қароқчиламоқ*, *чаповулчиламоқ*, *никомиш*, *арғишчи* каби сўзларнинг фақат Огаҳий тарихий асарларида учрашини таъкидлайди². Олимнинг “Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида” номли мақоласида баён қилинган назарий фикр ва амалий тақлифлар шоир, муаррих ва таржимон ижодкор тили лексикасини ўрганишда муҳимдир. Жумладан, олим Огаҳий тарихий асарлари тилидаги ижтимоий-сиёсий терминлар таркибида қадимги туркий тил ва эски туркий тил давридан фаол кўлланиб келаётган асл туркийча истилоҳлар ўз ифодасини топгани, бу сўз-терминлар бирламчи маъносини деярли айнан сақлаб қолишга эришгани, айна пайтда VII–XIV асрларда кенг ишлатилган туб туркийча истилоҳларнинг маълум қисми Огаҳий даври ўзбек адабий тили сўз бойлигидан чиқиб кетгани, бунинг сабаби эса кўп сонли ўзлашмалар ва янгидан ясалган лексик бирликларнинг фаоллашуви эканлигини тўғри таъкидлайди³.

Огаҳий тарихий асарлари лексикаси мавзуй-семантик гуруҳларини белгилашда ҳам Ҳ.Дадабоев тадқиқотлари муҳим. Аслида бирор асар лексикасининг мавзуй-семантик гуруҳлари бир муаллиф томонидан яратилган бошқа асарлар лугат бойлигидан фарқ қилиши табиий. Чунки бу ҳол кўплаб лисоний ва ғайри лисоний омиллар билан боғлиқ бўлади. Муаррих тарихий асарлари лексикасини мавзуй гуруҳлаштиришда бошқа манбалар, хусусан, архив материаллари, форс ва эски ўзбек тилида битилган бошқа тарихий асарлар лексик бойлиги билан қиёсий ўрганиш зарур. Масалан, Огаҳий тарихий асарларида Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Эрон шоҳлиги, Афғонистон давлати, Россия империяси, қозоқ хонлари билан бўлган муносабатлар аке этар экан, унда Хива хонлиги номенклатурасидан ташқари мансаб ва унвон номлари ўз ифодасини топгани аниқ. Шунинг учун ушбу масала бошқа кўплаб манбаларга мурожаат этишни талаб қилади⁴. Фикримизни биргина мансаб ва унвон номлари гуруҳи мисолида кўрадиган бўлсак, мавзуга доир адабиётларда улар турли тарзда гуруҳларга ажратилган. Масалан, Н.А.Баскаков Хива

¹Матғозиев А. Исследование по морфологии староузбекского языка (конец XVII – до семидесятых годов XIX в.). Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1979. – 41 с.

²Дадабоев Ҳ. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 21 с.; Огаҳий тили билимдони // Маърифат фидойиси. (Субутой Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан) – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.181-183.

³ Дадабоев Ҳ. Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида // Ўзбек тилишуолигининг долзарб масалалари (Илмий мақоалар тўплами) – №3. – Тошкент, 2009. – Б. 21-24.

⁴ Семенов А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностих носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Т.V. – М.-Л., 1948; Мирза Бади-диван Маджмаал-аркам. Факсимиле рукописи. Введение, перевод, примечания и приложения А.Вильдановой. М., 1989; Чориев З. Тарих атамаларининг изохли лугати. – Тошкент: Шарқ, 1999.

хонлигидаги мансаб ва унвон номларини юкори ва маъмурий ҳукумат эгаларининг мансаб ва унвонлари, Хива хонлигидаги сарой амалдорлари унвонлари, ҳарбий мансаб ва унвонлар, диний мансаб ва унвонлар, суд тизими номенклатураси. солиқ тўловчи табақалар мансаб ва унвонлари тарзда 6 гуруҳга ажратиб таҳлил қилади¹. Ҳ.Дадабоев ўз таснифида тадқиқот объектининг кенглиги боис ушбу мавзуй-семантик тизимни бир неча кичик гуруҳларга ажратган. Масалан, биргина давлат аппарати мансаблари номларини сарой хизматидаги шахслар унвонлари, маъмурий бошқарув ходимларининг унвон номлари, вилоят ва шаҳар бошқарувида масъул шахслар унвон номлари каби кичик гуруҳларга ажратган². Олим шу тарзда эксплуататор синф вакиллари ифодаловчи терминларни ҳам бир неча гуруҳга бўлади³.

Ҳ.Дадабоевнинг тарихий ҳарбий терминология борасидаги ишлари келгусида бажарилиши лозим бўлган турдош тадқиқотлар учун намуна бўлмоғи керак, деб ҳисоблаймиш. Эски ўзбек тилидаги ҳарбий терминлар тизимининг айрим жиҳатлари ушбу мавзуда махсус тадқиқот олиб борган Ҳ.Дадабоевга қадар А.Матғозиев⁴, А.Иброҳимовалар⁵ томонидан ўрганилган. Эски ўзбек тилидаги ҳарбий терминлар лисоний тадқиқи Ҳ.Дадабоев томонидан амалга бажарилган номзодлик диссертацияси, мақола ва лугатларда акс этган⁶. Мавзу доирасида бажарилган тадқиқотлар кўлами кенг бўлишига қарамай, бу борада айрим масалалар ўз ечимини тўла топмаган. Хусусан, А.Матғозиевнинг зикр этилган мақоласида Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларидан мисоллар келтирилган бўлишига қарамай, мақола ҳажми, табиийки, тизимга дахлдор барча сўзларни қамраб ололмади. Бундан ташқари, айрим сўзларнинг генетикаси юзасидан олим билдирган фикрлар баҳсталаб. А.Иброҳимова эса ўз мавзусидан келиб чиққан ҳолда ҳақли равишда фақат “Келурнома”да қўлланилган ҳарбий терминларнигина эски ўзбек тилидаги бошқа манбалар тилига киёс қилади. Ҳ.Дадабоев ишларида Огаҳийнинг тарихий асарлари тадқиқот объектларидан саналган бўлишига қарамай, ишнинг кўлами уларга монографик ёндашиш имконини бермайди. Олимнинг кейинги тадқиқотларида масалага кенгрок эътибор қаратилган.

Айрим мисолларга мурожаат қиламиз: Қўшин ва унинг таркибий қисмларини ифодаловчи сўзларни ҳам шартли равишда ҳарбий амалиёт

¹ Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства // Советская тюркология. - 1989. - №1. - С.63-71.

² Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. - Ташкент: Ёзувчи, 1991. - С. 43-55.

³ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. - Ташкент: Ёзувчи, 1991. - С. 61-69.

⁴ Матғозиев А. Ҳарбий терминлар тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. №1. - Б. 16-20.

⁵ Иброҳимова А. “Келурнома” лугатининг лексикасига оид кузатишлар. // Ўзбек тили тарихи масалалари. - Тошкент: Фан, 1977. - Б. 118-119.

⁶ Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1981. - 21 с.; Общественно-политический и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. - Ташкент: Ёзувчи, 1991. - 186 с.; Дадабаев Х. Тарихий ҳарбий терминлар лугати. - Тошкент: Университет, 2003. ; Дадабаев Х. Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. №2. - Б. 31-37. ; Эски ўзбек тилида мудоффа курол-яроғларини ифодаловчи терминлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. №6. - Б. 15-18; Қўж турк хоқонлигида ҳарбий қурилиш // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2000. №2. - Б. 29.; Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) №3. - Тошкент, 2009. - Б. 21-24

терминлари сирасига киритиш мумкин. Огаҳий тарихий асарларида қўшин ва унинг қисмларини ифодаловчи ўз қатламга мансуб *қошун* ҳамда қадимги туркий тилга анча олдин ўзлашган *черик* ўзлашмасидан ташқари тарихан араб ва форс тилларига оид *лашкар*, *навкар*, *синаҳ* сўзлари ҳам ишлатилган.

Лашкар тарихий ҳарбий термин сифатида “қўшин, сипоҳ” маъноларини англатади¹. *Лашкар* термини умумэроний сўз бўлиб, айрим эроншунослар фикрича, *аскар* сўзи унинг арабийлашган шаклидир. Эрон олими Анжуморой Носирий лашкарни “китъа”, “бўлак” маъносидаги “лашк”дан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Лекин бу таҳлил охириги ҳарф (р)нинг қандай пайдо бўлганлигини изоҳлай олмайди. И.Пурдовуд мазкур сўзни авестовий *rataeshtra* ва паҳлавий *artihtar* (жангчи) билан боғлиқ ҳисоблайди². Бу эса терминнинг шаклий ва маъновий илдини тўғри асослайди, деб ҳисоблаймиз. Бугунги Эрон ҳарбий тизимида бир лашкар бир неча (одатда тўртта) ҳанг (отряд)дан тузилади³.

Синаҳ сўзининг форс тилида ҳам, ўзбек тилининг тарихий лексикасида ҳам *синаҳ*, *иснаҳ* шакллари учрайди. Жумладан, “барча *синаҳи* зафардастгоҳ тонг отгунча от ва яроғ ва асбоби ҳарб ва қитол асбобининг истикмолига саъий машкур ва кўшиши ғайри маҳсур била иштигол кўргуздилар” ёки

Кўргузиб ғайрат *синаҳ* ахли тамом,

Олдилар қатл айламақдин борча ком.

Форс тилида унинг яна *исбах* шакли ҳам учрайди. Мазкур сўз қадимги форс тилида *spāda*, авестовийда *spādha* шаклида бўлиб, паҳлавий тилида *spāh* кўринишини олган⁴. Сўзнинг шаклида ўзаро фарқлар мавжуд бўлса ҳам, унинг луғавий маъноси деярли ўзгармаган. Бу сўз Эроннинг ҳозирги ҳарбий тизимида муайян маъно – бир неча *лашкар*ни ўз ичига олувчи бирликни англатади⁵.

Огаҳий тарихий асарларида *синаҳ* сўзи билан боғлиқ қуйидаги бирикма ва кўшма феъллар мавжудлигини кўрамиз:

Зиё синаҳи – куёш нуллари: саҳарнинг сиймин маҳча ливоси намоён ва *зиё синаҳи* сипехр қальаси чоповулига гармжавлон бўлди,..

Синаҳи нусратпаноҳ – ғалаб ёр қўшин: *синаҳи нусратпаноҳ* суффуфин қоз қаноти ёнглиг тузуб,..

Синаҳи кийнагузор – ўч олишга шайланган лашкар: *синаҳи кийнагузорни* қальа атрофининг наҳбу ғорати учун рухсат бердилар.

Синаҳи селгузар– селдай ёзилувчи қўшин: *синаҳи селгузар* атрофу икки манзиллик ергача, балки дарёнинг жануби тарафига доғи этуб,..

Синаҳ манфур – ғазабланган қўшин: *синаҳи манфур* ва асокири номаҳсур била мурожаат майдонига наҳзат яқоонин суруб,..

Синаҳи анжумсон – юлдуз каби кўп, беҳад кўпсонли қўшин. (Бу ўринда *сон* компонентини “адад” маъносида эмас, форс тилида “ўхшаш”, “монанд” маъносидаги сўз ясовчи аффикс эканини қайд этиб ўтиш керак): Ва меҳри

¹ Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 72

² شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع با اهتمام دکتر محمد معین تهران امیر کبیر . ۱۳۸۱ . جلد ۱ ص ۲۲۸

³ Пурдовуд Иброҳим. Хурда Авесто. Аз силсилаи энгшоротэ зардуштийонэ Ирон ва Бомбей. 1340 х.с. 97.

⁴ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین تهران امیر کبیر . ۱۳۸۱ . جلد ۲ ص ۸۷، ۹۱

⁵ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین تهران امیر کبیر . ۱۳۸۱ . جلد ۲ ص ۸۷، ۹۱

дурақшон нужуми бепоён била ҳаракат кўргузгондек *сипоҳи анжумсон* ҳамроҳлиги била масофат қатъи оҳангин тузуб,..

Сипоҳи давлатнизом – бахтли; низомли армия: *сипоҳи давлатнизом* килиб нузул эттилар.

Сипоҳи маҳшарнизом – қиёмат кунидагидек ададдаги ёки юракларга кўрқинч солувчи армия: *сипоҳи маҳшарнизомни* ҳаракатга киргузуб,..

Аҳли сипоҳ – сарбозлар: *аҳли сипоҳ* орасида мумтозлик ва сарафрозлик бағишладилар...

Сипоҳи вофира – кўп сонли қўшин: *сипоҳи вофира* ва афвожи қоҳира кейиндин келиб,..

Хайли сипоҳ – қўшиннинг таркибий қисмлари:

Онингдек бўлуб жамъ *хайли сипоҳ*,

Ки теъдодига топмайин ақл роҳ.

Шунингдек, эски ўзбек тилида *сипаҳ даври*, *сипаҳ аҳли*, *сипаҳ тортмоқ*, *сипаҳ тузатмак*, *сипаҳ тушурмоқ*, *сипоҳ ясамоқ* бирикмалари ҳам учрайди¹. Эски ўзбек тилида *сипоҳий* (аскар) сўзи ҳам кенг қўлланилган:

Сипоҳийси ободу ҳам шод ўлуб,

Раоёси ҳам шоду обод ўлуб².

Навоий асарларида *анжумсипоҳ* (“анжум” арабча юлдуз, сипоҳи юлдуздай кўп) кўшма сўзи ҳам учрайди:

Ки, тўртинчи хайл улча шох эрдилар,

Фалакқадру *анжумансипоҳ* эрдилар³.

Огаҳийда саноқсиз аскар, лашкарнинг кўплиги “сипоҳи фалак иштибоҳ” бирикмаси орқали ифодаланган ўринларни кўплаб учратамиз.

Мухими, профессор Ҳамидулла Дадабоев Огаҳий асарлари тадқиқига бағишланган ишларни алоҳида кузатиб, қўллаб-қувватлаб келади. Бу билан олим ўзбек тили тарихи соҳаси ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшмоқда. Ушбу фурсатда устозни олим учун сермахсул ва сермазмун ёшга етганликлари билан қутлаб, энг эзгу тилакларимни шогирдона эҳтиром билан изҳор қилиб қоламан.

Дилдора Нуриддинова, Республика таълим маркази бўлим бошлиғи
Гулсара Зиёдуллаева, Республика таълим маркази бош методисти

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ

Дунёда нимаики мавжуд экан, у ҳамиша сирли ҳикматга эга бўлади. Тангри ўзи яратган ҳодисаларнинг ичида бир тоифасини беҳад муқаддасу мукаррам касбга йўналтиради. Бу касб эгалари на мансабга, на мол-дунёга, на бирор хашаматга ружу қўядилар. Йиққанлари – илму маърифат, китоб, топганлари – беадад шогирд, қидирганлари – шогирдлар камоли бўлади. Шубҳасиз, бу касб – ўқитувчилик ва мураббийлик касбидир. Биз билган ана

¹ Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар дугати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б.130-131.

² Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан. 1996. – Б.209.

³ Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан. 1996. – Б. 83.

шундай мураббийлардан бири, жонкуяр олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Арипович Дадабоевдир.

Ҳамидулла Дадабоев гўзал тоғлари билан доврўқ таратган Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида таваллуд топдилар. Табиатан босиқ камгарин бу инсон катта ҳаётда салобат билан қийин, аммо самарали, нурли йўлни босиб ўтдилар, она тили ихтисослиги бўйича профессор даражасига етдилар. Бу айтишгагина осон, аслида, оддий талабаликдан профессорликкача бўлган йўлни, бу йўлда чекилган заҳматларни, улкан олимнинг иродаси-ю, жасоратини таърифлаш учун ойлаб, йиллаб ижод қилишга, юзлаб саҳифаларни қоралашга тўғри келади. Ҳамидулла ака ҳаёт йўли давомида илм олдидаги бирор улкан масъулиятни бир дам бўлсин унутмай, минглаб шоғирдлари қуршовида мана 70 ёшни қаршилаб турибдилар.

Устоз табаррук ёшга етган бўлишларига қарамасдан, ҳамиша изланишда, хордиқ, дам олиш нималигини унутиб, ҳозирги кунда ҳам қатор ўқув қўлланма, мақола ва рисоаларга муаллиф, ўз соҳасининг билимдони сифатида ўзининг катта илмий фаолиятини ташкилотчилик билан қўшиб олиб бормоқдалар. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази қошидаги Филология фанлари (она тили, адабиёт, ўзбек тили) бўйича Илмий-методик кенгашлар ишига раҳбарлик қилиб, она тили, адабиёт, ўзбек тили таълими олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишда, мазкур фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг сифатли ва мазмунли чоп этилишида, Республика фан олимпиадаларининг одилона ўтказилишида устознинг хизматлари беқиёс. Шунингдек, она тили таълимини такомиллаштириш ва методик ёрдам кўрсатиш борасида ташкил этилган республика миқёсидаги анжуманлар, семинар-кенгашлар, чоп этилган дарсликлар тақдими, дарслик муаллифлари билан амалиётчиларнинг учрашувлари каби тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Ҳамидулла Арипович оддий муаллимликдан бошлаб, филология фанлари доктори, профессор даражасигача бўлган фаолиятлари давомида бор билими, касбий маҳоратини миллат фарзандларини маънавий юксак, мустақил шахслар этиб тарбиялаш ишига бағишладилар. Устознинг узоқ йиллар мобайнидаги самарали фаолияти давомида босиб ўтган залворли ҳаёт йўли, амалга оширган барча хайрли ва эзгу ишлари, ғайрат ва шижоати, билими, салоҳияти, куч-қуввати ёш авлодни миллий қадриятларни эъзозлайдиган, халқ, Ватан ишига масъулиятли, бурч ҳиссини англайдиган, маънавияти баланд, юксак гурурли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ишига сафарбар этилди. Мазкур ишларнинг ҳаммаси юксак эътирофга олқишга муносибдир. Қолаверса, Ҳамидулла ака Дадабоев сингари ҳақиқий илм дарагаларининг умр йўли – талабалар, ёш олим ва тадқиқотчилар, устоз ва мураббийлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Сизни республикамизда она тили таълимини ривожлантириш борасида ақл-заковати, теран идроки, меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслиги билан

таълим сифати ва мазмунини юқори даражага кўтариш нишига муносиб ҳисса кўшган фидойи мутахассис олим сифатида биламиз ва ҳурмат қиламиз.

Биз ҳамма шоғирдлари қатори Ҳамидулла Дадабоевдек камтарин устозга чексиз ҳурматимиз. эҳтиромимизни билдирган ҳолда муборак ёшлари билан чин дилимиздан кутлаб, умрлари узок, турмушлари фаровон бўлишини, тинчлик ва сихат-саломатликда ҳаёт кечиришларини тилаб қоламиз.

**Marhabo Isayeva,
katta ilmiy xodim-izlanuvchi**

HAMIDULLA DADABOYEV – GENDER TILSHUNOSLIGI TADQIQOTCHISI

XXI asr ilm-fanida yangi nazariy qarashlarning paydo bo'lishi va ularning amaliy tadqiqi borasida keng ko'lamli izlanishlar olib borilmoqda. Xususan, yangi soha sifatida shakllanayotgan gender tilshunosligi o'tgan asrning 70-80-yillarida Amerika va Yevropa tilshunosligida paydo bo'ldi. Jumladan, Lakoff Robin (1975), Frank Francine, Ashen Frank (1983), Tannen Deborah (1990, 1993, 1996), Crawford Mary (1995), Kotthoff Helga, Wodak Ruth (1997), Eskert P., Mc Connell – Ginett S (2003), Speer Susan (2005), Litosseliti Lia (2013), Coates Jennifer (2013, 2014), Alvanoudi Angeliki (2014), Hellinger Marlis (2015) kabi yuzlab tadqiqot ishlarida gender bevosita o'rganish obyekti sifatida tadqiq qilingan. Ushbu ingliz tilida amalga oshirilgan genderologik izlanishlarda til va gender, gender va diskurs, erkak va ayol nutqining o'ziga xos farqlari hamda o'xshash jihatlari (ayniqsa, og'zaki, yozma, badiiy nutq uslublarining differensiallashuvi)ni tadqiq qilishga qaratilgan.

Rus tilshunosligida gender tadqiqotlari davri o'tgan asrning 90-yillarida boshlandi. Jumladan, A.Kirilina (1999), O.Antineskul (2000), O.Vaskova (2006), V.Samarina (2010), K.Voloshina (2010), N.Nikolayeva (2008), E.Velichko (2008), G.Vildanova (2008) kabi ko'plab olimlar genderni lingvistik, lingvokulturologik, pragmatik, sotsiolingvistik, psixolingvistik va kognitiv tilshunoslik nuqtai nazaridan tadqiq qilganlar.

O'zbek tilshunosligida gender masalasiga qiziqish o'tgan asrning 90-yillarida boshlangan. Jumladan, S.Mo'minov (1993), Sh.Iskandarova (1993), Z.Akbarova (2008), N.Ahmedova (2008) kabi olimlar tadqiqotlarida ayol va erkaklar nutqiga xos ba'zi farqlar, mulqot tizimidagi gender xilma-xillik, murojaat birliklaridagi farqlanishlar haqida qisqacha bayon qilganlar. Ammo bu ishlarda gender o'rganish obyekti sifatida olinmagan. Shuningdek, gender tilshunosligi doirasida bir qancha kichik tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, M.Qurbonovanning "Genderolingvistik tadqiq yangi paradigma sifatida"¹ nomli maqolasida genderolingvistikaning paydo bo'lishi, obyekti, maqsad va vazifalari, o'rganilishi, genderning diskurs bilan aloqasi, hozirgi genderologik tadqiqotlarning umumiy tomonlari maxsus paradigma sifatida tadqiq qilingan. Ammo, genderolingvistikani tarixiy tilshunoslik nuqtai nazaridan o'rganish va maxsus tadqiqot doirasida yoritish masalasi tilshunosligimizda yechimini kutayotgan dolzarb muammolardandir.

¹Qurbonova. M. Genderolingvistik tadqiq yangi paradigma sifatida // O'zbek tili va adabiyoti, 2014. - № 2. B. 43-48

Bu borada yetuk olim H.Dadaboyevning tarixiy tilshunoslik doirasida olib borgan bir qator izlanishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, olimning “Ilk turkiy tilda erkak jinsining ifodalanishi,” “Devan-u Lug’atit Turk”da Kadin Jinsini ifodalovchi Leksemalar”, hamda “Devonu lug’otit turk”da erkak va urg’ochi ma’nosini ifodalovchi leksemalar”¹ kabi qator tadqiqotlarida Mahmud Koshg’ariyning “Devonu lug’otit turk” asarida qo’llanilgan erkak-ayol jinsini ifodalovchi leksik birliklar tadqiqqa tortilgan. Bu tadqiqotlar kichikroq planda olib borilganligiga qaramasdan, gender tilshunosligining shakllanishida, tarixiy negizlarini o’rganishda asos vazifasini bajaradi.

Ustozning “Devonu lug’otit turkning til xususiyatlari”² nomli monografiyasida qiyosiy-tarixiy tilshunoslikning asoschisi Mahmud Koshg’ariyning “Devonu lug’otit turk” asarida o’z ifodasini topgan qoraxoniylar davri eski turkiy tilning fonetik va leksik-semantik xususiyatlari keng tadqiq qilingan. Monografiyaning ikki bobi bevosita gender tilshunosligi doirasida olib borilgan. Jumladan, “Lug’atda erkak va ayol jinsini ifodalovchi leksemalar paradigmasi” nomli qismida erkak va ayol leksemalarining eski turkiy tilda qay tarzda ifodalanganligi, semantikasi borasida juda qimmatli ma’lumotlar berilgan. Xususan, qadimgi turkiy tilda “er” leksemasining ifodalanishi borasida quyidagi ma’lumotlar berilgan: “*Ayol, xotin*” ma’nosining ziddi bo’lmish “er, erkak” ma’nosi “Devon”da quyidagi leksemalar bilan ochilgan: er - “Kultegin” bitigtoshi tilida, Turfon va Enasoy yodnomalari matnida qo’llanilgan (DTS, 175). Shuningdek, bu davrda “er” leksemasining “bahodir, askar”, “xotinning eri, turmush o’rtog’i”, “er, mard”, “er, erkak kishi”, “hukmdor, rahbar, rahnamo” kabi ko’plab semalari mavjud bo’lganligi misollar bilan asoslab berilgan.

Monografiyada erkak jinsini ifodalovchi va yoshga ko’ra farqlanuvchi “ata” (ota), “baba” (bobo), “aviychg’a” (yoshi ulug’, qari chol), “qart-qurt”, “qary” (yoshi o’tgan keksa, chol), “ortu er” (o’rta yoshli odam, o’rta yashar erkak kishi), “yigiti” (navqiron, yosh odam), “o’g’ul” (o’g’il, er bolalar) kabi leksemalarning “Devon”da va shu davrdagi boshqa ko’plab manbalar, jumladan, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg’u bilig”, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul-haqoyiq”, Rabg’uziyning “Qisasi Rabg’uziy”, “O’g’uznoma”, “Turfon” kabi boshqa matnlarda qay tarzda ifodalanganligi qiyosiy planda tadqiq qilingan.

Tadqiqotda “ayol, xotin” ma’nosi turkiycha “tishi” va “Devon”da ilk bor ishlatilgan “urag’ut”, “evlig, evlo’g” (uy egasi, xotin, zavja), “quzuz, quduz” (yaqinda erga chiqqan, yosh xotini), “kelin”, “avurta” (doya, enaga), “yanga” (kata akaning xotini), “ana” (farzandi bor, bolali), “qatun, xatun” (malika, xoqonning zavjasi), “ishlar” (zodagon ayol, mashhur shaxsning zavjasi, xonim), “o’zuk” (sof, toza, bokira), “qisir” (tug’magan ayol), “qiz” (turmushga chiqmagan, yosh ayol), “ovynchu” (ovunchoq, cho’ri-o’ynash), “qachach” (qul qiz, sotib olingan qiz), “qusyq” (cho’ri, joriya), “eza” (opa, mendan katta), “eka” (xola), “singil” (opadan

¹ Dadaboyev H. Ilk eski turkiy tilda erkak jinsining ifodalanishi. O’zbek tilshunosligining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari. - № 5. - Toshkent, 2011. - B. 4-10; “Devan-u Lug’atit Turk”da Kadin Jinsini ifodalovchi Leksemalar. Usluslaralasi Turk Dili Kurultayi Bildirileri. 20-25 Ekim 2008. - Ankara, 2012. - S. 1087-1089; “Devonu lug’otit turk”da erkak va urg’ochi ma’nosini ifodalovchi leksemalar. O’zbekistonda filologiya ilmi va ta’limi: Natija va istiqbol. Respublika filolog olimlari anjumani materiallari. III jild. - Samarqand, 2016. - B. 4-9.

² Dadaboyev H. “Devonu lug’otit turk”ning til xususiyatlari. Toshkent, 2017. - B. 135.

kichik qiz), “*baldyz, baltyr*” (xotinning singlisi, qayin singil) kabi juda ko‘plab leksemalarning semantik xususiyatlari (ma‘noda torayishi, kengayishi), morfologik tarkibi (tub yoki yasama, yasama bo‘lsa, yasalish asosi va affikslari) keng tahlil qilinganligi tahsinga sazovor.

Monografiyaning “Erkak va urg‘ochi ma‘nosini ifodalovchi leksemalar paradigmasi” nomli bobida XI asrda turkiy xalqlar tilida qo‘llanilgan hayvon nomlarining jinsda va yoshda farqlanishi maxsus paradigma sifatida tadqiq qilingan. Jumladan, “*azg‘yr, adg‘yr*” (ayg‘ir, otning erkagi), “*bi, be*” (biya, otning urg‘ochisi), “*ingan, taty*” (urg‘ochi tuya), “*bug‘ra*” (tuyaning erkagi), “*qulun*” (otning ayg‘ir bolasi), “*tay*” (otning ikki yashardan kichik erkagi), “*qochqar*” (erkak qo‘y), “*tishi qo‘yun*” (urg‘ochi qo‘y), “*syg‘yr, inak*” (qoramolning urg‘ochisi), “*buqa, bo‘g‘a*” (erkagi), “*tana*” (bir yoshli urg‘ochi buzoq), “*chetuk*” (urg‘ochi mushuk), “*ko‘k chetuk*” (erkak mushuk), “*qanjyq*” (urg‘ochi it) kabi ko‘plab jinsda farqlanuvchi hayvon nomlarining turli manbalar matnida qo‘llanilganligi qiyosiy aspektida tadqiq qilingan.

Ustoz H.Dadaboyevning “Devon” va boshqa qadimgi, eski turkiy til manbalarida qo‘llanilgan jinsni ifodalovchi inson va hayvon nomlarining bu kabi mukammal tadqiqi tilshunosligimizda endi rivojlanib kelayotgan gender lingvistikasining leksik-semantik tizimini tadqiq qilishda, genderning qadimgi turkiy tillarda qay darajada ifodalanishini o‘rganishda, ajdodlarimizning narsa-predmet nomlashdagi qobiliyatini anglashda zarur amaliy qo‘llanma vazifasini o‘taydi.

Ustozni ulug‘ yoshlari bilan qutlab, kelgusi ilmiy-ijodiy izlanishlarida muvaffaqiyat tilab, yaqinlari va shogirdlari baxtiga sog‘-omon yurishlarini tilab qolamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Dadaboyev H. Ilk eski turkiy tilda erkak jinsining ifodalanishi. O‘zbek tilshunosligining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari. - № 5. - Toshkent, 2011. - B. 4-10.
2. Dadaboyev H. “Devan-u Lug‘atit Turk”da Kadin Jinsini ifodalavchi Leksemalar. Uluslararası Türk Dili Kurultayı Bildirileri. 20-25 Ekim 2008. - Ankara, 2012. - S. 1087-1089.
3. Dadaboyev H. “Devonu lug‘otit turk”da erkak va urg‘ochi ma‘nosini ifodalovchi leksemalar. O‘zbekistonda filologiya ilmi va ta‘limi: Natija va istiqbol. Respublika filolog olimlari anjumani materiallari. III jild. - Samarqand, 2016. - B. 4-9.
4. Dadaboyev H. “Devonu lug‘otit turk”ning til xususiyatlari. Toshkent, 2017. - B. 135.

І ШҰҒБА ҰЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИНІНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ҳамидулла Дадабаев,
ф.ф.д., профессор

“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК”ДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Маҳмуд Кошғарий тузган фундаментал “Девону луғотит турк” илк ўрта асрларда ҳаёт кечирган туркий қавмлар, қабилалар, аймақлар, тоифалар, халқлар турмуш тарзи хусусида батафсил маълумотлар бериши билан характерланади.

Асарда изоҳланган турфа мавзуий гуруҳларга хос лексик birlikлар ичида ажодлар кундалик ҳаётида муҳим аҳамият касб этган, яшаш учун зарур ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотлари номларини англатувчи сўзларга кенг ўрин ажратилган. Ушбу мавзуий гуруҳга тааллуқли лексик birlikларни уларнинг маъно-мазмуни, вазифаси нуқтаи назаридан ўз навбатида бир нечта кичик гуруҳларга тақсимлаган ҳолда таҳлил этиш мақсадга молик.

1. Озиқ-овқат маҳсулотларини ифодаловчи лексемалар: а) гўшт ва ёғ маҳсулотлари; б) сут маҳсулотлари; в) ун маҳсулотлари; г) нон маҳсулотларини англатувчи сўзларга бўлинган тарзда тадқиқ қилинди.

а) Гўшт ва ёғ маҳсулотлари номларининг ифодаланиши.

“Гўшт” маъносини ифодалаш вазифаси асл туркийча *эт* сўзи зиммасида бўлган (1,70). Ушбу сўздан *этлә* – “гўшт қилмоқ, этламоқ” (1,281), *этләл* – “гўштланмоқ, гўшт бўлмоқ” (1,290), *этләт* – “гўшт қилдирмоқ” (1,263), *этлик*: *этлик киши* “этли, барваста, бўйдор киши”, *этли қой* “сўйиш учун тайёрланган қўй” (1,127) каби сўзлар ва бирикмалар ҳосил қилинган. “Пишган гўшт” *бишығ эт* (Ш,334), “яхши пишмаган, сели бор гўшт” маъноси эса “хом” маъносидаги сўллүг (< сўл “гўшт ва ёғочдаги намлик” + лүг) дериватининг *эт* лексемаси билан муносабатга киришидан юзага келган *сўллүг эт* бирикмаси ёрдамида англашилган (Ш,148). “Бир тилим, бир бўлак гўшт” маъноси ҳам *бир тилим эт* (1, 378), ҳам *бир тилкә эт* (1,404) бирикмалари ёрдамида ифодаланган. *Тилим* ва *тилкә* сўзлари “узунасига кесмоқ, ёрмоқ” ни билдирувчи *тил*- (П,31) феълидан ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида *тилим* мотивланган сўзи “нарсаларнинг узун-узун қилиб тилиб, кесиб ажратилган ҳар бир бўлаги, тилик. *Бир тилим гўшт*” (ЎТИЛ,П,176), *тилкә* эса “бўлак-бўлак, пора-пора” маъносини англатади (ЎТИЛ,П,177). Гўшнинг навларини ифодалаш учун *бош эт* “юмшоқ гўшт” (Ш,137), *қоқ* “қоқ гўшт” лексемалари қўлланган. Гўшнинг қоқ бўлиш жараёни *эт қақсады* (Ш,300) гапида аксини тошган, дейиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида *қоқ* лексемаси “жуда ҳам курук, қуриган, сира ҳам нами қолмаган; жуда ориқ, чандир” маъноларини билдиради (ЎТИЛ,П,607). “Жигарга яқин ерда жойлашган, унга уланган безли гўшт” *йуь* сўзи билан ифодаланган. Бу безли гўшт фақат хотинлар томонидан истеъмол қилинган (Ш.373).

“Куз фаслида ҳар хил хушбўй ўтлар билан қуритилиб, кўкламда ейиладиган гўшт” маъноси *йазуқ эт* бирикмаси ёрдамида ифодаланган. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу бирикма *йаз оқ йэ* – фақат кўкламда егин иборасидан олинган. Чунки кўкламда моллар ориклаб қолади. Бу хилда гўшт қуритган киши баҳорда ҳам семиз гўшт ейди (Ш,24).

“Сўйиладиган ҳайвон, кўпинча сўйиладиган от” маъноси “урмоқ” семали *тоқу-* феълидан ҳосил қилинган *тоқум* деривати билан англашилган (1,377). “Кутаду билиг”да юқоридаги феълнинг *тоқы-* шаклидан ясалган *тоқым* фонетик варианты айни маънода ишлатилган (ДТС,576). Ҳозирги ўзбек тилида “сўйиш учун семиртирилган, бўрдоқи қорамол” семемаси эски туркийча *тоқым//тоқум* сўзининг *сўқим* фонетик варианты (т>с) билан англашилади (ЎТИЛ,1,100). Луғатда гўшtdан тайёрланган баъзи маҳсулотларнинг номлари ҳам изоҳланган. Чунончи, “гўшт ва дориворлар билан тўлдирилган ичак, яъни колбоса” (ДТС,571) *тоғра-* феълидан ҳосил қилинган *тоғрыл* деривати билан ифодаланган (1,446). Йўргă- “ўрамоқ” феълидан *-мăч* аффикси иштирокида ясалган йўргамăч сўзи “қорин ва ичак ингичка ичак ичига солиниб, қиздирилиб ёки қайнатилиб ейиладиган” ҳасип, колбосани (Ш,64) билдирган. “Киритмоқ, жойлаштирмақ, тўлатмоқ” маъносидаги *соқ-* феълидан ясалган *соқту* сўзи “жигар, гўшт ҳамда турли дориворлар билан тўлатилиб, қайнатиб ейиладиган ичак”, яъни ҳасипни ифодалаган (1,394). Ҳозирги ўзбек тилида ичак ичига гурунч, гўшт ва хушбўй дориворлар солиб, пишириладиган ҳасип “Девон”да *соғут* деривати билан англашилган (1,338).

“Девон”даги изоҳдан “уруғ ва ўсимлик ёғи” маъносининг *йағ* сўзи кўмагида очилганини билиб оламиз (Ш,175). Шу билан бирга, давр тилида “кунжут” маъносида ишлатилган *кўч* (Ш,132) ҳамда *йағ ўғури* (1,88)дан олинadиган “кунжут ёғи” маъносининг *кўч йағи* (Ш,132) бирикмаси билан ифодаланишни эътироф этамиз. Турк (уйғур) хатида битилган қадимги туркий тил манбасида *кунчит йағи* билан бир қаторда “сигир(мол) ёғи” маъносидаги *иьăк йағи* бирикмаси ҳам қайд этилган (ДТС,223). Маҳмуд Кошғарий ўғузларнинг “чарви”ни *йағ* деб аташларига алоҳида диққат қилган (Ш,175). “Ёғни, эритмоқ, доғламоқ” маъноси *йағны эрут-* бирикмаси билан англашилган: *Ол йағны эрутти*–у ёғни эритди (1,215). Ёғ эритил(доғлан)гандан кейин идиш тубида қоладиган қуйқа *тар* сўзи билан ифодаланган (Ш,162). Кундалик дастурхондан ўрни билан балиқдан тайёрланган таомлар ҳам ўрин олган. Турфон битигларида қўлланган *балық* зооними эски туркий тилда ҳам фаол истемолда бўлган (ДТС,80). “Девон”да ушбу зооним нафақат сувда яшовчи жонзот, балки балиқ гўштини ҳам ифодалаган (1,360). Ушбу зооним асосида ясалган *балықса-* феъли “балиқ ейишни истамоқ, хохламоқ” маъносини аналтанган (Ш,347).

б) *Сут маҳсулотлари номларининг ифодаланиши.*

Мазкур мавзуй гуруҳга доир лексемалар “Девон” матнида сон жиҳатдан салмоқли бўлиб, улар давр туркий халқларининг асосий турмуш тарзи – чорвачилик билан бевосита боғлангандир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги қариндош туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида сўт маҳсулотлари турларини ифодалаётган сўзларнинг аксарияти Маҳмуд Кошғарий луғатида

аксини топган. Чунончи, “молнинг елинидан соғиб олинган оқ суюқлик” семемасининг *сўт* лексемаси билан ифодаланганини (Ш,132) кузатамиз. Айни сут ундан тайёрланадиган овқат ва маҳсулотлар учун асос бўлиб хизмат қилган. *Сўт* лексемаси умуман молдан соғиб олинадиган оқ суюқликни ифодалаши билан характерланади. Шу билан бирга, муайян мол туридан соғиб олинадиган сутни ифодалаш мақсадида алоҳида сўзлар, би- рикмалар ажодлар тилида қўлланган. Хусусан, йилқи сути *қымыз* лексемаси билан англашилган. Маҳмуд Кошарий бу сўзга қуйидагича изоҳ беради: кимиз, бу йилқи сути бўлиб, уни саноч-мешиларга солиб, ачитиб ичилади (1,346). Шу ўринда қадимги туркий тил обиларидан бирида *ит сўти* бирикмаси билан ифодаланган маҳсулотнинг шифобахш хусусиятга эгалиги борасидаги ашёвий мисолни келтиришни ўринли ҳисоблаймиз: *ит сўти бор бирлә ичсар* –ит сути шароб билан ичилса (ДТС,519).

“Сутдан томизги солиб ивитиб тайёрланадиган маҳсулот” (ЎТИЛ,П,560), яъни қатик эски туркий тилда “аралаштирмақ, қормоқ” маъносини ифодалаган *йоғур*- ҳаракат феълидан ясалган *йоғурт* деривати билан англашилган (Ш.179). Бу сўзнинг *йоғурт* фонетик шакли ҳам истеъмолда бўлган (П,292). Сўзнинг айни фонетик шакли “Қутадғу билиг”да ишлатилган: *қымыз сўт йа йўн йағ йа йоғурт қурут* –кимиз,сут ёки жун, ёғ ёки қатик, курт (ДТС,270). Кейинги давр манбаларидан “Таржумон”да кўрилатган сўз *йағурт* тарзида қайд этилган (17b1). “Ат-туҳфа”да гарчи, *йоғур*-/*йовур*- феъли юқорида келтирилган “аралаштирмақ,қормоқ” маъносида кузатилса-да (2569;256М), бироқ унинг асосида юзага чиққан *йоғурт* ясамаси учрамайди. Мазкур обидада *йоғурт* лексемаси ифодалаган маъно “қотмоқ, қуюлмоқ “ маъносидаги *қат*- феълидан – қ аффикси иштирокида ясалган *қатық* дериватининг “Девон”да “сирка ва қатик каби тутмоч овқатиға кўшиладиган доривор “хамда “қотиштириш, аралаштириш” маъноларини ифодалаганлиги эътироф этилган (1,363). *Қатық* сўзининг ҳозирги ўзбек тилидаги маънода қўлланиши илк бор “Ат-туҳфа”да кўзга ташланади. Айни чоғда ушбу сўзнинг “Девон”да берилган иккинчи маъносини ҳам сақлаб қолганлиги кузатилади (462). Қатик ивитиш учун сутга солинадиган ачитки, томизғи *қор* туб сўзи билан ифодаланган. Маҳмуд Кошгарий томизғи иштирокида маҳсулот тайёрлаш жараёнини қуйидагича баён этади: идиш(хурмача) тагида қолдирилган ивитилган қатик ёки ачиган қимиз устига сут қўшилиб, қатик ёки қимиз қилинган (Ш.133). Ушбу баёнда нафақат қатик, шунингдек қимиз тайёрлашда ҳам ачитки-қордан фойдаланилганликка диққат қаратилган. *Қор* сўзидан ҳосил қилинган *қорлан*- ясамасининг “ачимоқ”: *қымыз қорланды* - қимиз ачиди ҳамда “қуюлмоқ” маъноларини ифодалгани қайд этилган (Ш.214). *Қорлан*- феъли англаган кейинги маънода *қойул*- сўзи ҳам ишлатилиб, синонимик қатор юзага чиққан: *йоғурт қойулды*- қатик қуюлди (Ш,207). Кейинги лексема ҳозирги ўзбек тилида *қуйул*- тарзида қўлланишида давом этмоқда.

“Қатикқа сув қўшиб шопириб тайёрланадиган ичимлик” семемаси “Девон”да *айран* лексемаси ёрдамида ифода этилган (1,142). Айроннинг сув қўшиб тайёрланишини ҳисобга олиб, “суюқ қатик” маъносидаги *сувук йоғурт* бирикмасининг (Ш,179) *айрон* сўзига маълум даражада маънодошлигини

таъкидлаймиз. Кези келганда, *сув* туб сўздан –қ аффикси иштирокида ясалган ва “ҳар бир суюқ нарса, чунончи, суюлтирилган қатик, сузма, ширинликлар” (Ш,179) маъносидаги *сувуқ* сўзининг ҳозирги ўзбек тилида *суюқ* тарзини олганлигини эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмас (ЎТИЛ,П,90). “Сув кўшилган айрон, шунингдек, бугдой сувининг шароблик қуввати кетгандан кейинги сувлик ҳолати” маъноси *суусуш* сўзи ёрдамида ифодаланганига лугатнавис диққатини қаратган (1,428). Ушбу сўз бошқа эски туркий тил манбаларида ишлатилган эмас.

“Халтага солиб осиб қўйиб сузилган қатикдан ҳосил бўлган маҳсулот” семемаси лугатда, бизнингча, “тинитмоқ, тозаламоқ” (ЎТИЛ,П,82) маъносидаги сўз-февлидан ясалган сўзма деривати билан англашилган (1,407). “Мол сутидан ажратиб олинган ёғ” маъносини ифодалаш *сағ йағ* бирикмаси зиммасида бўлган (Ш.168) ва у илк бор тиббиётга оид қадимги туркий тил манбаларида қўлланган (ДТС,480). Бирикманинг биринчи компоненти *сағ* “тоза, ширин” маъносини билдирган бўлиши мумкин. Зотан, “тоза, ширин сув” маъноси *сағ сув* бирикмаси билан англашилган (Ш,168). “Таржумон”да бирикманинг *са йағ* (17b10), “Ат-туҳфа”да эса *сары йав* (19a9,20a2) фонетик шаклларида ишлатилгани ва “сарийёғ” ни ифодаллагани диққатга молик.

Ҳозирги ўзбек тилида *қаймоқ* лексемаси “бир нача вақт турғизиб қўйилган сут бетид пайдо бўладиган ёки сутдан сепаратор ёрдамида ажратиб олиннадиган қуюқ ёғли маҳсулот” семасини ифодалади (ЎТИЛ,П,538). “Девон”да “қаймоқ” маъносининг *қайақ* сўзи ёрдамида ифодаланиши, аргу ва булгор тилларида бу сўздаги *й* фонемасининг *н* га алмаштирилиб, *қанақ* тарзида қўлланиши қайд этилган (1,365). Лугатда “сардак” маъносини билдирувчи *қыйақ* дериватининг (Ш,39) “кесмоқ”ни билдирувчи *қый*-сўздан(Ш.264) ясалганини эътиборга олиб, *қайақ*// *қанақ* ҳам айни шу асосдан шаклланган, деган мулаҳазани билдириш мумкин.

“Сузмани ёнғоқдек-ёнғоқдек юмолоқлаб қуришиб тайёрланган маҳсулот” маъноси (ЎТИЛ,П,624) “суви, нами қочиб, суви, намини йўқотиб қуруқ ҳолга келмоқ, қуруқ бўлмоқ” маъносидаги *қуру*- февлидан –қ кўшимчаси билан ясалган *қурут* сўзи ёрдамида ифодаланган. Мазкур лексеманинг илк эски туркий тилда фаол қўлланганини юқорида “Қутадғу билиг” пандномасидан олинган фактик мисол ҳам тасдиқлайди. Қадимги туркий тилга оид турк(уйғур) ёзуви буддавий манбалардан бирида ушбу сўзининг *қурут* шаклидоши(омоними) “солик тури, қурут” маъносида қўлланган (ДТС,470). “Таржумон” асари муаллифи қипчоқлар тилида *қурут* сўзи билан ёнма-ён қора рангли қуртни англатувчи *қара қурут* бирикмасининг ҳам ишлатилишига эътибор қаратган (17b5). “Ат-туҳфа”да фақат *қурут* лексемаси ифодасини топган (463).

в) *Ун маҳсулотлари номларининг ифодаланиши.*

“Девон” сўз бойлигида ун маҳсулотлари турларини номловчи бир нечта лексемалар ҳам қайд этилган. Улар ўтмиш, яъни қорахонийлар даврида аждодлар кундалиқ турмушида яшаш учун зарур ҳисобланган ун маҳсулотларидан қай даражада истифода этгани хусусида маълумот беради.

“Донни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озука” маъноси *ун* туб сўзи билан англашилганлиги лугатда аксини топган (1,83). Қадимги туркий битигларда бу сўз кўзга ташланмайди. “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-хақойиқ” сингари илк эски туркий манбалари сўз бойлигида ҳам ушбу лексема йўқ. Махмуд Қошғарий *ун* сўзининг “хамир” маъносида ҳам қўлланишини таъкидлаган (1,282). Хамир қоришдан олдин *ун* эланган. “Эламок” маъноси *элгā-* сўзи ёрдамида очилган: *Ол анар ун элгāшти* – у унга *ун* элашда кўмак берди (1,241). “Қўл” маъносидаги *эл* сўзига алоқаси бор *элā-* феъли кейинчалик *элā-* шаклини олган ва ҳозирга қадар туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида дастлабки маъносида қўлланишда давом этмоқда. “Оқлаб туйилган бутун дон, оқланган ғалла маҳсулоти”, яъни “ёрма” маъносини ифодалаш *йармаш* лексемасига юклатилган: *Йармаш ун* бирикмаси “майда *ун*”ни англатган. Лугатнависнинг ёзишича, бу икки сўз бир-бирига зид маънодаги сўзлардандир. Ҳақиқатда, бу сўзларнинг асли бирдир (Ш,47). Ҳозирги ўзбек тилидаги *ёрма* сўзи қадимги туркий тилда *йарма* шаклида “крупа” маъносида ишлатилган (ДТС,242). “Девон”да бу сўз *йувға* лексемаси билан бириккан – *йарма йувға* ҳолда “бир хил қатлама” маъносида акс этган (Ш,41).

“Одатда унни сув ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ чўзилувчан қоришма”, яъни “хамир” маъноси эски туркий тилда “қормок, аралаштирмоқ”ни англатувчи *йогур-* ҳаракат феъли асосида юзага чиққан *йогрум* лексемаси билан ифодаланган: *бир йогрум ун* бир хамирлик *ун* (Ш,54). Ўрганилаётган мавзий гуруҳ сирасига “қоришмоқ” биргалик ва “қордирмоқ, хамир қилдирмоқ” буйруқ даражаларини ифодаловчи *йогруш-*(Ш.112) ҳамда *йогурт-* (Ш,422) феълларини ҳам киритиш зарур. Лугатда келтирилган *Йогурмыш ун сувуды* (П,112) жумласида фикр қорилган хамирнинг суюлгани ҳақида бораётгани аниқ.

г) *Нон маҳсулотлари номларининг ифодаланиши.*

Ушбу мавзуйи гуруҳ сон жиҳатдан анча кенглиги билан ажралиб туради. Унинг таркибидан *нон* маҳсулотлари номларини билдирувчи лексемалар қатори уларни тайёрлаш жараёни билан бевосита боғлиқ тушунчаларни англатувчи сўзлар ҳам мавжуд бўлган. “Хамирдан тайёрланиб, тандирда, печда пишириладиган егулик” семемасининг ҳозирги ўзбек тилида форс-тожик тилидан ўзлашган *нон* сўзи билан англашилиши барчага маълум (ЎТИЛ,1,510). Эски туркий тил, хусусан, “Девон”да қайд этилган маъно ўта фаол қўлланишда бўлган асл туркча *эммāk* лексемаси билан ифодаланган (1,127). Ҳозиргача маълум қадимги туркий тил битиглари матнида бу сўз учрамайди. XIII-XIV аср эски туркий тил обидларида у кенг қўлланган (Таржумон,16b12). Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonида тахлил қилинаётган сўз *эммāk* шаклида ишлатилган: *Эммāk эмās барча буким тургасэн, Арпа-у бугдай сачыбан оргасэн* (АНАТИЛ.Ш,562). Сўзнинг Алишер Навоий қўллаган шакли айни маъноси билан ҳозирги турк тилида ишлатилмоқда (ТРС,264). Ҳоконияликлар тилида “лочира, юпка нон” маъноси *бўшқāl* лексемаси билан англашилгани лугатда таъкидланган (2,445). Ноннинг лочирадек, жуда юпка ҳам, қалин ҳам бўлмаган тури *синчū* сўзи билан

ифодаланган (1,394). “Таржумон”да “юпқа” тарзида изоҳланган *йупқа этмак* бирикмаси (16b17) маъно нуқтага назаридан *синчў* сўзига маълум даражада яқинлашади. Маҳмуд Кошғарий *қара этмак* бирикмаси билан аталган бир хил нонни қуйидагича шарҳлайди: гўшт хил-хил пишиб, сўнгаклари айрилиб кетгунча қайнатилади. Сўнг устига ун, ёғ, шакар солинади, бир-бирига аралаштирилиб қуйилгунча қайнатилади, сўнг сыйлади. Бу (сўз) *қара қура* тарзида ҳам қўлланади (Ш,241-242). Нон ёпиш жараёни *этмак йап*-бирикмасида аксини топган: *Эиләр этмак йапты*-Хотин тандирга нон ёпти (ёпиштирди) (Ш,65). Ноннинг қат-қат тури “Девон”да *йувга/йуга* сўзи билан ифодаланган (Ш,34). “Тандирда ёпилган кичкина думалоқ нон, яъни кулча” семемасини ифодалаш учун эски туркий тилда *чўрак* сўзи ишлатилган (1,359). “Таржуман” (16b13) ва “Ат-туҳфа” (28бм)да ҳам аксини топган ушбу сўздан “чурак кулча(лочира)ясамок” маъносини билдирган *чўракля-* деривати ҳосил қилинган (Ш,453). Ҳозирги ўзбек тилида *чуррак*, *чуррак нон* “Кавказ халқларининг тўрт бурчак шаклидаги тарам-тарам нони”ни англатади (ЎТИЛ,П,383). “Парда пиширилган, енгил ҳазм бўлувчи нон” *чуқмын* лексемаси билан англашилган (1,415). Келиб чиқиши қоронғу ушбу лексема бошқа бирорта манба сўз бойлигида мавжуд эмас. Аждодлар нонни кулда пишириш технологиясини ҳам билишган. “Кулда пиширилган нон” маъноси *кōмāч* (1,51) ҳамда *кōзмāн* (П,35) лексемалари билан ифодаланган. Ҳозирги ўзбек тилида “иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон” семемасида (ЎТИЛ,1,415) қўлланаётган биринчи сўзнинг “кўммок” маъносигадаги *кōм*- феълидан ясалгани шубҳа туғдирмайди.

“Ёғли хамирдан қатламлиб ёғ суриб, юпка ёйиб ёғда пиширилган нон, яъни қатлама” маъноси луғатда *йарма йувга* (Ш,41) ҳамда *қатма йувга* (1,428) бирикмалари ёрдамида англашилган. Ҳозирги ўзбек тилидаги *қатлама* сўзи кейинги сўз бирикмасининг биринчи компоненти (*қатма<қат*) негизда воқаланган.

Маҳмуд Кошғарийнинг гувоҳлик беришича, *қуйма* истилоҳи билан ифодаланган бир хил ёғли нон тури қуйидагича тайёрланган. Қуйма шарбат билан қорилган хамирдан юпка қилиб кесилган. Сўнг қозонда қайнаётган ёққа солиб, аралаштирилган, кейин устига шакар сепилиб ейилган (Ш,188). Ёғли нон турини билдирган *қуйма* термини билан ҳозирги ўзбек тилида “тухумга ун чалиб ёғда қовуриб тайёрланган овқат”ни ифодаловчи *қуймоқ* лексемаси (ЎТИЛ,П,614) орасида ҳам структур, ҳам семантик жиҳатдан муайян боғлиқлик мавжуд.

“Қовурилган дон, қуритилган нон ва шу кабилардан туйиб тайёрланган емиш” семемасининг ҳозирги ўзбек тилида *толқон* сўзи билан ифодаланиши маълум (ЎТИЛ,П,109). “Янчмоқ” маъносини англаган *тал*- феълига *-қа* ва *-н* аффиксларини қўшишдан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,346) ва дастлаб Турфондан топилган қадимги туркий обидалар матнида *талқан* шаклида акс этган (ДТС,529) бу сўз “Девон”да ҳам қўлланган: *Ол талқанқа йағ қаттурды* - У толқонга ёғ қўштирди (П,220). “Ат-туҳфа”, “Таржумон” ва “Қисаси Рабғузий” матнида бу сўз учрамайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. АНАТИЛ –Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. I-IV. Тошкент: Фан, 1983-1985.
2. Ат-тухфа – Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат ХIУв.на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И.Фазылова и М.Т.Зияевой. Ташкент: Фан, 1978.
3. БН –Захириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Тошкент, 1960.
4. Девону луготит турк — Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. I-III. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С.М.Муталлибов. Тошкент, 1960-1963.
5. ДТС - Древнетюркский словарь. Л., 1969.
6. СУЯ – Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники ХIУ века. Т. I-П. Ташкент: Фан, 1966, 1971.
7. Таржумон – Kitab-i Mestui-i Tercuman-i Turki ve Acemi ve Mugali. Ankara, 2000.
8. ТРСл – Турецко-русский словарь. М., Русский язык. 1977.
9. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т. I-П. М.: “Русский язык”, 1981.
10. ЭТЭЛ - Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). Тошкент: Университет, 2000.
11. Қисаси Рабғузий – Gronbech K. Rabguzi Narrationes de Prophetis, Cod. Mus. Brit. Add. 7851. Kopenhagen 1948.

Усмон Санакулов,
ф.ф.д., профессор

ТИЛ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбек тилининг тарихи бўйича қатор тадқиқот ишлари олиб борилиб, уларнинг натижалари чоп этилган. Чунончи, А.Шчербак, С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, Э.Фозилов, Ҳ.Неъматов, А.Рустамов, С.Шукуров, Қ.Содиқов, Э.Умаров, Қ.Маҳмудов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Дадабоев, Қ.Каримов, А.Нурмонов, С.Аширбоев, А.Матғозиев, И.Юлдашев, Б.Ўринбоев каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда ўзбек тилшунослиги ва туркийшуносликда қардош тилларни киёсий-тарихий аспектда ўрганиш ниҳоятда долзарб масалалардан бири саналади. Таъкидлаш жонзки, бу йўналишда ўзбек туркийшунослиги муайян ютуқларни қўлга киритган. Ушбу йўналишда профессор Ҳ. Дадабоевнинг ишлари ўзига хос ўрин эгаллайди¹. Унинг VII-XIV асрлар ёзма манбаларининг тили, хусусан, лексик қатлами ва терминлар тизимини ўрганишга бағишланган бир қатор муҳим ишлари чоп этилган. Бу каби амалга оширилган ишлар тилимиз тараққиёти тарихининг маълум даврларини ёритишда, унинг истиқболини белгилашда ва маънавий меъросимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Ташкент: Ёзувчи, 1991 ва ҳ.к.

Эътироф этиш лозимки, умумтуркий тиллар тарихига хос ёзма манбаларни қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш даражаси ҳали меъёрига етганича йўқ. Зеро, ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг шаклланиши ва номланиши, ёзма адабий тилининг тарихий тараққиётини даврлаштириш ҳақидаги турли хил қарашлар илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ талқин этилмаган ва бу масалалар бўйича муайян ҳулосага келинмаган. Хусусан, ҳозирги туркий тиллар ва ўзбек тили фонетик, морфологик меъёрларининг юзага келишига асос бўлган манбаларни белгилаш, уларнинг диалектал асосини аниқлаш ва бунинг учун умумтуркий ёзма ёдгорликлар тил материалларини қиёсан таҳлил этиш, уларга таяниб ёзма адабий тилининг шаклланиш ва тараққиётини, айниқса, фонетик, морфологик элементларнинг меъёрлашувини чуқурроқ ёритиш каби масалалар поёнига етган деб бўлмайди. Зотан, бу масалаларни ёритишда, хусусан, қиёсий ўрганишда турли талқинлар мавжуд.

Маълумки, бу соҳада ҳам туркологияда маълум тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, умумтуркий асарлар тилининг қиёсий-тарихий нуқтан назардан ўрганилишида таниқли туркшунос олим Э.Нажибнинг ўрнини алоҳида қайд этиш даркор. Мазкур мақолада олимнинг “Исследования по истории тюркских языков XI-XIV веков”¹ асарида “Қиссаи Юсуф” достонининг лисоний таҳлиliga оид баъзи фикрларига ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

“Қиссаи Юсуф” достони лексикаси таҳлиliga бағишланган ишда 100 га яқин сўзлар қиёсланиб, улар ўғуз гуруҳига хос деб қаралган². Айни чоғда асар сўз бойлигида қипчоқ тилига оид элементлар ҳам сезиларли ўринни эгаллаганлиги таъкидлаган. Жумладан, 120 дан ортик сўзларнинг қипчоқ лаҳжасига таалуқли эканлиги эътироф этилган. Шу асосда асардаги ўғуз ва қипчоқ тиллари элементлари таҳлил этилган ва улар ҳозирги қардош туркий тиллар (учта) билан қиёслаган, қисса тилининг бу тилларга муносабати белгиланган³. Шу ўринда Э.Нажиб томонидан қиёслаш учун олинган ҳамда ўғуз ва қипчоқ тилига хос деб қаралган сўзларда аниқлик етишмаслигини таъкидлаш лозим бўлади. Биринчидан, бу икки лаҳжа аралаштириб юборилган, иккинчидан, танланган сўзларнинг умумтуркий тилга хослигига урғу берилмаган, улар фақат уч тил (татар, туркман, турк) га тегишли деб қаралган, натижада, бошқа туркий тиллар эътибордан четда қолган. Қиёсланган фактик мисолларни ҳам фақат уч тил доирасида қаралганлиги асар тилининг диалектал асосини аниқлаш масаласини чегаралаб қўйган. Агар қайд этилган ашёвий мисоллар ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур ва бошқа қардош тиллар материаллари билан ҳам қиёсланганда, асар тилидаги хусусиятларининг умумтуркий характерга эга эканлигини кузатиш мумкин бўлар эди. Зеро, бундай лексик ва грамматик хусусиятларнинг аксарияти барча туркий тилларда учрайди. Буни Э.Н.Нажиб томонидан таҳлил этилган сўзларни ва грамматик элементларни ўзбек тили материалларига ҳам қиёслаганда кўриш мумкин.

¹ Наджиб Э. Н. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV веков.-М.: Наука, 1989.-283 с.

² Наджиб Э. Н. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV веков... -С. 67-75.

³ Наджиб Э. Н. Кўрсатилган асар. -Б.71-75.

Олим асарнинг морфологик хусусиятларида ўгуз (қисман қипчоқ) тили асосий ўрин эгаллаган, деган фикрни олға суради. Лекин Э.Наджиб томонидан келтирилган қиссанинг морфологик материаллари таҳлилида қадимги туркий тилга хос бўлган қуйидаги элементлар қайд этилган: восита келишигининг-(и)н кўшимчаси баъзи сўзлар таркибида учрайди: бир гўр йэрэ йүзсүзин дүшди (бир гўрга юз тубан тушди), қачан анлар йүзүфи көзинин гөрди -қачон улар Юсуфни ўз кўзлари билан кўришди (ЭН.76-б.). Баъзан қадимги туркий тилга тааллуқли бўлган жўналиш келишигининг-ру/-рү кўшимчаси ганчарү (қасрга) шаклда қўлланган. Шу каби олмошнинг баъзи қадимги шакллари ҳам қўлланилган: кишилиқ олмошининг биринчи шахси бин (мен), учинчи шахс кўплиги анлар (улар); ўзлик олмоши кәнд-бз: кәнд өзини йүзүфә сахир гүлди (у ўзини Юсуфга кўрсатди), кәнд элилә (ўз кўли билан) каби шакллари; кўрсатиш олмошларининг ош, ошал, мундағ: бир дағда ош дүшдиләр, ошал ад ва ҳ.к. Сўроқ олмошларининг нә (нэ, на), пәдән, нәтә, нәтәк, қанда, қандан, қандай, нишә, нәчик; шунингдек, қаму (қамук), кимсә, ҳэч (ЭН.76-77-б.) каби олмошнинг биргалик, гумон, бўлишсизлик маъноларини ифодаловчи шакллари учрайди. Ушбу таҳлилида олим қайд этилган мисолларда қўлланган унсурларни фақат уч тилга мансуб, деб қарайди. Балки уларни умумтуркий элементлар сифатида қараш лозимдир.

Асарда қуйидаги сонлар учрайди: икәвләси ёки икиси, икәвләсин, онуламуз, икиләнчи, икин-икин, яъни икәвләйин каби (ЭН.77-б.). Ушбу мисоллар умумтуркий тилининг илк даврларига хос бўлиб, бир қатор қардош туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили тараққиёт босқичларига ҳам тўлиқ мос келади. Э.Нажиб бундай сонларда уйғур тилининг таъсири сезилади деб қайд этса-да, негдир қарлуқ лаҳжасининг ўрнини белгиламайди.

Достон тилида равишларнинг чоғ, барча, йарун (эртаси кун), бэйлә (балли, шундай), йакса (ўзгача), сўйлә (шундай), дахы/дағы, кәрү (қарши), эндиқабил шакллари учрайди. Айниқса, тәлим, бәйүк (буюк), артуқ (ортиқ), эртә, йавлақ (жуда), кәртү-түғри (ЭН.77-78-бб.) каби умумтуркий сўзлар кенг қўлланилган. Фейл туркумига мансуб характерли хусусиятлардан бири сифатида замон маъносининг қуйидаги шаклда ифодаланишини қайд этиш мумкин. Чунончи, ҳозирги замон феълининг I шахс бирлиги тубанидагича акс этган: дўңләйўрмайн сөзүңни, ану қабуләйләйўрмә, нә дэйўрсиз аңлайурман; келаси замон шакллари -усар, -исәр ва -дәчу аффикслари орқали англашилган: бўлдәчүчән, олдачусар, қуйудан (қудукдан) чуқарубан сатулдачы, андан сонра аңа тўхмә чоғ олдачу (қудукдан чиқарибон сотилажак, андин сўнгра аңа тухмат кўп бўлажак ёки унга кўп тухматлар қилинади); Муср (Миср) ичрә падшах олусарсән, Зүләҳәни ағды никәх эдиәрсән (ЭН.77-78-бб.) сингари.

Қайд этилган грамматик шакллар қадимги туркий тил битигларида, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида учрайди. Ҳатто, бу хусусият ҳозир ҳам ўзбек тилининг баъзи диалектларида мавжуд. Ушбу Э.Нажибнинг ўзи томонидан ҳам эътироф этилган (ЭН.74-б.). Лекин олим бу шакллари Ўрта Осиё. Олтин Ўрда ва бошқа ҳудудларга доир ёзма ёдгорликлар тилида учрамайди, деган хулосани айтган. Бизнингча, олим таҳлилда қиёсий-тарихий

усулни кенгроқ қўллаганда эди, бу хулосани бошқачароқ чиқарган бўлар эди. Ҳақиқатан ҳам, дoston тилида анча эски даврларга хос умумтуркий элементлар қўлланилган.

Хуллас, ушбу айтилганлардан қуйидагича тўхтамга келиш мумкин: “Қиссаи Юсуф” асарининг ўғуз диалекти устун бўлган хоразм лаҳжасига хослигини инкор этиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда, ушбу асарда Мовароуннаҳр адабий муҳити асарлари тилининг таъсири ҳам йўқ эмас. У қорахонийлар даврида шаклланган, кейинчалик “чиғатой” тили деб номланган эски ўзбек адабий тили билан яқин алоқада бўлган. Бу икки муҳит тили умумтуркий адабий тилнинг тармоқлари саналади. Бу тармоқ эски ўзбек адабий тилининг ҳам шаклланишида асос вазифасини ўтаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Наджип Э. Н. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV веков. -М.: Наука, 1989.
2. Sanaqulov U. O'zbek adabiy tili tarixining ilk davrlari. -Toshkent: G'afur G'ulom, 2004.

**Дустмамаг Кулмамаатов,
д.ф.н., профессор**

К ИСТОРИИ УПОТРЕБЛЕНИЯ СИНОНИМИЧЕСКОГО РЯДА НУМИЗМАТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В СТАРИННЫХ РУССКИХ ПЕРЕВОДАХ ХИВИНСКИХ ЧЕЛОБИТНЫХ XVII в.

Обстоятельное изучение истории словарного состава, фонетического, лексического, морфологического и синтаксического строя любого языка, в частности, русского, можно построить на основе анализа исторических актов, дошедших до нас в рукописном виде.

Среди сохранившегося актового материала XVII в. особое место занимают многочисленные памятники деловой письменности, в том числе переводные документы делового содержания, не подвергшиеся пока ещё лингвистами к специальному исследованию. К числу таких памятников можно отнести старые русские переводы хивинских челобитных XVII века, хранящиеся в фонде 134 «Сношения России с Хивой» Российского государственного архива древних актов (РГАДА) в Москве. Эти документы особенно интересны в том отношении, что семантика слов, встречающихся в их текстах, может быть проконтролирована не только самим контекстом, в котором они встречаются, но также тюркским текстом-оригиналом, дающим для них более или менее точные лексические соответствия из письменных языков Средней Азии того времени.

В этом отношении будет интересным продемонстрировать подбор тюркских соответствий для синонимического ряда нумизматических терминов русского языка *деньга, тамга и акча*, употреблявшихся в старинных русских переводах хивинских челобитных XVII в.

Слово *деньга* в памятниках древнерусской письменности впервые упоминается в договорной грамоте великого князя рязанского Олега Ивановича с великим князем московским Дмитрием Ивановичем и братом его Владимиром Андреевичем под 1382 г. «а пошлины съ семьи шесть денегъ съ пешоходовъ два алтына; а съ одного не имати а мыта съ воза дензе, а съ пешохода мыта нетъ» [10, с. 46].

Это слово, появившееся в древнерусском языке на смену традиционным *куна* (*куница*), *векша* (*белка*), *резана* (*отрезок, лоскут*), *ногата* (*ножка, лапка*), *мордва* (*рыльца*), неоднократно привлекались к исследованию со стороны и историков, и лингвистов, но они рассматривались в основном на материале лексикографических источников или старых русских актов без привлечения иноязычных соответствий. Следует помнить, что «пересмотр от времени до времени прежних исследований способствует дальнейшему уяснению предмета, а с другой стороны, свидетельствует, насколько развивается у нас лингвистическая наука и к каким результатам она приводит» [12, с. 44]. К имеющимся в литературе сведениям можно добавить интересные факты из указанных источников, которые для лингвистических целей использовались недостаточно.

По поводу происхождения слово *деньга* существует несколько точек зрения.

Еще в начале XVIII в. Х.Д.Френ высказал предположение о том, что название *деньга* происходит от тюркского слова *тамга* [15]. Позднее его этимология была подвергнута критике Ф.И.Эрдманом [13, с.5.] и И.Н.Березиным [3, с.16], но все-таки поддержана Фр.Миклошичем [16, р. 39-40].

Точка зрения Х.Д.Френа была поддержана еще раньше Д.М.Зубаревым в его статье «Исторические справки», опубликованной в журнале «Вестник Европы»: «деньги ... от татарского слова *тамга* – знак, печать. Сии знаки употреблялись на монетах, также на печатяхъ, кои давались Ханами правителямъ или вельможамъ» [7, с. 214]. Позднее эти предположения исследователей нашли своего сторонника в статье В.Д.Аракина «Тюркские лексические элементы в памятниках русского языка монгольского периода» [2, с. 115].

Н.К.Дмитриев слово *деньга* относит к числу тюркизмов, подтвержденных фактами. По его мнению, *деньга* происходит от татарского *tenka* [5, с. 533]. Но видный российский языковед И.Г.Добродомов указывает, что оно восходит по своему происхождению к тюркскому *tenge* и «в основе этого названия лежит тюркское название белки *тейин, тин, тийин, тыйин*» [6, с. 369].

Теперь, чтобы проверить надёжность приведенных версий по поводу происхождения слов *тамга* и *деньга*, обратимся к тюркским оригиналам челобитных хивинских послон и их русским переводам XVII в.

Тамга зафиксирована, например, в челобитной хивинского Исфендеяра царева посла Авеза Бакея царю Михаилу Федоровичу от 1 марта 1640 года, написанной в арабской графике на среднеазиатском тюрки:

اوز یرمه بارغنده غرتلو و شوکتلی اسفندیار خان حضرتاری منکا

[Öz yerimə bərgəndə gəyratlu va shavkatlı İsfəndiyar xān hazratları mankā
ایترلرکم سن بر اوزکه گناه ایتمسکم سنده اوروس ولایتده تمنه طلب ایتمدرلر
āytarlarkim san bir ōzkə kūnah İtibankim sandə ōrus vilāyatandə tamgə talab
İtibdirilar] [РГАДА, фонд 134, опись I, 1639 год, дело 2, лист 255].

Данный контекст переводчиками Посольского приказа XVII в. переведён следующим образом:

*«И как буду въ Юргенчахъ и государь мои Исфендеярово царево
величества учнет говорить что некоторую вину ты сдѣлал для того на Руси у
тебя тамги спрашивали»*

[РГАДА, фонд 134, опись I, 1639 год, дело 2, лист 258.

Как видим, в тюркском оригинале, написанном арабской графикой, данного контекста слову *тамга* соответствует تمنه [tamgə]. В данном случае слово *тамга* употреблено в значении «пошлина», которая взималась с купцов и проезжих и т.д. Этот материал не даёт согласиться нам с мнением Х.Д.Френа и его сторонников.

Слово *деньга* как «общее название денежной единицы» употреблялось в письменных памятниках русского языка XVII в. весьма активно. Оно отмечено нами, в частности, в старинном русском переводе челобитной хивинских (юргенских) послов Авеза Бакея и Кошута Богатыря царю Михаилу Федоровичу от 26 апреля 1640:

*«Прокофеи намъ сказалъ вашего государского жалованья и вина и меду и
хлебовъ и вашего милостивого государева жалованья даютъ намъ в стола место
корму деньгами а мы холопы ваши и всегда ваше жалованье емлем деньгами»*

[РГАДА, фонд 134, опись I, 1639 год, дело 2, лист 274].

Этот текст был переведён со следующего текста, написанного в арабской графике на среднеазиатском тюрки:

پركوفى بيزكه كلب سوزلدركيم رحملى پادشاهمير اوستل عتمى بال اتمك يارلقادردب
[pirakūfī bizkə kelib sōzlalilarkīm rahimlī pādishāhimīz ūstal aqī bōl ātmak
yōrliqodilar dib

ايدب ايى رحملى پادشاهم بيزه اقجه بره دورلر بزا رحملى پادشاهم يارلقاشنده
āyḍib āyḍī rahimlī pādishāhim bizə āqḍjə berədūrlar bizā rahimlī pādishāhim
yōrliqoshinda

کنده اقجه الرمز
kundə āqḍjə ālarmiz]

[РГАДА, фонд 134, опись I, 1639 год, дело 2, лист 273].

Приведённый пример показывает, что название одной из русских денежных единиц *деньга*, проникшее в русский язык еще в XIV в., активно войдя в словарный состав древнерусского языка, в XVII в. употреблялось как соответствие тюркскому названию мелкой серебряной монеты اقجه [āqḍjə] – производно от اق [āq] – дословно «белый, серебряный» с помощью суффикса جه [djə] – дословно «беленький». Первоначально слово могло означать «белую или серебряную монету» [14, с. 11]. Как указывает Х. Дадабаев, тюркское слово *акча* в значении «монета, деньги» впервые наблюдается в древнетюркском енисейском памятнике из долины реки Барык; в значении «деньги» *акча* зафиксировано в кыпчакском словаре «Codex cumanicus» [4, с. 226-227]. Данное

тюркское слово в форме *акча* в настоящее время употребляется в некоторых пограничных с тюркскими языками русских говорах в значении «название денежной единицы» – *деньги*: «К сыночку бы съездить, да акчей в кармане нет» [8, с. 228]. В «Русском этимологическом словаре» А.Е. Аникина отмечено, что форма *акчи* возникла, возможно, под влиянием рус. *деньги* [1, с. 136].

Существует мнение, что тюрк. **a:q-ča* является калькой названия византийской монеты *аспра* [11, с. 342]. – рус. *аспра*. В русских письменных памятниках слово *аспра* впервые по материалам «Словаря русского языка XI-XVII вв.» упоминается в Истории о великом князе Московском – Сочинении князя Курбского (XVI в., Сп. XVII) в значении «мелкая серебряная монета»: «Краву куповано за десять денег Московскихъ, а вола великого за десять аспръ» [9, с. 56.].

Вместе с тем, следует заметить, что русское *деньга*, получившее в дальнейшем собирательное значение – *деньги*, будучи тюркизмом, на тюркской почве представлено хуже. Об этом свидетельствует то, что уже в XVII в. в Средней Азии вместо старого тюркского *tenge* (*tenka*) употребляется другой термин – [ãqđjã]. Материалы русских письменных памятников показывают, что морфологическое обособление названия денежной единицы *деньга* в форме множественного числа – *деньги* складывалось к концу XV в. и с тех пор она, как собственно русское образование, активно употребляется в русском языке [см.: 2, с. 115].

Сказанное демонстрирует значение изучения архивных источников, в частности, материалов российско-среднеазиатских дипломатических письменных памятников в выяснении истории отдельных тюркских слов, употреблявшихся в восточных оригиналах деловых документов XVII в. и современным им в русских переводах.

Литература:

1. Аникин А.Е. Русский этимологический словарь. Вып. 1 (*а - аякушка*) / Ин-т рус. яз. Им. В.В.Виноградова РАН. Ин-т филологии Сибирского отделения РАН. – М.: Рукописные памятники Древней Руси, 2007. – 368 с.
2. Аракин В.Д. Тюркские лексические элементы в памятниках русского языка монгольского периода // Тюркизмы в восточнославянских языках. – М.: Наука, 1974. – С. 112-148.
3. Березин И.Н. Шейбанида. – Казань, 1849. – 183 с.
4. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных памятниках XI-XIV вв.: Дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991. – 404 с.
5. Дмитриев Н.К. О тюркских элементах русского словаря // Строй тюркских языков. – М., 1962. – С. 503-569.
6. Добродомов И.Г. Некоторые вопросы изучения тюркизмов в русском языке // Учен. Зап. МГПИ. – М., 1967. - № 264 (Вопросы лексики и грамматики русского языка). – С. 364-374.
7. Зубарев Д.М. Исторические справки // Вестник Европы. – М., 1825. – Июнь, № 11. – С. 187-217.

8. Словарь русских народных говоров. – М.-Л.: Наука, 1965. – Вып. 1. – 303 с.

9. Словарь русского языка XI-XVII вв. – М.: Наука, 1975. – Вып. 1. – 371 с.

10. Собрание государственных грамот и договоров, хранящихся в Государственной коллегии иностранных дел. – М., 1813. – Ч. I. – 689 с.

11. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика: 2-е изд., доп. – М.: Наука, 2001. – 822 с.

12. Филоненко В.И. Тюркские лексические элементы в древнерусском языке (на материале духовных грамот Московского государства XIV века) // Вопросы русского языка. – Ставрополь, 1971. – С. 44-50.

13. Эрдман Ф.И. Деньги, кабак, набат. Новгород, 1855. – 14 с.

14. Юматова М.К. Экономическая терминология в татарском литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2007. – 23 с.

15. Fraehn C.M. *De origine vocabuli rossici* деньги. – Casani, 1815. – 18 p.

16. Miklosich F. *Etimologisches Wörterbuch der slavischen Sprachen*. – Wien: Wilhelm Braumüller, 1886. – 548 p.

Юлдош Ибрагимов, ф.ф.д., профессор

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАЛҚИНИ

Маълумки, Қорақалпоғистондаги жой номларини тўплаш ва лисоний талқин этиш миллий кадриятларимиз тикланаётган, ўзбек халқ ўзлигини дунёга намойиш этаётган хозирги вақтда муҳим аҳамиятга моликдир. Уларни асосли равишда ўрганиш эса жуда муҳим тарихий-лингвистик илмий хулосалар чиқариш имконини беради. Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистондаги жой номлари тизимига назар ташласак, уларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар лексик қатламига оид сўзлардан иборат эканлигининг гувоҳи бўламыз. Бу номлар умумтуркий ва ўзбекча сўзлар билан бир қаторда нотуркий тиллардан кирган ўзлашмалар орқали ҳам шаклланган.

Хоразм, хусусан, Қорақалпоғистон ҳудудида шарқий эрон тиллар гуруҳига қирувчи қадимги хоразмий тили унсурлари мавжуд. Хоразмийларни XI асрда ўгузлар ва XIII асрда қипчоқлар тамоман ассимиляцияга учратган (3:1948:22). Бу тил элементлари Қорақалпоғистон жой номлари таркибида кўплаб учрайди: Гавур, Измиқшир, Сахтиян, Сарсан, Туба, Хатэп, Гавхўра, Африғ, Галдимийан ва х.

Шунингдек, мазкур шевада неча асрлардан бери турли халқ ва элатлар томонидан турлича талаффуз этилиб, кучли фонетик ўзгаришларга дуч келган ва хозирги вақтда тузилишига кўра айни бир содда сўз ҳолига келиб қолган, аслида эса тарихан қўшма сўздан ташкил топган жой номлари кўплаб учрайди: Пулджой (Пулжўй), Чалджавут (Чолжавут), Майанкол (Миёнқўл), Қарагумбэт (Қорагумбат), Мангғир (Манғир) ва б. Бу жой номлари таркибидаги – *джой*, *чал*, *-мийан*, *гумбат*, *-манг* форматлари тарихан мустақил маънога эга эканлигини қиёсий-тарихий ва комплекс методлар асосида таҳлил этиш орқалигина изоҳлаш мумкин. Бундай метод жой номларининг яратилишини

аниклаш, уларнинг тадрижий тараққиёти, трансформацияси, яъни бир шаклдан бошқа бир янги шаклга ўтишига сабаб бўлган социал жиҳатни аниклаш учун хизмат қилади.

Ўрганилаётган шеваларда сингармонизм қонуниятининг танглай оҳангдошлиги, унли ва ундошларнинг мослиги, алмашилиши, ўтиши, орттирилиши, тушиб қолиши, делабилизация, ассимиляция, диссимиляция, метатеза каби фонетик ходисалар жой номларида ҳам ўз ифодасини топган:

1. Адабий тилда биринчи бўғинда келган ўрта-кенг э, е унлисига ўрганилаётган шеваларда (бундан кўнгирот шеваси мустанно) ҳамма вақт очик, кенг а унлиси мос келади: Канагас (Кенагас), Катманчи баба (Катманчи бува) Кетмончи бобо, Давкескан (Девкесган), Бешмарган (Бешмерган), Катэллар (Кетанлар), Тараклик (Тераклик) ва бошқалар. Бу ходиса Хоразм вилоятидаги этнотопонимларда ҳам учрайди (1:1995:40;4:1951:5-9).

2. Қорақалпоғистоннинг ғарбий ва қипчоқ тип ўзбек шеваларида ўрта-кенг э, е, о унлилари сўз бошида дифтонглашади: *джл.* ғарб. Йэркин джап (Эркин арик); Возбак авул (Ўзбек махалла); Ворис джап (Рус арик); *йл.* ғарб. Йэркин йап; Уозбек авул, Уорис йап ва х.

Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида ундошларнинг мослиги ҳодисаси унлиларга нисбатан кенг тарқалган: 1. Сўз бошида *ж* - *й* ундошлари мос келади: *жл.шев.* *Жумиртав* (Юмиртоғ), *Жилалли* (Илонли), *Жингичкэ* (Ингичка-арик ва қишлоқ номи), *Жашилик* (Ёшлик) *йл.қипч.шев.* *Йумуртав*, *Йилалли*, *Йингичкэ*, *Йашилик*. *Йл.ўғуз.шев.* *Йумурдаг*, *Йиничэ*, *Йиланли*, *Йашиқ* ва х.

2. Сўз бошида *к-г* ундошларининг мослиги мавжуд *ғарб-шев.*; II тип: *Кокозэк* (Кўкўзак), *Кокчэгэ* (Кўкчага), *Кокликол* (Кўкликўл), *Косэвул* (Кўсаовул-этнотопоним); *шарқ.-шев.*; I тип: *Гокозэк*, *Гокчэйэ*, *Гокликол*, *Госавул* ва б.

3. Сўз бошида *д-т* ундошларининг мослиги: *ғарб.шев.*; II тип: *Томаркол* (Тўмаркўл-ойконим), *Туржан авул* (Туржон овул-атропоним), *Тонизли* (Донизли, Тўнгизли-ойконим); *шарқ.шев.*; I тип: *Домаркол*, *Дуржан авуд*, *Донгизли* ва х.

4. Сўз бошида *с-ч* ундошларининг мослиги: *ғарб.шев.*; II тип: *Чанчартубэк-Чанчартувак* (Санчар тувак-ойконим), *Чанчиқли* (Санчиқили-этноним, этнотопоним), *Чанач* (Санач-этноним, этнотопоним); *шарқ.шев.*; I тип: *Санчардубэк*, *Санчиқили*, *Санач* ва б.

5. Сўз охирида *з-в* фонетик ходисаси рўй беради. *ғарб.-шев.*, II тип: *Кубатав*: *Куватов*, (Куватоғ), *Қоратав* (Қоратоғ), *Ҳактав*, *Килбелбаг* (Оҳатоғ) *шарқ.шев.*; I тип: *Кувадаг*, *Қардаг*, *Ҳэждаг*, *Қилбелбаг* ва х.

6. Ғарбий шевалар гуруҳи ва II қипчоқ тип оралик шеваларда интервокал ҳолатда ҳамда жарангли ундошлар билан ёндош келган *к-г* ходисаси содир бўлади(2:1962:169). *Биргулақ* (Бир кулоқ-этноним, этнотопоним) *Когозэк* (Кўкўзак) *Қазагавул* (Қозоқовул) ва б. Шаркий шевалар гуруҳи ва I тип ташқи оралик шеваларда ўзининг дастлабки ҳолати сақланади.

7. Талаффузда унли ва ундош товушларнинг тушиб қолдирилиши ўрганилаётган шеваларда кенг тарқалган. Ундош товушлар кўпроқ сўзнинг ўртаси ва охирида тушиб қолади: *ғарб.шев.*; II тип: *Қорозэк* (Қораўзак туман

номи); *Қарой* (Қорауй-ойконим): *Атчиқол-Аччиқол* (Аччиққўл), *Қаралпақ овул* (Қорақалпоқ овул-этноойконим), айниқса, шарқий шевалар гуруҳи ва I тип ташқи оралиқ шеваларда кўп учрайди. Ҳатто айрим сўзларнинг дастлабки ҳолатини таниб бўлмайди: *Джирджин*- бу Ф.Э.Джержинский номи билан боғлиқ; *Қурйяз салма* (Курбаниёз ариғи): *Жумми пол* (Жуманиёзнинг ери) ва ҳ.

8. Жой номлари таркибида ҳам ассимиляция ҳодисаси учрайди: *ил-лл*: *Джиланли-Джилалли*, *Йиланли-Йилалли*; *Кэтэнлэр-Кэтэллэр*; *ич-чч*: *Кушчи-Куччи-Кутчи* ва ҳ.

Қўшма жой номларининг таркибида кўпинча **-лы-ли** аффикси бириктирувчи восита вазифасини бажаради. *Майлўджап* (Мойли ёп) *Ташлийап* (Тошлиқ ёп), *Майлыджангал* (Мойлиқ жангал). Баъзан **-лы,-ли** аффикси топонимлар таркибидан тушиб қолади: Тошйап, *Майджап* ва ҳ.

Хуллас, жой номларининг шева хусусиятларини ўрганиш тил тарихинигина эмас, халқлар тарихи, этник таркиби, географик шароити, табиий бойлиги, Машғулотги, урф-одати ҳақида ҳам қимматли материал беради.

Шартли қисқартмалар:

джл. ғарб. – джловчи қипчққ тип ғарбий шевалар(кўнғирот-қонлиқўл туманлари)

жл.шев. – джловчи шевалар(Хўжайли, Кўнғирот, Шуманай, Қонлиқўл туманлари)

йл.қипч. тип. шев. – йловчи қипчоқ тип шевалар(Амударё, Беруний туманлари)

Йл.ўғуз. тип. шев. – (Элликқалъа, Тўртқўл туманлари)

шарқ.шев. - шарқий шевалар(манғит-беруний; элликқалъа-тўртқўл шевалари)

ғарб.шев - ғарбий шевалар(хўжайли-кўнғирот-қипчоқ шевалари).

Адабиётлар:

1. Отажанов А. Хоразм этнотопонимларининг айрим фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. 2-сон.
2. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш.Ш. Ўзбек диалектологияси. - Тошкент: Фан, 1962.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.:1948.
4. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. - М.Л.:1951.

Қудратулла Омонов,
ф.ф.д., доцент

ТУРКИЙ ХУЖЖАТЧИЛИК АНЪАНАСИНING ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ИШ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИГА ТАЪСИРИ

Расмий матн – аниқ бир мақсадни амалга ошириш учун бир чизикқа бирлашади; у доимо бир хил, турғун кўринишда намоён бўлади. Шунинг учун у тизим сифатида ўз мазмунини ва ўзгармас матн компонентларига эга тугалланган хабар сифатида намоён бўлади. Расмий матннинг ана шу ўзгачалигига таяниб

фанда дипломатик¹ ёндашув усуллари кўмагида унинг қурилмалари, ажралмас компонентлари таҳлил этилади.

Ғарб давлатчилиги тарихида яратилган ҳужжатлар дипломатикасининг назарий асослари кенг планда, яхши ўрганилган. Шарқ мамлакатлари, жумладан, туркий тилда битилган девон-махқама идораларидан чиққан ҳужжатларни ўрганиш, нашр этиш кўп йиллик тажрибага эга бўлишига қарамай, уларнинг тузилиши, ички бўлақлари, матн компонентлари ва қўшни мамлакатлар дипломатикасига таъсири масаласи чуқур текширилган эмас. Ушбу йўналишда бажарилган айрим тадқиқотларни санаб ўтиш мумкин. Улар сирасига Санкт-Петербурглик тарихчи А.П. Григорьевнинг «Монгольская дипломатика XIII–XV вв.» монографиясини ва қозонлик тарихчи М.А. Усмановнинг «Жалованные акты Джучиева Улуса XIV–XVI вв.» китобини ҳамда туркиялик тадқиқотчи Малак Ўзетганнинг «Altın Ordu, Kırım ve Kazan sahasına ait yarlık ve bitiklerin dil ve üslup incelemesi» илмий иши қиради [Григорьев 1978; Усманов 1979; Ўзетгин 1996]. Бироқ ушбу ишларда айрим қусурлар кўзга ташланади. Чунончи, биринчи тадқиқотда темурийлар замонидан қолган эски ўзбек тилидаги айрим ҳужжатларни чингизийларнинг расмий матнлари билан бир қолипда ўрганилиши, айниқса, темурийлар муҳотида битилган Шоҳруҳ ва Умаршайх ҳужжатларини мўғул тили ва иш юритиши таъсирида юзага келган, деган хулосалари назарий жиҳатдан ўзини оқламайди. Иккинчи тадқиқотнинг объекти чегараланган бўлиб, унда Олтин Ўрда ва сўнг юзага келган Қрим, Қозон хонликларида битилган расмий матнларнинг тузилиши тадқиқ этилади. Ўрта асрларда ҳукм сурган бошқа туркий давлатларнинг девон-махқама идораларида битилган ҳужжатларнинг ички қуруми ўрганилган эмас. Турк тадқиқотчисининг ишида эса туркий дипломатика йўналишида ўзигача амалга оширилган тадқиқотлардаги фактларни қайтадан умумлаштиришдан иборат бўлиб қолган.

Ҳозирги Ғарб дипломатикасида ҳужжатларни уч бўлақка ажратиш кенг тарқалган [Zayackowski, Reychman 1955, 76]. Булар – кириш, асосий қисм, хотима. Расмий ёзмаларни бу кўринишда бўлимларга ажратиш Шарқ мусулмон ҳужжатшунослигида ўрта асрлардан бошланади. Ислом дунёсида булар *iftitax, matn, xatim* (ёки *tarix*) атамалари билан юритилган [Чехович 1969, 81].

Шу ўринда ҳужжатларнинг кириш қисми билан боғлиқ бир компонентга эътибор қаратсак. Одатга кўра, давлат ҳужжатларининг бошланишида унинг ким томонидан берилётгани қайд этилган компонент келади. Ушбу компонент «унвон» дейилган. Унвонларнинг тузилиши ўзига хос. Айниқса, илк ва ўрта асрлардан қолган ҳужжатларнинг унвони эътиборини ўзига тортади. Улар содда гап шаклида бўлишига қарамай, моҳиятан кенг қамровлидир. Масалан, Соҳибқирон Темурбек 1378 йили Хоразмда Або Муслим авлодларига берган ёрлигининг унвони *Abul Muzaffar al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurxan*

¹ Тарихнинг ёрдамчи фанлари сирасида алоҳида ўрин тутувчи ушбу соҳа, расмий ёзмаларнинг ички қуруми, шакли ва мазмунини ўрганади. Дипломатика фанининг келиб чиқиши, йўналишлари ва объекти тўғрисида тўлиқ маълумот учун қараган: [http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/84678/Дипломатика]

sözüm шаклида [Мўминов 1993, 2]. Ушбу унвон икки компонентдан ташкил топган бўлиб, биринчиси ёрлик бераётган хоннинг исми ва сифати (*Abul Muzaffar al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurxan*), иккинчиси ёрлик-хужжат(*söz*)нинг кимга тегишлилигини кўрсатувчи бўлакдир. Бу унвондаги *Abul Muzaffar al-Mansur* бирикмаси Темурбекнинг сифатидир. Айрим рус тарихчилари туркий хужжатлардаги *sözüm* чингизий хонларнинг хужжатлари унвонида келувчи мўғулча «уги ману (сўзимиз)» нинг ўзлаштирилган ва калькаланган шакли деб қарайдилар [Бартольд 1922, 191; Чехович 1974, 37; Григорьев 1978, 33.].

Масала мохиятига чуқурроқ кирилса, расмий матнлардаги айни анъана энг қадимги туркий хужжатчилигида ҳам мавжуд эди, дейиш имконини беради. Ўрта аср хужжатчилигида кенг қўлланган бунинг сингари қолип-бирикмалар ўз йўлини қадимги битиглардан ёки ундан-да эски кезлардан бошлаган, дея оламиз. Боиси, рус тарихчиси А. Беренштамнинг ёзишига қараганда, милоддан бурунги асрларда қадимги туркий давлатлардан хитойга юборилган расмий хужжатлар, хоқонлар йўллаган ёрликларнинг унвони ҳам ана шундай қолипли эди [Беренштам 1940, 82–84]. Демак, биз сўз юритаётган хужжатлардаги унвонларнинг тузилиши узоқ тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Хужжатчиликдаги бу анъана хусусида Л.Ю.Тугушева ёзади: «Аналогичные выражения являются лишь сохранившимися по традиции трафаретными формами, принятыми в подобного рода документах в более раннюю эпоху и выработанные, по-видимому, в полном соответствии с нормами того языка, на основе которого эти штампы создавались» [Тугушева 1972, 246]. 735 йили ўрнатилган Билга хоқон битигида келган ёрликларнинг унвони ушбу фикрларни тасдиқлаб турибди.

Энди яна мўғулча хужжатлардаги «уги ману»га қайтсак, бу қолип-бирикма Чингизхон даврида давлат маҳкама ишларида етакчи вазифаларни бажарган туркий халқлар томонидан олиб кирилган. Улар ўз ота-боболари расмий матнларидаги унвонлар ва хужжат тузиш шаклини мўғулча ёрликларга таржима қилиб қўллай бошлаганлар. Чунки туркий халқларнинг ўз ёрликлари ана шундай қолипли бошламалар билан берилган. Бундан ташқари, мўғулча ёрликларда «уги ману» Чингизхон давридан бошлаб ишлатилган [Усманов 1979, 202].

Рус тарихчиси А.П. Григорьевнинг изланишларида чингизий султонларнинг ёрликларидаги унвоннинг тўлиқ кўринишидаги қолипи куйидагича келтирилган: *Mönkä deŋri-yin küčün-dür qağan-u suu-tur* (Хукмдорнинг оти) *üge manu* [Григорьев 1978, 32]. – «Мангу тангрининг қудрати билан улуг хоқон мархаматидан (Хукмдорнинг оти) сўзим». Ушбу компонент туркий хужжатлардаги қолипнинг айнан ўзи бўлиб, ёлғиз тили мўғулча экани билан фарқланади. Чингизий султонларнинг хужжатларидаги унвон тўлалигича туркий хужжатчилик амалиётидан ўзлаштирилган. Боиси, қадимги туркий матнлар киришида ҳамд ва унвон бир жумла таркибида берилади. Ҳамд ва унвонни ушбу ҳолатда берилишини мўғуллар ўзларининг иш юритиш жараёнига кўчирган. Бугина эмас, умуман, мўғул тарихнавислиги, матнчилиги ва адабий тил анъаналари ўз йўлини туркий тарихнавислиги,

матнчилиги ҳамда туркий адабий тилда асос солинган андаза бўйича юзага келтирган [Бу тўғрида тўлиқ маълумот учун боқинг: Бира 1978].

Мухими шундаки, туркий тилдаги ҳужжатчилик аънаси ёлғиз мўғул ҳужжатчилигига эмас, бошқа тилларнинг ҳам расмий матнларлар услубига таъсир этган. Чунончи, ўрта асрларда битилган форсча ёрлиқлар унвонининг андозаси туркий ҳужжатчиликдан ўзлаштирилган; улар туркий тилда, туркий давлатлар девонхоналарида қўллаган шаклда берилади. Бунга мисол сифатида Темурбекнинг 1401 йили битилган форсча ёрлиги ва унинг унвонини келтириш мумкин. Ушбу ёрлиқ туркий унвон билан (*Temür Körägän sözümiş*) бошланади [Fekete 1977,72]. Темурийлардан бўлмиш Маҳмуд Мирзонинг Ўратепа вилоятига қози тайинлаш муносабати билан берган форсча ёрлигининг унвони ҳам туркий шаклда: *Sultān Mahmud ġāzi sözümiş* [Егани 1975,78]. Шундай унвонлар сирасига XV–XVII асрларда яратилган бошқа форсча ёрлиқларни ҳам киритиш мумкин [Fekete 1977, 29–30].

Форсча ёрлиқларда туркий унвоннинг қўлланиши форсча ҳужжат тузиш услубининг чеклангани эмас, балки форс девон-маҳкамачилиги амалиётида ҳам туркий иш юритиш аънаси юқори бўлганидан далолат беради.

Шунингдек, туркий ҳужжатлар унвони таъсирида юзага келган мўғул ёрлиқларидаги формуляр Юань династияси даврида XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XIV юзйилликнинг иккинчи ярмига қадар хитойча ҳужжатларда унинг айна таржимаси қўлланган [Зограф 1984, 110].

Туркий ҳужжатчилик аънаси ўрта аср рус давлат маҳкамачилигига ҳам таъсир этган. Чунончи, рус князлари 1492 йилдан эътиборан ўз ҳужжатларида туркий унвонларга хос бўлган *sözüm* ни «слово мое» шаклида қўллай бошлаганлар [Усманов 1979, 185–199].

Шундай қилиб, туркий расмий ёзмалар кириш қисмининг ажралмас компоненти сифатида келувчи унвон туркий ҳужжатчилик аънаси таъсирида юзага келган. У қатъий бир қолипга тушиб улгурган эди. Шунингдек, ўрта асрларда мўғул, форс, хитой, рус тилларида битилган ҳужжатлар матн компонентларининг шаклланишида туркий ҳужжатчилик аънасининг самарали таъсири кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Бартольд 1922 – Бартольд В.В. Монеты Улугбека. // ИРАМК. Том II, 1922.
Бернштам 1940 – Бернштам А. Уйгурский юридические документы // ПИ. Выпуск № 3. М., Л., 1940. С. 61 – 84.
Бира 1978 – Бира Ш. Монгольская историография (XII–XVII вв.). М., 1978. С 268.
Григорьев 1978 – Григорьев А.П. Монгольская дипломатика XIII–XV вв. Л., 1978, 134.
Егани 1975 – Егани А. Ярлык султана Махмуда Тимурида (1494). // Известия Академии наук Таджикской ССР. Отделение общественных наук. 3 (81). Душанбе, 1975ю С., 73–82.
Зограф 1984 – Зограф И. Т. Монгольско-китайская интерференция: язык монгольской канцелярии в Китае. М., 1984.

Мўминов 1993 – Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1993, 56 бет.

Тугушева 1972 – Тугушева Л.Ю. Ярлыки уйгурских князей из рукописного собрания ЛЮ ИВАН СССР. // ТС. 1971. М., 1972. С, 244-260.

Усманов 1979 – Усманов М.А. Жалованные акты Джучиева Улуса XIV–XVI вв. Казань, 1979, 317.

Чехович 1969 – Чехович О.Д. Задачи Среднеазиатский дипломатики. // Народы Азии и Африки. №6, М., 1969, С., 75-82.

Чехович 1974 – Самаркандские документы XV–XVI вв. Факсимиле. Критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович. М., 1974, 631.

Fekete 1977 – Fekete L. Einfuhrung in die persische palaeographie. 101 persische dokumente. Budapest, 1977, 594 .

Özyetgin 1996 – Özyetgin M. Altin Ordu, Kırım ve Kazan sahasına ait yarlık ve bitiklerin dil ve üslup incelemesi. Ankara, 1996, 298.

Zayackowski, Reychman 1955 – Zayackowski A., Reychman Y. Zarys dyplomatyki osmansko-tureckisi. Warszawa, 1955, 166.

<http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/84678/Дипломатика>

**Муродқосим Абдиев,
профессор**

ОНА ТИЛИГА ХОС ТЕРМИНЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ –ДАВР ТАЛАБИ

Мустақиллик йилларида она тилимизнинг ижтимоий мавқеи ошди. Фан ва техника тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари асрининг ўзига хос мезонлари ва талаблари шароитидан келиб чиқадиган бўлсак, она тили ривожини ва янада сайқал топиши учун адабий тилнинг янада такомиллашувчи кенг имкониятлар эшиги очилди.

Ушбулар эса тил луғавий бойлигини янада тўласинча истеъмолга киритилиш учун кенг имконият яратилганидан далолат беради. Хусусан, 80 мингдан ортиқ сўзни ўз ичига қамраб олган беш жилдлик ўзбек тили изохли луғатининг нашр этилиши фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистонда туркийшунослик, тилшунослик тарихи, терминология, лексикология, лексикография сингари фанларнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев қаламига мансуб илмий ишлар бугунги кунда тилшунослигимиз равнақини юқори чўққиларга олиб чиқди, десак хато бўлмайди. Хусусан, домланинг тадқиқотлари VII асрдан XVI асргача бўлган даврдаги она тилимизга хос терминлар таҳлилига бағишланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, домла томонидан XI-XIV асрлар ёзма манбаларига хос ижтимоий, сиёсий ҳамда ҳарбий терминология масалаларига бағишланган монографик тадқиқотлари ва бир қатор луғатлари бугунги кунда нафақат тил тарихи, балки терминология масалалари билан шугулланаётган

тилунослар учун дастурил амал вазифасини ўтамоқда. Чунки у кишининг ишлари орқали жуда кўплаб сўз ва терминлар илмий муомалага киритилмоқда.

Тилшуносларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири халқ ичига “маданий юриш” қилиб, бебаҳо хазина бўлган сўз ва терминларни зудлик билан йиғиб олиш ва турли соҳаларга оид луғавий бирликлар изоҳли луғатини чоп эттиришдан иборат. Акс ҳолда вақт ўтиши билан улар унутилиши мумкин. Чунки халқ шевалари адабий тилни бойитувчи манба ва уни озиқлантириб турувчи булоқдир. Шу боис ҳам уни авайлаб асрашимиз лозим бўлади. Ундаги бой материални академик Ш. Шоабдурахмонов айтганидек, “Агар яқин келажакда ўзбек традицион лексикаси тўлалиги билан қайд этиб олинмаса, барча маъсулиятни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кекса авлод тугаб бориши билан, тилнинг улар ҳофизасида сақланиб, бизгача этиб келган қимматли маълумотларининг бир қисми ҳамишаликка йўқолиши мумкин [Шоабдурахмонов, 325]. Тўғри, баъзи олимлар таъкидлаганидек, вақт ўтиши билан шевалар йўқолиб бориши, унутилиши мумкин. Ҳозирги пайтда ёшлар деярли адабий тилда гаплашадилар. Лекин тил бойлигини ўзида мужассам этган шеваларнинг ўзига хосликларини вилоят ва туман марказларидан анча олисда бўлган қишлоқ ва овуллардан қидириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Буни ўз вақтида англаган устоз олимлар Н. Мирзаев (. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: 1991), Т.Нафасов (Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари.- Тошкент, 2011), Б. Тўйчибоев. Қ. Қашқирли (Зомин тил қомуси.-Тошкент, 2012) лар маълум ҳудудлар миқёсидаги сўз бойликларни тўплаб кенг жамоатчиликка етказиб, савоб ишга қўл урдилар. Ушбу ўринда шунга таъкидлаш лозимки, бу “бойлик” захираларининг салмоқли қисми миллий хунармандчилик лексикасига тегишлидир.

Маълумки адабий тилнинг озиқланадиган манбаси халқ шевалари ҳисобланади. Ўзбек адабий тили уч йирик лаҳжадан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар учаласи ҳам унинг шаклланишида ва ривожидида ўзига хос ўринга эга.

Сўнгги пайтларда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича она тилимизда мавжуд бўлган сўз ва терминларни илмий муомалага киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Соҳаларга оид бир ва кўп тиллилик луғатлар нашр этилмоқда.

Адабий тилимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган касб-хунар материалларига мурожаат қилиш миллий терминологиямиз масалаларини ҳамда бошқа тиллардан кириб келаётган сўз ва терминларнинг муқобил вариантларни танлашда яхши самара бериши мумкинлиги тажрибадан маълум бўлмоқда.

Биз юқорида таъкидлаганларимизни биргина Самарқанд вилояти шевалари материаллари асосида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Кузатишлар ва йиғилган материаллардан маълум бўлишича, мазкур ҳудуд шеваларидаги касб-хунар терминларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Каштачиликка оид терминлар: жонона /кашта четиға тикиладиган безак тури/, палак/кашта гули/, сув тикиш/каштани илон изи шаклида тикиш тури/.

манглай пешона/ уйнинг тўрига осиладиган кашта тури/, жўрма/кўйлак ва чопоннинг четига тикиладиган кашта/ кабилар.

2. Кийим кечакка хос терминлар: пешонабоғ /аёллар пешонасига ўрайдиган кичик рўмол/, илдак/вешалка/, минсак/халатга ўхшаш аёллар кийими/, мастак пахтасиз./енги йўққ аёллар халати/ ва бошқалар.

3. Гилямчилик терминлари: тақирлоқ /полос/, кирик/пати кам гилам/, турна қатор, чумчуқ кўз, пичоқ учи/гилямга солинадиган гуллар тури/.

4. Ёғочсозликка оид терминлар: бағдоди эшик/ўймақорилик билан нақшланган эшик/, мушранда/ёғочни оқартириш учун ишлатиладиган ранда/, бурчаклик/ угольник/, чага/мих ўрнида ишлатиладиган чўп/тўқмоқ/ёғоч болга/.

5. Аравасозликка оид терминлар: бўйинса /бўйинтурук/ аравага кўшилаётган отнинг бўйнига қўйиладиган махсус материал/, кўлбоғи/араванинг учига отга оғирлик тушмаслиги учун бойланадиган махсус ип/, шоти/ аравага қўшилган отнинг икки томонидан турувчи махсус бир жуфт ёғоч/.

6. Қурилиш ва меъморчиликка хос терминларга куйидагиларни мисол келтириш мумкин: увук/река/, гулсувоқ /текис суваш/, эшак/сувоқ пайти ишлатиладиган ёғоч мослама/, манглай ёғоч/девор уриш пайтида эшик ёки дераза жойи учун кўйиладиган махсус ёғоч/, қошиқча/ёғочдан гул чикқувчи асбоб, пилка/.

7. Озик-овқат билан боғлиқ терминлар: пачак/парварда/, тузлик/туз халта/, патли нонпар/ куш патидан тайёрланган чакич/, қошиқлов/қошиқ солинадиган халта/, қатиқ кади/қатиқ тайёрланадиган махсус кади/, хурмо/сут сақланадиган сопол идиш/, дахана/ воронка/.

8. Кўнчиликка хос терминлар : кўк/ёғоч буюмларни бириктиришга ишлатадиган тери тасма/, ийлаш /терини ошлаш/, пуштак/от айилининг устидан кўшимча тортиладиган чарм айил/, қасноқ/доиранинг тери қопламаси/.

9. Мева- сабзавотчиликка оид терминлар: кўрак /пўстидан ажратилмаган ёнгок/, лошак/ёнгоқларни териб олиш мавсуми/, ҳўл сават/мевалар солинадиган тол новдаларидан тўкилган сават/, ўтоғич/кичик кетмонча/ ва бошқалар.

10. Чорвачиликка оид терминлар: қашлоғич /молни қашлаш учун ишлатиладиган массажи тароқ/, эн/молларнинг кулогига солинадиган белги/, кўчим/ёзда чўпонларнинг кўйларни яйловга олиб кетиш мавсуми/, тўга/кора молларни бурнидан ўтказиб боғлашда ишлатиладиган темир халқа/ кабилар.

11. Эгар- жабдуксозликка алоқадор терминлар: калмова/эгар ўрнида ишлатиладиган ёғоч/, жалдирик// чирки// кўмча/ тери ва латтадан тикилган от абзали қисмлари/.

12. Бешиксозликка хос терминлар: бўйинтурук/бешикнинг бўйин қисми/ йўрга/бешикнинг оёқ қисми/, бешик қуши/бешикнинг юқори қисмида ёпиғичини ушлаб турувчи безакли ёғоч/, тугдона/ёғочдан ясалган бешик тақинчоғи/.

Хулоса килиб айтганда, халқ шевалари туганмас бойлик деганларидек, уларни зудлик билан тўплаб, адабий тилимизга киритишимиз зарур. Хусусан, хуудлар бўйича охори тўқилмаган шевалар, хусусан, касб-хунарга оид сўз ва терминларнинг изоҳли лугатини тузсак, фойдадан холи бўлмас эди. Бу материаллар эса бошқа тиллар қатори она тилимизда ҳам бир неча ўн

миллондан ортиқ сўз ва терминларни ўз ичига олган “Тил корпуси”ни тузишда асқотиши шубҳасиздир.

Адабиётлар

1. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.- Тошкент: Фан, 1962.
2. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991.
3. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари.-Тошкент: Мухаррир, 2011.
4. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси.-Тошкент: “Академнашр”, 2012.

Носиржон Охунов,
ф.ф.н., доцент

“БОБУРНОМА”ДАГИ АНТРОПОНИМЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

“Бобурнома” лексик бойлигининг маълум бир гуруҳи ономастик номлардан иборат. Бу тизимда, айниқса, антропонимлар ва топонимлар кўп учрайди. Асардаги шахс номларининг морфологик тузилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга тасниф этган ҳолда ўрганиш мумкин.

1. Бир лексемадан иборат исмлар: Аббос (109), Абдулло (269, 301), Али (286), Айюб (87, 212, 220), Асад (289), Аҳмад (376), Баҳлул (212), Дарвеш (408), Дўст (337, 434), Боязид (447, 457), Иброҳим (146, 327), Искандар (104), Мансур (221, 273), Маъруф (299, 408), Маъсума (424), Махди (312), Маҳмуд (212, 375), Мусо (308), Муқим (71, 184), Муҳсин (436), Мўмин (154), Рустам (287), Самад (123), Содик (432, 433, 449), Султон (66, 144), Турди (387), Тоҳир (380, 435), Холдор (145), Шодмон (436), Юсуф (174, 212), Қанбар (212), Қиём (305), Қобил (312), Қосим (295), Қурбон (420, 424), Ҳайдар (292, 316), Ҳасан (286, 305), Ҳомид (379), Ҳотам (219), Ҳофиз (424), Зоҳид (386), Зуннун (116, 179) ва бошқалар.

2. Икки лексемадан иборат исмлар: Али Дўст (71, 111), Али Юсуф (444, 450), Аҳмад Юнус (454), Аҳмад Қосим (140, 154), Аҳмад Ҳожибек (70, 76), Байрам Султон (296), Баҳлул Айюб (94, 179, 183), БОБО Дўст (297, 381, 382), БОБО Ҳусайн (109), Бўрон Султон (227), Дарвеш Алибек (235), Дев Султон (425), Дўст Носир (139, 162, 164), Ёдгор Носир (139, 162, 164), Ёр Ҳусайн (204, 206), Имомиддин Маъсуд (249), Имом Муҳаммад (314), Камолиддин Ҳусайн (239), Катта Мох (254), Кичик Мох (254), Малик Бурхон (299), Малик Бусаид (207), Малик Шарқ (448), Мир Бадр (251), Мир Вайс (131), Мир Иброҳим (411), Мир Муртоз (240), Сайид Бадр (82), Сайид Афзал (221, 248), Муҳиб Султон (83), Пўлод Султон (419, 424), Ражаб Султон (83), Сайид Маҳмуд (126), Тоҳир Муҳаммад (164) сингарилар.

3. Таркибида лақаб лексема бўлган исмлар. “Бобурнома”даги исмлар таркибида учрайдиган лақаблар шахсларнинг характер – хусусияти, шуғулланувчи касб-кори, эгаллаб турган мансаби, қайси юртга мансублиги ва бошқаларга ишора қилади: Абдулло асас (314), Абдулқуддус кўхбур (125), Абулмуҳаммад найзабоз (336, 399, 404, 408), Абулқосим кўхбур (99, 138, 140, 144), Аъзам Ҳумоюн сарвоний (338, 373), Авлиёхон Ишроқий (445), Аҳмад чошнигир (376), Болвот жўғи (325), Боқи хез (169, 300), Дарвеш гов (73), Девонаи жомабоф (103), Дўсткелди чалма (273), Дўст пиёда (267), Жонбек атка (454), Иброҳим чўхра (303), Кал Қошиқ (103), Кичик Боқи девона (217), Мастий чўғра (312, 319), Мақсуд сувчи (273, 275), Мирзобек фарангибоз (92), Мир сантарош (429), Мулло Ҳасан сарроф (365), Мустафо тўпчи (336), Муҳаммадали пиёда (278), Муҳаммад Шариф мунажжим (302, 381, 396), Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сарбоз (390), Нўъмон чўхра (165, 293), Нурулло танбурчи (216), Раҳмат пиёда (333), Сангархон жанжуҳа (292, 295), Тангриберди сомончи (115, 238), Тўка хинду (365), Тўламиш ўзбак (441, 446), Халил девона (121, 146), Худойберди буқоқ (122), Шер афғон (379, 391), Шерхон сур (433, 436), Шоди хонанда (245), Шох Муҳаммад сантарош (412), Шох қули гижжакий (245), Қанбарали саллох (245), Қорача Султон (410), Мехтар фаррош (209), Мустафо тўпчи (336), Ғиёс масҳара (303), Ҳасан декча (120), Султон Муҳаммад кўса (461) ва шунинг кабилар.

4. Таркибида тахаллус лексема бўлган исмлар: Жалол Тошкандий (391, 392), Султон Маъсуд Кобулий (291), Ҳофиз Тошкандий (424), Бобо Таваккал Лангарий (165), Мустафо Фармулий (366), Санжар Мирзо Марвий (223, 237), Тоҳир Табарий (337, 380), Фатххон сарвоний (370, 373, 433), Фирузхон Мевотий (338), Хатиб Қарший (178), Хожа Мунир Ўший (98), Хожа Муршид Ироқий (437), Шох Ймод Шерозий (331), Мулло Муҳаммад Туркистоний (180), Султон Шахобиддин Ғўрий (195, 339), Абдумалик Хостий (290), Аловулхон Нуҳоний (446), Аҳмадхон Ҳожи Тархоний (222), Баҳоуддин Баҳлул Лудий (453), Бобойи Парғарий (175, 176), Дарвеш Муҳаммад Фазлий (306), Дўст Сарипулий (262), Исмоил Жилвоний (326, 331), Мир Бузург Тирмизий (83, 84), Мирзойи Табрезий (428), Мир Сайид Али Ҳамадоний (191), Мулло Яъқуб Чархий (195), Султон Музаффар Гужоротий (371), Шайх Абдулвоҳид Форигий (461), Шайх Шарафиддин Мунирий (439), Шайх Шариф Қорабоғий (450), Шох Ҳусайн Комий (244), Қосимбек Санбалий (363, 367, 379), Ҳайдар Али Бажурий (192), Ҳасанхон Дарёхоний (446) ва бошқалар.

5. “Бобурнома”даги шахс номларининг кўпчилиги уруғ, қабила, қавм отлари – этнонимлар билан биргаликда қўлланилган. Улар қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1) шахс оти ва барлос этнонимидан таркиб топган антропонимлар: Аҳмад таваккал барлос (234), Буға ғўри барлос (366), Жалолиддин Шох Мансур барлос (390, 392), Жаҳонгир барлос (232, 234), Ислон барлос (236), Маҳмуд барлос (87, 92, 94), Музаффар барлос (232), Муҳаммад Қосим барлос (313), Султон Жунайд барлос (88, 126), Султон Санжар барлос (260, 262), Худойберди барлос (146), Чоку барлос (232), Шайх Абдулло барлос (87, 94, 96), Шох Мансур барлос (332,

335), Қаро барлос (133, 144, 147), Қутлук Мухаммад барлос (135, 273, 274), Ҳасан барлос (182), Ғўри барлос (135, 273, 274);

2) шахс исми ва аргун этнонимидан юзага келган антропонимлар: Абу Юсуф аргун (135), Зуннун аргун (92, 101, 115, 217), Мазидбек аргун (84, 87), Муқим аргун (182), Неъмат аргун (75), Ошиқ Мухаммад аргун (269), Пир Аҳмад аргун (133), Султон Али аргун (123), Тўфон аргун (272), Фаррух аргун (217), Шайх Жамол аргун (75), Шерак аргун (82, 183, 184), Шохбек аргун (225, 299), Қосим Хоника аргун (166), Қулибек аргун (275), Қуч аргун (275);

3) шахс номи ҳамда мўғул этнонимидан тузилган антропонимлар: Абдулвахҳоб мўғул (133, 269), Али Саййид мўғул (273), Амир мўғул (89), Мир мўғул (133), Пишғи мўғул (336), Султон Аҳмад мўғул (261), Тўлунхожа мўғул (98, 111), Чалма мўғул (273), Ўғонберди мўғул (442), Қанбарали мўғул (72, 123);

4) шахс оти билан туркман этнонимидан ясалган антропонимлар: Аллоҳқули Веран туркман (207), Бобо ўғли Алло веран туркман (273), Жаҳонгир туркман (213, 276), Каримдод туркман (139, 146), Мирак туркман (67), Парибек туркман (274), Рустам туркман (373, 392, 393), Саъд ибн Ҳусайн туркман (223), Суяндук туркман (258, 281), Худойдод туркман (146), Қайтмас туркман (209);

5) шахс исми ва қовчин этноними воситасида ҳосил қилинган антропонимлар: Али Мазидбек қовчин (70, 113), Малик Али қовчин (283), Миршоҳ қовчин (113, 123, 131), Мирзошоҳ қовчин (99), Мухаммадали қовчин (94, 148), Қосим қовчин (72, 74, 80, 81), Ҳиндубек қовчин (454);

6) шахс оти ҳамда жалойир, дўлдой, дўғлот этнонимларидан бирининг бирикувидан юзага келган антропонимлар: Абулқосим жалойир (348), Қосим жалойир (113), Хусайн Али жалойир (233, 241), Жонибек дўлдой (76), Иброҳим дўлдой (234), Мухаммад Мискин Ҳофиз дўлдой (103), Мухсин дўлдой (404), Султон Махмуд дўлдой (81, 135), Тохир дўлдой (151), Қосим дўлдой (98), Ҳофизбек дўлдой (65, 133), Ҳофиз Мухаммадбек дўлдой (70), Мухаммад дўғлот (92, 122, 155, 161), Сайид Мухаммад мирзо дўғлот (68, 114, 144), Султон Хусайн дўғлот (92, 155) кабилар.

“Бобурнома”да яна Саригбош мирзо иторчи (161), Аҳмад афшор (217), Аҳмад қушчи (173), Давлатқадам турк (366), Ҳасан норин (161, 166), Иброҳим чигатой (238); Иброҳим сору минглиғ (88, 89, 98), Жамолиддин қиёқ (431), Султон Али турк (401), Сангар қорлуқ (297), Шохбоз қорлуқ (297), Турди Мухаммад қипчоқ (294, 303), Абдулкарим ашрит (78, 97), Ҳамзабий манғит (166, 182), Ҳожи Ғози манғит (120) сингари шахс исми билан этнонимдан юзага келган антропонимларнинг ҳам мавжудлиги қайд қилинди.

Бундан ташқари, “Бобурнома”да бир қатор антропонимлар учрайдики, улар бевосита шахс исми билан ўша давр давлат тизимида мавжуд бўлган турли мансаб, амал, унвон номларини ифодаловчи сўзларнинг ўзaro бирикуви орқали юзага келгандир. Абдулвахҳоб шиғовул (70, 89), Абдурахим шиғовул (290, 377, 397), Боқи шиғовул (298, 331, 379, 410, 449); Бобо Али эшик оға (237), Дўст эшик оға (374, 390, 392), Сайид Қосим эшик оға (88, 113, 145), Шайх Абдулло эшик оға (73, 113); Абулҳасан кўрбеги (261), Ҳотам кўрбеги (219, 273),

Абдулмалик кўрбеги (396, 429), Мир Али кўрчи (400), Мурод кўрчи (439, 450), Муҳаммад кўрчи (84), Муҳиб Али кўрчи (93, 101, 178, 256), Ғийсиддин кўрчи (422, 426); Абдулазиз мирохўр (305, 329), Мир Али мирахўр (237), Муизиддин Абдулазиз мирахўр (391, 393), Ота мирахўр (314), Қосим мирахўр (113, 380); Муҳаммад Халил ахтабеги (373), Шамсиддин Муҳаммад Халил ахтабеги (392), Бобоҳон ахтачи (308); Муҳаммад элчи бўға (84), Аҳмад элчи бўға (273); Аҳмадий парвоначи (288, 336), Шоҳ Муҳаммад парвоначи (273, 275); Султон Аҳмад қози (72), Хожа Мавлонийи қози (72, 89, 112), Қози Ғулом (121), Қози Ихтиёр (241, 270), Қози Жиё (366, 368, 377, 427); Мир Хирад бақовул (295, 305, 307), Ошиқ бақовул (404, 427), Хожа пир бақовул (94), Қул Бозид бақовул (184, 209), Шайх Муҳаммад Абдулло бақовул (269, 399); Боқи мингбеги (404), Шоҳим юзбеги (406); Кичкина тунқатор (325), Хастичи тунқатор (374); Абдулла китобдор (274, 285), Дарвеш Али китобдор (236), Мулло китобдор (303), Хожа Муҳаммад Али китобдор (261, 309), Шаҳобиддин Али китобдор (390, 392); Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдор (373), Юсуф Али рикобдор (286, 303), Ҳайдар рикобдор (113, 314, 437); Аҳмад ясовул (261), Бобо ясовул (283); Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон (390), Мир Дарвеш Муҳаммад сорбон (461); Камол шарбатчи (273), Ҳасан шарбатчи (94); Давлатқадам қоровул (247, 319), Жалолиддин Қутлукқадам қоровул (391, 393), Султон Аҳмад қоровул (127); Юсуф доруға (174, 175), Сайидим Али дарбон (94, 183, 255), Шоҳ Муҳаммад муҳрдор (295), Вали хазиначи (174, 273, 297), Мирим девон (123, 131, 264), Шайхий миришкор (299), Мўғул ганчи (455), Худойберди туғчи (113, 128, 146), Муҳаммад жолабон (288, 307), Муҳаммад Амин жибачи (431), Абдулло асас (314), Аҳмад қушчи (173) кабилар бунга ерқин мисолдир.

“Бобурнома” матнида мураккаб компонентли исм-шарифлар ҳам учрайди. Буларнинг қисмлари лақаб, этноним, тахаллус, унвон номларидан таркиб топган. Абобақр дўғлот Кошғарий (68, 74, 83), Алоуддин жаҳон сўз Ғўрий (196), Жаҳоншоҳ бороний Қорақўйлук (67, 84), Иброҳим чопук тағойи (166, 168), Мирзо Аҳмад Али форисий барлос (234), Мулло Муҳаммад Толиб Муаммойи (186), Муҳаммад дўғлот Ҳисорий (92, 122, 155, 161), Муҳаммад Сайд Ўрус аргун (237), Муҳаммад Ҳасан кўрагон дўғлот (216), Оққўйлук Узун Ҳасан (84) сингарилар шулар жумласидандир.

Асарда Аммабегим (403), Асук (415), Бадакабегим (221, 222), Банда Али (120, 144), Беккина (420), Бўрка (172), Вайсхон (67), Дева (417), Дуду (438, 439), Зубайр (248, 265), Ишқуллоҳ (272), Кангар (455), Кепак (219, 258), Киба (209), Кўки (441), Кўчумхон (419, 424), Мазид (147, 300), Муайяд (399), Сурпо (296, 297), Турдика (330, 392), Қизил (299), Қора булут (217), Кучбек (130) сингари исм-шарифлари учрайдики, улар ифода ва маъно жиҳатидан ҳозирги ўзбек исмларидан фарқли хусусиятларга эга. Бу хил атоқли отлар бугунги ўзбек антропонимияси тизимида деярли мавжуд эмаслиги билан характерланади.

Хуллас, “Бобурнома”даги антропонимлар асар ономастик бойлигининг катта қисмини ташкил этади. Ундаги антропонимларнинг морфологик тузилиши, ясалиш хусусиятларини замонавий шахс исмлари билан қиёслаб, таққослаб ўрганиш диахрон ва синхрон лексикология учун алоҳида аҳамият касб этади.

ИЛМИЙ УСЛУБНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Илмий услуб масаласи тилшунослиқда ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Олимлар бу йўналишда асосан илмий услубни шакллантирувчи терминларнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларни тартибга солиш масалалари билан қизиқишган. Баъзи тадқиқотчилар бугунги кунда ҳам барча илмий тилларни- сунъий тиллар сифатида қарамқдалар¹.

Ўзбек тили тараққиётининг ҳозирги босқичида вазифавий услублар фарқланиб, унинг илмий, публицистик, расмий, бадий, сўзлашув каби услублари шаклланди. Вазифавий услубларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга уларнинг умумий томонлари ҳам мавжуд. Масалан: илмий ва расмий иш қоғозларида бетарафлик устун бўлади. Бадий, публицистик услублар учун бетараф синтаксис билан бир қаторда, синтактик фигуралар, инверсия, тўлиқсиз гаплар, синтактик тежамқорлик, эмоционал-экспрессивлик ифодаловчи бошқа синтактик конструкциялар характерлидир.

Илмий нутқ учун фикрни аниқ, мантиқан изчиллик билан ифодалаш хос. Илмий матнда исбот ва хулоса, аниқ материал ва уни умумлаштириш, сабаб ва натижа муносабатлари ўзаро боғлиқ ҳолда ифодаланади².

Вазифавий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари соф лингвистик ва экстралингвистик факторларнинг ўзаро алоқаси натижасида намоён бўлади. Ҳар бир функционал услуб мазмун хусусияти, нисбий чегараланганлиги, тузулишини ўзига хослиги ҳамда шу услубни шакллантирувчи маълум алоқа муҳити билан фарқланади. Ана шу омилларни ўрганиш асосида вазифавий услубият шаклланади³.

Вазифавий услублар бир биридан фарқланади. Бирор бир услуб учун хос бўлган тил бирликлари бошқа услуб учун хос бўлмаслиги мумкин. Масалан, илмий услубда терминлар, символлар, формулалар кенг қўлланса, мазкур бирликлар бадий услубда деярли қўлланмайди.

Илмий нутқнинг ўзига хос белгилардан яна бири унда қўшма гап ва унинг мураккаб типларини кенг қўлланишидир. Қўшма гап компонентлари, кўпинча, семантик муносабатларини аниқроқ ифодаловчи, боғловчи ва боғловчи вазифасидаги бошқа воситалар орқали бирикади. Жуда кўп ҳолларда **чунки, шунинг учун, шу сабабли** каби боғловчилар, шарт майли ва равишдош формалари. -**дек** аффикси кабилардан кенг фойдаланилади.

¹ Ю. М. Лотман. Анализ поэтического текста. Москва 1972. Стр-21

² И.Расулов. Танланган асарлар I- том. Тошкент 2016, 270- бет.

³ И. Расулов. Кўрсатилган асар. 201- бет.

Олимлар вазифовий услублар таснифига турлича ёндошиб келмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар уларни сонини саккизта, бошқалари бешта, учунчилари тўртта, деб кўрсатадилар.

Услубшунос олим Б.Ўринбоев “Функционал услубларни жуда майда бўлакларга бўлиб юбориш уларнинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш масаласини қийинлаштиради. Шунинг учун функционал услубларни йирик бутунликларга ажратиш мақсадга мувофиқ”, – деб таъкидлайди¹.

Бу фикр мунозарали бўлиб, услубларни йирик бўлакларга ажратиш билан чегараланиб қолинса, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлалигича очилмай қолади. Масалан, биз фикр юритаётган илмий услуб ўз ичига яна қуйдагича таснифланади: **илмий-индивидуал (шахсий) услуб**. Ушбу услубга оид матнни аниқлаш учун маълум бир олимга тегишли бўлган бир неча (монография, илмий мақола, илмий маъруза) асарларни таққослаш орқали аниқланади. Олимнинг услуби, матн тузиш ва фикр баён қилиш маҳорати, шунингдек, адресатга илмий ғояни қай тарзда етказиб бериш йўллари амалга оширади. Илмий услубнинг яна бир тури **илмий-ўқув услуби** бўлиб, мазкур услуб маълумотларда, методик тавсияларда кўзга ташланади. Илмий услубнинг кенг тарқалган яна бир тури **илмий-оммабоп** услуб бўлиб, у очерк ва мақолалар жанрида учрайди. Илмий-оммабоп матнга тегишли, қуйдаги илмий матнга эътибор берайлик:

“Ҳар бир организмда кўплаб кичик ва катта молекулавий оғирликка эга оксил моддалар учрайди. Улар орасида гормонлар алоҳида ўрин тутади. Гормонлар ички секреция безлари (эндокрин безлар) да ишлаб чиқилиб, қон ва тўқима суюқлигига ўтадиган биологик фаол моддалар ҳисобланади. Улар бутун организмда тарқалиб, турли аъзо ва тўқималар фаолиятини бошқаради.

Табиатда икки хил гормонлар учрайди: оксил-пептид ва стероид табиатли гормонлар. Биринчи гуруҳ гормонлар ҳар хил узунликка эга пептидлардан ташкил топган бўлса, иккинчи гуруҳ гормонлари эса цериодлардан ташкил топган. Гормонлар хусусияти шундаки, ўзидан унча катта бўлмаган пептид молекулалари ва оксил молекулаларини намоён қилади. Гормонларнинг ўзига хос таъсир этиши турлича кимёвий тузилганига боғлиқ. Масалан, инсулин углеводлар алмашунувига таъсир этади. **Инсулин** (лот. *Insula* – оролча) – ҳайвон ва одамнинг оксил гормонидир.

1869 йилда немис тиббиёт ўқув юрти талабаси Павел Лангерганс томонидан овқат ҳазм қилиш шарбатлари ишлаб чиқарадиган меда ости тўқималари топишган. Кейинчалик уларни кашф қилган олимнинг шарафига Лангерганс оролчаси деб номланди.

Инсулин меъда ости безининг Лангерганс оролчасидаги бетта хужайрасида синтез бўлиб, қондаги шакар миқдорини бир фоиз атрофида сақлаб туради. Инсулинни канадалик олимлар Ф.Г. Бантинг ва С.Н. Бест биринчи бўлиб ажратиб олишган. 1923 йилда инсулинни кашф қилганлари учун Фредерик Бантинг ва Джон Маклеот физиология ва тиббиёт йўналишида Нобел мукофотиغا сазовор бўлишди”.

4. Б.Ўринбоев. Функционал услубият ва унинг моҳияти. Тошкент 1992. 7-бет.

“XXI – аср технологиялари” илмий -техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп журналидан олинган ушбу матнда фармокология, гиббиёт ва биология каби фанларга оид терминлар кенг қўлланилган бўлиб, улар илмий матннинг асосини ташкил этган. Матнни тушуниш осон кечиши учун унда содда гаплар, шунингдек, баъзи изоҳлар ҳам ишлатилган.

Фаннинг тараққий этиши натижасида умум томонидан тушунилиши қийин бўлган терминлар сони оша боради. Услубий белгиси аниқ кўринган бундай структуралар салмоғини илмий нутқ услубида кўрамыз. Фикрни тўлиқ баён этиш тақозоси билан нутқ субъекти, нутқ структураларини тўлиқ шакллантиришга интилади. Бу ҳолатни илмий, расмий, публицистик ва бадний услубларда кузатамиз.

Илмий ғояни ўқувчига етказишда бошқа вазифавий услублардан ажралиб турувчи хусусиятлардан яна бири ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини баён қилишда уларни турли гуруҳларга бўлиш, таснифлаш ва илмий асослаш кузатилади. Кўпинча бундай илмий матнда фикр юритилаётган мавзу ҳақида бажарилган тадқиқотлар ва уларга муносабат, шунингдек, муаллифнинг илмий ғоялари баён қилинган, натижалар хулосаланади. Ҳар қандай илмий матннинг ўзига хос, қатъий архитектоникаси мавжуд бўлади. Бу ҳолатни диссертация, илмий мақола ва бошқа бир қатор илмий жанрларда кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илмий услубда доимий равишда куйидаги жараёнларни амалга ошириш учун интилиш керак:

- 1) аниқлик, оддийлик ва очиқликка амал қилиш;
- 2) мантиқий изчиликка эришиш;
- 3) тилнинг турли-туман услубий бойликларидан кенг фойдаланиш;
- 4) бошқа лисоний услублар билан доимий алоқада бўлиш;
- 5) илмий матнда керакли символ ва белгилардан оқилона фойдаланиш;

6) илмий матн таркибида икки хил тушунилиши мумкин бўлган жумлани бартараф этиш.

**Иномжон Азимов,
ф.ф.н., доцент**

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УНЛИЛАР СИСТЕМАСИНING ШАКЛЛАНИШИДА ЖАДИД НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ўтган асримизнинг бошларида яшаб ижод этган, миллатнинг фахри, орномусига айланган жадид намояндалари миллатнинг миллат сифатида шаклланиши, танилишида маълум қонун-қоидаларга солинган, маълум меъёрга келтирилган адабий тил зарурлигини англаб етганлар. Бу ҳақда Элбек шундай ёзади: “Тил очундаги бўлгон ҳар турли элларнинг ҳар бири учун тангри томонидан юборилгон бир қуролдир. Очундаги бутун элларнинг соғ яшамоғи ёлғуз шу тилнинг қўлагасидагинадур. Негаким, ер юзида яшагон ҳар бир тил ўз тили орқасидагина донгин чикармоқда ва юксалмоқладур. Бунинг тескарисин

туткан эллар юксалмаклари турсун ўзларин ҳам йўқота ёзмокда ва йўқотмишлар”¹.

Шунинг учун ҳам ўзбек зиёлилари олдида турган энг асосий вазифа ўзбек тилининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш эди. Чунки “илмий ахтаришлар бўлмагунча бунларнинг биртаси ҳам бўлажак эмасдир”². Бунинг учун халқимизнинг оғзаки ва ёзма манбаларини чуқур таҳлил қилиш, уларни ўзаро солиштириб, илмий хулосалар қилиш ва шу орқали ўзбек адабий тили қоидаларини яратиш зарур эди: “Тилимиздаги товушларнинг сонларини, чўзги ўрунларини илмий сувратда яхшигина аниқлаб қўяйик. Тилимизнинг истеъдодли, бой бир тил бўлганини қичқириб сўйладик; “бу тил дакқидир(қўполдир), бунинг ўрнига туркчанинг адабий бир шеvasини олайик” деган тил билмаслар билан курашдик – унларни энгдик. Бирок ҳануз тилимизнинг белгили қоидаларини майдонга қўя олмадик. Ёзувларимизнинг шаклига “бирлик” янги ёзғучиларимизга қулайлиқ бермак учун тилимизнинг қатъий қоидаларини билдириш керак. Ҳамадан бурун у қоидаларни ўзимизнинг-да билишимиз лозимдир”³.

Албатта, бу иш ўта мураккаб, сермашаққат, тинимсиз илмий изланишлар натижасида юзага чиқиши, ўша даврда мавжуд бўлган турли қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш орқалигина амалга ошиши мумкинлигини тушунганлар. Бунинг учун, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижоди намуналарини, мумтоз адибларимиз асарларини илмий асосда текшириш, илмий хулосалар чиқариш лозимлиги айтилади: “Тилимизнинг соф шаклини даладаги эл-аймоқларимизда кўра оламиз. Далада яшаган эл-аймоқларимиз орасида унларнинг жон озиғи бўлиб турган дostonлар, ашулалар, маталлар, лапарлар, қўшиқлар бор. Шунларнинг ҳаммасини буюк бир диққат билан ёзиб олиш керак, эл-улус орасида ёзув доирасига кирган ...каби аристўкрат шоирларимизнинг асарлари бор. “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул ҳақойик”, “Девони луғатит турк”, “Муқаддиматул адаб” каби эски васиқалар бор. Шунларнинг ҳаммасини қилни қирқ ёриб текширайлик; бир-бирига солиштириб, келиштириб, текли, тубли натижалар олайик. Мана шу йўлда, шу шаклда ярақланиб майдонга чиқганимизда кўрилган ишлар, олинган натижалар – илмий бўлиб чиқади. Кимсанинг-да лом-мим дейишига йўл қолмайди”. Лекин бу ишларни амалга ошириш, биринчидан, ўта мураккаб, иккинчидан, санокли олимларнинг қўлидан келадиган иш эмас эди. Бу барча миллат фидойиларининг биргаликда амалга ошириши лозим бўлган вазифалари эди: “Бу ишларнинг қулай бўлмагани белгили. Бунлар бир кишининг қўлидан келмайди. Бу йўлда тиришмак янги чиққан йигит ёзғучиларимизнинг ҳамаларига тушадир. Янги ўзбек адабиётига илмий асос бермак, унга замоний, маданий бир борлиқ бағишламак учун мана шу йўлларга бот киришмак ҳамамизга лозимдир”⁴.

Бу даврда Туркистон зиёлилари ўртасида тил-имло масаласида турлича қарашлар, баҳслар боис мактабларда она тили ва адабиёт таълими ёмон аҳволда

¹ Ёлбек. Тил // Иштирокиюн, 1920 йил 21 март.

² Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, IV жилд. –Т.: Маънавият, 2006. Б.141.

³ юкоридаги асар, б.141.

⁴ юкоридаги асар, Б.141.

эди. Мактаб дарсликлари – алифбо ва ўқиш китоблари етишмас, борлари ҳам замон талабига жавоб бермас эди. Ўзбек тилининг қонун-қоидалари юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар яратилмаган, ўзбек тили грамматикасига оид дарсликлар эса умуман йўқ эди. Ҳожи Муиннинг “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1918 йил 20 августдаги сонида эълон қилинган “Тил масаласи” мақоласида шундай фикрлар бор: “Биз туркча қоидаларни билмаганлари учун ҳозирги мирзо ва таржимон биродарларимизни айблай олмаймиз, алар бу тўғрида маъзурдурлар. Чунки алар ва бизларнинг ҳеч қайсимиз мунтазам мактабларда ўқуб чиқмагон. Тил қоидаларининг таълими мунтазам мактабларда бўладирки, мундай мактаблар ҳануз Туркистонимизда очилгон эмас. Ҳозиргача давом этиб келган янги мактабларимизда бўлса туркий тилимизнинг сарф ва наҳви ўқутила бошлағони йўқ. Бизнинг туркий тилимиз ишланмагон бир тил бўлиб, мунинг сарф ва наҳвиға оид ҳануз бирор турли рисола босилиб чиқгон эмас. Бизнинг муаллим афандиларимиз тил қоидаларини яхши билмайдиларки, ушбу кунгача баъзилари тарафиндан ёзилгон мактаб китоблариндин маълумдир”¹.

Бу даврда Туркистонда очилган аксарият жаҳид мактабларида турк тили грамматикаси ўқитиларди. Мактабларимиз, ёзувимизни усмонлича таъсирида қолганлигини Фитрат ўқинч билан таъкидлайди. У 1921 йил Тил ва имло қурултойида сўзлаган нутқида Тошкентда очилган курсларда она тили сабоқлари учун берилган соатларнинг кўп қисми усмонличага берилгани, Самарқандда очилган биринчи муаллимлар курсида эса, она тили деган нарса киритилмагани, 18 йилдаги Маориф шўросининг бир мажлисида ҳам, ўтган йилдаги муаллимларнинг қурултойида мактабларимизнинг ибтидоий уч йилида она тили ўқитилсин, ундан сўнг умумий турк тили (усмонлича турк тили) ўқитилсин деган қарор қабул қилингани, мазкур курсларга ўзбекча сабоқлар учун кирган муаллимларимиз усмонли туркларидан Шайх Восифийнинг арабчадан кўтарилган “Қавойиди лисони усмоний” сидан изофаи ламия, изофаи баёнйя, изофаи ташбеҳиядан баҳс қилаётгани, буларнинг ҳаммаси тилимизни таҳқир этиш, тилимизга ҳурматсизлик эканини айтиб ўтади.²

Бу даврда тил, имло масаласида иккита қатта оқим мавжуд эди. Бир эски имлони жон-жаҳди билан ҳимоя қилувчилар, уни ўзгартиришга, ислоҳ қилишга қарши чиқувчилар бўлса, иккинчиси ҳозирда истеъмолда бўлган имло ўзбек тили руҳини, табиатини тўла очиб бера олмаслигини, араб тили грамматикаси ўзбек тили учун тўғри келмаслиги, шунинг учун уни ислоҳ қилиш зарурлигини ёқлаб чиқувчилар эди. Ўша даврда бу вазифага жиддий киришган фидоийлардан бири Фитрат эди. У ўзи тузган “Чигатой гурунги” фаоллари билан ўзбек тили қоидаларини ишлаб чиқдилар, мактабларда ўқитилаётган туркиялик Шайх Васфий томонидан арабча, форсичага эргашиб ёзилган эски усмонли Сарф, Наҳв китобини чиқариб, мазкур имло қоидаларни жорий қилдилар.

¹ Ҳожи Муин. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2010. Б.92.

² Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, IV жилд. –Т.: Маънавият, 2006. Б.134-135.

Ўзбек тили унлилари миқдорини белгилашда ўша даврда турли фикрлар мавжуд эди. Фитрат ўзбек тили унлилар тизими масаласида икки хил фикр юритади. 1921 йилда бўлиб ўтган 1-ўлка тил ва имло курултойида у ўзбек тили учун 6 (чўзги) унлини имло қабул қилиш таклифи билан чиқади. Мазкур курултойда маъруза қилган Ашурали Зоҳирий ўзбек тилида 5 та унли борлигини айтади. Машҳур тилшунос Я.Д.Поливанов ўзининг “Фонетика ташкентского сговора” асарида туркий тиллар фонологик тизимида рўй берган конвергенция, дивергенция ҳодисаларини очиб бериш асосида Тошкент диалектида сингармонизм қонунияти йўқолгани, олти унли фонема мавжудлигини кўрсатганди. Ўзбек ёзувининг ҳам шунга асосланиши лозимлигини таъкидлайди¹.

1925-1926 йиллардан сўнг ўзбек адабий тили вокализмини белгилашда сингармонизмни қишлоқ шевалари хусусиятидан келиб чиқиш керак, деган ғоя устун кела бошлайди, шу асосда адабий тилда ҳам унлиларнинг қалин ва ингичка жуфтликлари мавжудлиги эътироф этилган ҳолда, бу унлилар учун алифбода 10 та, ҳатто 12 ҳарф белгилаш тавсия этилади². Шунинг таъсирида Фитрат ҳам юқоридаги фикрларидан қайтиб, ўзбек тилшунослиги муаммоларига бағишланиб ёзилган “Сарф” асарида 9 та унли ҳақида баҳс юритади. Фитрат ўзбек тилини туркий тиллар таркибидаги бир тил сифатида барча туркий тилларда у ёки бу даражада мавжуд бўлган сингармонизм қонуниятини акс эттиришини, бу ҳолат эса шаҳар шеваларида форс-тожик тилининг таъсирида бузилганини, шунинг учун умумтуркий фонетик хусусиятини кўпроқ сақлаб қолган қишлоқ шеваларига таяниш жуда тўғри эканини таъкидлайди. Ана шу асосда ўзбек тилида унлиларнинг “йўғон”лик ва “ингичка”лик белгиси фарқловчи белги вазифасини бажариши ва шу белгига кўра унлилар икки қаторга бўлинишини кўрсатади. Шу билан бирга, йўғонингичкалик белгиси бўйича фарқланишга эга бўлмаган “э” унлисининг мавжуд эканини, жами ўзбек тилида 9 унли фонема борлигини баён қилади.

Ашурали Зоҳирийнинг “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1929 йил 29, 31 март сонларида эълон қилинган “Тил ва имло масаласи” мақоласида адабий тил, имло, атама, сингармонизм ва ўзбек тилининг бошқа масалалари тўғрисида баҳс юритилган. Мазкур мақолада олим унлилар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Бу ҳақда тилшунос олим А.Нурмонов шундай ёзади: “Ашурали Зоҳирий ўзбек адабий тилида олтитамас, тўққизта унли мавжудлигини, лотин алифбосида ҳам ана шу тўққизта унли учун ҳарф олиш кераклигини айтади. Гарчи муаллиф бу фикрини далиллар асосида исботламаса ҳам, Фарғона (Андижон, Марғилон, Кўкон каби) шеваларида маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган тўққизта фонема борлигини ҳис қилади. Дарҳақиқат, унлиларнинг палатал белгиси Фарғонанинг бир қатор шеваларида бугунги кунда ҳам фарқловчи белги бўлиб хизмат қилади ва фонологик қимматга эга. Шу билан бирга, Ашурали Зоҳирий айрим муаллифларнинг тўққизтадан ортиқ унли

¹ Нурмонов А. Танланган асарлар. – Т.: Академнашр, 2012. Б. 350.

² Тил ва истилоҳ // Маориф ва ўқитгучи. 1926, № 7-8, Б.41-42.

фонемаларга эгаллиги ҳақидаги фикрларининг старли исботланмаганини танқид қилади”¹.

Адиб меросини чуқур тадқиқ қилган Т.Тоғаев ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди: “А.Зоҳирий ўзбек тилида унлилар ҳақида тўхталар экан, уларнинг сонини тўққизта деб белгилайди. Бунда олим “соф ўзбек тилида сингармунизм борлиги”га асосланган. Унинг фикрича, “сингармунизм билан чўзгининг тўққизталиги бир-бирига қаттиқ боғлангон”. А.Зоҳирий унлилар масаласида ўзбек шеваларида маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган 9 та унли фонема борлигини назарда тутган. У унлилар 6 та деб қаровчиларга қарши чиқиб, “уни қисқартириш кераклиги тўғрисида сўз очиш мантиқсизлик ва тўққизта бўлишининг асосини тушунмасликдир” деб таъкидлайди. Шу билан бир қаторда, унлилар сонини 9 тадан кўп деб қаровчиларни ҳам танқид қилади. Уларнинг ўз фикрларини исботлаб бера олмаганини ёзади. А.Зоҳирий унлилар сони 9 та деган фикрда қатъий туради: “Демак, ҳозирги 9 чўзги шу топдаги илмий асосга қурилгон, уни орттирмаймиз ҳам, камайтирмаймиз ҳам”² (Тоғаев Т. Ашуралӣ Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси Дис-46/2006 86-87).

Албатта, бундай фикр бирданига пайдо бўлгани йўқ. Дастлабки вазифа эски имлочилар фикрини енгиб, 3 унлили имлони 6 унлига келтириш эди. Бирданига 3 унлидан 9 унлига ўтиш ўта қийин вазифа эканлигини улар яхши тушуниб етганлар. Бу ҳақда Элбек шундай ёзади: “6 чўзги (унли)нинг ўзбек тилига старли жавоб бера олмаслиги олдинроқ сезилмасида, сўнгги чоклар, ойниқса, янги алифбега кўчиш олдида очиқ сезила бошлагон эди. Фақат у чокдаги янги алифбега кўчиш олдидаги чўзги жанжали 9 устида эмас, 6 устида бўлуб келганидан, то янги алифбега кўчмагунча бу тўғрида сўз очиш оғир эди. Ҳарф иллатчиларининг шовқини ҳали босилмагон бир даврда 6 дан 9 га кўчиш тугил, шу 6 нинг ўзин сақлаб қолиш катта муваффақият эди. Маъна шунинг учунда 1926 йилгача 9 чўзги устида оғиз очқучилар оз кўринди, тўғриси, бу масала устида ортиқча бош қотирилмади”³.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, 9 унлили вокализм тарафдорларининг ўша йилларда фаоллашувида 1926-1927 йилларда юзага келган “Бирлашган (муштарак) турк алифбоси” яратиш гоясининг ҳам таъсири бўлганлиги шубҳасиз, чунки бундай муштарак алифбонинг яратилишида кўпчилик турк-татар тилларига хос бўлган сингармунизм қонуниятининг ҳисобга олиниши тақозо қилинарди, айни пайтда, бу гоя эски ўзбек адабий тили вокализмига ҳамда ҳозирги айрим қишлоқ шеваларига хос бўлган контраст жуфтликларни адабий тил учун меъёр деб белгилаш имконини ҳам берарди⁴.

1926 йилда Озарбайжонда бўлиб ўтган туркологлар қурултойида лотин алифбосига асосланган янги алифбога ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу алифбени барча турк жумҳуриятларида қабул этишни тавсия қилинади. Мазкур қурултойдан сўнг Ўзбекистонда ҳам янги алифбога ўтиш бўйича жиддий ҳаракатлар бошланади.

¹ Нурмонов А., юқоридаги асар, Б.350-351.

² Тоғаев Т. Ашуралӣ Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси. Номзоддисс... – Т., 2004. Б.86.

³ Элбек. Тил ва имло баҳслари // Қизил Ўзбекистон, 1929, 29 январь.

⁴ Жамолзонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фақ, 2009. Б.75

Шу йили Самарқандда янги алифбонинг I-Кенгаши ўтказилади. Кенгаш йиғилишига Ўзбекистондаги барча таниқли тилшунослар таклиф қилинади. Кенгашда лотин алифбосига асоланган янги алифбонинг лойиҳа варианты муҳокама қилинади ҳамда ўзбек адабий тили учун унлилар миқдорини 9 та деб белгилаб беради. Бу ҳақда Элбек ўзининг мақоласида маълумот бериб ўтади: “Кенгашнинг кўрсаткан чўзгилари куйидагилар бўлиб, булар ҳали ҳам ишлатилмақдадур:

1) Уст чўзгилар: а, э - қол, кэл.

2) Ўтру чўзгилари: о, ө, у, ү – қол, кўл, қул, кул.

3) Ост чўзгилари: е, ь, і – кел, тил, қиз.

Юқоридаги 9 чўзгини қалин ингичкаликка бўлганимизда о, у, ь, а қалин сўзларда ишлатила тургон чўзгилар е, і, ү, ө, э ингичка сўзларда ишлатила тургон чўзгилар дейилади”¹.

Юқорида таъкидланганидек, 9 унли масаласида жадидлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас эди. Бу хусусда Боту шундай ёзади: “Биз муштарак алифбе қабул қилдик; тўққиз чўзги олдик, бироқ жанжал бутунлай счилгани йўқ. Тўққиз чўзгининг тилимиз учун озлигини даъво қилувчилар бўлгани каби, буларнинг кўплигини исбот этувчилар ҳам бор. Ўзбек тилининг хусусияти, тараққийси ўзбек янги алифбесидан бир қанча янгиликларни тўлдиришни талаб қилар экан, мутаассиблик қилиш ярамайди. Биз, модомики, янги алифбе – ўзбек алифбеси, биринчидан, меҳнаткашларнинг саводсизлигини битиришга хизмат қилади ва шундай бўлиши керак, дер эканмиз, амалда ҳам шу томон боришимиз керак. Бир неча йиллик тажрибамиз ҳозирги тўққиз чўзги омма учун сўнг даражада оғирлик келишини кўрсатди”².

Юқоридаги маълумотлардан шундай фикр келиб чиқадики, ўзбек тили қонун-қоидалари ҳақида илмий қарашлар энди шаклланаётган, кўпчилик мутахассисларнинг ўзларида ҳам назарий билимларнинг етарли эмаслиги, шу асосда фикрларнинг хилма-хиллиги кўзга ташланади. Бу хусусда Ҳ.Жамолхонов шундай ёзади: “...ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмини белгилаш юзасидан олиб борилган дастлабки ишларда бу масалага фонема назариясига таянган ҳолда ёндашилмаган, фонема билан унинг нутқдаги реал кўринишлари ўзаро қориштирилган, ҳатто 6 унли вокализм тарафдорлари қарашларида ҳам бу масалага илмий-назарий асосда эмас, интуитив сезги асосидагина ёндашилганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун бўлса керак, уларда ўз фикрларидан чекиниш ҳолатлари тез-тез кўзга ташланади”³.

1934 йилда Тошкентда алифбо ва имлога бағишланган Республика қурултойи ўтказилиб, унда ўзбек адабий тилида унлилар миқдори 9 та эмас, 6 та деб ҳисоблаш кераклиги ҳақида қарор қабул қилинади. Фикрлар хилма-хиллигига қарамай, миллат тақдири учун қайгурган, керак бўлса жонини бағишлаган миллат фидойиларининг ҳатти-ҳаракатлари туфайли ўзбек адабий тили метёрали босқичма-босқич шаклланиб борди.

¹ Элбек. Тил ва имло баҳслари // Қизил Ўзбекистон, 1929, 29 январ.

² Боту. Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз. – Т.: Шарқ, 2004, Б.122-124.

³ Жамолхонов Ҳ., юқоридаги асар, Б.76.

Адабиётлар рўйхати:

1. Боту. Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз. – Т.: Шарқ, 2004.
2. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. 3.
- Нурмонов А. Танланган асарлар. – Т.: Академнашр, 2012.
4. Тил ва истилоҳ // Маориф ва ўқитғучи, 1926. - №.
5. Тогаев Т. Ашуралӣ Зоҳирӣ ва унинг тилшунослик мероси. Номзод.дисс... – Т., 2004.
6. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, IV жилд. –Т.: Маънавият, 2006.
7. Элбек. Тил ва имло бахслари // Қизил Ўзбекистон, 1929 йил 29 январь.
8. Элбек. Тил // Иштирокиюн, 1920 йил 21 март.
9. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2010.

Мардон Раҳматов,

ф.ф.н., доцент

АЛИШЕР НАВОЙЙ ПОЭТИК АСАРЛАРИДА ЎЗГА ГАПЛИ ҚУРИЛМАЛАР

Шубҳасиз, ҳар қандай нутқ шакли маълум бир шахс томонидан яратилади. Лекин бу нутқ шакллари ҳар доим ҳам яхлит ҳолда муаллифнинг бир ўзига тегишли бўлавермайди. У баъзан нутқда ўзгаларнинг фикри (нутқи)дан ҳам фойдаланади. Бундай гаплар нутқ вазиятигача айтилган ёки айтилмаган ёхуд келажакда айтилиши кутилаётган бўлиши мумкин.

Бадий асарларда қўлланган ўзалар нутқи филологик қимматга эга бўлгани учун, ҳам лингвист, ҳам адабиётшунос олимларини ўзига жалб қилиб келган. Ўзгалар нутқи тилшунослар томонидан турли аспектларда кўп йиллардан бери ўрганиб келинмоқда. Уларнинг функционал (қаҳрамон нуқи характеристикаси), грамматик (ўзга нутқининг грамматик жиҳатдан шаклланиши ва баъзан ўзгартирилиши. Масалан, кўчирма гапнинг ўзлаштира гапга айлантеририлиши), пунктацион каби аспектларда ўрганиб келинмоқда.

Ўзбек тилшунослигида шеърий асарлар тилида қўлланган ўзга гапли қурилмалар махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунинг учун Алишер Навоий поэтик асарлари тилида қўлланган ўзга гапли қурилмаларни юкорида қайд қилинган аспектларда ўрганиш муҳим масалалардан саналади. Биз ушбу мақолада газаллар матнида қўлланган ўзга гапли қурилмаларнинг грамматик хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларга тўхталмоқчимиз.

Ўзбек тилининг илмий грамматикасига бағишланган асарларда сўзловчи доимо ўз фикрини баён қилиши билан бир қаторда бошқаларнинг ҳам гапини ҳеч ўзгаришсиз ёки мазмунини сақлаган ҳолда, грамматик ва айрим лексик хусусиятларини ўзгартириб ифодалаш ийтилади.¹ Шунга кўра ўзгаларнинг гапи кўчирма гап, ўзлаштира гап ва ўзиники бўлмаган гап каби турларга ажратилади. Ўзгаларнинг гапи муаллиф гапи билан ёнма-ён ҳолда мустақил гап сифатида қўлланса кўчирма гап, ўзганин гапи мазмуни сақланган ҳолда лексик, грамматик хусусиятлари ўзгартирилган ҳолда баён қилинган бўлса

¹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Сигтаксис. –Тошкент: Фан. 1970. 459-б.

Ўзлаштирма гап¹ ва муаллиф гапига сингдирилган бўлса ўзиники бўлмаган гап дейилади.

Ўзбек тилшунослигида ўзга шахслар нутқининг грамматик хусусиятлари тадқиқ қилинган ишларда асосий эътибор уларнинг синтактик тузилмадаги ўрни, шаклланиши, нутқнинг махсус қурилмасини шакллантириши, баъзан унинг услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.² Ўз ичига ўзганинг гапини қабул қилаётган муаллиф гапи синтактик, стилистик ва композицион жиҳатдан меъёр даражасида шаклланиши, яъни муаллиф гапи таркибига сингиб кетиши, ўзининг дастлабки (синтактик, композицион, стилистик) шаклини маълум даражада сақлаб қолиши учун синтактик, стилистик ва композицион жиҳатдан қайта шаклланиши лозим бўлади.³ Муаллиф гапи ва кўчирма гаплар композицион тузилиши ва стилистик талабга мувофиқ бири-бирига нисбатан турлича жойлашади.⁴ Ўзга гапли қурилмаларнинг бу хусусияти классик поэтик асарлар тилига ҳам хос бўлиб, улар байт/мисра таркибида турлича кўринишга эга бўлади.

Кўчирма гаплар луғавий ва грамматик хусусиятлари ўзгартирилмай, айнан ўз ҳолича берилган ўзганинг гапи⁵ бўлиб, нутқнинг бу ифода шакли Алишер Навоий поэтик асарлари, хусусан, ғазаллари тилида кенг қўлланган:

Деди: меҳмонинг бўлуб юз жавр ила айлай ҳалок,

Ваҳки, бор ул шўхнинг ҳар ваъдасинда юз ваид (128).

Маълумки, кўчирма гаплар ҳар доим муаллиф гапи билан ёнма-ён қўлланади ва яхлит ҳолда кўшма гапларнинг бир тури (кўчирма гапли кўшма гаплар)ни ҳосил қилади.⁶ Ўзга гапли қурилмалар иштирокидаги бу турдаги гаплар Алишер Навоийнинг ғазаллари матнида шоир образи (нутқ субъекти) ва лирик қаҳрамон образи (нутқ объекти) билан боғлиқ ҳолда шакллантирилган.

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек тили адабий нормасига биноан кўчирма гапли конструкцияларнинг компонентларини туташтирувчи грамматик воситалар деярли ишлатилмайди, уларнинг составида нисбий сўзлар қўлланмайди,⁷ яъни муаллиф гапи ва кўчирма гаплар ўзаро боғловчисиз фақат оҳанг ёрдамида боғланади. Бу хусусият ғазаллар матнига ҳам хос:

Деди: меҳмонинг бўлуб юз жавр ила айлай ҳалок,

Ваҳки, бор ул шўхнинг ҳар ваъдасинда юз ваид (128).

Эски ўзбек тилида, хусусан, поэтик асарлар матнида муаллиф гапи ва кўчирма гаплар худди кўшма гапларникидай ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамида ҳам боғланиши кузатилади. Бунда асосан боғловчи восита сифатида -ки/ким грамматик шакллари иштирок этади:

¹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 242 б.

² Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан. 1970. 459-б.

³ Бахтин М. М. Тетралогия. –М., 1998. с. 408–409.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 242-244 б.

⁵ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон илмий энциклопедияси” илмий нашриёти. 2002. 55-б.

⁶ Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси/Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солиҳўжасва С. –Тошкент: Фан, 1992. – 44 б.

⁷ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан. 1970. 459-б.

*Кўнгулм аҳволин сабодин сўрдум эрса, дедиким:
Телбалардек бир нарий кўида саргардон юрур (159).
Гадолиг эттим эса бўсае, ачигланибон
Дедики: асру уятсиз гадо эмиштуксен (482).*

Ҳазаллар матнида қўлланган кўчирма гаплар лирик қаҳрамоннинг фикрига, ҳолатига муносабатни ифодалаб, асар моҳиятини очиш, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини баён қилиш, зиддиятли ҳолатларни ойдинлаштириш каби бир қанча мазмуний муносабатларни ифодалайди. Бундан ташқари кўчирма гапларда шунчаки ўзганинг фикри баён қилинибгина қолмай, уларнинг вақтга муносабати маъноси ҳам англашилади: ҳали ифода этилмаган, фақат ўйланган – тахмин қилинган, келажакда амалга оширилиши мўлжалланган фикрлар ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай гапларда кўчирма гапнинг кесими бўйруқ-истак майлидаги феъллар билан қўлланган:

*Навоийни дедингим, бир жафо бирла ҳалок айлай,
Вафо қил эдиким, бу орзу ани ҳалок этмиш (248).*

Шунга кўра кўчирма гапларнинг кесими асосан бўйруқ майлида бўлиб, мазмунан ирреалдир:

*Бош кўяй дедим оёғи туфроғига деди: кўй
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол (385).*

Кўчирма гаплар тузилишига кўра содда гап, кўшма гап қолипида учрайди. Масалан: содда гап шаклида:

*Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз (205).*

Богланган кўшма гап қолипида:

*Дедиким: жон бер доғи ўнгил аёғим туфроғин,
Эй Навоий, тезрак бўлким, пушаймон бўлмасун (468).*

Маълумки бадиий асар матнида биттадан ортик шахсларнинг ўзаро суҳбати, нутқий мулоқотидан ташкил топган кўчирма гаплар кўплаб учрайди. Ҳазаллар тилида ҳам лирик қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқоти, суҳбатини акс эттирувчи қурилмалар кўплаб учрайди. Бу типдаги гаплар мазмунан насрий асарлардаги диалогларга ўхшаб кетади. Агар насрий асарларда диалоглар маллиф гаписиз қўлланса, назмий асарларда муллиф гапининг қатнашиши шарт. Чунки муаллиф гапи орқали лирик қаҳрамонларнинг ҳар бирини шахсини аниқлаш мумкин бўлади:

*Дедим: бошимни чопиб туъма элт итларингга,
Деди: бу юкдин узулмиш яқинда фитроким (425).*

Классик шеърый матнларда демоқ феълнинг ҳозирги ўзбек тилидагидек сўради, буюрди феълларига синоним сифатида қўлланиши ва унинг деб сўради, деб буюрди, деб айтди тарзида келиши учрамайди.

«ЗАФАРНОМА» АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАР ҲАҚИДА

XVI асрда Мовароуннахр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй берган турли жараёнлар ўша давр тили, жумладан, лексикаси таркибида ҳам ўз ифодасини топган.

XVIII асрда Самарқандда Рашидуддин Фазлуллоҳнинг машҳур “Жомеъ-ут-таворих”, Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асарининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўгирилиши ўзбек миллати вакиллари Чингизхон ва Чингизийлар тарихи ҳамда соҳибқирон Амир Темур юришлари тарихи билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этиши қатори ўзбек адабий тили лексик таркиби тараққиётига маълум даражада улуш қўшди (1.118).

XVI аср бошлари эски ўзбек адабий тили ҳолатини ўзида тўлиқ мужассам этган, юқорида таъкидлаб ўтилган муҳим манбалардан бири – Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асари хижрий 828 йили (мелодий 1424-1425) форс тилида ёзиб тугатилган. Мазкур асарнинг Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан Шайбонийлар сулоласидан хон Кўчкунчихон (1510—1529) фармонига кўра 1519 йилда амалга оширилган ўзбекча таржимаси муҳим ўрин тутди (2). Ҳ.Дадабоев ушбу асар тадқиқига бағишланган мақоласида унинг лексикаси ниҳоятда бой ва ранг-баранг эканини мисоллар ёрдамида изоҳлаб беради (3). Ҳ.Дадабоев мазкур асар Амир Темур фаолияти ва юришлари ҳақида бўлгани учун, унинг лексикасида эски ўзбек тилида яратилган бошқа ёзма манбалардагидан фарқланадиган, услубий хосланган, халқ тилига яқин жуда кўп сўзлар, жумладан, ҳарбий терминлар борлигини бой фактик материаллар орқали кўрсатиб беради ва Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобековлар томонидан нашрга тайёрланиб, 1997 йилда китоб ҳолида кирилл ёзувида чоп қилинган, ордан 17 йил ўтса ҳам, эски ўзбек тилининг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи бу нодир асарнинг лисоний тадқиқ объекти сифатида тилшунослар эътиборига тушмаганидан ачинади ва мазкур асарни лингвистик тадқиқ қилиш долзарб масала эканини таъкидлайди (3.36). Ушбу тавсиялар натижаси ўлароқ, мазкур мақола майдонга келди. Маълумки, устознинг бир қатор илмий ишлари ўзбек тилининг турли тараққиёт босқичларидаги ҳарбий терминлар тадқиқи масаласига бағишланган (4,5,6,7,8). Лекин “Зафарнома” асари унинг тадқиқотларида асосий объект вазифасини бажармаган. Юқорида таъкидланганидек, бу асар лексикаси ўзига хос бўлиб, ҳарбий термин ва тушунчалар халқ сўзлашув тилига яқин, содда тарзда баён қилиниши, Амир Темур давридаги айрим терминларнинг соддалаштириб берилган ҳолатлари, баъзи ўринларда гарчи “Бобурнома” билан бир даврда яратилган бўлишига қарамасдан, “Бобурнома”даги ҳарбий терминлардан сон жиҳатдан, фонетик, лексик ва услубий хусусиятлари бўйича фарқ қилиши асардаги ҳарбий терминлар тизимини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Шунинг учун мазкур асар тилидаги қўшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни

ифодаловчи терминларни алоҳида ажратиб ўрганиш йўлидаги ҳаракатларимиз шу пайтгача эски ўзбек тилидаги мазкур мавзу бўйича бажарилган тадқиқотлар мазмунини такрорламайди, деб ўйлаймиз.

«Зафарнома» таржимасида ҳарбий амалиёт даврида қўшин турлари, қисмларининг бажарадиган вазифаси ва позициясига кўра турли терминлар билан юритилишини кўриш мумкин.

Илгор сўзи жанг пайтида энг аввал юбориладиган гуруҳ, махсус ҳарбий бирлик бўлиб, уни Шарафуддин ҳам, Муҳаммад Али ҳам эски ўзбекча сўз билан *илгор* дейди. Аслида бу арабча «муқаддам» тушунчасига тенг кучли бўлиб, мустақил туркий сўз ва тушунчадир. Асли қадимги туркий тилда олд маъносини англатган *ыл* отига *-га* қўшимчаси билан ясалган *ылга* – «олдинга бор» маъносини англатувчи феъл ҳосил бўлган ва унга *-р* қўшимчаси қўшилиб «олдинга боровчи» маъносидаги сифатдош ҳосил қилинган (9.116). Эски ўзбек тилида бу сўз «дастлабки ҳарбий ҳаракатларни бошлаб берувчи ҳарбий қисм тури» маъноси билан фаолият-жараён тушунчасини билдиручи отга кўчган. Маъно тараққиёти натижасида ҳозирги ўзбек тилида бу сўз сифат туркумига айланиб қолган. Одатда *илгор*нинг вазифаси душманнинг илгор, олдинги қисмларни билан жанг қилиш, ёки унинг асосий қисми билан илго жангини қилиб, уни чалғитиш, «тил» сифатида асир олиш, душман тўғрисида аниқ хабар келтиришдан иборат бўлган. Лашкарнинг сони ортиши билан илгордаги аскарларнинг сони ҳам орта борган. Темур йигирма беш, ўттиз минг ва ҳатто ундан ҳам ортиқ сонли лашкарни илгорларга юбориб, ўзи асосий қисм билан фурсат кутиб туради. Бундай кўп сонли илгор лашкари ҳам ўз галида ўз илгори, илгоси, қоровул ва ҳировулига аскар гуруҳларини чиқарган (2.322): «*Амирзода Шохрух илгор йўсуни била бир жамоат беклар била илгари борсунлар!*» (2.236). Асарда *илгор* сўзига дублет сифатида *илгари* сўзи қўлланган. Қўйидаги мисолларда *илгор* сўзининг бошқа бир шаклда – *илгари* кўринишида ўрин равиши ёки кўмакчи маъносида эмас, *ҳарбий бўлинма* маъносидаги от тушунчасини билдирган: ...*Ва ўттуз йахши киши илгари йибарди ва икки киши ўнг қўлга ва икки кишини сўл қўлга қаровуллукқа йибарди* (2.56); ...*Ва Жаҳоншаҳбекни ўнг қўлнунг кишиси билан даранинг даҳонасига илгари йибарди* (2.31). Асарда аксарият ҳолларда *илгор* сўзи кўшма феъллар таркибида *илгор солиб, илгор этиб, илгор қилиб* каби шаклларда келган: *Булар илгор қилиб, кеча-кундуз суруб, чўлдин ўтуб, Қарн жилгасида кирдилар*(2.102).

3. Холмонова тадқиқотида салжуқийлар даврида *йабғу* ва *шад* атамалари қўшиннинг *ўнг* ва *сўл қаноти* қўмондони маъносида истеъмолда бўлгани ҳақида қизиқарли далилий маълумотлар бор. «Бобурнома»да ҳар икки қисм сардори қўшин характериға кўра *буронгор* ва *жавонгор* деб юритилган (10.101). «Зафарнома»нинг ўзбекча таржимасида *баронгор* ва *жавонгор* терминларининг ҳар бири фақат икки мартадан қўлланган, бошқа ўринларда фақат *ўнг қўл* ва *сўл қўл* сўзлари ишлатилган: *Ва яна бир йасол амир Ҳомжи Сайфуддин черики била жавонгорда турди. Ва бир йасол биронгорда шаҳзода Умаршайхни қилиб, Бердибек Сари Буга ва Худойдоди Хусайинийни бирбўлар муборизлар била тургузди. Ва ўнг қўл ва сўл қўл беклари ва туман беклари ва қўшун беклари, ҳар бирини ўз ерида тургузуб, йасоллар туздилар*(2.138); «*Ўнг қўл* ва *сўл қўлнунг*

черики Анкурийага мутаважжих бўлсунлар. Ва Қайсарийага бориб ўрдуга кўшулгайлар!» (2.138).

Буронзор ва *жавонзор* кўшинлари оралиғида ҳужум уюштирувчи, жанг олиб боровчи асосий қисм *гўл* деб номланган бўлиб, лашкар сафининг орқароғида турган: *Соҳибқирон аларни кўруб, гўл сори чопиб ҳирнинг забтига машғул бўлди* (2.101).

3. Холмонова қадимги туркий тилда *гўл* сўзи ўрнида *ўрта* сўзининг ишлатилганини, лекин бу сўз “Бобурнома”да учрамаслигини таъкидлайди (10.101). «Зафарнома»да эса *гўл* сўзи ва унинг дублети сифатида *қўл* термини қўлланган: ...*Маҳмудшоҳни буларни қўл этиб турғузди. Ўзи муборак нафаси билан қаровул бўлуб, илғари бориб турди* (2.53). Асарнинг бир жойида *қўл*, *гўл* сўзлари биргаликда ишлатилган: *Ҳазрат соҳибқироннинг черики йиғилгондин сўнг Мусабекни қўли-гўл этиб, муборак нафаси билан фархунда соатда Кешдин чиқиб, баҳодурлар билан илғари юриди* (2.65). Асарда *улуғ* *қўл* термини икки марта ишлатилган: *Ва йиғирми кўшун баҳодурларни улуғ қўлнунг кейнида турғуздиким, уруш кўйинда агар кўмак керак бўлса, булар кўмак бўлгайлар* (2.138).

Асарда *гўл* // *қўл* сўзларининг маънодоши сифатида қадимги туркий тилдаги шакли *ўрта* сўзи ҳам ишлатилган. Тўғри, асарнинг турли ўринларида *ўрта* сўзи сифат, равиш, кўмакчи вазифаларида ҳам қўлланилади. Лекин куйидаги каби мисолларда бу сўзни *гўл* сўзи маъносида ишлатилганини фахмлаш қийин эмас: *Черик қаъгага келиб, ўртада олиб, урушқа машғул бўлдилар* (2.236). *Йилдириш Боязид юз меҳнат ва машаққат била ўртадин чиқиб кетти*. (2.262). Асарда ўрин-пайт келишигини олган *ўрта* сўздан сўнг *олмоқ*, *солмоқ* феълларини келтириш орқали ҳаракат билдирувчи сўзлар ҳосил қилинган бўлиб, булардан *ўртада олмоқ* 31 ўринда, *ўртада солмоқ* 3 ўринда ишлатилган.

«Зафарнома»нинг ўзбекча таржимаси лексикаси таркибида “отлик кўшин, гвардия” маъносида *отлиқ*: *Ва ул ҳамлада бир отлиқни найза билан тушурди ва ани боғлаб маъракадин чиқарди* (2.238); “кўшин”, “лашкар”, “аскар” маъносида *черик*: *Хусайинбек черики била Бухорога етти*. (2.51), *Соли Саройда йиғин қилиб, черик йиғиштуруб, анинг урушига юзландилар*; “пиёда аскар” маъносида *пиёда* ва *йайоғ* сўзлари кенг истеъмолда бўлган: *Али Султвн пиёдалар била ул сув ва балчиқ ичида кириб уруш солди* (2.200); *Черикка ҳукм бўлгондин сўнг мўру малаҳдек йайоғ ва отлиқ ҳисорға мутаважжжих бўлдилар* (2.153).

Лашкар сўзи тарихий ҳарбий термин сифатида “кўшин, сипоҳ” маъноларини англатади (5.72) ва мақолаизмга тадқиқот объекти бўлаётган манбада ҳам шу маънода ишлатилган: *Лашкарнинг тартибига фармонлади ва Исфаҳон шаҳрида йақин этиб тушти* (2.115). Тадқиқотчи А.Ўрозбоев *лашкар* сўзини эътиборли лингвистик манбаларга таянган ҳолда авестовий *rataeshtra*, паҳлавий, тилидаги *artishtar* (жангчи) сўзлари билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фикрларга кўшилган ҳолда изоҳлайди (16.5). Назаримизда, *rataeshtra*, *artishtar* сўзларига *риқар* сўзининг фонетик таркиби ҳам яқиндай туюлди. Лекин луғатларда бу сўз “отлиқ, чавандоз” маъносидаги немисча *ritter*

сўздан келиб чиққани ҳақида маълумот бор (17.387). Эроний тиллар ва немис тили бир тил оиласига мансублигини ҳисобга олсак, бу тахминимиз унчалик ҳам шубҳали ёки кулгили туюлмади деб ўйлаймиз.

Асар тилида *сипоҳий* // *сипоҳи* термини “ҳарбий хизматчи”, “амалдор”, “лашкар” маъноларида қўлланади: *Ва сипоҳийлар йайоғ бўлуб, андоғ уруштиларким, Баҳром бешинчи кўкда таажэсуб бармогини тишида кўюб, ҳайрон бўлуб, назора қилур эрди* (2.153); *Урушуб бир-бири бирла сипоҳи, Фигонларин эшитиб мурғу моҳи* (2.18).

Навоий “Муҳокаматул лугатайн” асарида *-вул* аффикси билан ҳарбий ва сарой лавозимларини билдирувчи от асалишини айтиб қуйидаги мисолларни келтирган: *хиравул, қаравул, чиндавул, йанқавул, сазавул, йатовул, ясовул, бакавул, шыгавул, дақавул* (Қаранг: 14.52). Ҳ.Дадабоев *-вул* аффикси ҳақида (15) *ҳировул, шиговул, чоповул* терминлари ҳақида (18. 26-27.) махсус мақолалар эълон қилган.

Юқорида қайд қилинган *-вул* қўшимчали лексемалар ичида *ҳировул, чигдовул, жангдовул, ясовул, қоровул* сўзлари “Зафарнома” асарида ҳарбий термин сифатида ишлатилган. Бу терминлар ҳам ҳарбий қисм, бўлинма маъносини, ҳам ана шу ҳарбий қисмда фаолият кўрсатувчи ходим тушунчасини англатиши билан ўзига хос характер касб этади.

“Зафарнома”да *ҳировул* сўзи лашкарнинг илғор гуруҳларидан бирининг номини билдиради: *Тўқтамишхон бу сўзни эшитиб, ҳайрон қолиб, Қазончини ҳировул қилиб, кўб киши била соҳибқирон сори йибарди* (2.176). Бу сўз Навоий асарларида ҳам шу маънода қўлланган (11. IV.183).

Чигдовул сўзи асарда икки марта, бу сўзнинг *чагдовул* варианты эса бир марта қўлланган бўлиб “асосий кучлардан орқадаги ҳарбий қисмлар” маъносини беради ва шу қисмда фаолият кўрсатувчи ҳарбий ходимга нисбатан ҳам ишлатилади: *Ҳасан чигдовул... ва ўзга бекларким, барча соҳибқироннинг маҳрамлари ва хосса кишилари эрдиларким, иттифоқ қилдилар* (2.305). *Чигдовул* сўзининг эски ўзбек тилидаги ёзма манбаларда учрайдиган *чандовул, чиндовул* каби вариантлари “Зафарнома”да ишлатилмаган.

“Соқчилик, кўриқчилик” маъносидаги (12.55) *жангдовуллуқ* термини асарда бир марта қўлланган: *Тумонлардин ва ҳазоралардин киши чиқариб, жангдовуллуққа муқаррар қилди, то кеча черикдин воқиф бўлғайлар* (2.241).

Ясовул сўзи “соқчилар бошлиғи” (5.196), “интизом сақловчи”, “катта мансабдор ёнида юрувчи кичик амалдор” тушунчасини (11.III.597) англатади: *Куча Малик кирмай, ваҳмдин илгари бора олмади, Хумори ясовулга ишорат қилди* (2.74).

Қоровул термини асарда *қаровул* кўринишида иккинчи ҳарфи а ҳарфи билан ёзилиб “қўшиндаги ҳарбий назоратчи; соқчи қисм, дозор, аванпост” маъноларида ишлатилган (5.213): *Ўзи муборак нафаси билан қаровул бўлуб, илгари бориб турди* (2.53).

Бошламиш сўзи “Зафарномада” “олдинги отряд” (3.38) маъносидаги ҳарбий қисм номи ва шу ҳарбий қисм бошлиғи тушунчасини англатади: *Бир қўл Султон Маҳмудхон бўлди. Барча баҳодурлар билаким: бари жангжўй ва бари номдор. Ва амир Сулаймоншоҳни бошламиш этти. Ва улуғ қўл тартиб этиб,*

шаҳзода Муҳаммад Султонга топшурди ва икки ёнида баҳодурларни тургузди (2.138).

Асардаги қўшун бўйи термини “шахсий гвардия” маъносини англатади (3.38): *Нуриддин қўшун ва қўшун бўйи ҳазораи хоссақим, аларни қавчин дер эдилар ва алар зўл эдилар* (2.154).

Ўзруқ термини “карвон” тушунчасини англатади (3.38): *Ва амирзода Умаршайхқим, кейин қолиб, ўзруқни бошлаб келур эрди ва ҳар ердақим, муҳолифлардин хабар эшитса эрди, ул сори бориб кўнгли тилагантек муҳолифнинг ишини йасар эрди.* (2.155).

Кузатишимизча, “Бобурнома” да қўлланган *тунқотар, жамгақ, қовғунчи, чонқунчи, тарх, ёрқунчи* каби қўшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни ифодалайдиган терминлар «Зафарнома» асари ўзбекча таржимаси тилида учрамайди. Ўз навбатида “Зафарнома”да ишлатилган *бошламиш, қўшин бўйи, ўзруқ, ўрта, қўл, ўнг қўл, сўл қўл* каби терминлар “Бобурнома” лексикасидан ўрин олмаганини айтиш мумкин.

«Зафарнома» асари ўзбекча таржимаси лексикаси таркибига назар ташлаш, бу асардаги қўшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни ифодаловчи терминларни таҳлил ҳамда тасниф қилиш орқали мазкур асарнинг лексик фонди ниҳоятда бой эканини кўрамиз. Бу асарда истеъмолда бўлган сўзларни. хусусан, ҳарбий лексикага оид сўзларни лисоний таҳлил қилиш орқали эски ўзбек адабий тилининг бошқа манбаларида учрамайдиган ўзига хос терминлар тизимини аниқлаш мумкин.

«Зафарнома» асари ўзбекча таржимаси лексик таркибида ўша даврларда насрий йўл билан яратилган бошқа асарлар лексикасига қиёслаганда ҳам, ўхшаш ва фарқли хусусиятлар борлиги, асар лексик таркибида ўша даврдаги ижтимоий ўзгаришлар натижасида рўй берувчи жараёнлар асосида ҳосил бўлган, турли маъно кирраларини ифодаловчи ҳарбий терминлар қўллангани ва бунда асар таржимонининг баён қилиш услуби, тил бойлиги ҳамда шу каби омиллар муҳим аҳамият касб этганини кўриш мумкин.

Умуман, «Зафарнома» асарининг ўзбекча таржимаси тилидаги қўшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни ифодаловчи терминларни ўрганиш аждодларимизнинг Ватан ҳимояси йўлида юксак даражадаги ҳарбий салоҳиятга эга бўлганликлари ҳақидаги маълумотларни тухфа қилиши билан бир қаторда, эски ўзбек адабий тилининг XVI асрдаги тараққиёт қонуниятларини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент, Фан, 2007. – Б 93.
2. Шарафуддин Али Йездий. Зафарнома. (Сўз боши, табдил, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков) – Тошкент, Шарқ, 1997. – 384 б.
3. Дадабаев Х.А. Лексические особенности перевода на староузбекский язык «Зафар-наме» Шараф-ад-дина Али Йезди.// *Türkologiya*. – Bakı, 2015. № 1.– С.35-40.

4. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дис...канд. филол. наук.—Ташкент, 1981. — 21 с.
5. Дадабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар лугати.— Тошкент, Университет, 2003.
6. Дадабоев Х. Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. №2.— 31–37.
7. Дадабоев Х. Эски ўзбек тилида мудофаа қурол-яроғларини ифодаловчи терминлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. №6. — 15–18.
8. Дадабоев Х. Кўк турк хоқонлигида ҳарбий қурилиш // Жамият ва бошқарув. — Тошкент, 2000. №2 — Б. 29.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (Туркий сўзлар). — Тошкент: Университет, 2003.— 600 б.
10. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. — Тошкент, Фан, 2007. — 176 б.
11. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт жилдли. — Тошкент: Фан, 1983-1985. — 1-жилд. 1983. — 656 б., 2-жилд. 1983. — 643 б., 3-жилд. 1984. — 624 б., 4-жилд. 1985. — 636 б.
12. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли лугат (Тузувчи Фатҳиддин Исҳоқов). — Андижон, Андижон нашриёт-матбаа ОАЖ, 2008. — Б.157.
13. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт жилдли. 3-жилд. — Тошкент: Фан, 1984 — Б.126.
14. XIV–XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. — Тошкент, Фан, 1990. — 256 б.
15. Дадабоев Х. -вул аффикси хусусида. // Тил ва адабиёт таълими. — Тошкент, 2003. №5. — Б.48-49.
16. Ўрозбоев А. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси. — Тошкент, Muharrir nashriyoti, 2013. — Б.14.
17. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5-жилдли. 3-жилд. — Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. — Б.596.
18. Дадабоев Х. Ҳировул, шиговул нима, чоповул-чи? // Ёш куч. — Тошкент, 1988. №8 — Б. 26-27.

**Жўра Худойбердиев,
мустақил тадқиқотчи**

БИРИНЧИ ТУРКИЙШУНОСЛАР ҚУРУЛТОЙИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИ ҲАҚИДА

1926 йилда Бокуда Биринчи туркийшунослар қурултойи бўлиб ўтди. Туркий халқлар тарихи, тили ва адабиёти масалалари муҳокама қилинган ушбу қурултой материаллари¹ турлича нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Собик иттифок ҳудудидаги матбуот наҳрлари қурултой туркий халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа бўлганлигини узлуксиз равишда тарғиб этди².

¹Первый Всесоюзный тюркологический съезд. 26 февраля - 5 марта 1926 г. (Стенографический отчет) Баку 1926.

²Багданова М. Лотин асосида тузилган ўзбек лойиҳаларининг тарихига бир қараш. “Аланга”, Тошкент, 1930. № 2.; Иномов Раҳим. Лотин алифбоси учун қураш. “Маориф ва ўқитувчи”, Тошкент, 1926, № 3.; Усмонов М.

Хорижлик мутахассислар тадқиқотларида ушбу тадбир туркий халқларни большевистик мафкура асосида шакллантиришга қарагилган муҳим бир босқич эканлиги қайд қилинди¹. Йигирманчи асрнинг ўттизинчи ва ундан кейинги йилларида шу мақсаддаги ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилганлиги кўплаб хорижий адабиётларда акс этди². Бундай қарама-қарши фикрларга сабаб бўлган ўша давр манбаларини қайта кўриб чиқиш, уларни хориждаги тадқиқотлар билан қиёслаб ўрганиш туркийшунос олимлар, мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Қурултой материалларини таҳлил қилишдан олдин анжуманни чақириш тўғрисидаги фикр қачон ва нима мақсадда пайдо бўлди, деган саволни аниқлаштириш керакка ўхшайди. Чунки ўзбек тилшунослари адиққотларида бу ҳақда деярли маълумот йўқ. Хориждаги ва рус тилшунослигидаги ишларда эса бир-бирига мос келмайдиган қарашлар мавжуд.

Лотин алифбоси асосидаги туркий ёзувлар тараққиётини ўрганган Билал Н.Шимшир Россияда туркийшунослар қурултойини чақириш фикри 1923-1924 йилларда пайдо бўлди ва 1925 йилдан тайёргарлик ишлари қизгин бошланди, деб ёзади³. Ф.Д.Ашнин қурултой чақиришни А.Н.Самойлович 1922 йилда илгари сурган деб ҳиоблайди⁴.

Албатта бу фикрларда маълум даражада ҳақиқат бор. Бироқ А.Н.Самойловичнинг Петербургдан москвалик туркийшунос олим В.А.Гордлевскийга ёзган хатлари эса анжуманни ўтказиш фикри анча олдинроқ тугилганини кўрсатмоқда. Унинг 1913 йил 29 августда ёзган хатида шундай жумлалар бор: “В середине сентября жду в гости J.Deny из Парижа, который приготовил недурную османскую грамматику. Было очень приятно убедиться, что и среди османистов начинают появляться туркологии. Вам бы тоже было хорошо прикатить в Питер, устроили бы репетицию конгресса тюркологов, о конгрессе я мечтаю... идея которого встречает сочувствие на Западе”⁵.

Француз туркийшуноси Ж.Дени Петербургда келганидан кейин А.Н.Самойловичнинг туркийшунослар съездини ўтказиш тўғрисидаги фикри бир қадар ўзгарган. У В.А.Гордлевскийга ёзган кейинги хатида (1913 йил 7 октябрь) съезд хусусидаги фикри ҳозирчалик ярим ҳазил эканлигини алоҳида

Туркиёт қурултойида алифбо масаласи. “Маориф ва ўқитувчи”, Тошкент, 1926, № 3.; Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва ёзув масаласи. Тошкент, 1979.; Кононов А.Н. Тюркская филология в СССР 1917-1967. Москва, 1968.; Мусаев К.М. Алфавиты языков народов СССР. Москва, 1965.; В.С. Первый Всесоюзный тюркологический съезд. НВ.Москва, 1926, № 12, 334-341.

¹ Arnold J. Toynbee. The Adoption of the Latin in Turkey and in the Turkish States members of the U.S.S.R. (1918-28). Surey of international Affairs. 1928. London: 1929.; Castagne J. Le Congres de Turkologie de Bokou, en Mars 1926. Revue de Vonde Musulman, LXIII, 1er trimestre. 1926. Paris, 1926.; Castagne J. Latinisation de l'Alphabet Turk dans les Republiques Turko-Tatares de l' U.R.S.S. Revue des Etudes Islamiques. 1927. Cahier III, Paris, 1927.

² Bocou E.E. Central Asians Under Russian Rule. New York, 1966.; Henze, Paul B. Politics and Alphabets in inner Asia. Royal Central Asian Journal. XLIII. 1956. S. 29-51.; Henze, Paul B. Alphabet Changes in Soviet Central Asian and Communist China. Royal Central Asian Journal. XLIV. 1957. S. 124-136.; Bilal N. Şimşir. Azerbaycan'da Türk Alfabesi tarihçe. Ankara. 1991.; Musabay V. Idil-Ural Türkleri dil ve yazilarinin Sovyetleştirilmesi ve Ruslaştırılması. Dergi. 1959, № 15.

³ Bilal N. Şimşir. Türk Yazı Devrimi. Ankara. 1992. S. 118.

⁴ Ашнин Ф. Александр Николаевич Самойлович. В кн. Тюркологический сборник 1974. Москва, 1976, стр. 24-25.

⁵ Баскаков Н.А. А.Н.Самойлович в письмах к В.А.Гордлевскому. СТ. Баку, 1973, № 5, стр. 88.

таъкидлайди: “Моя мысль о съезде тюркологов, можно сказать, пока полусхотка”¹.

А.Н.Самойловичнинг Россиядаги туркийшуносларни бирлаштириш, улар олиб борадиган тадқиқотлар йўналишларни мувофиқлаштириш хусусидаги ҳаракатлари 1915 йилда бошқа бир шаклда давом этган. 12 сентябрда таниқли туркийшунос олим В.В.Радловнинг хонадонида Олтойшунослар тўғараги тузилган. Бу ҳақда А.Н.Самойлович В.А.Гордлевскийга шундай хабар беради: “Давнишняя моя идея объединить русских тюркологов начинается, по-видимому, осуществляться по моей инициативе 12 сентября основан на квартире Радлова частный кружок «алтаистов» (турецко-монгольско-маньчжурский); его задачи: объединение научной работы, установление планомерности, подведение итогов, выработка программ, коллективная разработка вопросов, превышающих единичные силы. Были: Радлов, Котвич, Руднев, Штернберг, Владимирцов и я”². Тўғаракнинг учинчи йиғинидан В.В.Бартольд ҳам иштирок этган. В.В.Радлов вафотидан кейин (1918) тўғарак Радлов тўғараги деб номланган ва уни Бартольд бошқарган. 1930 йилга қадар фаолият кўрсатган³ ушбу тўғаракнинг йиғинларида кўпроқ туркий тилларга оид малалар муҳокама қилинган⁴.

Шуни таъкидлаш жоизки, XX аср бошларида, айниқса, 20- йилларда туркий адабий тилларни жонли тилларга яқинлаштириш, бу жараёнда қардош тиллардаги муштаракликни сақлаш, араб алифбосига асосланган ёзувни ислох қилиш ёки уни бошқа алифбо билан алмаштириш сингари масалалар устида қизгин баҳслар бўлаётган эди. Татаристонда⁵, Қозоғистонда⁶ араб алифбоси ислох қилиниб, мактаб ва матбаа ишларига жорий қилинди. Бу даврда Ўзбекистонда ҳам шундай ҳаракатлар бошланди. Фитрат тузган “Чигатой гурунги” жамияти 1919 йилда алифбони ислох қилиш лозимлигини кун тартибига қўйди⁷. Шундан кейин турли мунозаралар бўлди, қатор анжуманлар ўтказилди⁸. 1923 йилда араб алифбосига асосланган ўзбек ёзуви ислох қилиниб,

¹ Баскаков Н.А. А.Н.Самойлович в письмах к В.А.Гордлевскому. СТ. Баку, 1973, № 5, стр. 88.

² Баскаков Н.А. А.Н.Самойлович в письмах к В.А.Гордлевскому. СТ. Баку, 1973, № 5, стр. 88.

³ Кононов А.Н. Тюркская филология в СССР 1917-1967. Москва, 1968. Стр. 6.

⁴ Самойлович А.Н. Востоковедение в Ленинграде. НВ. Москва, 1924, № 6, стр. 509.

⁵ Курбатов Х. Алфавит татарского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 126-139.

⁶ Кенисбаев С.К., Мусабаев Г.Г., Неталиева Х. Об алфавите казахского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 66-74.

⁷ Худойбердиев Ж. Ўзбек ёзуви тарихидан (Араб алифбоси ва унинг ислохи). Миллий мустақиллик. Тил ва адабиёт масалалари. Тошкент, 1996, 88-97-бетлар.; “Чигатой гурунги”нинг имло тўдаси. Имло масаласи. “Иштирокиюн”. Тошкент, 1919, 24 май.; “Чигатой гурунги”нинг имло тўдаси. Имло масаласи. “Иштирокиюн”. Тошкент, 1919, 13 июн.

⁸ Маориф ва маданият ходимларининг иккинчи ўлка қурултойи. Харф-имло масаласи. “Қизил байроқ”, Тошкент, 1922, 26 апрел.; “Туркистон”, тошкент, 1923, 31 октябр.; Тил ва имло қурултойи. “Қизил байроқ”, Тошкент, 1921, 27 январ.; Худойбердиев Ж. Ўзбек ёзуви тарихидан (Араб алифбоси ва унинг ислохи). Миллий мустақиллик. Тил ва адабиёт масалалари. Тошкент, 1996, 88-97-бетлар.; Худойбердиев Ж. Ўзбек тилидаги айрим ёзувлар ҳақида. “ЎЗМУ хабарлари”. Тошкент, 2001, № 1, 48-52-бетлар.; Юсуфов К. Ўзбек адабий тилининг таракқиёти ва ёзув масаласи. Тошкент, 1979.

амалда қўллана бошлади¹. Натижада Татаристон, Ўзбекистон ва Қозоғистон зиёлиларининг кўпчилиги ислох қилинган алифбо тарафдори бўлиб, чиқдилар².

Озарбайжонда эса 1922 йилдан лотин ёзувиға ўтиш ҳаракати кучайди. 1923 йилда лотин алифбоси давлат ёзуви деб белгиланди³. Лотин алифбосини тарғиб қилиш мақсадида лотин ёзувида “Jeni jol” номли газета чиқарилди. Газетанинг биринчи сониди 34 ҳарф ва бир тутук белгисидан иборат “Янгм турк алифбоси” эълон қилинди озарбайжон тилини миллийлаштириш бўйича қатор мақолалар берилди. Ундаги “Эл талаффузи” номли мақолада бир сўз Бокуда, Нахичеванда, Тифлисида, Карсида бошқа-бошқа талаффуз қилинади. Бу турк тили имлоларини етарлича ишланмаганлигидан далолат беради, дейилади-да тилчилар, ёзувчилар олдиға шундай вазифа қўйилади: “тилчиларимиз ва ёзувчиларимиз бу масалаға аҳамият бериб, ... тилимизнинг қонунларини ўрганишға, тозалашға ва ва бу қонунларни бир грамматика шаклиға келтиришға киришсинлар; йўқса тилимиз ва талаффузларимиз кўрганимиз ҳолда қолса, яна ҳам жуда бузилиб, яна ҳам кўп ўзгариб, маҳв бўлиши шубҳасиздир”⁴.

“Гўзал бошланғич” номли мақолада Бокуда атамашунослик комитети иш бошлагани, унинг миллат тараққиётидаги ўрни хусусида шундай ёзилади: “Икки ой бўлдики, Бокуда истилох комитети ташкил қилиниб, илмий истилохларни туркийлаштириш йўлида ҳавас билан иш бошлади. Бу иш миллатимиз келажаги учун нақадар буюк ва аҳамиятли бўлгани қанчалар ойдиндирки... бунга бир далил келтиришнинг эҳтиёжи йўқ. Қайси миллат бўлса бўлсин, унинг ўзига хос илм тили бўлмаса, у миллатнинг тилсиз бир одам шаклида қолиши ҳар доим маълум бир масаладир. Охириги вақтларда миллатларнинг маданият даражасини билишни истаганлар уларнинг илм тилиға боқарлар. Чунки миллатнинг маданий юксалиши илм тилининг содда, раво ва миллийлашган бўлиши билан билинади”⁵. Газетанинг кейинги сонларида ҳам шу руҳдаги мақолалар бериб борилган⁶.

Туркий халқлар маданий ҳаётида кечаётган бундай ўзгаришлар ўз мафкуравий тамойилларини шакллантираётган янги ҳокимиятнинг тил сиёсатиға мос эмасди. Чунки Татаристон, Ўзбекистон, Қозоғистон ислохчилари билан Озарбайжон лотинчилари орасида ёзув тўғрисидаги қарашлар икки хил бўлса-да, тилининг кейинги тараққиёти борасидаги фикрларда муштараклик мавжуд эди. Мунозараларда тилининг миллий хусусиятларига эътибор бериб, омма учун тушунарсиз ўзлашма (арабча, форсча, русча) сўзлар ўрниға туркий сўзларни олиш, ёки уларнинг тушунарли, ўзлашиб кетган қисмини туркий

¹ Туркистон Жумҳурияти маориф комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи. Тошкент, 1923.

² Худойбердиев Ж. Ўзбек ёзуви тарихидан (Араб алифбоси ва унинг ислохи). Миллий мустақиллик. Тил ва адабиёт масалалари. Тошкент, 1996, 88-97-бетлар.; Вырдин А. Фитрат, Поливанов, Сталин и другие. «Звезда Востока», Ташкент, 1994, № 5-6, стр. 150-172.; Курбатов Х. Алфавит татарского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 126-139.; Самойлович А.Н. Новый турецкий алфавит (Письмо из Азербайджана), ИВ, Москва, 1924, № 5, стр. 388-391.

³ “Бакинский рабочий”, Баку, 1923, 26 июль.

⁴ Jeni jol, Baqu, 1922, 21.09. № 1.

⁵ Jeni jol, Baqu, 1922, 28.09. № 2.; Jeni jol, Baqu, 1922, 7.10. № 3.

⁶

тиллер товуш хусусиятларига мослаштириш, қардош тиллар ўртасидаги тарихий бирликни сақлашга қатта аҳамият берилмоқда эди. Ана шу даврда янги ҳокимият тил сиёсатининг измида бўлган олимлар туркий алифбоблар тўғрисидаги баҳсларда бир неча марта рус ёзувининг афзалликлари хусусида фикр билдирдилар. Масаланинг бу шаклда, яъни мавҳумроқ тарзда қўйилишига сабаб, чор Россияси даврида олтой¹, ёкут², чуваш³, черкес, кабардин, абхаз, қорачой-болқор⁴, шор⁵, хакас⁶ сингари кам сонли аҳолини христианлаштириш мақсадида рус алифбоси жорий қилинган эди. Н.И.Илминский ва унинг маслакдошлари XIX аср охири ва XX аср бошларида бундай ҳаракатни янада кучайтиришди⁷. 1907 йилда Россиядаги туркий халқларни рус ёзувига ўтказиш тўғрисидаги подшонинг махсус фармони чиқди⁸. Россиядаги ғайрирус миллатларнинг тилларининг қўлланиш доирасини чеклаш сиёсат даражасига кўтарилди. Ушбу масала Россия Давлат Думасининг бир неча йиғинларида қизгин муҳокама қилинган бўлса-да, маҳаллий тиллар мавқеини кўтариш борасида ҳеч қандай амалий иш қилинмади. Большевиклар ҳокимияти хукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ чор Россияси давридаги тил сиёсати давом эттирилди. Шу боисдан туркий халқларга тўғридан-тўғри рус алифбосига ўтишни тавсия қилиб бўлмади. Рус ёзувининг афзалликлари тўғрисидаги ўртага ташланган фикрлар эса омма кайфиятини билиш мақсадида эҳтиёткорлик билан тутилган сиёсат эди. Бу ҳам ўз давридаёқ кескин қаршиликка учради. Шундан кейингина озарбайжонли зиёдадор томонидан илгари сурилаётган лотин ёзувиге ўтиш хусусидаги таклифлар давлат миқёсида қўллаб-қуватланди. Жойлардаги мунозараларда фаол қатнашиш, ташвиқот-тарғибот ишларини лотин алифбоси фойдасига ҳал этиш, алифбо лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида қардош тилларни бир-биридан ажратишга ҳаракат қилиш учун ўз даврининг етакчи олимлари жалб этилди. Булар орасида Г.Бройдо, М.П.Павлович-Вельтман сингари сиёсатдонлар, А.Н.Самойлович, Е.Д.Поливанов, Л.Жирков, Н.Яковлев, И.Бороздин каби олимлар бор эди⁹.

¹ Суразакова Н.Н., Тыбыкова А.Т., Чумакаева М.И. Алтайский язык. К вопросу об усовершенствовании письменности. В кн: Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. Москва, 1982, стр. 37-41.

² Петров Н.Е. Алфавит якутского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 208-224.

³ Петров Н.П. Чувашский язык. У совершенствование алфавита и орфографии... В кн: Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. Москва, 1982, стр. 92-96.

⁴ Хабичев М.А. Языки народов Карачаева-Черкесский АО. Алфавиты и орфографии языков народов Карачаево-Черкесской АО. В кн: Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. Москва, 1982, стр. 97-106.

⁵ Донидзе И.И. Шорский алфавит. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 20-207.

⁶ Чанков Д.И. Создание и усовершенствование хакасского алфавита. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972, стр. 183-188.

⁷ Худойбердиев Ж. Тилкланишдан тилкланишга. "Миллий тилкланиш", Тошкент, 1996, 26 май; Худойбердиев Ж. Турк дунёси ва Илминский. "Миллий тилкланиш", Тошкент, 1998, 31 декабрь; Баттал Габделбари. Казан туркийлари. Казан, 1996; Каримулин Абрар. Тел – миллатни сакъыси Казан, 1997.; Каримулин Абрар. Язьмыш, язьмыш... Казан, 1997.; 76

⁸ Валиев Рамзи. Фажига. Казан. 1996.

⁹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинггани бўри ер. Тошкент, 1997, 159-161-бетлар; 78

Шарқ халқлари миллий масалари билан шуғулланган Г.Бройдо¹, Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашган. Туркбюронинг аъзоси, кейинчалик И.Сталиннинг ёрдамчиси лавозимларида ишлаган². Шарқ халқлари вакилларида большевистик раҳбар кадрларни тайёрловчи Шарқ халқлари университети³ раҳбарларидан бўлган. Мазкур университет олимлари ҳам туркий халқларга алоҳида-алоҳида лотин алифбосини жорий қилиш принципларини ишлаб чиқишда фаол қатнашган⁴.

Шу жараёнларни тўла назорат қилиб турган М.П.Павлович-Вельтман Шарқ давлатлари бўйича етакчи сиёсатдонлардан бири ҳисобланган. У 1920 йилда Бокуда бўлган Шарқ халқлари конгресси⁵, Москвадаги Шарқшунослик институти⁶, Петербургдаги Жонли шарқ тиллари институтининг⁷ асосий ташкилотчиларидан бири бўлган. М.П.Павлович-Вельтманнинг Шарқ халқлари ва уларнинг тилларига бўлган муносабатини қуйидаги далилда яққол кўриш мумкин. У 20- йилларнинг бошида Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда иш олиб борадиганларга араб, эрон, афғон ва туркий халқлар орасида зиддиятни келтириб чиқариш, уларни парчалаб ташлаш, миллий зиёлиларни йўқ қилиш тўғрисида кўрсатма тайёрлаб берган. Унда жумладан “бу миллатларнинг тили, ёзуви тамоман шаклланмаганлигидан фойдаланиб, улар орасида қудратли адабий тилнинг халқ тилига яқинлашувидан фойдаланиб, бу халқларнинг тилини парчалаб юбориш имконияти ва бунинг аҳамияти ҳақида” ҳам алоҳида тавсия бор эди⁸.

Ана шу М.П.Павлович-Вельтман 1922 йилда Москвада ташкил қилинган Шарқшунослик ассоциациясининг раҳбари этиб тайинланади⁹ ва Шарқ мамлакатлари бўйича олиб бориладиган сиёсатнинг етакчисига айланади. Ассоциациянинг расмий нашри бўлган “Новый Восток” (1922-1929) журналидаги мақолалар мундарижаси ўша даврда жуда кенг қўламдаги ишлар олиб борилганидан далолат беради. Журнал материалларига қараганда Ассоциациятуркий тиллар бўйича олиб бориладиган ҳар қандай тадбирларни мувофиқлаштирувчи ва шу соҳабилан шуғулланадиган ташкилотларга тавсия берадиган асосий марказ ҳисобланган. 1923 йилдан туркий халқларни бошқа ёзувга ўтказиш, сўнгра туркий тиллар учун янги адабий тиллар шакллантиришпринциплари ҳам шу ташкилотда ишлаб чиқилган. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун туркийшунослар қурултойини ўтказиш ҳам Ассоциация йиғинларида муҳокама қилиб борилган¹⁰.

¹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлиганин бўри ер. Тошкент, 1997, 159-161-бетлар.; 78

² Сталин И. Шарқ халқлари дорлфунунининг сиёсий вазифалари. Маскав. 1925.

³ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлиганин бўри ер. Тошкент, 1997, 196-197-бетлар.; 78

⁴ Рыскулов Т. Павлович и угнетение народы Востока. НВ. Москва, 1927, № 18, XI-XIII-бетлар.

⁵ Ходоров А.Е. Научная и практическая деятельность Павловича. НВ. Москва, 1927, № 18, LVII-LXVI-бетлар.

⁶ Ходоров А.Е. Научная и практическая деятельность Павловича. НВ. Москва, 1927, № 18, LXV-бет.

⁷

⁸ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлиганин бўри ер. Тошкент, 1997, 87-бет.; 78

⁹ Бороздин. И. М.П.Павлович и Всесоюзная Научная Ассоциация Востоковедения. НВ. Москва, 1927, № 18, стр. XXXVII-XLIV.; Рыскулов Т. Павлович и угнетение народы Востока. НВ. Москва, 1927, № 18, стр. XI-XIII.; Ольденбург С. Памяти М.П.Павловича. НВ. Москва, 1927, № 18, стр. XXIV-XXVI.; Ходоров А.Е. Научная и практическая деятельность Павловича. НВ. Москва, 1927, № 18, стр. LVII-LXVI.

¹⁰ С.В. Деятельность Научной Ассоциации Востоковедения. НВ. Москва, 1924, № 5, стр. 453-455.; С.В. Деятельность Научной Ассоциации Востоковедения. НВ. Москва, 1924, № 8-9, стр. 381-384.

1924 йилдан шарқшунослик билан шуғулланадиган ташкилотларга собик иттифокдаги Шарқ халқлари ёзувларини европо алифбоси асосида тубдан ўзгартириш тўғрисида кўрсатма берилган: “народности без письменные или неустановившейся письменностью, которые в первую очередь, будут обслуживать проектируемое Отделение Союзного Востока Института Востоковедения, охватывают: а) на северном Кавказе в круглых цифрах до 2 милл. Человек яфетидов с 4-мя главными языковыми группами черкесо-абхазской (500 тыс.чел.), чеченской (500 тыс.чел.), дагестанской (650 тыс.чел.) и осетинской (250 тыс.чел.); б) восточно финские языки до 2 ¼ милл.чел., гл.обр., Востока ЕВР. России и Западной Сибири с языками: мордовской (около 1 милл. Чел.), мари (черемисский ок. 450 тыс. чел.), коми (зырянский ок. 300 тыс. чел.) вотский с пермяцким (ок. 500 тыс. чел.), вогульский и остяцкий в Сибири и др.; в) многие тюркские народности с молодой или возникающей письменностью числом до 7,5 милл. чел., в восточной ЕВР. РоссииЮ Сибири и Туркестане, в том числе: языки киргизский (ок. 2 милл. чел.), тюркские яз. Туркестана (узбекский и др., ок. 2 ½ милл. чел.), башкирский (ок. 1 ½ милл. чел.), чувашский (ок. 1 милл. чел.), тюркские языки Алтая (“ойроты” и др. ок. 200 тыс. чел.), якутский (ок. 250 тыс. чел.), наконец, кавказский горцы-тюрки (ок. 100 тыс. чел.); г) языки с установившимся религиозным письмом, требующим при современном подходе к вопросам культурного развития масс коренной реформы письменности на основе европейского алфавита, таковы-монголы, всего 0,5 милл. чел. – в том числе языки калмыцкий (до 200 тыс. чел.) и бурятский (около 300 тыс. человек) и все остальные тюрки”¹.

Ушбу матндаги “европо алифбоси асосида тубдан ўзгартириш” фикри аслида “рус алифбоси асосида тубдан ўзгартириш” деган маънони англатади. Бунга Л.Жирков ва Н.Яковлевларнинг 1925 йилда “Новый Восток” журналида эълон қилган мақолаларида илгари сурилган қарашлар далил бўла олади².

Л.Жирков лотин, рус ва араб алифболарининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиб, лотин алифбосининг камчиликлари ҳақида шундай ёзади: “при наличии указанных достоинств у латинского алфавита есть и много недостатков. Основной недостаток – чрезвычайная малочисленность знака”³. Шу сабабли бунга янги ҳарфлар кўшиш зарурати туғилади, дейди. Рус ёзувининг имконияти ва камчиликлари тўғрисида эса шундай мулоҳазаларни баён қилади: “Русский алфавит имеет и такие достоинства, которые не присущи латинскому. Главное – в нем больше знаков. Если на его основа создавать алфавит какого – нибудь другого языка, то мы будем иметь больше шансов на то что знаков хватит; во всяком случае, нам придется больше приспособлять готовое, чем изобретать новое... Какие же технической точки зрения недостатки у нашего алфавита. Их немного, но они, конечно есть”⁴. Ушбу матнда рус ёзувига ўтишга даъват қилиш яққол сезилиб турибди. Бироқ, маҳаллий халқлар

¹ Яковлев Н. Задачи Института Востоковедения на Союзном Востоке. НВ. Москва, 1924, № 5, стр. 459.

² Жирков Л. К реформе алфавитов восточных народностей. НВ. Москва, 1925, № 10-11, стр. 223-235; Яковлев Н. Проблемы национальной письменности восточных народов СССР. НВ. Москва, 192, № 10-11, стр. 236-242

³ Жирков Л. К реформе алфавитов восточных народностей. НВ. Москва, 1925, № 10-11, стр. 227

⁴ Жирков Л. К реформе алфавитов восточных народностей. НВ. Москва, 1925, № 10-11, стр. 230.

юкорида қайд қилинганидек, ўша даврда рус ёзувини қабул қилмасликлари аниқ эди. Шу боисдан Л.Жирков лотинча-русча ҳарфлар ёрдамида алифбо тузишни тавсия қилади: “Если мы возьмем 26 латинских букв и присоединим к ним все те русские буквы, которые имеют форму отличную от латинских – таковых 18 – мы получим огромный алфавит в 44 буквы. Этого количества знаков безусловно хватит для записи любого языка”¹. Н.Яковлев мақоласида ҳам Н.Жирков фикрларига ҳамоҳанглик сезилиб туради².

Е.Д.Поливанов ҳам шу жараёнда фаол қатнашиб туркий халқларни лотин ёзувига ўтказишнинг назарий ва амалий томонлари ҳақида йигирмадан ортиқ асар яратган³. 1922 йилдан ўзбек ёзувини лотин алифбоси билан алмаштириш тарафдори бўлган⁴. Ўзбек тили учун биринчи лотин алифбоси лойиҳасини тузган⁵. Туркий ёзувлар масаласини ҳал қилиш учун туркийшунослар съезди ёки конференцияси чақириш зарурлигини 1923 йилда кун тартибига қўйганлардан бири⁶. Е.Д.Поливановнинг туркий ёзувлар, хусусан ўзбек алифбоси ва имлосига алоқадор тадқиқотлари асосида ҳам қардош тилларни бир-биридан ажратиш мақсади бўлган⁷. Шунинг учун ўша даврда Е.Д.Поливанов ва ўзбекистонлик олимлар, зиёлилар орасида зиддият пайдо бўлган⁸. Ўзбек зиёлиларининг бирортаси ҳам Е.Д.Поливанов қарашларини маъқулламаган. Ҳатто Ғози Юнус Е.Д.Поливановни ўзбек тили товушларини бир-биридан яхши ажрата олмасликда айблаган⁹.

Ўша даврда туркий ёзувларни ўзгартириш, янги адабий тилларни шакллантириш, туркийшунослик қурултойини чақириш ташаббускорларидан бири А.Н.Самойлович бўлган. У маълумотларга кўра, 1923 йилнинг кузида Боку университети ва олий педагогика институтида маъруза ўқиш, Озарбайжон МИҚ раиси Оғамали раҳбарлигида тузилган “Янги турк алифбоси” аъзолари билан яқиндан танишиш учун Бокуга боради¹⁰. Шу йиллик озарбайжон тилида туркий тилларга лотин алифбосини жорий қилиш мақсадга мувофиқ, маскур

¹ Жирков Л. К реформе алфавитов восточных народностей. НВ. Москва, 1925, № 10-11, стр. 235.

² Яковлев Н. Проблемы национальной письменности восточных народов СССР. НВ. Москва, 192, № 10-11, стр. 236-242.

³ Леонтьев А. А., Ройзензон Л. И., Хаютин А. Д. Жизнь и деятельность Е. Д. Поливанова. В кн.: Е. Д. Поливанова. Статья по обшему языкознанию. Москва, 1968, стр. 7-30.

⁴ Ўзбек имлосини ислоҳи тўғрисида профессур Поливанов докладининг асоси. “Қизил байроқ”, Тошкент, 1922, 5 апрел. Тезисы доклада проф. Поливанова о реформе узбекской орфографии. «Наука и просвещение». Ташкент, 1922, № 1. Стр. 13-14.

⁵ Поливанов Е. Д. Проекты латинского шрифта узбекской письменности. “Бюллетень 1-го Средне-Азиатского Государственного университета”. Ташкент, 1924, № 6, стр. 158-159.

⁶ Поливанов Е. Д. Проблема латинского шрифта в турецких письменностях. Москва, 1923, стр. 6.

⁷ Ахмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ср. Тошкент, 1997, 159-161, 196-197-бетлар; Худойбердиев Ж. Ўзбек ёзуви тарихидан (Араб алифбоси ва унинг ислоҳи). Миллий мустақиллик. Тил ва адабиёт масалалари. Тошкент, 1996, 88-97-бетлар.; Худойбердиев Ж. Тилкаланишдан тилканишга. “Миллий тилканиш”, Тошкент, 1996, 26 май.; Поливанов Е. Д. Проблема латинского шрифта в турецких письменностях. Москва, 1923, стр. 6.; Поливанов Е. Д. Проекты латинского шрифта узбекской письменности. “Бюллетень 1-го Средне-Азиатского Государственного университета”. Ташкент, 1924, № 6, стр. 158-159.; Поливанов Е. Д. Проекты латинизации турецких письменностей СССР. Москва, 1926, 75-76

⁸ Авлоний А. Тил-имло соҳасида. “Маориф ва ўқитувчи”. Тошкент, 1929, № 6.; Худойбердиев Ж. Тилкаланишдан тилканишга. “Миллий тилканиш”. Тошкент, 1996, 26 май.; 76

⁹ Юнус Ғози. Ўзбек тилининг товушлари. “Маориф ва ўқитувчи”. Тошкент, 1927, № 12.

¹⁰ Ашнин Ф. Александр Николаевич Самойлович. В кн. Тюркологический сборник 1974. Москва, 1976, стр. 24-25.

масалани муҳокама қилиш учун туркийшунослар қурултойи чақириш лозим, деган мазмунда мақола чоп эттирди¹. Шу руҳдаги мақолани кейинроқ рус тилида ҳам нашр қилдириб, Озарбайжонда олиб борилаётган ишларга тўхталди². Олим унда туркийшунослар қурултойини чақириш хусусида шундай ёзади: “И применение латинского алфавита к турецким языкам, по моему, также должно подвергнуться обсуждению, если не на «международном», то на «межтурском» съезде – «курултае»³. А.Н.Самойловичнинг фикрича, қурултойни чақиришдан мақсад фақат туркий халқлар ёзувини ўзгартириш эмас. Туркийлар учун янги адабий тилларни яратиш ҳам муҳокама қилиниши лозим. У ёзади: “Мало того, если новый алфавит разрешает вопрос о новом правописании, то он не может одновременно разрешить и весьма трудного и сложного вопроса о новом литературном языке, который требует особого рассмотрения. И я еще раз повторяю: необходимо тюркологический съезд «курултай»”⁴.

А.Н.Самойлович Озарбайжондаги вазият билан яхши танишиб Петербургда қайтиб келганидан кейин 1924 йил 24 мартда, Жонли шарқ тиллари институтида, туркийшунослар қурултойини чақириш зарурлиги, унда кўриладиган масалалар тўғрисида маъруза қилган⁵. Радлов тўғарагининг йиғинларида эса петербурглик туркийшунос ва тилшуносларни туркий алифболар ҳақидаги баҳслар, тузилган алифбо лойиҳалари билан таништириб борган⁶. Бу даврда туркийшунослик қурултойини Петербургда ҳам, москвада ҳам ўтказишга ҳаракатлар бўлган. Бироқ бу мўлжаллар амалга ошмаганлигидан кейин А.Н.Самойлович 1923 йилнинг сентябрь ойида Боку шаҳрида бўлган Озарбайжон ўлкашунослик қурултойида қатнашиб, собиқ иттифоқ миқёсида туркийшунослар қурултойини чақириш тўғрисида қарор қабул қилдиртиради⁷. Шундан кейин қурултойни ўтказиш тўғрисидаги ҳаракатлар бошланган ва бу жараёни марказ бошқариб турган.

1926 йил 26 февраль – 5 март кунлари Бокуда Биринчи туркийшунослар қурултойи бўлиб, унда туркий халқлар ёзуви бўйича асосий маърузаларни юқорида номлари тилган олинган Л.Жирков⁸, Н.Яковлев⁹ ва татаристон вакили

¹ Самойлович А.Н. Туркўлўжи қурултойи лозимдир. “Маориф ва маданият”, Баку, 1923, № 10, 19–20-бетлар.

² Самойлович А.Н. Новый турецкий алфавит (Письмо из Азербайджана). НВ, Москва, 1924, № 5, стр. 388–391.

³ Самойлович А.Н. Новый турецкий алфавит (Письмо из Азербайджана). НВ, Москва, 1924, № 5, стр. 390.

⁴ Самойлович А.Н. Новый турецкий алфавит (Письмо из Азербайджана). НВ, Москва, 1924, № 5, стр. 392.

⁵ Ашнин Ф. Александр Николаевич Самойлович. В кн. Тюркологический сборник 1974. Москва, 1976, стр. 25.

⁶ Самойлович А.Н. Маъруза. *Jeni jol. Vaqui*. 1924, 6 ijim.

⁷ Ашнин Ф. Александр Николаевич Самойлович. В кн. Тюркологический сборник 1974. Москва, 1976, стр.: Самойлович А.Н. Востоковедение в Ленинграде. НВ. Москва, 1924, № 6, стр. 509

⁸ Самойлович А.Н. Первый Азербайджанский съезд краеведения. НВ. Москва, 1924, № 5, стр. 517–518.

⁹ Самойлович А.Н. Первый Всеазербайджанский съезд краеведения. Краеведения. Москва. 1924. № 4, стр. 442–444.

⁸ Жирков Л. Основы построения алфавита восточных народностей. В кн.: Первый Всесоюзный тюркологический съезд 26 февраля - 5 марта 1926 г. (Стенографический отчет). Баку 1926, стр. 231–238.

⁹ Яковлев Н. Вопросы алфавита в связи с социальными и культурными условиями существования тюркских национальностей и проблема установления системы письма. В кн.: Первый Всесоюзный тюркологический съезд 26 февраля - 5 марта 1926 г. (Стенографический отчет). Баку 1926, стр. 216–227.

Олимжон Шарофлар¹ қилишган. Шунингдек, анжуманда туркий халқлар тарихи, адабий тили, терминлари сингари муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилганки, буларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

Туркийшунослар қурултойини чақириш тўғрисида яна бошқа олимлар, ташкилотлар билан боғлиқ маълумотлар бўлиши табиий. Бироқ биз ўрганган адабиётларнинг ўзидек маълум бир хулосалар чиқаришга асос бўлади деб ўйлаймиз. Далиллар анжуманини чақириш фикри икки босқичда бўлганлигини кўрсатмоқда.

Биринчи босқич. Ғарб давлатларида туркийшунослар анжуманини ўтказиш фикри пайдо бўлгач, А.Н.Самойлович 1913 йилда Россияда ҳам шундай тадбир уюштиришга ҳаракат қилади. Бироқ бу даврда қурултойини ўтказиш имкони бўлмайдди.

Иккинчи босқич. XX асрнинг 20- йилларида туркий адабий тилларнинг жонли тилларга яқинлаштириш, алифбони ислоҳ қилиш тўғрисидаги мунозаралар бошланади. А.Н.Самойлович, Е.Д.Поливанов ва бошқа олимлар 1923 йилда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун туркийшунослар қурултойини чақириш зарурлигини кун тартибига қўядилар. Бунда асосий мақсад туркий халқлар ёзувларини рус алифбоси билан алмаштириш, қардош тиллар учун янги адабий тилларни шакллантириш кўзда тутилган эди. Бу жараёни Павлович-Велтъман бошчилигидаги Шарқшунослик Ассоциацияси бошқариб турган.

Шукржон Норбаева,
катта ўқитувчи

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АЙРИМ КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИ ХУСУСИДА

Эски ўзбек тилидаги кийим-кечак номлари ҳам алоҳида эътибор билан ўрганишни талаб қилади. Шу давр лексикасини ўзида акс эттирган Алишер Навоий, Мунис, Муҳаммад Ризо Оғаҳий асарлари тили кўламдорлиги, халқ ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олганлиги билан характерлидир.

Оғаҳий асарлари тилида мавжуд кийим-кечак номларини икки қисмга ажратиш лозим бўлади: 1. Реал кийим номлари. 2. Ғайбий кийим номлари.

Реал кийим номлари маиший ҳаётда мавжуд, қўлланишда бўлган кийим-кечак номлари бўлиб, ўз навбатида қуйидаги ички мавзуйий-семантик гуруҳларга бўлиниши мумкин: 1. Миллий кийим номлари. 2. Ҳарбий кийим номлари. 3. Ижтимоий табақаларга хос кийим номлари.

Миллий кийим номларига шоирнинг лирик, таржима ва тарихий асарларида қўлланган *қабо*, *тўн*, *зарбофт*, *абришим* каби сўзлар киради. Миллий кийим номларини ўз навбатида умуммиллий кийим номлари ва экзотик кийим номларига гуруҳлаш мумкин. Экзотик кийим номлари воҳанинг

¹ Шариф Галимджан. Арабская и латинская система шрифтов и вопрос применения для тюрко-татарских народностей. В кн.: Первый Всесоюзный тюркологический съезд. 26 февраля - 5 марта 1926 г. (Стенографический отчет). Баку 1926, стр. 242-260.

бошқа худудлардан фаркловчи, ўзига хос кийим номлари бўлиб, буларга чакман, чўғирма каби сўзлар мисол бўла олади.

Ҳарбий кийим номлари Огаҳийнинг тарихий асарларида асосан асл маъносида, лирикасида эса кўпинча кўчма маънода ишлатилган. Буларга *жавшан* (совут), *ҳамойил* (кийим устидан ҳимоя мақсадида ишлатиладиган восита) каби сўзлар киради: Ва ҳар фарду афроди ўзин шижоату муборазатда Рустами Достондин афзал ва Сому Наримондин акмал санаб, эгинлариға *жавшан* ва қўллариға найза ва беллариға қилич *ҳамойил* қилиб, ул қалъанинг хиросат ва инзиботиға яқзабон ва якдил бўлдилар (5-жилд, 89-бет).

Ижтимоий табақаларга хос кийим номларига эса *жанда*, *ридо* каби сўзларни киритиш мумкин. Бу хил кийимлар маълум бир ижтимоий табақани фарқлаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *жанда* қаландарлар, сўфийларнинг хос кийими саналган. *Ридо* эса асосан илм аҳли, уламолар кийими сифатида тасаввур беради.

Ғайбий кийим номлари сони тилимизда унча кўп эмас. Реал ҳаётда мавжуд бўлмаган, мавжудлиги диний ақидалар билан собит либос номларини *ғайбий кийим* номлари деб белгиладик. Шу жиҳатдан бу термин-бириқма уларни таснифнинг биринчи бандига қиёсан ирреал кийим номларини деб аташдан кўра маъқулроқ кўринади.

Шарқ ва Ғарб халқлари тилларидаги бир туркум кийим номлари қадимги ҳиндча *kalāpa* – ўқдон, садок, белбоғ; зёб-зийнат; товус думи маъносидаги сўзга боғланади¹. Мулоҳаза қилиб кўрсак, бу ҳолат кийим-кечаклар тарихи хусусида ҳам маълум маънода тасаввур бера олади. А.Потт ва В.И.Абаев фикрича, бу сўзлар қадимги форсий *kalāfa* – тўр; тўр мато сўзи билан алоқадор бўлиб, жумладан, форсий *kulāh* – бош кийими сўзи ҳам шу тарихқа юзага келган².

Ҳақиқатан ҳам, *kulāh* форс тилида бош кийими маъносида бўлиб, ўзбек мумтоз адиблари тилида *кулоҳ* ва *кулаҳ* шаклларида фаол ишлатилган ва мажозан *тож* (бу Алишер Навоий асарларидаги *кулоҳдорлиғ* – мустақил ҳукмдорлик, боқимсиз ҳукумат тузиш сўзида яққол кўринади) мазмунини касб этган³. Бу сўз Шарқ мумтоз адиблари тилида, асосан, сўфийлар бош кийими маъносида ишлатилигидан тасаввуф терминларидан бирига айланган. Бу маънони Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларида ҳам кузатамиз:

Бизки, бугун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,

Бошимиз узра оҳимиз шуъласидур *кулоҳимиз*⁴.

М.Муъи *كلاه* *кулоҳ* сўзининг форс тили тарихий лексикасида англатган маъноларини изоҳлар ҳамда унинг эроний тилларнинг бир нечасидаги шаклларини кўрсатар экан, мазкур сўзнинг этимологияси яхши маълум эмаслигини таъкидлайди⁵. Айрим ўзбек шеваларидаги лачак маъносидаги *калута* сўзи ўзаги ҳам *кулоҳ* билан умумийдир. Форс тилида *калута* сўзи

¹ Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Том IV. – Л.: Наука, 1989. – С. 164.

² Кўрсатилган маъна – С. 165.

³ Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари лугати. – Тошкент: Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 320.

⁴ Огаҳий, Асарлар. Олти томлик. Биринчи том. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.214.

⁵ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران امیر کبیر. ۱۳۸۱. جلد ۳، ص ۱۲۷۱

аёллар кулоҳи (шунингдек, болалар бош кийими) деган маънони англатган ва унинг кулоҳ билан алоқадорлиги аён. М.Муъин ҳам уни кулоҳ сўзи билан солиштиришни таклиф қилади¹. Тадқиқотчилар бу сўзнинг тарқалиш ареали ниҳоятда кенглигини аниқлаганлар. Жумладан, рус тилида *халыва, холява* поча, кўнж, соғ (голенище); украин тилида *холява*; поляк тилида *cholewu* – поча, пайпок; лужча *kholova, cholova* – поча; пайпок; *kholovi* – иштон, шунингдек, венгер тилида *kalap* шляпа маъносини ифодалайди². Юқорида таҳлил қилинган сўзларнинг барчаси шакл ва маъно жиҳатидан қадимги ҳиндча сўзига тақалар экан, ўз навбатида у ҳам *ka-lāpa* тарзида таркибий қисмлардан иборат, деб ҳисобланади. Унинг иккинчи қисми *lāp(a)* ҳам ҳинд-европа тиллари учун умумий база бўлиб, юнон тилидаги *λόπι* – кийим, плаш; англосаксонча *lōf* – манглай боғичи; инглизча *lap* – этак, фалда; немисча *Lappen* – латта, эски; лотинча *lapas* – латта каби сўзларда намоён бўлади³.

Араб тилида *либос* сўзи учун ўзак бўлган *лабаса* феълининг асл мазмуни “тушунарсиз, ноаниқ қилмоқ” бўлиб⁴, кийим инсон баданини ёпгани, уни кўздан яширгани боис бу сўз *кисват* сўзига синонимлик касб этган:

Кийиб зоҳиринг салтанат хилъатин,

Вале ботининг фақр эли *кисватин*. (ФИ, – Б. 480)⁵.

Кисват сўзи ҳам либос, кийим маъносини англатади. Бу сўзнинг худди *либос* каби тарз, шакл, кўриниш маъносини ҳам англатишини қуйидаги парчада кўринади: Чун Одам алайҳиссаломга инсон *кисватин* киюрдилар. (ФИ, – Б. 31).

Бу сўзга *ўрамоқ; ёпмоқ* маъносига *касаа* ўзаги асос бўлган⁶.

Оғаҳий асарларида қўлланилган айрим кийим-кечак номлари сўфийларга хос кийим-кечак номлари саналади. Жумладан, *далқ* – дарвишлар кийими⁷. *Хулла* сўзи эса безакли, нозик ва нафис кийим; ипакли нафис мато⁸ тарзида изоҳланса ҳам, Алишер Навоий асарларида бу сўз хос тарзда “жаннат кийими”⁹ ҳам маъносини англатгани маълум бўлади:

Қон эмаским, ёпти гулгун *хулла жаннат хозини*

Ишқму танни шаҳид айларда урён айлагач¹⁰.

“Фирдавс ул-икбол”да унинг қуйидаги ўринда қўллангани бежиз эмас: Муҳаммад Амин иноқ бағоят донишманд ва кордон ва маишатдўсте ва комрон эрди. (ФИ, – Б. 304); ақлу ҳиссат дурари била орастапўш ва фаросат *хулласи* била пироста эрди. (ФИ, – Б. 304).

¹ نيس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قطع با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۲ ص ۱۲۸

² Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Том IV. – Л.: Наука, 1989. – С. 164.

³ Кўрсатилган манба. – С. 164.

⁴ Носиров О., Юсупов М. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча лугат. –Тошкент: Тошкент Ислам университети нашриёти, 2003. – Б. 739.

⁵ ФИ – “Фирдавс ул-икбол”. Саҳифалар Ю.Брегель нашри асосида берилди.

⁶ Носиров О., Юсупов М. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча лугат. –Тошкент: Тошкент Ислам университети нашриёти, 2003. – Б. 717.

⁷ Навоий асарлари лугати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 176.

⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 780.

⁹ قاموس المحيط www.dorar.net

¹⁰ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 105

Хилъат – қимматбаҳо кийим. Бу сўз араб тилидаги *хилъат* шаклида *ҳашаматли кийим; сарпо, умуман кийим* маъноларида Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди¹. Масалан,

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариг, яшил,

Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сариг, яшил

байтида қайд этилганидек, “ҳашаматли кийим” маъноси кўзга ташланади². Лекин *хилъат* ва унинг кўплик шакли *халаъ* сўзларининг Алишер Навоий ва бошқа ўзбек мумтоз адиблари тилида англаган маънолари учун юқоридаги изоҳ етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг тарихий асарларида ушбу сўз яна куйидаги маъно қирралари билан намоён бўлади.

1. Юқори мартабали шахс томонидан совға қилган кийим-бош: Ва ҳар қайсига зарафшон *хилъатлар* кийдуруб,..³; мазкур бўлгон кадхудоларни зарандуд *хилъатлар* била *мухаллаъ* ва бошдин-оёқ хуршиди оламтобдек муламмаъ қилди⁴; ...карами султоний хазинасининг анга юз тилло ва бир хилъати кимхо инъом бўлуб, марҳамати хоқоний дорушшифосидин иёдат маарҳами етиб, онинг муҳлик захми илтиём топди⁵. Ушбу мисолларнинг бирида *хилъат* ва *мулаххаъ* (тақдирланган) сўзлари орқали иштиқоқ ҳосил қилинган.

2. Тенг муносабатдаги шахсларнинг бир-бирига тортиқ қилган кийими: ...жаноби хилофатмаобга лойиқ *хилъати зарнигор* ва асби тезрафтор ва жилвадор, зулфдори хуршид рухсор била туҳфа чекиб,..⁶

Хилъатпўши бўлмоқ – (бирор) ҳукмдор томонидан тақдирланмоқ: Чун Бухоро волийси Баҳодирхонга ҳамул вазири беназир, сойиб тадбирнинг сидқ осор сўзи мақбул ва мустаҳсан тушуб, элчиларга навъи мулоимат била сўзлар айтиб, кўнгулларин хуш ва қоматларин *хилъатпўш қилиб* рухсат берди⁷.

Огаҳий асарларида ушбу кийим номи билан боғлиқ, жумладан, куйидаги бирикмалар ишлатилган:

Хилъати давлат: Саховати ул ғоятдаурким, сойили мавжуд эрмаским, даргоҳи эҳсонидин маҳрум қайтғай ва факири йўқким, хайётхонаи инъомидин *хилъати давлатга* мушарраф бўлмағай,.. (ФИ. – Б.26).

Хилъати марҳамат: Афв ва инояти анингдекдурким, агар мужрими кўҳи гуноҳи била жанобига юз кўйса журмини бир коҳдек назарига илмай, ёзуқин бахш қилур ва *хилъати марҳамат* била сарафроз этар. (ФИ. – Б. 27).

Бу сўзнинг арабча синиқ кўплик шакли *хилоъдир*: “Ул ҳазрат онинг саҳифаи гуноҳига рақами афв чекиб, *хилоъи гароманд* била они ва ўғлонларини пирояпўши отифат қилди. (ФИ, – Б.783); шижоат ва муборизат додин берган сипаҳдорлар ва муборизлар мавқифи *хилофатдин* пирояпўш хилоъи хуршид

¹ Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари лугати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 654.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 264.

³ Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. Бешинчи том. – Тошкент, 1978. – Б. 60.

⁴ Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. Бешинчи том. – Тошкент, 1978. – Б. 107.

⁵ Кўрсатилган манба. – Б. 118.

⁶ Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. Бешинчи том. – Тошкент, 1978. – Б. 64.

⁷ Кўрсатилган манба. – Б. 118.

шуоъ ва баҳраёби эҳсон ва истиноъ бўлдилар (ФИ, – Б. 781); ҳазрати хедиви комкор аларни *хилоъи гаронмоя* ва навозишоти билониҳоя била абнойи замондин мумтоз килди. (ФИ, – Б. 795).

Огаҳий тарихий асарларида *жсома* сўзи бирмунча кенг маънога эга ва бу сўз асосида ясалган бир қанча лексик бирликлар мавжуд.

Жомахоно – кийимхона. “Ул ҳазрат хазинаи эҳсонидан барчасининг умидлари этагин нукуди мақсуд била тўлдуруб, *жсомахонои илтифотидин* хилоъи гаронмояга махсус тутди. (ФИ, 975); ул ҳазратнинг роъи анварига мақбул ва мустаҳзан тушиб *жсомахонои эҳзонидин* халойи хуршидшуоъ била мухаллаъ килиб,.. (ФИ, 1118)

Кўринадики, тарихий кийим-кечак номлари ёзма дурдоналарнинг теран мазмунини англашда бошқа маъновий гуруҳларга мансуб луғавий бирликлар тизими каби муҳим аҳамиятга эга.

Н.Ҳамраев,
ўқитувчи

КУЛОЛЧИЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН ХОМ-АШЁЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ТЕРМИНЛАР ХУСУСИДА

*Кулол айлантирар чархин,
Қора лой ўлгай, санъат чин.
Бужур, лек санъати зебо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.*

Э.Воҳидов

Ҳар бир ҳунарни ўзига хос машаққатли ва ўзига хос сир-асрорлари бўлади. Қадимдан ота-боболаримиз асрлар мобайнида кулолчилик сир-асрорларини ўрганиб, ҳар бир маҳсулотнинг сифатига, бадиий безагига, фойдалигига, чидамлилигига, кулайлигига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шунинг учун улар томонидан тайёрланган оддий сопол пиёласидан тортиб шарқона меъморчиликнинг умр боқийлиги дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Ҳа бунга эришиш учун ота боболаримиз юқори сифатли, гоъят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган материаллардан кенг фойдаланиб келганлар. Кулол тупроқдан қорачироқ, шамдон, сархона, жамашов, хум ҳамда овқат пишириладиган турли сопол идишлар тайёрлаган.

Қадимдан кулолчилик санъати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Фарғона, Зарафшон воҳалари, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг ўзига хос кулолчилик мактаблари вужудга келган. Айни вақтда мустақиллик шарофати билан улар янада ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ҳунармандлар кулолчиликда асосий хом ашё ҳисобланган тупроқдан товоқ, гулдон, лаган, пиёла, тандир ва бошқа бир қатор ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу ўринда кулолчилик буюмларини тайёрлаш учун тупроқларнинг қўйидаги турларидан фойдаланилади: **соғ тупроқ, қора тупроқ, кўкимтир, кизил лойкор** ва бошқа.

Кулолчиликда ишлатиладиган лой ўзининг хусусияти ва ишлатиладиган вазифасига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади:

- **Лойи гулдон - серширвали лой**, бу лойдан жуда **нозик гулдонлар** ясалади. У эластик хусусиятга эга бўлиб, **жўша лойи** кўшилган бўлади.

- **Чинни лой ёки оқ лой - яримфоянс бўлиб, қорамтир лой, оқ тош ва ишқор кўшилиб тайёрланади.** Бу лойдан **коса, пиёла, лаган ва бошқалар** тайёрланади.

- **Кесма кошин лой** - ўтга чидамли қорамтир лойдан, яъни чилватага **оқ тош ёки оқ қум** кўшиб тайёрланади. Ундан ҳар хил **мозаикали кошинлар** тайёрланади.

- **Көшин лой** - ширачли лойдан **кварс қуми** кўшиб ундан ҳар хил кошинлар тайёрланади.

- **Кесагар лой** - патлой ёки **товоқ лой** деб ҳам юритилади. Бу лой соғ тупроққа **қамиш қозғоғини** аралаштириб, ундан **ясси юзали идишлар** тайёрланади.

- **Кўзагар лой** - 60-70% пластик ёғли лой ва 30-40% соғ тупроқдан иборат бўлади. Ундан **хум, гулдон, кўза** ва бошқалар тайёрланади. Кулолчиликда **шамод, гилвата, буёқлар, ангоб, чарх, мўйқалам, мола, катта мола, кичкина мола, қолип, пангор қалам, кожкорд, тароқ, таги қалам, гужмок, туппа** ва бошқалар ишлатилади.

Кулолчиликда лойни тайёрлаш жараёнида **усталар** ҳар хил технологиялардан фойдаланадилар. Махсус тупроқдан лой қилиниб у тепиб, **мушглаб** пиширилади. Лойни **нам матога лой тайёрлайдиган хона** бўлиб уйни ички қисмидан **ҳовузга** ўхшаш унча чуқур бўлмаган жойда тайёрлаганлар. Ушбу ҳовуз **пишиқ гиштдан** қурилган. Лойни ҳар кўйи, яъни 20 кунгача сув сепиб пиширилади ва **нам шолча** устига ёпиб қўйилган. Лойни тайёрлаш жараёнида кераклигича лойни тепиб, муштлаб пиширилади. Лойни **юлиб олиб** стол устига уриб-уриб пиширилади. шунда лой ичида тулланиб қолган ҳаво юқолади. Агар лойда ҳаво қолиб кетса, идишни печкада пиширганда ўша бўшлиқ яна катталашиб натижада идиш тешик бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун қанча лой пиширилса, шунча сифатли махсулот олинади. Кулолчилик чархида бир қанча идишлар тайёрланади. Чарх асосий қурол бўлиб, у катта ва кичик ёғоч гилдирақлардан иборат бўлади. Ёғоч ўк билан бирлаштирилади.

Кулол чархининг пастдаги гилдирагини оёғи билан айлантириб туради ва юкоридаги гилдиракка лой кўйиб ундан идиш тайёрлангандан сўнг, ушбу идишлар яхшилаб қуритилади. Чунки, идиш яхши қуритилмаса кейин печда ёрилиб кетиши мумкин. Қуритилган идишлар хумда қиздирилади ва сирланади. Қадимдан кулоллар маълум идиш ёки буюм буйича ихтисослашган бўлади.

Масалан, **косагар, тандирчи, кўзагар** ва бошқалар деб юритилади. **Хоразм** бадий **куллол** усталари қадимда ўзига хос технологияга эга бўлганлар. Улар **кошин, бадня хум** ва бошқа кулолчилик махсулотлари устига бериладиган сирни тайёрлаш учун ёзнинг жазирама иссиқ ойларида **кухна Урганч** томонларидаги қум этакларига чиқиб **хафталаб чоғон** ўсимлигини

туплаб уни ёқиб, кулини олиб келганлар. Ҳозир бу ўт жуда камайиб кетган. Бу ўсимликдан ташқари қора уроқдан ҳам фойдаланган. Сентябрь ойларида қора уроқ айни ширага тўлган вақтида фақат яшил патини ёқиб кулидан ишқор тайёрлаганлар. Устахонага олиб келтирилган чоғон ва қора уроққа қум аралаштириб кулни намлаб чувала қилинган ва хумбузга куйилади ҳамда уни юқори даражада иссиқликда қиздирилади. Натижада у тошга айланади. Кейин эса иккинчи марта хумбузнинг тоқчасига куйилади. Юқори даражада қиздириш натижасида у пастки охирга оқа бошлайди ва у оппоқ рангга ўтган бўлса тайёр бўлгани. Агар у қорамтир тусда бўлса шу жараён яна қайтадан давом эттирилади. Ҳосил бўлган оқ тошсимон ишқорни тегирмонда ун ҳолига келтириб майдаланади. Бу ишқор унига янги буғдой унидан атала пишириб қозонда қориштирилади. Қозонга сув солиниб булғаб суюқ ҳолига келтирилади. Ҳосил бўлган хом ашё табиий ишқор сири деб айтилади. Табиий ишқор сиридан тайёрланган маҳсулот юзига чўмич билан берилади. Печда бу сир 1000-1200 даража иссиқликда лойга шундай киришиб кетадики у иссиқликка ҳам, совуқда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайдиган бўлиб қолади. Кулолчиликка хос бўёқлар тайёрлаш ҳам ўзига хос технологияга эга.

▪ **Оқ ранг** – бу ранг оқ тупроқ гилвати ва 11% гача октошнинг майда кумини кўшиб тайёрланади. Уни аралаштириб атала ҳолда тайёрлаб буюм юзига текис сурилади ва кейин нақш чизилади.

▪ **Яшил ранг** - мис куюндиси кукуни кўргошин сир ва ўтга чидамли тупроқ, яъни гилвата кўшиб тайёрланади. Мис кукуни аввал қизғиш рангга бўлади, хумбузда пиширилган яшил рангга айланади.

▪ **Қора ранг** – қора ранг 15% гилвата, марганец оксиди, лазурь ва кўргошин сирларини кўшиб тайёрланади.

▪ **Сариқ ранг** – ёнган темир соп ёки майда темир чикиндиларидан фойдаланиб темир кукунни мис қозонга солинади ва унга гулвата, кўргошин сири ҳамда сув солиб эзгилаб тайёрланади.

▪ **Ҳаво ранг** - ложувард, оқ тош ёки оқ қум ва гилвата кўшиб тайёрланади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган кулолчилик терминларини ўрганиш ва илмий муомалага киритиш тилшунослигимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Булатов С. Ўзбек Халқ амалий безак санъати. –Тошкент. 1998 й.
2. Мўминов “Касбиликлар.-Тошкент.2008 й.
3. “Санъат”журнали 1990 йил 2-сон
- 4 Халқ сўзи газетаси 2010 йил 10 апрель сони
5. Халқ сўзи газетаси 2008 йил 19 сентябрь сони

БАДИЙ ФИКР ТАДРИЖИ ВА СЎЗ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТИ

Ўзбек халқи ўз олижаноб фазилатлари билан бутун дунёга машхур. Бу фазилатлардан бири меҳмондўстликдир. Қадимда ҳам, уруш йилларида ҳам ўзбекининг уйида ўзи ейиши учун овқати бўлмаса-да, лекин меҳмон учун топилган. Ўзбек хонадонида доимо меҳмон учун бир патнис қанд-курс ва шу каби майда-чуйда нарсалар бўлади. Эшикдан меҳмон келди дегунча, дастурхонга борини тўкиб-сочади. Меҳмон уйга кундузи келадими, кечаси келадими, уни мулоимлик билан кутиб олади. Аксарият ўзбек хонадонида меҳмон учун алоҳида меҳмонхона мавжуд. Уларга тўрдан жой кўрсатиб, иззат-хурматини жойига қўядилар.

“Меҳмондўстлик - маънавий фазилат сифатида меҳмоннавозлик, меҳмон кутишни одатга айлантиришни ифодалайдиган тушунча. Меҳмондўстлик барча миллатларга ва элатларга хос. Бироқ бу хусусият турли миллатларда турли даражада намоён бўлади. Меҳмондўстлик хусусиятининг муайян халқда ривожланиши ўша халқнинг ўтмиши, тарихи билан боғлиқ. Савдо билан кўпроқ шугулланган халқларда бу хусусият юқорида даражада ривожланган. Масалан, Буюк Ипак йўлида жойлашган халқларда, жумладан, ўзбекларда бу хусусият азалдан юксак даражада ривожланиб сайқал топиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири шундаки, меҳмонхоналар ривожланмаган қадимги даврда савдогарлар йўл-йўлакай турли хонадонларда, хусусий уйларда тўхташига тўғри келган. Меҳмондўст бўлмаган қишлоқлар, овулларни савдогарлар четлаб ўтган. Оқибатда савдогарларга меҳмондўстлик кўрсатмаган қишлоқ ва овуллар тараққиётдан ортда қолган!”.

Қрим давлат индустриаль-техника институти ректори, профессор Февзи Якубов ўзбек халқининг багрикенглиги ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: “...Фақатгина шундай ахлоқий қарашлар орқали ўзбекиона меҳмондўстликнинг кадрига етиш мумкин. Ҳар йили миллионлаб одамлар Ўзбекистонга зиёрат қилишга ошади. Шубҳа йўқки, мен бунга аминман, ҳар бир меҳмонга мезбоннинг чексиз қувончидан, оила аъзоларининг юксак эътибори ва кўшилларнинг самимийлигидан, бетакрор инсоний фазилатлардан ҳайратга тушмаган кимса топилмайди. Бундай муруватпешалик фақат хизмат юзасидан ёки сайёҳлик важдан бу ерга ташриф буюрганларгагина кўрсатилмайди. Масалан, ўзингиз хоҳлаган бир қишлоқ чойхонасига кириш-да, бироз дам олинг. Дарҳол дастурхонга чой келтириб қўйишади ва қанча пул тўлашингизни асло эслатишмайди. Агар узоқ вақт қоладиган бўлсангиз, катта ёшлилардан бири олдингизга келиб, ёрдам керакмасми, деб сўрайди. Розилик билдирсангиз, албатта, уйига меҳмонга таклиф этади. Бу ҳол хотирангизда узоқ вақт сақланиб қолади, фикрлай бошлайсиз, бошқаларга ҳам гапириб берасиз ва беихтиёр муруватпеша бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

¹ Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т: Фафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009 - Б.372.

Бундай қадрият ҳамиша бўлган - дахшатли қирғинбарот уруш йилларида ҳам, ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам. Буларнинг бари ана шу манбадан қувват олган турли дин, тил ва маданиятлар егиштирган ниҳоллар самарасидир. Бир-бирини инкор этмаган ҳолда тарихий эришилган қадриятлар гулчамбаридан бир умр миннатдор бўлиб яшайсиз. Шубҳасиз, меҳмондўстлик - халқнинг энг қадрланадиган маънавий хазинаси. Унинг микёсини ўлчаб бўлмайди!....!”

Биз бугунги кунда нафақат чет эл адабиёти намуналарини ўзбек тилида мутолаа қилишимиз, балки миллий адабиётимизнинг сара дурдоналарини кўплаб бошқа тилларга таржима қилишимиз, узоқ тарих ва юксак салоҳиятга эга ўзбек адабиётининг ютуқларини кенг тарғиб қилишимиз ҳам зарур.

Бинобарин, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёт аҳлида катта қизиқиш уйғотишга муносиб кўплаб асарлари бор. Жаҳон ахлининг мустақил тараққиёт йўлидан бораётган халқимизнинг буюк ўтмиши, бугунги имкониятлари ҳақида бой тасаввурга эга бўлишида адабиёт, шу халқ ҳаёт тарзи, орзу-ўйлари ҳақида сўйловчи асарлар энг яхши кўмакчидир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, она тилимиздан хорижий тилларга таржима қилинган асарлар сони кўпаймоқда. 2009 йилда Хафиза Алланазарова томонидан “Дехқоннинг бир куни” номли тўплами инглиз тилида нашр этилди. Бу тўпланда Ўткир Хошимовнинг “Тарнов”, “Хуркитилган туш”, “Дехқоннинг бир куни”, “Дехқоннинг бир туни”, Шукур Холмирозевнинг “Ҳаёт абадий”, Тоҳир Маликнинг “Эркин” ва Қамчибек Кенжанинг “Балиқ ови” деб номланган кичик ҳажмдаги ҳикоялари ўрин олган.

Инглизча таржималарни ўқир эканмиз, мутаржимнинг ҳар иккала тилни чуқур билишига, юксак салоҳият эгаси эканлигига амин бўламиз. Ўзбекларда кутилмаганда меҳмон келиб қолса уларга кўрпача ва дастурхон ёзилгандан сўнг, уй бекаси дарров суюқ овқатга ҳаракат қилади. Ўзбекка хос бўлган ўзбекона меҳмондўстлик инглизча таржимада ҳам сақланган. Ўзбек халқига хос бўлган сўзлар, яъни, реалиялар *сўри, сандал, нос* каби сўзлар ҳам айнан таржимада сақланган ва матн сўнггида мутаржим томонидан бу сўзларга изоҳ берилган.

Қуйидаги мисол фикримизнинг далили бўла олади. Қамчибек Кенжанинг “Балиқ ови” ҳикояси. Аслиятда:

“Онаси, дарров суюқ ошга урин, кўй ёғидан кўпроқ тўғрамчилаб, жазла. Саломат, баланд сўридаги узум, анордан олиб туш, қовунданам, эски чакмонга ўраб қўйганман. Кейин қўшнилardan *қатиқ тон*, кўпроқ. Бўла қол, *оёгингни қўлингга ол*. Комил, укангни бошла тўқайга. Жонлироқ тутиб келинглар. Судралмай, илдамроқ қимирла²”.

Инглизча матн (Хафиза Алланазарова таржимаси):

“Dear, cook a soup of some kind at once. Cut and sizzle it with much more suet. Salomat, bring the grapes and pomegranates from the big suri, and the melon too. I'd muffled it with the old caftan. Then borrow sour milk and some butter from the

¹ Якубов Февзи. Ўзбекона багрикенглик//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 йил 24 февраль.

² Кенжа Қамчибек. Балиқ ови //Тоғ йўлида бир оқшом. - Т.: Гафур Гуом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. - 1987. - Б. 202.

neighbours. Be quick, *hurry up*. Komil, go the thicket with your brother. Try to catch much more, look sharp at once¹”.

Аслиятдаги ўзбек халқига хос бўлган меҳмондўстлик, яъни меҳмонларга қуюқ-суюқ овқат тайёрлаш, уларга атаб мева-чеваларнинг сақланиши, яна уйда шунча нарса бўла туриб уй эгаси фарзандларини балиқ тутиш учун тўқайга жўнатиши каби ўзбекка хос бўлган одатлар инглизча матнда ҳам тўлалигича сақланган. Ўзга тил эгаси бу матнни ўқир экан, ўзбек халқининг бундай таҳсинга сазовор бўлган одатлари ҳақида бемалол тасаввурга эга бўлиши табиий. Бу эса Хафиза Алланазарованинг инглиз тилини чуқур билишидан далолат беради. Лекин ҳамма жойда ҳам ўзбек мутаржими тўғри йўл тутган деб бўлмайди. Аслият ва инглизча таржимани бир-бири билан қиёслаймиз. Ўзбек тилида қўлланилган *оёгингни қўлингга ол* ибораси оддийгина *hurry up* шошил, тезроқ бўл тарзида таржима қилинган. Ўзбек тилидаги *оёгингни қўлингга ол* ибораси инглиз тилидаги *shake a leg* ибораси билан алмаштирилса матн аслиятга яқинроқ бўлар эди. *Shake a leg*² (*used for telling someone to hurry*) ибораси ўзбекчадаги *оёгингни қўлингга ол* иборасига айнан тўғри келади. Ўзбек тилидаги *Жонлироқ тугиб келинлар* деган ибора *кўпроқ* маъносига қўлланилган. Мутаржим бу ерда жуда тўғри йўл тутган, яъни, *try to catch much more*.

Мутаржим бир асарни бир тилдан бошқа тилга таржима қилар экан, авваламбор, ўша халқнинг урф-одати, кадриятларини ўрганиб, сўнгра таржима қилиши зарур. Акс ҳолда, кўпол камчиликларга йўл қўйиши мумкин.

**Abdulhamid Abduvaliyev,
katta o'qituvchi**

“BOBURNOMA”DAGI SIFAT YASOVCHI FORSCHA HOZIRGI ZAMON FE'L NEGIZLARI HAQIDA

Bobur yashagan davr o'zbek mumtoz adabiyotining rivojlangan davri hisoblanadi. Chunki XV-XVI asrlarda o'zbek adabiyoti, eski o'zbek tili har tomonlama yuqori darajaga yetgan edi. U o'z davrining tarixnavisi, buyuk davlat arbobi va eski o'zbek tilining ravnaqiga arziqli hissa qo'shgan adiblardandir. “Boburnoma” so'z boyligida muallif turkiycha so'zlar bilan bir qatorda arabcha va forscha-tojikcha so'zlardan ham unumli foydalangan.

Buyuk g'arb sharqshunoslari, o'zbek tilshunoslari, Turkiya, Ozarbayjon turkologlari tomonidan “Boburnoma” asari kerakli darajada o'rganilgan. Asarda ko'p fors-tojik tiliga tegishli forscha-tojikcha so'zlar, ya'ni fors tilining hozirgi zamon negizlari keng qo'llangan. Bu ham Zahiriddin Muhammad Boburning o'zbek tili bilan bir qatorda, fors tilini mukammal bilishidan dalolat beraadi. Hozirgi o'zbek adabiy tilida otlarga qo'shilib, yangi ot yasash vazifasini quyidagi fe'llar (affiksoidlar) bajaradi: *-bon* (*bonidan* – asramoq, saqlamoq), *-bor* (*boridan* – o'ynamoq), *-xo'r* (*xo'rda* – yemoq, ichmoq), *-kash* (*kashidan* – chizmoq, tortmoq),

¹Kenja Kamchibek. Fishing // A day of the peasant. Тошкент. “Мумтоз сўз”. - 2009. - P.82-83.
² Ўша китоб. - P.1364.

-do'z (*do'xtan* - tikmoq). Shuningdek, mazkur so'zlardan *-namo* (*namudan* - ko'rmoq, ko'rsatmoq), *-omuz* (*omuxtan* - ko'rmoq, ko'rsatmoq), *-boz*, *-voz* (*bozidan* - o'ynamoq), *-parvar* (*parvaridon* - asramoq, parvarish qilmoq), *-xon* (*xondan* - o'qimoq, kuylamoq), *-xo'r* (*xo'rdan* - yemoq, ichmoq), *-soz* (*soxtan* - yasamoq, qurmoq, tuzatmoq) ot + fe'l qolipida sifatlar yasaladi.

Hozirgi o'zbek tiliga tegishli darsliklarda forscha *navis* (yozmoq), *band* (bog'lamoq), *xo'r* (yemoq, ichmoq), *go'y* (gapirmoq), *kush* (o'ldirmoq), *kesh* (chizmoq, yechmoq), *dor* (ega bo'lmoq), *boz* (o'ynamoq), *gir* (olmoq), *-neshin* (o'tirmoq), *guzar* (o'tmoq), *-bur* (kesmoq), *tarosh* (qirqmoq, poklamoq, tozalamoq, yo'nmoq), *saro* (aytmoq) va boshqa shu kabi so'zlarning sermahsulligi haqida ma'lumot berilgan. Lekin shunday so'zlar ham mavjudki, ular o'zbekcha lug'atlarda ko'rsatilmagan. Yuqorida ko'rsatilgan so'zlarning aksariyati, gapda ot va sifat turkumiga, ayrimlari matndagi ma'nosiga qarab ham sifat, ham ot turkumiga doir so'zlar yasashga xizmat qiladi. Biz ushbu maqolada forscha fe'llarning sifat turkumiga oid so'zlar yasagani haqida fikr-mulohaza bayon qilamiz.

Ma'lumki, fors tilida hozirgi zamon fe'l negizlari o'zbek tilidagi singari emas, chunki ular asosan uch xil: tom, qiyosiy va samoiy fe'llardir¹. Oddiy fe'l, ya'ni tom fe'llarda noaniq formadan *-tan*, *-dan*, *-idan* qo'shimchalarni olib tashlash orqali yasaladi. *Xo'rdan* - *xo'r*, *po'rsidan* - *po'rs*.

Qiyosiy fe'llarda esa *-dan*, *-tan* tushib qolgandan so'ng, qo'shimcha oldidagi bir undosh-undosh bilan, unli-unli bilan almashadi. *Soxtan* - *soz*, *faruxtan* - *fo'rush*.

Yuqorida ko'rsatilgan har xil yo'l bilan hosil bo'lgan fe'l negizlarining aksariyati "Boburnoma"da ishtirok etgan. Biz faqat forscha fe'llar sifat yasovchi qo'shimcha sifatida qatnashgani haqida fikr yuritamiz. Masalan, *namudan* - ko'rinmoq, ko'rsatmoq so'zining hozirgi zamon negizi asarda bir necha joyda sodda va qo'shma so'zlar tarkibida qo'llangan. Masalan, *Hiriyda nes'u namo topibdur* (6-bet).

Asarda *pechidan* va unga sinonim ma'noga yaqin bo'lgan *tobidan* (o'ramoq, chirmashmoq) so'zlari ham bir necha jumalalarda ko'zga tashlanadi: *Dastorni dastorpech chizmab edi* (16 - bet); *Ul zamonda dastorlar tamom chorpech edi* (10-bet). *Ba'rini morpech xiyola qilibdur* (45-bet). *Morpech* - "o'ralgan ilonday, o'ralgan" ma'nolarida). "Boburnoma"da keltirilgan hozirgi zamon fe'l negizlari sermahsul qo'shimchalar hisoblanadi. Sermahsul qo'shimchalardan tashqari juda ko'p forscha hozirgi zamon fe'l negizlariga qo'shilib, sifatga tegishli so'zlar yasalganini ko'ramiz. Shuni takidlash lozimki, quyidagi qo'shimchalar yordamida yasalgan so'zlar ma'nosiga qarab ot vazifasida ham kelishi mumkin. Masalan: *guftan* - gapirmoq fe'lining hozirgi zamon negizi ot va sifatga tegishli forscha va ayrim hollarda o'zbekcha so'zlarga qo'shilib o'zakdan anglashilgan tushunchaning ortiqligini, ko'proq kishilarning xarakterini yoki belgisini ifodalash uchun xizmat qiladi. Asarda ham ushbu mazmuni anglatuvchi bir necha so'z qo'llangan. Sifat + fe'ldan tashkil topgan so'zlar: *Purgo'y* va *parishongo'y edi*. *Muqarrardur*, *har kimki ko'paytur*, *parishon aytur* (17- bet). Bu jumlada *purgo'y* - ko'p aytur, *parishongo'y* -

¹ Abdusamatov M. Fors tili. - Toshkent. O'qituvchi, 2007. - B. 126.

parishon aytur soʻzlari bilan sinonim maʼnoli sifatlar hisoblanadi. Yoki, *kamgoʻy*, *durustgoʻy*.

Ot + feʼldan iborat boʻlgan sifatga oid soʻzlar ham bir necha bor qoʻllangan: *Bad zabon va fahshgoʻy va xudpisand va tugramagʻiz mardah edi*. Quyidagi soʻzlarda *suxangoʻy* (163-bet), *gʻazalgoʻy* (163- bet), *bemazagoʻy* (112-bet) kabi sifatdan feʼl tashkil topgan soʻzlar yasalgan.

Asarda oʻzbek tilida ham ishlatiladigan *-poʻsh* (poʻshidan – kiyimoq) soʻzi yordamida shaxsga tegishli boʻlgan sifatdosh soʻzlar yasalganini koʻramiz. Masalan: *Koʻprik bila darvoza orasidagi pushtaning ustida yoʻl oʻrtasida chuqurlar qazib, xaspoʻsh qilar edilar* (115 -bet). *Va qumoshpoʻsh yigiti va toʻpuchoq oti boshumor boʻlub edi* (41 – bet). Shuningdek, asarda *quloh poʻsh*, *jandapoʻsh* kabi soʻzlar ham qoʻllangan.

Oʻzbek tilida kammahsul hisoblangan *nishin* (*shin*) (*nishastan* – oʻtirmoq) feʼlining hozirgi zamon negizi ot + feʼl shaklida qoʻllangan. Masalan: *Sahronishin uni va koʻngliga qoʻysa hargiz Kobulni havas gildim* (217 – bet). Shuningdek, asarda *dorugʻnishin* (56-bet), *taxtnishin* (147-bet), *shahnishin* (170-bet), *hokimnishin* (352-bet), *xilvatnishin* (321-bet) kabi yasalmalar qoʻllangan.

Quyida biz keltirgan forscha feʼllarning aksariyati kammahsul boʻlib, hozirgi oʻzbek tilida koʻp ishlatilmaydi. *Didan* – koʻrmoq soʻzining hozirgi zamon negizi asarda *notavonbin* (43-bet) shaklida qoʻllangan. *Chaspidan* (yopishmoq) soʻzining hozirgi zamon negizi *chaps* soʻzi ham bir necha soʻzlar tarkibida qoʻllangan. *Chaps* – *chapson* (340-bet) “yopishqoq”.

Bostan (bogʻlamoq) soʻzining hozirgi zamon negizi *-band* (*-vand*) asarda bir necha soʻzlar tarkibida ishtirok etgan. Masalan, *dilband* (320-bet), *guzarband* (304-bet), *pichoqband* (43-bet), *koʻchaband* (243-bet), *bandlab* (224-bet), *ustaxonband* (163-bet), *banburugʻ* (126-bet), *Darbandi ohanin* (113-bet) (*Temur dargʻot*), *guzarband* (308-bet), *tarkashband* (273-bet) va hk.

Xostan (xohlamoq) soʻzining hozirgi zamon shakli *xoh* soʻzi ham *dodxoh* (24-bet), *xotirxoh* (159-bet), *dilxoh* (159-bet), *davlatxoh* (100-bet). Ayrim soʻzlarda hozirgi zamon feʼl negizlarini muallif sodda soʻz sifatida ham qoʻllagan *xoh* – *noxoh*, *shunos* – *noshunos* kabilar. *Taroshidan* (qirqmoq, poklamoq, tozalamoq, yoʻnmoq) soʻzining hozirgi zamon negizi *tarosh* orqali *sangtarosh* (44, 268-bet), *toshtarosh* (312-bet), *haykaltarosh* kabi soʻzlar yasalgan.

Asarda qoʻllangan forscha feʼllarga tegishli soʻzlarga eʼtibor berilsa, muallif ularni, asosan, forscha va arabcha soʻzlarga qoʻshib ishlatgan. Bobur oʻz asarida hozirgi oʻzbek tilida qoʻllanmaydigan juda koʻp forscha feʼl turkumiga tegishli soʻzlarni qoʻllagan. Bu esa uning tilbilanmonligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdusamatov M. Fors tili. – Toshkent: Oʻqituvchi, 2007.
2. Bobur. Boburnoma (Nashrga tayyorlovchi Porso Shamsiyev). – Toshkent: Yulduzcha, 1989.
3. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. - Тошкент: Фан, 1976.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006; 2-жилд, 2007; 3-жилд, 2007; 4-жилд, 2008; 5-жилд, 2008.

G'afforjon Rahmonov,
katta o'qituvchi

SINONIMLARNING KOMPONENT TAHLILI XUSUSIDA

Komponent tahlil metodi tilni sistem-paradigmatik tasavvur qilish bilan bog'liq va semantik maydon nazariyasini nazariy bazasini va metodologiyasini rivojlantiradi. Bu metod rus tilshunosligida R.Yakobson, L.Elmsleva va boshqa tilshunoslarning g'oyalari bilan bog'liq bo'lib, N.Trubetskoyning fonologiyadagi qarashlarini grammatikaga va semantikaga ko'chirish mumkinligini ko'rsatadi.

Leksik ma'no mavhum hodisa bo'lib, uning mohiyati, mundarijasini aniq tasvirlash uzoq yillar davomida muammo bo'lib kelar edi. XX asr tilshunosligining eng muhim yutuqlaridan biri leksik ma'noni uzvlarga parchalab o'rganish usulining kashf etilishi bo'ldi. Bu usul avval *komponent analiz metodi* deb, keyinchalik *semik analiz metodi* deb nomlandi (*komponent* – lot. *componentis* - "tarkib toptiruvchi", "qatnashuvchi", *sema* - yunoncha *sema* - "belgi"). Leksik ma'noning semalari voqelikka nisbat berib ajratiladi. Bunda semalar keng tushunchadan tor tushunchaga tomon ketma-ket belgilanadi.

Tilshunoslikda differensial-semantik metod keyingi vaqtlarda faol qo'llanmoqda. Shunga ko'ra, avval boshda aytib o'tilganiday, lug'aviy birlik holatidan so'z "leksema", leksik ma'no "semema", leksik ma'noning komponenti "sema" deb qo'llanmoqda. Shuning uchun ham A. Hojiyev semalar sememaning mundarijasini tashkil etadi¹ desa, rus tilshunosi L.A. Novikov semalar yig'indisi sememaning ma'no tarkibini tarkib toptiradi² degan fikrni aytadi. Ko'rinadiki, har ikki mulohaza ham mantiqan bir-biriga mos, shu bilan birga leksik ma'no uchun berilgan ta'rifga ham mosdir. Agar leksemalar bir ma'noli bo'lsa edi, leksik ma'no terminining o'zi etarli deb topilar edi. Biror leksemani til birligi sifatida tan olish uchun o'z ifoda va mazmun planiga ega ekanligi, ma'lum ifoda planiga ma'lum mazmun plani nutqda emas, balki til bosqichida berkitilganligini isbot qilish etarli. Leksemani til sistemasining bir elementi sifatida baholaganimizda boshqa belgi-xususiyatlarini ham hisobga olamiz, albatta. Agar leksema bir ma'noli bo'lsa, barcha belgi-xususiyatlar leksemaga bir butun holda mansub bo'ladi. Agar leksema ko'p ma'noli bo'lsa, bu belgi-xususiyatlarni har bir leksik ma'no bo'yicha o'rganib, belgilab chiqishi shart bo'ladi. Bu belgi-xususiyatlar leksik ma'nolararo bir xil, o'xshash, farqli, zid bo'lishi mumkin. Ana shunda bu farqli, zid belgi-xususiyatlar bir butun holda leksemaniki emas, har bir sememaniki bo'lib chiqadi. Ko'rinadiki, yuqoridagi fikrlarga tayangan holda leksik sinonimlar leksik ma'nolar tarkibi teng, ba'zi belgi-xususiyati o'zaro farqli sememalardir deb ta'riflash haqiqatga yaqindir. Demak, leksik sinonimiya yuqorida ta'kidlaganimizdek, atash va vazifa semalari bir xil, ifoda semalari har xil bo'lgan hodisadir. Xususan, *yuq - bet - aft - bashara - turq*

¹ Hojiev A. Semasiologiya/O'zbek tili leksikologiyasi: – Toshkent, Fan, 1981. - B.203.

² Новикова Л. Семантика русского языка. - М. Высшая школа, 1982. - С.116.

sinonimik qatoridagi besh leksema atash semalari bir xil, ammo ifoda semalari turlichadir. Aniqrog'i, bu holatda "shaxsiy salbiy munosabat" semasi *bet – aft – bashara – turq* leksemalarida ifodalangan, [yuz] leksemasida esa betaraf (mo'tadil). Salbiy munosabat darajasi [bet]dan [turq]ga qarab o'sib boradi. Shunday sinonimik qatorni "shaxsiy ijobiy munosabat" va uning daraja belgisi asosida *yuz–chehra–husn–jamol–diydor–oraz* leksemalari ham tashkil etadi. Bu holda ham [yuz] leksemasi betaraf, ijobiy munosabat darajasi esa [chehra]dan [oraz]ga tomon o'sib boradi.

Yuqoridagilarga tayangan holda ushbu leksemalarning semantikasini komponent tahlil qilishimizda ularning qatori quyidagicha tasvirlanadi.

Turq – bashara – aft – bet – yuz – chehra – husn – jamol – diydor – oraz
 -4 -3 -2 -1 0 +1 +2 +3 +4 +5

Sinonimik munosabatlarni to'liq, atroflicha tadqiq qilishda ifoda semalarini o'rganish muhim omil hisoblanadi. Bunday ifoda semalari qatoridan quyidagilar o'rin oladi: a) ijobiy baho, salbiy baho yoki munosabat semalari; b) leksemaning qo'llanish doirasini belgilovchi semalar ("so'zlashuv nutqiga xos", "kitobiylik", "ko'tarinkilik", "g'ayri oddiylik", "nazmga xoslik", "ma'lum bir toifa nutqiga xoslik", (argo, jargon), shevaga (dialektga) xoslik va hakovzolar); v) leksemaning davrga munosabatini ifodalovchi semalar ("eskirgan" (arxaizmga xos), "yangilik" (neologizmga xos), o'ta zamonaviylik va hakovzolar).¹

Sinonimik qatorlarni yuqoridagi semalar qatoriga tayangan holda atroflicha tekshirish, shubhasiz, yangi-yangi ifoda semalarini belgilashga imkon beradi. Sinonimik qatorlarning umumiy xususiyati shuki, bu qatorlar, albatta, bitta bosh leksema (dominanta) atrofida birlashadi. Bosh leksemaning xususiyati shundaki, bu leksemaning sememasi tarkibidagi ifoda semalari ma'nodoshlik qatorida belgilangan, oydinlashtirilgan, ifoda semalariga nisbatan befarq (neytral) bo'ladi.

Xullas, sinonimlarni komponent tahlil qilish jarayonida ifoda (konnotativ) semalari atash (denotativ) ma'nosiga turli xil uslubiylik, emotsionallik, ekspressivlik kabi sifatlarda hamroh bo'luvchi qo'shimcha belgilar yordamida namoyon bo'ladi.

Дурдона Маҳкамова,
ўқитувчи

ТЕРМИНОЛОГИЯДА ИЗОФАЛИ ЯСАЛИШ

Маълумки, туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида ҳам от+от типдаги сўзлар ўзаро изофа воситасида бирикади. Изофанинг эса уч тури ажратилади: 1-тур изофада ҳар иккала компонент мутлақо грамматик белгисиз бўлади, яъни бундай сўзларнинг ўзаро боғлиқлиги сўз тартиби ва бирлаштирувчи интонация билан белгиланади: *очиқ денгиз, ишчи дастур, интеллектуал мулк* ва ҳоказо.

2-тур изофали бирикмада эса биринчи компонент бош келишик шаклида, иккинчи компонент эса эгалик қўшимчаси билан келади. Масалан: *селекция ютуғи, биржа савдоси, биржа битими, ер ҳуқуқи* ва ҳоказо.

¹Nematov H. Rasulov R. O'zbek tili sistem leksikologiya asoslari. - T., 1995. - B. 106.

3-тур изофада эса биринчи компонент қаратқич келишиги шаклида, иккинчи компонент эса эғалик қўшимчаси билан келади. Айнан шу турдаги терминларда биринчи компонентга тегишли грамматик кўрсаткич белгисиз қўлланиши ва қисқарув ҳодисаси юзага келиши мумкин.

1-тур аниқловчи бирикмалар анча қулай, ихчам ва терминологик талабларга жавоб бера олувчи шакл ҳисобланади. Машҳур терминшунос Р.Дониёровнинг қайд этишича, бу турдаги терминлар бир қарашдаёқ терминологик характерга эғалиги билан яққол кўзга ташланади. Улар ўз мазмунига кўра терминологик маъно касб этади: чунки унинг биринчи қисми адъективлашиши(сифатлашиши) мумкин, бу орқали амалда адъективлашган бирикма ҳосил бўлади: *оёқ улов, чироқ поя, гилбўта гишт, шамол паррак, аравамих қолип*. Бу турдаги изофали бирикмалар жуда қадимий саналади. Муайян бир тушунчани сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган пайтда уни бирикма воситасида реаллаштириш усули айниқса терминологик системаларда жуда қўл келади. Хусусан, ўзбек тилининг техник терминологиясида у ёки бу сўздан нисбий сифат яшаш мумкин бўлмаганда 1-тур изофа ҳар томонлама қулай эканлиги билан характерлидир.¹

Бу турдаги изофанинг характерли хусусиятлари кўплаб илмий адабиётларда келтирилган. Унинг тарихийлиги, бирикма яшашда қулайликларга эғалиги, тил имкониятларига тўла мослиги каби қатор хусусиятлари санаб, изоҳлаб ўтилган. Таниқли тилшунос Н.А.Баскаков ҳам туркий тилларнинг морфологик қурилишида қисқарувга мойиллик улардаги “нуль форма” деб аталган грамматик кўрсаткичларнинг (бош келишк) борлигида кўринишини алоҳида қайд этган. Биз учун эса мазкур ясалишнинг ихчам терминларни ҳосил қилишдаги ўрни муҳим. Аслида тежамлиликнинг бирламчи талаби ҳам шу. Термин ихчам, қисқа ва имкон қадар қўшимчаларсиз, изоҳловчи кўрсаткичларсиз бўлиши керак. Шундай ҳолдагина унинг шаклий томони бошқа лугавий бириклар билан айнан мос келади.

1-тур изофа қадимий ясалиш ҳисобланган боис шу усул орқали ясалган терминларни тарихий келиб чиқиши узоқ даврларга бориб тақалувчи соҳалар терминологиясида учратиш мумкин. Масалан, тиббиётда: *ошқозон, оёқпанжа, қонтомир, қоринпарда, қўлпанжа, озиқ тиш, тўқма парда, ичактутқич*.

Қайд этилганидек, ўзбек тили имкониятларида бундай ясалишнинг тарихий илдизлари бор. Бироқ давр ўтиши ва термин оммалашуви ҳам бошқа усуллар орқали ясалган терминларни айнан 1-тур изофа шаклига келтириши мумкин: *шарнирли муфта – шарнир муфта, пўкакли қистирма-пўкак қистирма, пўлатли лента-пўлат лента* ва ҳоказо.

2-тур изофавий бирикма туркий тилларда бирор предмет, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг иккинчи предмет, нарса воқеа-ҳодисага қарашлилигини, мансублигини англаган ҳолларда қўлланади. Изофанинг бу турида биринчи компонент ноаниқ келишида бўлади, иккинчи компоненти эса эғалик(муносабати)ни англаувчи релятив аффиксни олади. Бундай ясалиш

¹ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. 101-бет

от+от+и(-си) шаклига эга бўлади ва ноаниқ келишикнинг 0 формада келиши мазкур ясалишга хос терминлар ҳам тадқиқотимиз объекти эканидан дарак беради.

Техникада: *ҳаво фильтри, мой насоси, электр тармоғи, электр таъминоти*

Тиббиётда: *тақим мускули, лунж мушағи, пешона суюғи, сўлак безлари, меъда оғзи, умуртқа погонаси*

Физикада: *ядро изомерияси, ядро фотозффекти, ядро энергияси*

Юриспруденцияда: *фуқаролик жамияти, фуқаролик иши, жиноят иши, мулк ҳуқуқи, кафолат вексели, ёш цензи*

Тилшуносларнинг қайд этишларича 2-тип изофа ўта кенг тарқалган бўлиб, 3-тип изофа турига нисбатан уч баробар кўп вариантларга эгадир. Таснифларга мувофиқ мазкур изофа тури эгалик нуктаи назаридан 21 вариантга тақсимланади. Ушбу вариантлардан 12-вариант терминлар ҳосил қилиш қолипларига айнан мос келади ва бунда изофанинг объектнинг субъектга тааллуқлигини билдирилиши уқтирилади: хытай тили (хитой лу-ати).¹

Профессор Ҳ.Дадабоев мазкур изофа турининг ўзига хос жиҳатларини “Девону луғотит турк” асаридаги қўлланишлар мисолида изоҳлар экан, бир аффиксли, яъни биринчи компоненти қаратқич (генетив) аффиксиз, иккинчи компоненти релятив аффиксли изофа, яъни сўз бирикмасининг ҳар икки компоненти белгиси бўлган типга айланиш ёки айланмаслик хусусияти ҳисобланишини алоҳида қайд этиб, бир аффиксли изофа типларининг аксарияти ҳеч қандай қийинчиликсиз икки аффиксли посессив изофага айлана олишини, айни чоғда баъзи релятив изофа вариантлари A_1+B_1 (3-тип) аффикс вариантыга ўтмаганини таъкидлайди.² Мазкур ҳолат бугунги кун терминологияси учун ҳам хосдир. Сабаби терминлар ясалишида 2-тип изофали терминлар 3-тип изофали терминлардан бутунлай фарқ қилади ва деярли ҳеч бир ўринда иккинчи тур изофанинг учинчи турга айлангани ёхуд параллел тарзда қўллангани кўзга ташланмайди. Сунъий равишда учинчи тур изофага кўчирилса ҳам, терминнинг семантикаси ўзгаради ва термин маъносида ғализликларни келтириб чиқариши мумкин.

Қиёс. :

Фуқаролик жамияти(2-тип изофа) –фуқароликнинг жамияти(3-тип изофа)

Фуқаролик иши(2-тип изофа) –фуқароликнинг иши(3-тип изофа)

Жиноят иши(2-тип изофа) –жиноятнинг иши(3-тип изофа)

“Ҳақиқий изофа” саналган 3-тур изофада қаратувчи қаралмиш муносабати ифодаланиб, бунда терминнинг биринчи компоненти қаратқич келишиги қўшимчасини иккинчи компоненти эса эгалик қўшимчасини олиб келади. Бироқ аксар ҳолларда қисқалик талаби билан биринчи компонентнинг грамматик кўрсаткичи белгисиз қўлланади.

Тиббиётда: *тил илдизи(тилниң илдизи), юрак қоринчаси(юрақнинг қоринчаси), ҳалқум девори(ҳалқумнинг девори), тил тасмаси(тилниң тасмаси);*

¹ Майзель.С. Изафет в турецком языке. –М.,-Л. 1957. с.31

² Дадабоев Ҳ. Бир аффиксли релятив изофа(A_0+B_1) нинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланилиши //Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012

Физикада: *энергия сақланиши (энергиянинг сақланиши), товуш тезлиги (товушнинг тезлиги), ҳаво босими(ҳавонинг босими), масса зичлиги(массанинг зичлиги);*

Юриспруденцияда: *давлат ҳудуди(давлатнинг ҳудуди), ҳолислар суди(ҳолисларнинг суди), юк йиғими(юкнинг йиғими), адвокат сири(адвокатнинг сири).*

Кўрилганидек, учинчи тур изофада морфологик қисқарувнинг элементлари янада аниқроқ кўринади. Мазкур изофа тури терминологияда энг самарали термин яшаш йўлларида бири ҳисобланиб, ҳам семантик жиҳатдан аниқ, ҳам шаклий томондан ихчам саналади. Кўп компонентли терминларни ихчамлаштиришда ҳам аксар ҳолларда айнан шу тур изофани қўллаш яхши самара беради.

Морфологик тежамлиликини нисбий сифат +от қолипи асосида ясалган терминларда ҳам учратиш мумкин. Бунда сифат ясовчи қўшимча қисқартирилади ва шунинг асосида янги термин ҳосил бўлади. Бунда асос қолипда ҳам ўзгариш бўлиши мумкин. Яъни ясовчи қисқаргач қолган асос сифат эмас, балки бошқа туркумга тегишли бўлиши мумкин.

Тилшуносликка доир айрим адабиётларда *пассив ясовчи* дея таърифланган –симон аффикси терминологик тадқиқотларда анчайин фаол эканлиги тасдиқланган. Мазкур аффикснинг оммалашувига ўзига хос сабаблар бор, албатта. Маълумки, тилларда, жумладан, ўзбек адабий тилида ҳам ўхшашлик принципи асосида бирикмалар яшаш қадимдан ривожланиб келган муҳим усуллардан биридир. Буни реаллаштиришда эса *каби, сингари, ўхшаш*, шаклидаги сўзлар билан бир қаторда –*дай, -дек, -намо* сингари қўшимчалардан ҳам фойдаланилган. –симон аффикси ҳам шулар жумласидандир. Лексема ўрнини қўшимча эгаллаши ва лексемага хос семантикани ҳам ўзига олиб сўз ясалишида иштирок этиши (*най шаклидаги суяк-найсимон суяк*), аввало, ўша қўшимчанинг тежамлиликига хизмат қилаётганидан дарак беради. –симон қўшимчаси билан ясалган бирикма терминларнинг таракқиёти натижасида бундай терминлар қўшма сўз ҳолига келиб қолади ва –симон қўшимчаси қисқартирилади. Натижада, морфологик тежамлилики юзага чиқади: *халқа мускул (халқасимон мускул), шоҳтоғай(шоҳсимон тоғай), нўхат суяк (нўхатсимон суяк), айри без(айрисимон без)*

Бирикма терминлар ҳосил қилинишида энг фаол қўшимчалардан яна бири –ли аффикси саналиб, бирикма терминлар таркибидаги мазкур аффикс қўшилган от туркумига оид сўзлар “эгаллик”, “мавжудлик” каби маъноларни англатади. Аниқловчи компоненти асли мазкур аффикс билан ҳосил қилинган бирикма терминларда ҳам кўп ўринларда термин пайдо бўлган даврдан истёмоли кенгайиши ва оммалашуви натижасида аффикс қисқаради:

медицинада: *мушакли вена- мушак вена, сизимли томир –сизим томир, дўнгли бўғим- дўнг бўғим, чечакли тошма-чечак тошма;*

алгебрада: *қийматли ифода –қиймат ифода, натижалли хулоса-натижа хулоса.*

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, морфологик ясалиш терминологияда бошқа сўз яшаш турларига нисбатан анчайин кенг тарқалган.

Шу билан бирга ўзгаришга мойил. Ясалманинг шакли вақт ва соҳа модернизацияси асосида ўзгариши, тараққий топиши, қисқариши мумкин. Бироқ бу ҳол термин яшаш усули ўзгаришини англамайди. Шунчаки шаклий ўзгариш сифатида баҳоланади, ҳолос.

Холида Даурова,
тадқиқотчи

ОЙКОНИМЛАРДАГИ ОНОМАСТИК ҚОНУНИЯТЛАР

Ойконимлар топонимлар сирасига кириб, аҳоли пунктларининг номлари саналади. Улар алоҳида микроқўламини ифодалайдиган топонимлардан биридир. Бу микроқўлам шаҳарлар, шаҳарчалар (посёлка), қишлоқлар, овуллар ва мана шу типдаги объектларнинг атоқли отларини ўз ичига олади. Ономастикада шаҳар ва қишлоқ, овулларни ўзаро фарқлаш учун шаҳар ва шаҳарчалар – астионим (юн. *astyos* – шаҳарга хос + *onoma* – атоқли от), қишлоқ ва мана шу типдаги аҳоли яшовчи масканлар – комоним (юн. *komos* – қишлоқ + *onoma* – атоқли от) деб юритилади¹. Кузатишларимиз асосида ойконимлардаги қонуниятларга тўхталмоқчимиз².

Ойконимларда ҳам қонуниятлар амал қилади. Улар ономациологик қонуниятлар сирасига киради ва икки хил бўлади: 1) умумий ономациологик қонуниятлар; 2) хусусий ономациологик қонуниятлар. Умумий ономациологик қонуниятлар деганда топонимлар тизимида такрорланиб турувчи жараёнлар тушунилади. Улар қуйидагилар:

1. Топонимлашув ҳодисаси.
2. Ономастик конерция.
3. Биринчи номланиш қонуни.
4. Иккинчи номланиш қонуни.
5. Учинчи номланиш қонуни.
6. Нисбийлик қонуни.
7. Позитивлик қонуни.
8. Негативлик қонуни.
9. Атоқли отларни кўчаларда қўйиладиган ёзув тахтасидаги ёзилиши.
10. Атоқли отларни матнларда ёзиш қонуни.

Хусусий ономациологик қонуниятлар ойконимларнинг ўзидагина амал қиладиган ички қонунлар саналади. Уларга қуйидагилар намуна бўлиши мумкин:

1. Ойконимларни тавсифлаш қонуни.
2. Ойконимларни таснифлаш қонуни.
3. Ойконимларни таъбирлаш қонуни.
4. Ойконимларни изоҳлаш қонуни.
5. Ойконимларни этимологик таҳлил этиш қонуни.

¹ Авлакулов Я. И. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2012. 12-13-бетлар

² Языковая номинация. Общие вопросы. М., 1977. С. 19.

6. Ойконимларга оид тилшунослик қонуниятлари.
7. Ойконимларга оид географик қонуниятлар.
8. Ойконимларга оид тарихий қонуниятлар.
9. Ойконимларга оид геологик қонуниятлар.
10. Ойконимларга оид социологик қонуниятлар.
11. Ойконимларнинг қайси қатлам сўзларидан иборатлигини кўрсатувчи қонуниятлар.
 - 11.1. Ойконимларнинг адабий тилга ёки шеваларга оидлигини кўрсатувчи қонуниятлар.
 - 11.2. Ойконимларнинг адабий тил фонетикасига оид қонуниятлар билан шаклланган кўринишлари.
 - 11.3. Ойконимларнинг адабий тил лексикасига оид қонуниятлар билан шаклланган кўринишлари.
 - 11.4. Ойконимларнинг шевалар лексикасига хос қонуниятлар билан шаклланган кўринишлари.
 - 11.5. Ойконимларнинг ўзлашган лексика билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.6. Ойконимларнинг арабча сўзлар билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.7. Ойконимларнинг форс-тожикча сўзлар билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.8. Ойконимларнинг рус тили сўзлари билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.9. Ойконимларнинг рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексика билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.10. Ойконимларнинг қайси тилга оидлиги номаълум сўзлар билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.11. Ойконимларнинг тарихий лексика билан шаклланишига оид қонуниятлар.
 - 11.12. Ойконимларнинг замонавий лексика билан шаклланишига оид қонуниятлар.
12. Ойконимлар топообъектларининг бир-биридан фарқлишини кўрсатувчи қонуниятлар. Ушбу қонуннинг талабига кўра ойконимларнинг топообъектлари қуйидаги турларга бўлинади:
 - 12.1. Шаҳарни англатувчи ойконимлар.
 - 12.2. Маҳаллани билдирувчи ойконимлар.
 - 12.3. Гузарни ифодаловчи ойконимлар.
 - 12.4. Туманни англатувчи ойконимлар.
 - 12.5. Вилоятни билдирувчи ойконимлар.
 - 12.6. Республикани ифодаловчи ойконимлар.
 - 12.7. Дарёни англатувчи ойконимлар.
 - 12.8. Тоғни билдирувчи ойконимлар.
 - 12.9. Овулни ифодаловчи ойконимлар.
 - 12.10. Тепаликни англатувчи ойконимлар.
 - 12.11. Боғни билдирувчи ойконимлар.

12.12. Зиёратгоҳ жойни ифодаловчи ойконимлар.

12.13. Мавзени билдирувчи ойконимлар.

12.14. Аэропортни англатувчи ойконимлар.

12.15. Вокзални ифодаловчи ойконимлар.

12.16. Гидронимларни билдирувчи ойконимлар.

12.17. Космонимларни англатувчи ойконимлар.

Булардан англашилиб турибдики, ойконимлар тизимида бир неча ономациологик қонуниятлар амал қилади.

Дилноза Абдувалиева,
ўқитувчи

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АНТРОПОНИМЛАР

Ўзбек антропонимикасининг тараққиёт жараёнини кузатиш, ўзига хос жиҳатларни ёритишда мумтоз манбалардаги антропонимларни таҳлил қилиш аҳамиятлидир. Айниқса, инсоният тарихида Уйғониш даври билан қиёсланувчи XIV-XVI асрлар ёзма манбаларидаги антропонимлар ўзбек тилининг номлаш хусусиятларини ўрганишда муҳимдир. Бу давр ўзбек антропонимикаси, хусусан, XV аср адабий ёдгорликларидаги антропонимлар Э.Бегматов, Ш.Ёқубовлар томонидан ўрганилган. Навоий асарлари антропонимикаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган¹. XV аср ўзбек антропонимикасининг асосий жиҳатлари Н.Хусанов ишларида атрофлича таҳлил этилган².

Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар “Тарихи анбиё ва ҳукамо”³ ва “Тарихи мулуки ажам”⁴ асарлари сўз бойлиги турли ономастик терминлар, хусусан, антропонимларга бойлиги билан ажралиб туради. Қуйида асарлар матнида қўлланган антропонимлар хусусида сўз юритилади.

Лексик-семантик хусусиятларига кўра асарларда қўлланган антропонимлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. *Исмлар*: Исмлар ўз характерига кўра баъзи гуруҳларга бўлинди:

1. Тарихий номлар; 2. Афсонавий номлар; 3. Бадиий тўқима номлар.

1. Асарлар антропонимикасининг асосий қисмини *тарихий шахслар исми* ташкил этади. Тарихий шахслар исми ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади: а) *ҳукмдорлар*: *Iskandar* (ТМА 733a22), *Bahrām* (ТМА 734a20), *Anušervān* (ТМА 739b12), *Xusrav Parviz* (ТМА 740b20), *Sultān Husayn* (ТМА 742b14), *Yādgār Muhammad* (ТМА 738a18), *Šeruya binni Xusrav* (ТМА 741a28),

¹ Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1994

² Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари, 1 китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 2000.

³ Навоий куллийети, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Истанбул, № 4050 инвертар рақамли қўлёзмаининг электрон микрофильми, Китоби таворихи анбиё. –Б. 705a-728b. (Кейинги фойдаланилган ўришлар саҳифаси кавс ичида кўрсатилган.)

⁴ Навоий куллийети, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Истанбул, № 4050 инвертар рақамли қўлёзмаининг электрон микрофильми, Китоби таворихи мулук. –Б. 729a-743b. (Кейинги фойдаланилган ўришлар саҳифаси кавс ичида кўрсатилган.)

Noširaván (ТМА 742а25) ва х.к; б) пайғамбарлар: *Ádam alayhissalám* (ТАҲ 705а9), *Nuh alayhissalám* (ТАҲ 705б12), *Šis alayhissalám* (ТМА 729а7), *Idris alayhissalám* (ТАҲ 706а9), *Yáfas alayhissalám* (ТАҲ 706б21), *Ibráhim alayhissalám* (ТАҲ 708а18), *Yusuf alayhissalám* (ТАҲ 710а22), *Musá alayhissalám* (ТАҲ 710б9), *Muhammad alayhissalám* (ТАҲ 705а8) каби жами 54 та пайғамбарлар номлари келтирилган; в) *vasırlar*: *Šahrđi* (ТМА 736б12), *Hasan Sahl* (ТМА 729а15), *Suxrá* (ТМА 739а7) ва х.к; г) *sarqarda va laşkarboşılar*: *Farámurz* (ТМА 731а26), *Tus* (ТМА 731а26), *Banduya* (ТМА 740б25), *Bastám* (ТМА 740б21), *Iskandar Zulqarnayn* (ТАҲ 706б22) ва х.к; д) *faýlasuf va donıshmandlar*: *Siluni* (ТМА 731б11), *Fišáyus* (ТМА 732а15), *Aflátun hakim* (ТАҲ 728б11), *Balinás hakim* (ТАҲ 728б19), *Jálimus* (ТАҲ 728б23), *Sugrát* (ТАҲ 728б9) ва х.к.; е) *rassom*: *Mániy* (ТМА 735б26); ё) *ıxod ađlı*: *Jaláliy* (ТМА 738б16), *Banákatiy* (ТМА 729а6), *Muhammad yazzáliy* (ТМА 729а6), *Abulqásim Firdavsıy* (ТМА 731а6), *Hamıdulláhu al Mustavfiy* (ТМА 734б16), *Šayx Bu Ali Miskavayx* (ТМА 729а15) ва х.к.

Шунингдек, асарлар матнида *Havvá* (ТАҲ 705а14), *Iqlimá* (ТАҲ 705а23), *Zulayhá* (ТАҲ 711а15), *Sára* (ТАҲ 709а8), *Jaráda* (ТАҲ 722б3), *Zalifa* (ТАҲ 710б8), *Hájar* (ТАҲ 709а10), *Maxándoxť* (ТМА 742а25,26), *Turándoxť* (ТМА 741б27), *Máryam* (ТАҲ 724а28), *Manıja* (ТМА 731б6), *Ravšanak* (ТМА 733а13) каби аёллар исми ҳам учрайди.

2. *Афсонавий номлар*. Навоий асарлари тилида афсонавий номлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Афсонавий номлар хаёлий сюжетларни баён қилиш, баъзи диний мавзудаги асарларни ёзишда шоирга қўл келган¹. Бундай номлар ТМА матнида ҳам кўп учрайди. Масалан, Макка шаҳрини бузмोकчи бўлган Яман ҳукмдори Абраҳага қарши чиққан ва уни енган афсонавий қаҳрамон *Abábil* (ТМА 740а6), *Zahhák* (ТМА 729а7), *Giv* (ТМА 731а26), *Ya'juj* (ТМА 733б20), *Rustam* (ТМА 742а11), *Káva* (ТМА 730а1), *Kayumar* (ТМА 730б3), *Huřang* (ТМА 729а12), *Tahmuras* (ТМА 729а22), *Jamšid* (ТМА 729б4) ва х.к. Шунингдек, ТАҲ матнида Ислом эътиқоди билан боғлиқ фаришта номлари тилга олинади: *Jabrail* (ТАҲ 724б22), *Mikáil* (ТАҲ 705а5), *Isráfil* (ТАҲ 705а5), *Azráil* (ТАҲ 705а6).

3. *Бадийй исмлар*. Ўзбек тарихий антропонимикасининг таркибий қисмларидан бирини бадийй адабиёт матнида қўлланган ва инсон бадийй образини гавдалантирувчи исмлар ташкил этади. Мазкур тарихий асарлар матнида бадийй исмлар санокли қўлланган. Улар қуйидагилар: *Širin* (ТМА 740б7), *Farhád* (ТМА 741а20).

II. *Тахаллуслар*. Бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, рассом, олим ва ш.к) ёки сиёсий арбобнинг ўзи учун танлаб олган бошқа иккинчи номи ҳисобланмиш тахаллуслар икки тарихий асар матнида ҳам мавжуд. Тахаллус эгаси яшаган, ижод этган жойга нисбатан қўлланган тахаллуслар: *Muhammad Ğazzáliy* (ТМА 729а6), *Amir Xusrav Dehľaviy* (ТМА 733б11), *Tabariy* (ТМА 742а20), *Banákatiy* (ТМА 729а6), *Mas'ud Iráqiy* (ТМА 732а29), *Iskandari Rumiy* (ТМА 733а19) ва х.к. Шунингдек, асарлар матнида *Ja'fariy* (ТАҲ 705б27), *Jaláliy* (ТМА 734б15),

¹ Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фаилари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 7.

Miskavayh (ТМА 729a15), *Al Mustavfiy* (ТМА 734b16), *Firdavsiy* (ТМА 731a6), *Naváiy* (ТМА 743a1) каби тахаллуслар ҳам мавжуд.

III. *Лақаблар*. Бирор хусусиятига кўра маълум мақсадда ўзгартириб олинган ном ҳисобланмиш лақаблар ҳам кузатилди. Масалан, *Safiyulláh* (ТАҲ 714b10) – Одам алайҳиссаломнинг лақаби, *Kalimulláh* (ТАҲ 713b15) – Мусо алайҳиссаломнинг лақаби, *Masih* (“жон бахш этувчи”) (ТАҲ 724b22), *Ruhulláh* (“Аллоҳнинг руҳи”) (ТАҲ 725a15) – Исо пайгамбарнинг лақаблари, *Xalilulláh* (ТАҲ 710a10) – Иброҳим алайҳиссаломнинг лақаби, *Baniyulláh* (ТАҲ 707b3) – Худ алайҳиссаломнинг лақаби, *Xotam-ul anbiyá* (ТАҲ 724b1,2) // *Xotam-un nubuvvat* (ТАҲ 725a5) (“пайгамбарларнинг охиригиси”) – Муҳаммад алайҳиссаломнинг лақаби. *Dáston* (ТМА 733a15) – паҳлавон Рустам лақаби (АНАТИЛ, 1, 466), *Ádil* (ТМА 734a28) – (арабча “адолатли, инсофли”) лақаби Сосонийлар табақасига мансуб адолат бобида донғи кетган шоҳ Нўширавонга нисбатан қўлланган. *Gor* (ТМА 737b6) – (форсча-тожикча “ёввойи эшак”) Шоҳ Баҳромнинг лақаби. *Gilśáh* (ТМА 729a4) – (форсча-тожикча *gil* – “лой, балчик”, *śáh* – “подшоҳ”) Пешдодийлар сулоласи вакили Каюмарснинг лақаби, “лойдан яратилган киши, балчикдан бунёд бўлган одам; Каюмарс, Каюмурс (ТМА 730b3), *Zulqarnayn* (ТАҲ 706b22) (арабча “бошида шохли мугузи бор” ёки “кун чиқиш ва кун ботиш ҳукмдори”) – Искандарнинг лақаби, *Nekukár* (ТМА 737a26) (форсча-тожикча “Сосоний ҳукмдор Ардашер Хурмузнинг лақаби”), *Ahangar* (ТМА 730a1) (форсча-тожикча “темирчи”) – Заҳҳокни тахтдан туширишда муҳим роль ўйнаган темирчи Кованинг лақаби, *hakim* (“арабча “доно, оқил, донишманд; табиб; файласуф”) Каёний шоҳ Қайқубод даврида яшаб ўтган машхур файласуф, донишманд, табиб – *Luqmán-i Hakim* (ТАҲ 722b22).

Асарлар матнида, шунингдек, *šayx* нисбаси билан иккита: *Šayx Bu Ali Miskavayh* (ТМА 729a15), *Šayx Nizámiy* (ТМА 733b12); *qázi* нисбаси билан битта *Qázi Bayzáviy* (ТМА 734b24), *amir* нисбаси билан иккита *Amir Sayfiddin* (ТМА 732a29), *Amir Xusrav Dehlaviy* (ТМА 733b11); *sultán* нисбаси билан битта *Sultán Husayn Bahádirxan* (ТМА 738a17) антропонимлари қўлланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1994.
2. Навоий куллиёти, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Истанбул, № 4050 инвертар рақамли қўлёзманинг электрон микрофильми, Китоби таворихи анбиё.
3. Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 2000.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА АНТОНИМ СЕМАЛИ ПОЛИСЕМЕМ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мақоллар халқ оғзаки ижодига хос жанр саналади. Мақолларда қиёслаш зидлаш усули кенг қўлланилади. Айниқса қарама-қарши маъноли сўзлар мақолнинг мазмунини бойитишда асосий восита саналади. Тилшуносликда бундай маънодаги бирликлар антонимлар саналади. Мақолларда лексемалар, семемалар ва семалар доирасидаги зидликни кузатиш мумкин. Масалан, лексемалар доирасидаги зидликка қуйидаги мисолни келтириш мумкин: “*Ақлсиз – жаҳлли, жаҳлсиз – ақлли*”. *Ақлли-ақлсиз, жаҳлли-жаҳлсиз* жуфтликлари антоним лексемалар саналади. Антоним семемаларга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: “*Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма*”. *Аччиқ ва ширин* лексемаларининг бош маъноларидаги зидланиш антоним лексемаларни ҳосил қилади. Масалан, *аччиқ таом, ширин таом*. Аммо кўчма маъноларида юзага чиққан зидлик антоним семемаларни юзага келтиради. Масалан, *Аччиқ сўз, ширин сўз*. Шунингдек, “*Ақли калтанинг тили узун*” мақолида *калта-узун* полисемем лексемалари; “*Бир қулгининг, бир йигиси бор*” мақолида *қулги-йиги* полисемем лексемаларининг ҳам кўчма маънодаги семемалар қарама-қарши маънода қўлланган.

Полисемем лексемалар доирасида юзага чиқадиган антоним семалар мақолнинг маъносини кенгайтиради. “*Бировнинг мис қозонидан ўзининг қора қозонинг яхши*” мақолида *мис ва қора* лексемалари антонимлар эмас, аммо семаларида зидлик мавжуд. *Мис* лексемаси орқали “зўр” семаси, *қора* лексемаси орқали “оддий” семаси англашилиб турибди. Бундай қарама – қаршилиқ антоним семали полисемем лексемалар саналади. Антоним лексемалар, антоним семемали полисемем лексемалар, асосан, бир туркум доирасидаги сўзларда юзага келади. Антоним семали полисемем лексемалар эса бир туркум ёки турли туркум лексемалари доирасида юзага келиши мумкин. Масалан, юқоридаги мақолда *мис* сўзи от туркумига, *қора* сўзи эса сифат туркумига мансуб саналади.

Антоним семали полисемем лексемалар ясама сўзларнинг асоси бўлиб келади ва зид маъноли сўзларни ҳосил қилади. Масалан, *нина* ва *туя* лексемалари антоним лексемалар эмас, аммо уларда “*кичик*”, “*катта*” антоним семалари мавжуд. Натижада, бировнинг “*Нинадек айбини қидиргунча, ўзининг туядек айбингни кўр*” мақолида келтирилгани каби *нинадек – туядек* антоним семали полисемем лексема юзага келади. Бундай ҳолатда антоним семаларнинг юзага келишини бирикма таркибидан лексеманинг тушиб қолиши билан ҳам боғлаш мумкин. Масалан, *нина* каби *кичкина, туя* каби *катта* бирикмаларидаги *кичик* ва *катта* лексемаларининг тушиб қолиши билан *нинадек, туядек* сўзлари ҳосил бўлади. Бундай ясаиш метафора асосида юзага келади. “*Душманинг сичқонча бўлса ҳам, кучинг арслонча бўлсин*”.

“Душманнинг ўзи қилдек, кучи филдек” мақолларида ҳам *сичқонча-арслонча, қилдек-филдек* лексемаларида шундай зидликни кузатиш мумкин.

Асоси ўлчов-ҳособ сўзлари билан ифодаланган ясама сўзлар доирасида ҳам антоним семалар юзага чиқиши мумкин: “*Касал қоплаб келиб, мисқоллаб кетади*”. “*Ботмонча давлатдан нимча инсоф яхши*” мақолларида *қоп, ботмон* лексемалари “кўп” семасини, мисқоллаб, *ним* лексемалари эса “оз” семасини ифодаламоқда ва шундай семаларга эга бўлган сўзларнинг ясалишига асос бўлмоқда.

Мақолларда бўлишли ва бўлишсиз, тасдиқ ва инкорни билдирувчи сўзлар доирасида антоним семалар юзага келади. Масалан, “*Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт*” мақолида *айтар* лексемаси “муҳим”, “керакли” семаларини ифодламоқда. *Айтмас* лексемаси “номухим”, “кераксиз” семаларини ифодаламоқда. Бу семалар ўзаро антоним саналади. “*Ўқиган ўзар, ўқимаган тўзар*” мақолида ҳам *ўқиган, ўқимаган* лексемалари антонимлар саналмайди, аммо “билимли”, “билимсиз” каби антоним семаларни юзага келтира олади. Кўрмаганнинг кўргани курсин мақолида кўрмаган ва кўрган сўзлари ўзаро зидланмоқда. Бу мақолларда отлашган сўзлар антоним семаларни юзага чиқармоқда. Кўчма маънода қўлланган сўзларнинг отлашиши ҳам антоним семаларни ҳосил қилишини кузатишимиз мумкин. Масалан,

Тор уй	Феъли тор	Феъли тор одам	Тор одам	“Торга тор дунё, кенгга кенг дунё” (мақол).
Кенг уй	Феъли кенг	Феъли кенг одам	Кенг одам	

Тор уй - кенг уй бирикмаларидаги тор ва кенг лексемалари ўз маъносида “сиқик” - “энли” антоним семаларига эга. Феъли сиқик одам бахил, зикна саналади. Шунинг учун феъли тор ибораси “бахил”, “зикна” семаларини ифодалайди. Феъли кенг лексемаси эса “сахий” семасини ифодалайди. Бу семалар феъли *тор одам - феъли кенг одам* бирикмаларида “бахил” - “сахий” антоним семаларини юзага келтиради. “Феъли” сўзининг бирикма таркибидан тушиб қолиши натижасида *тор одам - кенг одам* бирикмалари ҳосил бўлади. Уларнинг отлашиши натижасида *тор ва кенг* лексемалари “бахил” – “сахий” антоним семаларини юзага келтиради. Масалан, “Торга тор дунё, кенгга кенг дунё” (Мақол).

Антоним семалар баъзан лексема ва семема доирасида ҳам юзага келади: “*Ўғри ўла ўлгунча тўғриман дейди*” мақолида *ўғри* лексемаси билан *тўғри* лексемасининг кўчма маънодаги семемаси зидланган. Бундай ҳолатни куйидаги мақолда ҳам кузатиш мумкин: “*Қизники – қийин билан, ўғилники ўйин билан битар*” (Мақол). *Қийин* лексемаси ўз маъносида, *ўйин* лексемаси эса кўчма маънода қўлланган. *Ўйин* лексемасининг бундай маънода қўлланилиши сўзлашув тилида учрайди.

Баъзи мақолларда антоним лексемалар ва антоним семалар иштирок этиб, зидликни кучайтиради. Масалан, “*Илмли – ўзар, илмсиз тўзар*” мақолида *илмли-илмсиз* лексемалари антоним лексемалар саналади. *Ўзар-тўзар* лексемалари эса антоним семали полисемем лексемалар саналади. Тўғри маънода қўлланган

бирликлар антоним лексемаларни, кўчма маънода қўлланилаётган бирликлар эса антоним семаларни юзага чиқармоқда. Баъзан кўчма маъноли сўзлар бадий адабиётда мажозий маънони юзага чиқаради. Масалан, “*Булбулнинг ишқи – гулда*”. “*Аввал баҳор, охир ҳазон*”. “*Ёш умрга кўҳистон гулистондир, қари умрга гулистон ҳам гўристондир*” мақолларида булбул-гул, баҳор-ҳазон, гулистон-гўристон лексемаларида антоним семалар мавжуд.

Мақолдаги айрим сўзлар синоним ва антоним семалардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, “*Илиқ сўз – шакардир, совуқ сўз-заҳардир*”. *Илиқ* ва *шакар* лексемалари “*ёқимли*” семасини, *совуқ* ва *заҳар* лексемалари “*ёқимсиз*” семасини ифодаламоқда. Маълумки, “*ёқимли*”, “*ёқимсиз*” семалари ўзаро антоним саналади. Демак, *илиқ* ва *шакар* лексемалари *совуқ* ва *заҳар* лексемаларига зидланмоқда, яъни антоним семали полисемем лексемаларни ҳосил қилмоқда.

Баъзи мақолларда зид маъноли бирликлар иккидан ортиқ бўлиши мумкин: “*Бой бўлсанг – кунда ҳайит, кунда тўй; йўқ бўлсанг – кунда ҳасрат, кунда ўй*” (тарихий мақол). *Йўқ* лексемаси “*камбағал*” семасини ифодаламоқда. Бу сема *бой* лексемаси билан зидланмоқда. Демак, бу зидлик лексема ва сема доирасида юзага келмоқда. Шунингдек *ҳайит*, *тўй* лексемалари “*хурсандчилик*”, “*қувонч*” каби синоним семаларни ифодаламоқда. *Ҳасрат*, *ўй* лексемалари “*ҳафагарчилик*” “*гам*” каби синоним семаларни ифодаламоқда. *Ҳайит*, *тўй* лексемалари *ҳасрат*, *ўй* лексемалари бу семаларида ўзаро зидланмоқда ва антоним семали полисемем лексемалар юзага келмоқда.

Мақолларда антоним семали лексемаларнинг бирикма ҳосил қилишини кузатишимиз мумкин: “*Ёлгончининг рост сўзи ҳам ёлгон бўлур*” мақолида *ёлгончининг рост сўзи* бирикмасида; “*Боланинг тугилгани – ўликнинг тирилгани*” мақолида *ўликнинг тирилган* бирикмасида антоним семалар мавжуд.

Сўз бирикмалари ҳам, сўзлар ҳам тушунчани ифодалайди. Баъзан сўз бирикмалари маъно жиҳатидан сўзга тенг келиб қолади ва лексемалар каби умумий сема остида зидланади. “*Илмсиз-бир яшар, илмли-минг яшар*” мақолида *бир яшар* бирикмаси “*тажрибасиз*”, “*билимсиз*” семаларини ифодаламоқда, *минг яшар* бирикмаси эса “*тажрибли*”, “*билимли*” семаларини ифодаламоқда.

Антитезани юзага келтирувчи энг муҳим бирлик антоним семалар саналади. Шунинг учун асарда ифодаланган мазмунни тўлиқ англашда антоним семалар доирасида олиб бориладиган таҳлилиларнинг ўрни катта. Бадий адабиётнинг барча турларида ҳам антонимлар муҳим тасвирий восита саналади. *Тазод*, *антитеза*, *контраст* каби бадий тасвирий воситаларни антоним лексемалар, антоним семалар ва антоним семалар юзага келтира олиши мумкинлигини юқоридаги мисоллар орқали кўриб ўтдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
2. Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Ф.ф.н.д.дисс.автореф. –Т., 2010.

3. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 1-қисм. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.


4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006; 2-жилд, 2007; 3-жилд, 2007; 4-жилд, 2008; 5-жилд, 2008.

Mushtariy Xolmuradova,
katta ilmiy xodim-izlanuvchi

“QUTADG‘U BILIG” ASARIDAGI AYRIM TEONIMLAR

Teonimlar diniy tushunchalarni ifodalovchi so‘zlar hisoblanadi. Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida islom diniga oid bir qancha teonimlar keltirilgan. Asar XI asrda yaratilgani bois unda islom diniga oid qarashlar yaqqol sezilib turadi.

“Olloh” so‘zining ma’nosini berishda asar muallifi quyidagi turkiy so‘zlardan foydalangan:



Bundan tashqari, Yusuf Xos Hojib asarda arabcha *vohid*, *haliq*, *haq*, *zul calal*, *tangri*, *rab*, *alloh*, *azza va calla* so‘zlarini qo‘llab o‘zaro sinonimik qator hosil qiladi.

Uluğhuq idisi uğan zu'l-calal yaratğan törütgän ma qadir kamäl. “Ulug‘lik sohibi, qodir zuljalol, Yaratuvchi, bino qiluvchi hamda qodir kamol” (2/51)¹.

Asarda Ollohning yerni va undagi jamiki mavjudotni yaratgani borasida ham ilk tasavvurlar mavjud. Xudo olamni yaratishdan avval lavh yaratdi va lavh uzra qalam yaratdi. Ana shundan beri insonning savob-u , gunohlari hisoblanib boriladi.

Törütmästä aşnu bayat bu ‘alam

Törütti yorüti bu lawh-u qalam “Xudo bu olamni yaratmasdan avval, Lavh yaratdi va u uzra qalam yuritdi” (2193/369).

Yusuf Xos Hojib so‘zning ahamiyati to‘g‘risida fikr yuritarkan ekan “So‘z bo‘z yerga moviy ko‘kdan indi” (Yašil kökdin indi yağiz yerka söz) degan jumlaning ishlatadi (QB, 207). Buning bilan u ko‘kdan ingan (nozil bo‘lgan) muqaddas kitoblarga ishora qiladi. Ollohning birgina “bo‘l” deyişidan butun olam va undagi mavjudotlar paydo bo‘ldi. Birgina so‘z bilan butun olam yaraldi.

¹ Baytlarni tabdil qilishda Q. Karimov nashridan foydalanildi: Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билігі”. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. - Тошкент: Фан, 1972. Келтирилган рақамлардан биринчиси асар байтини, иккинчиси нашр саҳифасини билдирди.

Tilädi törütti bu bolmış qamuğ

Bir ök bol tedi boldı qolmış qamuğ “U istadi (va) yaratdı,mavjudot (shunday) vujud bo‘ldi,Vohid (xudo)”bo‘l”dedi, istagan hamma narsa bo‘ldi (3/65)

Asarda “payg‘ambar” ma‘nosida turkiy **yalawaç, sawçï** so‘zlari bilan birgalikda arabcha rasul, nabiyy so‘zlari ham qo‘llangan. Yalawaç asli “elchi” degan ma‘noni bildiradi. O‘rni bilan, u “tangrining elchisi, payg‘ambar” ma‘nosini ham anglatadi. Sawçï – saw (“xabar, so‘z”) asosidan yasalgan, sawçï – “xabarchi, tangrining xabarchisi” degan ma‘noni anglatadi. Hozir qo‘llayotgan sawçï so‘zimizda ham “xabarchi” ma‘nosi bor, biroq u “quda-andalar orasida xabar yetkazuvchi” ma‘nosidadir¹. Payg‘ambarlar ham Xudoning elchisi, xabar yetkazuvchisidir.

Sewüg sawçï idti bağirsaq idi

Buğunda talusi kişidä keði “Mehribon egam sevikli rasul yubordi, (U) xalq orasida sarasi (va) kishilar orasida yaxshisi edi” (33/69).

Muallif bu dunyoga kelish va dunyodan ketishni “qornidan chiqish va qoringa kirish” deb izohlaydi. Bu o‘rinda muallif tug‘ilishni–ona qornidan chiqish, o‘limni esa yer bag‘riga kirish deb ataydi.

Qarındın çıqardıñ qarınqa kirür

Şakardın igidtiñ yılanqa berür “Qorindan chiqarding,qoringa kiraman,Lazzatlar bilan parvarish topdim,ilonlarga yem bo‘laman” (1493/273)

Asarda fors tilidan olingan **farišta** so‘zi ham keng qo‘llanilgan.Insonning dunyodagi barcha qilmishlarini farishtalar yozib borishi haqidagi dunyoqarashlar ham bugungi kunda o‘z ifodasini topgan.

Farišta bitir qul negü qilmışın

İdi ötrü aytur yarın ol işin “Qullari nima qilganini farishtalar yozib yuradi, So‘ng egam u dunyoda uning bu ishlarini so‘raydi” (2194/369)

Asarda islomdagi besh farzlar haqida ham fikrlar bayon qilingan. Jumladan,namozning juma namozi, fariza namozi,jamoat namozi, xufton namozi kabi nomlari keltirilgan. Mahmud Koshg‘ariyning yozishicha, qipchoqlar “namoz”ni yükünç deganlar. Bunga u quyidagi gapni ham misol keltiradi: tejrigä yükünç yükündi – xudo uchun namoz o‘qidi² (MK,III,385). “Qutadg‘u bilig” asarida ham yukunmoq ma‘nosidagi yunun= fe‘li uchraydi.

Seniy anda tapğuy namaz ol biri

Taqı biri ruza tutar sen urı “Sening u yerda (qiladigan) ibodatingning biri namozdir, Tag‘in biri-ro‘za tutasan, ey o‘g‘il” (3188/505).

Muallif asarda u dunyo haqidagi dunyoqarashlarni ham o‘rtaga tashlagan.Jumladan, jannat va do‘zax barasida ham bir qancha fikrlar mavjud. Asar muallifi jannatni **uçmaq** deb ataydi. O‘sha davr dunyoqarashiga ko‘ra yaxshi xulqli inson vafotidan keyin jannatga tushadi va uchib ketadi, deb hisoblashgan.

Eki ew yarattı bu halqqa qamuğ,

Biri atı uçmaq, biriniñ tamuğ. “Bu jami xalqqa xudo ikki uy yaratdi: birining oti jannat, biriniki do‘zah (3597).

¹ Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. -Toshkent, 2009. –B. 220.

² Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. -Toshkent, 2009. –B. 222.

Xulosa qilib aytganda, "Qutadg'u bilig" asari bir qancha sohalarga oid ma'lumotlarni jamlagan qomusiy asar hisoblanadi. Asarda qo'llangan va hozirgi kunda iste'moldan chiqqan bir qancha so'zlar va ular orqali ifodalangan purhikmat fikrlar bugungi kun uchun ham ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Древнетюркский словарь. – Л., 1969.
2. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Toshkent, 2009.
3. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. V jild. – Toshkent: Jahon print, 2011.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилувчи Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1972.

Z.Ochildiyeva, student

NATIVE AND BORROWED WORDS IN ENGLISH

Etymology is a branch of linguistics that studies the origins of words. The origin of words of a particular language is connected with the development of that language. Vocabulary of any language can be enriched by cultural, political or economical relationships. Thus, a word-stock of any language contains two elements: native and borrowed.

English language is known as the richest of the world's languages. Etymological features of the words are rarely studied in English language. However, vocabulary of English language is abound with words, having various origins. As other languages lexicology of English language includes native and borrowed elements.

Native words are words that are not taken from other languages and common to Old English vocabulary. Only 20-25% of words contain native element in English word-stock. There are several subgroups of Native vocabulary in English.

- ✓ Indo-European origin
- ✓ Common Germanic origin

Words, having Indo-European origin are used in Indo-European language family. They are defined according to following semantic groups:

- Words expressing family relations: brother, daughter, father, mother, son;
- Names of parts of the human body: eye, ear, nose, tongue, foot;
- Names of birds, trees, animals: tree, cow, wolf;
- Names expressing basic actions: to come, to know, to sit, to work;
- Words expressing qualities: red, quick, right, glad, sad;
- Numerals: one, two, three, ten, hundred, etc;

Native word having equivalents in German, Norwegian, Dutch, Icelandic languages but not in Russian or French languages. The biggest part of Native vocabulary consists of words of Common Germanic origin:

- Nouns: hand, life, sea, ship, meal, winter, goat, ground;
- Adjectives: heavy, deep, free, broad, grey;
- Verbs: to buy, to drink, to find, to forget, to go, to have, to make, to live;

- Pronouns: all, each, he, self, such;
- Adverbs: again, forward, near;
- Prepositions: after, at, by, over, under, from, for;

Native words can be characterized differently by lexical and grammatical features. For example: a verb "to make" can be differentiated lexically in context.

- 1) She made a decision to begin her project.
- 2) Technology makes our life easy.

In the 1st sentence "to make a decision" is similar to verb "to decide", although in the 2nd sentence "to make easy" is the same with "to facilitate".

From many research works it is clear that 80% words of English vocabulary are borrowed words. Borrowing (a loan word) is a word that is taken from other languages and modified in phonemic shape, spelling, paradigm (a set of linguistic items that form mutually exclusive choices in particular syntactic roles) or meaning according to standards of the English language. Loan words have already become a part of vocabulary of speakers. According to J. Sheard, "Many of the words we shall have to class as "foreigners" will seem at first sight "true-born Englishmen", for they have been part of our vocabulary for centuries, but they have only a "certificate of naturalization", not a right by birth". From this statement we can understand that, plethora of words we are using may seem as native words, but in fact they are taken from other languages. For example, few people realize that the word "garage" is borrowed from French.

English word-stock is replete with borrowings taken from over 120 languages. For instance:

- Japanese: karate, judo, kimono;
- Arabic: algebra, sultan;
- Turkish: yogurt, tulip;
- Farsi: bazaar, caravan, shawl;
- Russian: robot, tundra;
- French: coup, fiancé;

Among languages that influenced on English, French has greatly impacted than other languages. As many words are borrowed from French:

- Government terms: to govern, to assembly, to record;
- Words connected with feudalism: servant, control, money, rent;
- Military terms: battle, soldier, army, defense;
- Words connected with jury: bill, defendant, judge;
- Words connected with art, fashion, food: dance, pleasure, beauty, figure, etc;

There exist borrowings which are originated from different appellations:

- Names of people: boycott, hooligan, watt, saxophone;
- Place names: angora, denim, suede, Spartan, gypsy;
- People who invented them: bowler, cardigan, mackintosh;

There are 2 terms "source of borrowing" and "origin of borrowing" which should be varied:

Source of borrowing is defined as a language from which a word is borrowed. Origin of borrowing is a language by which a word is originated. As an example we can take the word "paper". Its source of borrowing is French (papier), as it was taken from French and its origin of borrowing is Latin (papyrus).

To sum up, English language is an international language and its lexicology is rich of loan words. According to information below, the large number of borrowed words is taken from French. However native words are less than loan words in English vocabulary, borrowings are not used as often as native words.

LIST OF USED LITERATURE

1. Бабич Г.Н. Lexicology: A Current Guide. – Moscow, 2008.
2. Sheard J. The Words We Use. - New York. 1954.
3. ВАрнольд И. Лексикология современного английского языка. М., 1966.

Шахриёр Сафаров,
ф.ф.д., профессор

МАЪНОДАГИ НОАНИҚЛИК ҲОДИСАСИ ТАЛҚИНИДАГИ ФАРҚ

Инглиззабон адабиётларда учраб турадиган ambiguity терминини тилшунос ва адабиётшунослар турлича изоҳлашга одатланиб қолишган. Тилшунослар ушбу термин талқинида эътиборни кўпроқ синтактик қурилмалардаги жуфтмаъноликка қаратсалар, адабиётшунослар эса бу тушунча бадиий асар мазмунини герменевтик талқини муаммоси билан боғлайдилар. Жуфтмаънолик лугавий ёки грамматик кўринишга эга бўлиши мумкин. Генератив тилшунослик вакиллари айтганларидек, грамматик жуфтмаънолик ягона бир сиртки структурага ҳар бири ўз маъносига эга бўлган иккита ёки ундан кўпроқ ботиний структура хос бўлади. Лугавий жуфтмаънолик, полисемия ва омонимия ҳодисаларини фарқлаш борасида бир тўхтамга келилмаганлиги боис, ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган.

Адабий танқид соҳасида ambiguity термини анча кенг маънода қўлланилади. Бинобарин “янги танқид” (the new critics) йўналиши вакиллари парадокс, киноя ва маънодаги ноаниқликни бадиий ижоднинг фарқли жиҳатлари сифатида қарайдилар, ҳамда ушбу ҳодисани микро ва макроконтекстлар доирасида ажратадилар. Бошқача айтганда, маъно ноаниқлиги матннинг маълум бир бўлаги ёки бутун бир асар кўламида намоён бўлиши таъкидланади.

Демак, жуфтмаънолик ва маънодаги ноаниқлик ҳолатларини фарқлаш лозим бўлади. Улардан биринчиси грамматик ва лексик ҳолат бўлиб, бириккинчисини инкор этувчи танлов имконияти мавжудлигини тақозо этади. Масалан, *Visiting relatives can be boring* тузилмасининг “Қариндошларнинг ташрифи зерикарли бўлиши мумкин” ёки “Қариндошларга ташриф кишини зериктириши мумкин” қабилдаги таржималаридан фақат биринигина танлаш керак. Танлов лисоний ва нолисоний муҳит билан боғлиқ.

Бадиий матндаги маънодаги ноаниқлик эса бири иккинчисини инкор этувчи танловга бўйсинмайди, бир неча кўринишдаги талқинлар ёнма-ён туради, турли маънолар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлади ва ўзаро ҳамроҳликда матн мазмуни яхлитлигини таъминлайди. Ўқувчидан турли хил семантик талқин ҳақида бош қотириш ҳамда узлуксиз унинг янги қирраларини излаш талаб қилинади. Бунинг натижасида унда матнга нисбатан “ишочсизлик” уйғонади ва у очик кўриниб тургани мумкин бўлган ягона маъно сифатида қабул қилина бошлайди. Бундай ноаниқликни одатда матн воситасида ойдинлаштириш қийин. Маънолар тўпламини ҳис этиш кўп жиҳатдан ўқувчининг маданий-адабий муҳитни идрок этиш даражаси ва унинг шахсий тажрибасига боғлиқ ҳолда кечади. Мазмун талқини ҳаракатида бўлган ҳар қандай шахс ўзидан олдингилар хулосаларига таянади, зотан сўз – тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Кўринадики, тилшунослар наздида жуфтмаънолилиқ алоҳида бир лисоний шаклнинг икки ёки ундан кўп маънога эга бўлишидир. Адабиётшунос учун эса бу ҳодиса матн мазмунидаги ноаниқлик ва унинг турлича талқин қилинишида намоён бўлади. Жумладан, машҳур шоир Попенинг шеърдан олинган *Whether the nymph shall stain her honour or her new brocade* каторини таҳлил қиладиган бўлсак, тилшунос уни икки қисмга ажратиб (*the nymph shall stain her honour* ва *the nymph shall stain her brocade*), бу қисмларнинг ҳар бири мустақил маънога эга эканлигини тасдиқлаб қўя қолади (“Нимфа ўз номусига иснод келтиради”, “Нимфа кимхоб либосини ифлос қилади”). Бунда *stain* феълнинг кўпмаънолиги асосий вазифани бажаради, албатта. Лекин феълнинг иккита маъноси ягона бир тузилма таркибида бирикканида (*to stain one's honour and brocade*) юзага келадиган мазмуний иккиёқламалиқ ҳолатини полисемия ҳодисаси воситасида изоҳлаш қийинлашади. Бундай ҳолатларда ҳосил бўладиган қурилмаларнинг асосида *to stain* феълнинг кўпмаънолиги туриши равшан. Бироқ ушбу феъл иштирокида тузилган иккита гапнинг (“Унинг номусига иснод келтиради”; “Унинг кимхоб либоси бўлганиди”) ягона синтактик таркибда бирлашиши семантик мослашув талабларига нақадар жавоб бериши аниқлаш муҳимдир.

Шунингдек, бундай мослашув асосида юзага келадиган синтактик тузилмаларнинг мазмунини англашда контекстга мурожаат қилишга ҳам мажбурмиз. Муҳим меъёрлардан бири, сўзсиз, тизимда мавжуд бўлган лисоний қолиплардир. Аммо жуфтмаънолилиқни маънодаги ноаниқликдан чегаралаш учун, худди полисемия ва омонимия ҳодисаларида бўлганидек, трансформацион ўзгартиришлардан фойдаланишнинг самараси кам.

Юқорида келтирилган шеърый каторни адабиётшунос бошқачароқ ўқийди ва таҳлил қилади. Унинг учун тузилманинг одатийлиги ёки ноодатийлиги муҳим кўрсаткич эмас. Таҳлил қилинаётган гап меъёрга мос тузилма сифатида қабул қилинади, чунки шоир *to stain* феълнинг бир-бирига мос келмайдиган икки маъносидан фойдаланган ҳолда ўзига хос таъсир кучига эга бўлган яхлитликни шакллантирмоқда. Таъсир даражасини билиш учун эса ўқувчи шоир маъно сатҳларини бир-бирига қай йўсинда қарама-қарши қўйганлигини сезиши лозим. Келтирилган мисолда семантик қарама-қаршилик ҳартарафлама эканлигини кўрамыз: муаянлик / мавҳумлик, зоҳирлик/ ботинлик, моддийлик/маънавийлик ва ҳоказо. Айниқса, ташқи меъёр талаблари (тозалик, чирой, орасталлик) бузилишини одоб-ахлоқ қоидалари (иффат, софлик) бузилишига қарши қўйилишининг таъсир кучи юқори. Умуман, оддий нарса - ҳодисаларнинг жиддий қадриятларга қарама-қарши қўйилишида оддийнинг муҳимлашуви кузатилади. Муҳимнинг даражаси эса пасайиши мумкин. Тилшунос ва адабиётшуноснинг маъно нотурғунлиги ва ноаниқларига бўлган бундай муносабати уларнинг тил тизими ва унинг ҳодисаларига нисбатан қарашлари бир текис эмаслигида ўз аксини топади. Тилшунос аниқ ифода топадиган қарама-қаршиликлар назарий тавсифи билан банд бўлса, адабиётшунос тўлиқ матннинг фаразли идрокига асосланган талқин-тадқиққа ишонч билдиради (баъзан ушбу талқин хатоликларга олиб келиши ҳам мумкин).

Бошқача айтганда, тилшунос ёки / ёки диалектикасига таянади (у маъноларни фарқлайди ва бўлақларга ажратади), унинг ишонган методи — истисно қилиш. Адабий танқидчи эса маъноларни бир-бирига ёпиштиради ва унинг қўллайдиган усули — қўшиш, улаштириш. Тилшунос тилни тизимли қурилма, синергетик мохиятли ҳодиса сифатида ўрганса, адабиётшуноснинг диққат марказида маълум тарихий муҳитда бирор-бир тажриба, ҳиссиётини тил воситасида қандай ифодаланиши масаласи туради. Адабий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири асар матни ва унинг қисмлари яхлитлигида маънолар “кўп овозлилиги”, яъни полифонияси қандай юзага келишини аниқлашдир. Ушбу полифония доирасида ҳар бир маъно мустақил мавжуд бўлиш билан бир каторда, уларнинг ўзаро муносабати замирида ҳақиқий санъат асари яратилади.

**Одилжон Бозоров,
ф.ф.д., профессор**

ПРЕДИКАТИВ ИНТОНАЦИЯ, УНДАЛМА, АЖРАТИЛГАН БЎЛАК, КИРИШ ВА КИРИТМАЛАР

Ҳозирги грамматиканинг кўп тушунчалари ва таснифлари узоқ ўтмишда, яъни тил (нутқ) ҳодисаларига эмпирик, юзаки ёндашишлар, муҳим-номуҳим белгиларга жиддий эътибор бермаслик, хусусий фан соҳиблари, жумладан, тилшуносларнинг фаншунослик, билиш назарияси (гносеология)га тўлиқ эга эмаслиги, тил ўрганишга фалсафа ва мантиқ методологияларини жиддий татбиқ этмасликлари (ёки эга олмасликлари) натижасида вужудга келган.

Анъанавийлик, ўтмиш илмларига содиқлик айниқса грамматикада кучли. Ўтмиш (ибтидоий) грамматик назария — қондаларнинг фалсафий-мантиқий асослари заифлигини сезган қадимги греклар ким грамматикани кўп ўқиса, аҳмоқ бўлади деган бўлсалар, араблар ким синтаксисни кўп ўқиса, ақлдан озади деган экан. Хуллас, ҳар бир давр аввалги давр назариясига жиддий қараши, уни мукамаллаштириши ва янада ривожлантириши лозим.

Маълумки, туркологияда гап бўлақлари билан алоқага киришмайдиган синтактик бирликларга (ундалма каби) учинчи даражали бўлақ сифатида ҳам қаралган. Бу қарашга қўшилиб бўлмайди. Зеро, “синтактик бўлақ” тушунчаси сўзларнинг “синтактик боғланиши” (мослашув, бошқарув, битишув) тушунчасига (ҳодисасига) асосланади. Хусусан, эга — кесим, аниқловчи — аниқлашмиш, тўлдирувчи — тўлдирилмиш, ҳол — ҳолланмиш каби синтактик жуфтликлар асосида камида икки мустақил сўзнинг ҳоким-тобелик асосида боғланиши туради. Демак, синтактик бўлақ бутуннинг предикатив (эга-кесим) ёки нопредикатив (бошқарув, битишув каби) сўз бирикмаларининг таркибий қисмидир. Хуллас, синтактик боғланишсиз бўлақ йўқ. Шундай экан, гапда бошқа бўлақлар (мустақил сўзлар) билан боғланмайдиган бирликлар деб қараладиган ундалма, ажратилган бўлақ кабилар қандай қилиб учинчи даражали синтактик бўлақ бўлиши мумкин? Шу боисдан учинчи даражали бўлақнинг ажратилиши ўзининг назарий асосига эга эмас.

Мантикий савол туғилади: анъанавий тилшуносликда гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган синтактик бирликлар тушунчаси қандай пайдо бўлади? Ўз-ўзидан тушуниладики, бу тушунча грамматик (синтактик) алоқага киришадиган тушунчасига зид қўйилган. Бу ўринда биз “бор-йўқ” белгиси асосида шакллантирилган приватив оппозицияга дуч келамиз. Шу асосда гапдаги сўзлар грамматик алоқага киришиш-киришмаслик белгисига кўра грамматик алоқага киришадиганлар (гап бўлаклари:эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) ва грамматик алоқага киришмайдиганлар (гап бўлаклари эмас: ундалма, кириш, киритма, ажратилган бўлак) каби зид гуруҳларга ажратилган. Ўз навбатида, биринчи гуруҳ (грамматик алоқага киришадиганлар) таснифнинг иккинчи босқичида ички турларга (эга, кесим, аниқлов, тўлдирувчи, ҳол) ажратилади. Бу тасниф мантиқан асосли. Бунда тўплам (жинс), яъни мослашув, бошқарув, битишув усулларда ҳосил бўлган синтактик бирликлар тўплами, мажмуаси реал гап бўлаклари турларига ажратилади. Тасниф тўплами (жинси) ва турлари ҳажман тенг, реал.

Энди грамматик алоқага киришадиган – грамматик алоқага киришмайдиган приватив оппозициянинг грамматик алоқага киришмайдиган аъзо (тур)си ва унинг иккинчи босқич таснифига эътибор берайлик. Аввало, шуни олдиндан айтиб қўя қолайликки, бу тўплам, яъни гапда грамматик алоқага киришмайдиганлар (муस्ताқил сўзлар ёки бўлаklar) аслида мавжуд эмас. Бу тўплам реалликни акс эттирганлиги учун унинг турлари ҳам (ундалма, кириш, киритма, ажратилган бўлак) ҳам нореал, аслида мавжуд бўлмаган ҳодисалардир. Иккинчидан, “грамматик алоқага киришмайдиган-лар” тўпламининг турлари ҳар хил белгиларни акс эттиради: ундалма (коммуникатив мазмун), кириш (ўрин), ажратилган бўлак (фонетик белги) каби.

Юқоридагиларга асослансак, савол туғилади: аслида бош тасниф, яъни грамматик алоқага киришадиган сўзлар/бўлаklar – грамматик алоқага киришмайдиган сўзлар/бўлаklar таснифи асосли ёки ўринлими? Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, анъанавий тилшуносликнинг гапда грамматик алоқага киришадиган ва киришмайдиган сўзлар ёки синтактик бирликларнинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин деган қараши ва шу асосдаги таснифи моҳиятан нотўғридир. Буни қуйида исботлашга ҳаракат қиламиз.

Сир эмаски, сўз гапнинг ташкил этувчиси, қурилиш материали ҳисобланади. Замонавий синтактик назарияларда фикр (хабар) ифодалаш имкониятига эга бўлган якка сўз ёки сўзлар боғланмаси (қўшилмаси) гап дейилади. Аслида тилнинг марказий бирлиги бўлган сўзга (лексемага) икки вазифа хос. Булардан биринчиси бошқа сўзлар билан бошқарув, мослашув, битишув усулларида бирикиб (синтезлашиб, синтактик бирикиб) сўз бирикмалари ва улар асосида гапни ҳосил қилишдир. Сўз гап ҳосил қилувчи предикатив қўшилмаларда эга, кесим ва нопредикатив қўшилмаларда аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларини бажаради. Сўз махсус оҳанг воситасида якка ҳолатда ҳам гап ҳосил қилади. Буларга атов гап, сўз-гап кабилар қиради. Демак, сўзнинг синтактик жиҳатдан икки тилдаги, яъни гап бўлаги (сўз+синтактик функция) ва гап (хабар ифодалаш) вазифаси бор, ҳолос. Бунда якка сўзнинг гап ҳосил қилиши учун махсус нутқий шароит (контекст) ва

оҳанг талғаб қилинади. Сўз гап бўлаги вазифасини бажара олиши эса учун бошқа сўзлар билан синтактик (мослашув, бошқарув, битишув) боғланиши лозим.

Демак, сўз ҳосил қиладиган синтактик бирликлар гап (якка сўзли ёки сўзлар боғланишидан ташкил толувчи) ва сўз бирикмаси (сўзнинг тобе ёки ҳоким қисм мақомида келиши) асосида вужудга келадиган гап бўлагидир. Айтиш мумкинки, сўзнинг бундан бошқа синтактик функцияси ёки синтактик мақоми ёки функционал тури йўқ.

Энди юқоридаги синтактик асослардан келиб чиқиб, анъанавий синтаксисимизга эътирозлар билдиришимиз мумкин:

1. “Ундалма”, “ажратилган бўлак” кабиларни синтактик бирликлар деб бўладими? – Йўқ, чунки синтактик бирлик синтактик (грамматик) алоқа боғланиш асосида шаклланади. Анъанавий синтаксиснинг ўзи ундалма, кириш сўз кабиларни бошқа бўлақлар (сўзлар) билан грамматик (синтактик) алоқага киришмайди деб турган ҳолда нега уларни (ундалма, ажратилган бўлак) кабиларни синтактик бирлик ҳисоблайди?

2. “Ундалма”, “ажратилган бўлак”, “кириш” кабилар аслида синтактик мақом (турни) кўрсатувчи атамалар эмас. Улар семантик (ундалма), фонетик ходиса (ажратилган бўлак) каби белгилар асосида ҳосил қилинган терминлардир.

Юқорида эслатилганидек, мустақил сўз ё гап, ёки гап бўлаги ҳосил қилиш имкониятига эга, холос. Шундан келиб чиқсак, ундалма, кириш сўз, ажратилган бўлак кабилар бошқа бўлақлар (сўзлар) билан грамматик (синтактик) алоқага кириша олмаганлиги учун улар гап бўлақлари ҳосил қила олмайди. Шундай экан, биз энди сўзнинг якка ҳолатда, бошқа сўзларга грамматик боғланмаган йўсинда ҳам гап ҳосил қилиш имкониятига эга эканлиги ва ундалма, ажратилган бўлак кабиларга булар гап, гапнинг махсус турлари эмасмикин деган нуктаи назардан қарашимиз лозим. Зеро, қўйилган муаммо счими учун бундан бошқа вариант (фараз) йўқ.

Сўз ҳар қандай, хусусан, гап бўлаги ёки гап вазифасини бажариши учун у (сўз) бошқа бир нарса билан боғланиши (қўшилиши) лозим. Сўз сўз билан қўшилиб, гап бўлаги ёки гап вазифасига эга бўлади: **оқ гул** қўшилмасида **оқ** – аниқловчи, **гул** – аниқланмиш; **Осмон мусаффо** (сўз+сўз/эга+кесим=).

Сўз (лексема, атов бирлиги) гап (хабар) ҳосил қилиши учун у махсус ёки предикатив интонация (оҳанг) билан қўшилиши лозим. Масалан, “Наргиза”+чақириш интонацияси: **Наргиза!** Натижада ундаш (А. Ғуломов) ёки вокатив; чақирик (Б. Ўринбоев) ҳосил бўлади: **Наргиза! Бу ёққа кел!** “Наргиза”+салбий ёки эмоционал интонацияси: **Наргиза...Наргиза...Нега бундай қилдинг** (эмоционал сўз-гап) каби.

Маълумки, боғловчисиз қўшма гап содда гапнинг ҳар хил турлари, хусусан, вокатив (чақирик) гапнинг бошқа содда гап билан қўшилиши асосида ҳам вужудга келиши мумкин: **[Наргиза! Буёққа кел.] [Наргиза, буёққа кел.]** Қўришиб турибдики, матндаги **Наргиза!** гапи билан боғловчисиз қўшма гапдаги **Наргиза, гапи** орасида аслида ҳеч қандай вазифавий (функционал) фарқ йўқ: **Наргиза!** матннинг мустақил гапи, боғловчисиз қўшма гапнинг

Наргиза, гапи эса қўшма гап таркибидаги содда гап ёки предикатив (хабар бериш имкониятига эга бўлган бирлик) гапдир. Кўряпмизки, анъанавий синтаксис матндаги **Наргиза!** гапи билан боғловчисиз қўшма гапдаги **Наргиза**, гапи орасига хитой девори қўйиб, **Наргиза** гапини гап ҳам, бўлак ҳам эмас деб унга ўзи турган гапдаги бошқа бўлаklar билан алоқага киришмайдиган синтактик бирлик тамғасини босган. Бундай хато талқиннинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлган? Аввало, ўтмишда гап тушунчаси мантик (логика) асосида шакллантирилган, яъни мантикий ҳукм (субъект+предикат) асосида гап қурилмаси (эга+кесим) белгиланган, шу асосда икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплар тушунчаси ёрдамида иш кўрилган. Барча гапларда эга ва кесим ёки улардан бири албатта иштирок этиши шарт, бусиз ҳукм ва уни ифодаловчи гап бўлмади деган методологик қараш (доктрина) устуворлик қилган. Натижада бир сўзли гаплар, айниқса, уларнинг қўшма гапдаги кўринишлари гап ҳам, нап бўлаги ҳам ҳисобланмаган. Ана шунинг учун ҳам сўз-гапли боғловчисиз қўшма гаплар содда гаплар ҳисобланган. Натижада талқиндаги гайритабиийлик, янгилаиш янада кучайган: аслида моҳиятан сўз-гап бўлган қисмлар (**Наргиза**, ...кабилар) гап ҳам, гап бўлаги ҳам ҳисобланмай уларнинг муҳим белгиси сифатида содда гапнинг бошқа бўлаklари билан “грамматик (синтактик) алоқага киришмаганлик” олинган ва бу синтактик бирликларнинг мақоми, қандай синтактик бирлик тури эканлиги масаласи ҳозиргача очиқ қолган. Шундай қилиб, анъанавий синтаксис тасавуридаги грамматик алоқага эга бўлмаган синтактик бирликли гап содда гап (мураккаблашган содда гап эмас, балки боғловчисиз қўшма гапдир. Анъанавий синтаксисмизнинг содда гапдаги бошқа бўлаklar билан грамматик алоқага киришмайдиган бирликлар ҳисобланган синтактик ҳодисалар аслида сўз-гаплардир. Улар айнан махсус содда гап бўлганликлари учун ҳам ўзлари оид бўлган боғловчисиз қўшма гапнинг кейинги содда гапи билангина (бу содда гапнинг бўлаklари билан эмас) яхлитлигича семантик-синтактик алоқага киришади.

Яқуний хулоса сифатида шуни айтамикки, ҳар бир тилнинг синтаксисида (содда гапида) грамматик жиҳатдан алоқага киришмайдиган бирликлар (сўзлар) йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Ундалма, кириш, киритма, ажратилган бўлак деб тавсифланувчи синтактик бирликлар аслида предикатив интонация, матн, икки бош бўлакли гап муҳити омиллари асосида шаклланган содда гапларнинг махсус турларидир. Биз ҳозирги даврда предикатив интонация, грамматик шаклланган гаплар, матнлар асосида (ёрдамида) шаклландувчи, икки ва бир бош бўлакли гаплардан фарқланувчи боғли (муайян шароит контекст билан узуал боғланган) содда гапларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этишимиз, шу асосда ўзимизнинг анъанавий гап тушунчамизни мукаммаллаштиришимиз, кенгайтиришимиз лозим.

Адабиётлар:

1. Бозоров О. Ёрдамчи сўзлар таснифида кўмакчиларга ўрин борми??? Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. VI китоб. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: Академнашр. - Т., 2013.
2. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. -М., 1968.

Ҳамид Незматов, ф.ф.д., профессор,
Муҳаббат Қурбонова, ф.ф.д., профессор

СЎЗ-ГАПЛИ ГАПЛАР

Маълумки, сўз-гапларнинг ўрганилиш тарихи, тарихи, бу гуруҳга бирлаштириладиган лексик-фразеологик бирликларнинг субстанциал табиати, уларнинг соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётган, сўз-гапсимон каби турлари, модал, ундов, тасдиқ/инкор ва таклиф-ишоралар каби маъновий гуруҳлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда сўз-гапларнинг тилимизда содда гапнинг семантик-функционал шаклланган махсус турини ташкил этиши каби қатор масалалар Рамазон Бобокалоновнинг «Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини» монографиясида (Тошкент, Фан, 2006, 124 бет, ўзбек лотин алифбосида) муфассал таҳлил этилган. Бу монографияда асосий диққат сўз-гапларнинг субстанциал табиатини очиш ва улар мустақил қўлланилишда тилимизда гапнинг грамматик шаклланган содда гап тури {W_{Pm}}дан фарқи бўлган ва семантик-функционал шаклланган содда гап {W_p} рамзи билан шартли ифодаланадиган махсус қурилиш турини ажратишни асослашга қаратилган. Бу асарда сўз-гапларнинг бошқа бир гап таркибида қўлланиши масаласи деярли муҳокама этилмаган. Бу ҳақда мазкур монографияда, жумладан, қуйидаги фикрни баён этиш билан чекланилган: «... содда гап таркибидаги модаллар, кириш сўз ва киритма, шунингдек, ундалмаларни гапнинг тобе бўлаги сифатида қарашлар мавжуддир. Жумладан, А.Сайфуллаев, А.С.Рудневлар уларни учинчи даражали бўлақлар деб санайдилар. Лекин бундай гапларнинг (сўз-гапларнинг) гап таркибидаги бошқа бўлақлар билан алоқаси тамоман. Бундай алоқа синтактик эмас, балки маъновий (семантик)дир. Уларнинг лисоний маъновий ва синтактик структурасида алоҳида гаплик мужассамлашган ва улар бошқа гап таркибига унинг ажралмас таркибий қисми сифатида сингиб кетолмайди, ҳамшиша лисоний алоҳидаликни сақлаб қолади¹»

Сўз-гапларнинг гап таркибидаги мавқе масаласи ўзбек тили қурилишининг субстанциал таққиқи умумлашмаси бўлган дарслик(Сайфуллаева Р. ва б.)да алоҳида таҳлилга тортилмаган. Бу асарда ҳам содда гап синтаксиси қисмида «Гапнинг ундалма билан кенгайиши» ва «Гапнинг кириш ва киритма кенгайтирувчилари» бандларида муҳокама қилиниб, масалага марказ ва унинг кенгайтирувчилари нуқтаи назардан муносабат билдирилган.² Чунки марказ-куршовлик тамойили субстанциал тилшуносликнинг энг асосий тамойилларидан биридир.³ Асар муаллифлари ўзбек субстанциал лингвистик таълимоти янги шаклланаётган илмий талқин жанлиги, ушбу дарслик эса бу соҳадаги изланишларнинг илк умумлашмаси

¹ Мазкур монография, - Б. 47.

² Sayfullayeva R.R. v.b., Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – Б. 364-368.

³ Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини Филол.фанлари д-ри ...дисс. -Тошкент, 2001. –Б.19-59.

бўлганлиги боис унда такомиллаштирилиши, тўлдирилиши, узвийлаштирилиши лозим бўлган ўринлар кўплигини алоҳида таъкидлайдилар¹. Шундай ўринлардан бири айнан шу – сўз-гапларнинг гап таркибидаги ўрни ва мавқеи масаласидир. Зероки, дарсликда морфология бўлимида сўз туркумларининг мустақил ва ёрдамчи туркумлари билан бир қаторда ўзига хос бир ички тўплами сифатида ажратиладиган ва модал, ундов, тасдик/инкор ва таклиф-ишораларни бирлаштирувчи тўплами сифатида бериладиган сўз-гапларнинг морфология бўлимидаги тавсифи билан унинг синтаксис қисмидаги талқинида маълум даража узилиш мавжуд. Бу узилиш, энг аввало, шундаки, морфология бўлимида семантик-функционал шаклланган гап (СФШГ) тушунчаси берилади ва унинг ҳақида шундай фикр билдирилади: «семантик-функционал шаклланган гап грамматик шаклланган гап {W_{Pm}}дан фарқ қилади ва кесимлик маъноси сўз-гапта лексик бирликнинг ёки атов бирлиги {W} нинг ўзида мужассамланганлиги туфайли лисоний журилиш қолипи {W_p} сифатида берилган²». Лекин синтаксис қисмида, жумладан, содда гап ҳақидаги банду бўлимларда баҳсу тавсиф ҳ а м и ш а {W_{Pm}} минимал ЛСҚли (яъни грамматик шаклланган - ЛШГ/) гап ҳақида боради, {W_p} минимал қолипли СФШГлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ – бундай гапларнинг асоси бўла оладиган сўз-гаплар юқорида, санаб ўтилганидек, ундалма ва кириш (киритма) кенгайтирувчилар сифатида берилган. Бунда ундалма сўз (эга мавқеида келган сўзнинг), киришу киритмалар эса гап кенгайтирувчиси сифатида талқин қилинган. Илмий таснифда асосий талаблардан бири мантиқий изчиллик ва давомийлик эканлигини ҳисобга олсак, сўз-гап марказли гаплар бир ўринда СФШГ сифатида баҳоланиб, тасниф этилдими, бу белги таснифнинг барча бўғинларида изчил сақланиши керак.

Ундалма мавқеида келган лисоний бирлик моҳиятан ундовсимон (яъни функционал жиҳатдан шу қўлланилишда сўз-гап тўпламига мансуб)³ бирлик бўлганлиги боис ёйик/йигик ундалмали гаплар ҳам сўз-гапли гаплар, яъни {W_p} ва {W_{Pm}} минимал журилиш қолипли гаплар бирикуви сифатида тасниф этилиши керак. *Аллоҳу акбар, саллаллоҳу алайҳи васаллам, раҳматуллаҳу алайҳ...* каби экзотик бирликлар ҳам, *барака топқур, қўли дард кўрмасин...* каби қарғишлар ҳам ундовсимонлар ёки модалсимонлар сифатида тасниф этилиши боис таркибида бундай сўз-гаплар қўлланилган синтактик қурилмалар ҳам сўз-гапли гаплар (СГГ) сифатида тасниф этилиши лозим. Албатта, биз бу ўринда *Неварам, барака топқур, мендан хабар олиб туради; Бу тўхматни ҳасадчи муттаҳам – тилига чипқон чиқсин – чиқарган ва тарқатган* турдаги қўлланилишларни назарда тутамиз. Бундай қўлланилишда, дарсликнинг 366-бетида *Мен сизга айтсам, бир кунда уч маҳал шаҳарга қатнашининг ўзи бўлмайди* қурилмасидаги *мен сизга айтсам* қисми ҳақида асосли равишда таъкидлаганларидек (бу ерда

¹Sayfullayeva R.R. v b , Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: Fan va texnologiya., 2010. - B.7

²Мазкур асар, - Б. 270.

³Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини. – Тошкент: Фан, 2006. - Б.94-95.

«ишонтириш» маъноси ифодаланган), *тилига чиққон чиқсин* кабилидаги бирликлар таркибий қисмларга ажратилмайди, яхлит битта номинатив бирлик - СФШГ сифатида олинади ва бутун қурилма сўз-гапли гап (СГГ) деб баҳоланиши лозим.

Бу ўринда (1) *Мен сизга айтсам, бу топириқни бир кунда бажариб бўлмайди* ва (2) *Албатта, бу топириқни бир кунда бажариб бўлмайди* каби икки хил қурилманинг моҳиятини аниқлаш масаласи ўртага чиқади – иккинчи қурилма, шак-шубҳасиз, сўз-гапли гап, аммо биринчиси-чи? Лекин бу бевосита синтактик таҳлил билан алоқадор эмас – синтактик нуқтаи назардан бу қўлланилишда «*мен сизга айтсам*» бутунлигича – сўз-гап сифатида - таҳлил қилиниб, бутун қурилма сўз-гапли гап сифатида баҳоланиши ҳам, сўз-гап сифатида баҳоланмай, бутун қурилма киритмали гап сифатида ҳам тасниф этилиши мумкин. Бунда дастлаб «*мен сизга айтсам*»нинг сўз-гапларга муносабати аниқланиши ва шу асосда изчил тасниф олиб борилиши лозим. Худди шу гапни (1)*Тахминимча, ҳосил 50 қопдан кам бўлмайди.* ва (2) *Албатта/шубҳасиз/эхтимол..., ҳосил 50 қопдан кам бўлмайди.* Қурилмалари ҳақида ҳам айтиш лозим. Иккинчи қурилма - сўз-гапли гап, биринчисининг табиати эса *тахминимча* сўзининг баҳоланиши билан боғлиқ – у сўз-гап сифатида баҳоланса, қурилма сўз-гапли гап деб, равиш сифатида баҳоланса, киритмали гап деб тасниф этилиши керак: мантиқийлик ва илмий изчилликнинг талаби шу.

Энди яна бир савол туғилади: сўз-гапли гапнинг ўзи нима? Содда гапми, қўшма гапми? Изчил мантиқ тилимизда семантик-функционал шаклланган гаплар ва грамматик шаклланган гаплар мавжудлиги тан олинган тақдирда «*Албатта, келади*» қурилмасида икки хил қурилишли гап мавжудлигини эътироф этишни талаб қилади. 1-қисм (*Албатта*) - семантик-функционал шаклланган гап; 2 – қисм (*келади*) грамматик шаклланган гап. Бу хил гаплар Л.Раупованинг докторлик диссертациясида ҳам полипредикатли гаплар¹ сифатида, формал тилшуносликда мураккаблашган содда гап² сифатида эътироф этилган. Биз эса субстанциал таҳлил тамойилларига асосланиб, бундай гапларни юқорида таъкидлаганимиздек, сўз-гапли гаплар тушунчаси билан ифодаланиши тавсия қиламиз. Сабаби мураккаблашган содда гап ёки полипредикатли гап тушунчаларининг мазмун мундарижаси ўз ўлчов мезонига боғлиқ ҳолда сўз-гапли гаплардан бошқа синтактик қурилмаларни ҳам қамраб олади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қайси талқин ўз илмий асосига эга. Уни мураккаблашган содда гап ёки қўшма гап сифатида баҳолаш эса тилшуносниг илмий нуқтаи назарига ва методологик асосларига боғлиқ. Бизнинг илмий талқинимизга кўра қуйидаги икки матндаги жуфт рақамли ва тоқ рақамли ҳосилалар орасида зотий фарқ йўқ:

- Бу гапга кулоқ соласизми?

1. – Ҳа. Албатта. Кулоқ соламан.

2. – Ҳа, албатта, кулоқ соламан.

¹ Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи. Филол. фан. д-ри ... дис. - Тошкент, 2012.

² Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. –Б. 139-157.

3. Баҳор келди. Гуллар очилди.

4. Баҳор келди, гуллар очилди.

Ўзаро маъновий алоқадорликка эга бўлган 1- ва 2-, шунингдек, 3- ва 4- мисоллар орасида оҳанг фарқлари мавжудлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Нега энди «3. Баҳор келди. Гуллар очилди» билан «4. Баҳор келди, гуллар очилди» орасидаги оҳанг фарқлари грамматик боғланганлик белгиси бўлган ҳолда «1. Ҳа. Албатта. Қулоқ соламан» билан «2. Ҳа, албатта, қулоқ соламан» орасидаги шундай фарқ «грамматик боғланганлик» белгиси бўлмайди?! Микдоран кўп бўлган сўз-гапсимонларни ажратиш, уларнинг, бир томондан, бу тўпламнинг ички маъновий гуруҳларига, иккинчи томондан, фраземаларга муносабатлари, сўз-гапли қурилмаларнинг уюшиқ бўлакли, ажратилган бўлакли, киритмали гаплар билан алоқалари, сўз-гапли гапларнинг синтактик таҳлил тамойиллари устида ўйлаш ва асосли ҳукм чиқариш лозим. Бу каби масалалар тадқиқи субстанциал синтаксиснинг галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини. – Тошкент: Фан, 2006.

2. Sayfullayeva R. va b., Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: Fan va texnologiya, 2010.

3. Раупова Л. Диологик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи. Филол. фан. д-ри ... дис. - Тошкент, 2012.

4. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурулишининг талқини. Филол.фанлари д-ри ...дисс. -Тошкент, 2001.

5. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

**Толиб Эназаров,
ф.ф.д., профессор**

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ ХУСУСИДА

Инсоният тарихида ҳаёт учун энг зарур нарсалардан бири бу китобдир. Чунки унинг қаърида билим ва яширин ҳолда қанчадан-қанча кашфиётлар муҳрланган. Фақат ва фақат уларни билиш, билганларини амалга ошириш учун китоб(лар) мутолаасига жиддий киришиш керак, холос. Бу жараёнини эса одил ҳам адолатли ҳукуратимиз ҳам, давлатимиз ҳам талаб қилишгани каби бугунги илм-фан жадал ривожланаётган давр ҳам эътироф этмоқда. Демак, ёшларнинг, жумладан, талабаларимизнинг мутолааси жараёнларига жиддий муносабатда бўлиш вақти келди.

Китоб ўқиш ва мутолаа қилиш маданиятининг шахс ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини тўғри белгилаган ҳукуратимиз номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича

комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойишга имзо чекди. Ушбу фармон биз зиёлиларни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ¹.

У халқимизнинг мутолаа маданиятига бўлган ўзига хос эътирофию хурматининг қонуний рамзидир. Зеро, экинсиз жойда экин ҳақида гапириб бўлмайди, бироқ бизнинг юртимизда жаҳон илм-фани ва маданиятининг пойдеворини яратишган Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Замахшарий, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Исмойил ал Бухорий, Имом ат Термизий, Яҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби не-не улуг алломалар яшаб, ижод этишганлигининг ва уларнинг анъаналари бугун ҳам талаба ёшларимиз томонидан давом этаётганлигининг белигисидир. Ушбу фармойиш ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларда зарур мутахассисликларининг мазмунини ўзида ифодаловчи бадиий, умумқасбий ҳамда касбий китобларнинг мутолааси, мутолаа жараёнлари, мутолаа қилиш методикаси ва мутолаа маданиятини намунали даражада ривожлантириб, юксалтириш истиклол даврининг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Зеро, “Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир” (Амир Темур). Бу фикр китоб мутолаасининг аҳамиятига ХУ асрдан туриб берилган одилона баҳо ҳисобланади.

Авалло “Мутолаа маданияти” термин ва тушунчасининг маъносини билиш керак. Бу термин мутолаа ва маданият шаклидаги икки сўздан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталиш ўринлидир: “Мутолаа [а. — диққат билан ўқиш; ўрганиш] Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш”².

“Маданият [арабча шаҳар, цивилизация]:

1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи.
2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси.
3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат.
4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит.
5. Қишлоқ хўжалигида ўсимлик ёки экиннинг турларини етказиш, ўстириш, етиштириш. Маданиятли маданиятга эришган, маданиятни эгаллаган; маърифатли”³. Бу икки сўзнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган *мутолаа маданияти* термини эса “Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш ва

¹ “Мутолаа маданияти” фанининг намунавий ва ишчи ўқув режаларини тузишни шу йилнинг март ойидан бошладим. Улар яқунлангач, проф. А. Собиров, проф. Б. Абдушукуров, доц. М. Абдурахмоновлардан тақриз олгандим. Проректор Иброҳим ака Йўлдошевнинг таклифи билан ректоримиз Ш. Сирожидиновга 2-июнда тушдан кейин олиб кириб кўрсатдим. Домла маъқуллаб, “Таржима факультетига қўйиш керак”, дедилар. 6-июнда эса Б. Каримовни чақириб, “1-курсга шу фани ўтишлар”, дебди. Бу соҳадаги бошлаган амалий ва назарий кузатишларим президентимиз фармонининг ижроси оммалашиб, ўқув курси сифатида ўтилиши мўлжалланди.

² Ўзбек тилининг изоҳли дугати Тошкет, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-том. 770-бет

³ Ўзбек тилининг изоҳли дугати Тошкет, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-том. 712-бет.

жамиятнинг мутолаада қўлга киритган ютуқлари мажмуи” маъносини ифодалаб турибди

Мутолаа арабча сўз бўлиб, “диққат билан ўқиш; диққат билан ўрганиш” деган маъноларга эга умумистеъмордаги сўзлардан бири. Агар мутолаа сўзига маданият сўзини қўшсак, ҳосил бўлган мутолаа маданияти бирикмасидан: «Нимани ўқиш керак?», «Қандай ўқиш керак?», «Қай тарзда ўргатиш ва ўрганиш лозим?», «Китобни қандай ўқиш фойдали?» деган (ДТС талабларига) саволларга жавоблар ўз-ўзидан келиб чиқади.

Мутолаа маданияти бирикмали терминлардан бири бўлиб, айтилган вақтда унга маънода қўлланади:

1) мутолаа, мутолаа жараёнларининг ташкил этилиши муаммолари билан шуғулланадиган соҳанинг номи – Мутолаа маданияти;

2) мутолаанинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланадиган ўқув курсининг номи – “Мутолаа маданияти”;

3) ўқиш ҳамда ўқишнинг бир бутунлигини англатадиган жараёнлар мажмуи.

Мутолаа, мутолаа жараёнларини шундай ташкил этиш керакки, у китобхонларда тансиқликни ҳис қилдирсин ва яна ҳам истаб юрсин. Бу ерда тансиқлик сўзига изоҳ берсак, фикримиз яна ҳам ойдинлашади: “**Тансиқ (арабча — териш, тизиш; тартиб билан жойлаш; мувофиқдашув; нодир, камёб нарса]** 1. Кам қилинадиган ёки бирор жойда кам бўладиган, лекин севиб ейиладиган. 2. Умуман, кам топиладиган, кам бўладиган, кам учрайдиган; ноёб”¹. Демак, мутолаа “кам топиладиган, кам бўладиган, кам учрайдиган; ноёб”, жараёнларнинг мажмуи бўлиши керак.

Шу ўринда яна қуйидаги ёзма шаклдаги тарихий фактни ҳам мутолаанинг аҳамиятини кўрсатувчи далиллардан бири сифатида эътибордан четда қолдирмаслик керак: Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида ўғли Гилоншоҳга қараб, *сен шундай гапиргинки, сенинг гап-сўзларинг одамларни шундай лол қилсинки, улар сенинг гапларингни эшитишни хумор қилишиб юришсин*, деган фикрни айтади². Агар бу ерда қўлланган хумор сўзи арабча бўлиб “[**а. — (ичкиликдан) карахтлик, бош огриги]** 1. **от** Одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чанқоқлик; муштоқлик, зўр истак. 2. Бирор нарсага эришувга, етишувга иштиёқи баланд, орзуманд; муштоқ”³, деган маънолари борлигини ҳисобга олсак, Кайковус қўллаган хумор сўзида “*Одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чанқоқлик; муштоқлик, зўр истак*”, деган маъно борлигига гувоҳ бўламиз. Демак, муаллиф бу фикрида мутолаа, мутолаа жараёнлари билан боғлиқ бўлган дилкаш ва самимий нутқ ҳақида мулоҳаза юритиляпти.

Талаба ёшларимиз ва умуман, барчани ўқиш, ўқиш ҳамда мутолаа жараёнларини ҳар томонлама юксалтириш, мукамал ҳолатга келтириш учун эса китоб мулоқоти-мутолааси ва мутолаа маданиятини яхши ўзлаштириган

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2006. 3-том. 668-бет.

² Қаранг: Кайковус. Қобуснома... Тошкент, 1991.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2006. 4-том. 424-бет.

бўлишлари шарт. “Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз» деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз” (И.Каримов. “Юксак маънавият – энгилмас куч”). Бу иқтибосда ҳам жамиятимиз аъзоларининг тил маданиятига эришиши, албатта, ўқиш, уқиш ва мутолаа маданиятисиз бўлмаслигига ишора бор. Чунки яхши гапириш учун энг аввало ўқиш, ўқилган китобларни уқиш ва гапиришга ўрганиш керак. Шу ўринда таъкидлаш керакки, юқорида гапиришга ўрганиш эса мутолаа жараёнларсиз амалга ошмаслиги ҳам буюк ижодкор Алишер Навоийнинг шеърий шаклдаги ҳикматли сўзи билан берилган.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг юқорида тилга олинган фармойиши ёшларни китобхонликка, китоб мутолаасига ундаш билан, шунингдек, илм-фан соҳаларида янгидан-янги кашфиёт қилувчиларни излаш ва рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Акбаржон Ҳасанов,
ф.ф.н., доцент

БАДИЙ МАТНДА БАРҚАРОР БИРИКМАЛАРНИНГ ПОЭТИК АКТУАЛЛАШУВИ

Ўзбек тилшунослигида бадий матннинг лингвопоэтик таҳлилини ривожланишида Х.Дониёров, С.Мирзаев, И.Кўчқортоев, Н.Маҳмудов, Б.Умуркулов, И.Мирзаев, М.Йўлдашев каби олимларнинг хизматлари катта бўлди¹. Улар бадий асар тилининг стилистик, бадий-эстетик жиҳатларини текширдилар. Бадий матнда барқарор бирикмаларнинг таҳлили масаласи хусусида бир талай ишлар қилинганига қарамай, мазкур мақолада биз ҳам бу мавзуда ўз қарашларимизни ифода этмоқчимиз.

Академик лицей дарслигида барқарор бирикмаларга куйидагича таъриф берилган: Икки ва ундан ортик сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил бириклари барқарор бирикмалар дейилади. Барқарор бирикмаларнинг энг характерли белгилари куйидагилар:

¹ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: Ўзбекистонда, 1962; Кўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Т., 1975; Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии): Дисс... доктора филол.наук. – Т., 1992; Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлики: Фил.фан. доктори... дисс автореферати. – Т., 2009.

1. Нутқ жараёнига қадар тилда мавжудлик: нутққа тайёр ҳолда олиб киришлик.

2. Маъно бутунлиги.

3. Тузилиши ва таркибининг барқарорлиги. Барқарор бирикмалардан ўринли фойдаланиш нутқ гўзаллигини таъминлайди, шунинг учун улар нутқимиз кўрки ҳисобланади.

Барқарор бирикмаларни ўрганувчи тилшунослик бўлими паремиология (лот. *парема* — барқарор, *логос* — таълимот), барқарор бирикмалар лугатини тузиш муаммоларини ўрганувчи бўлим эса паремиография (лот. *парема* — барқарор, *графҳо* — ёзмоқ) саналади. Барқарор бирикмалар нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши, таркибий қисмларининг барқарорлиги белгисига кўра умумийлики ташкил этса ҳам, маъно бутунлиги нуқтаси назаридан турличадир. Шунга кўра барқарор бирикмалар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Фразеологизмлар.

2. Мақол ва маталлар.

3. Афоризмлар.

Барқарор бирикмаларнинг бир гуруҳи таркибидаги сўзлар маъно жиҳатдан уйғунлашиб, мазмуний яхлитликни вужудга келтиради ва кўпинча мазмунан бир лексемага тенг келади ва кўчма маънода ишлатилади. Масалан, *қулоғи динг бўлмоқ* — *ҳушёр бўлмоқ*, *қовоғи осилмоқ* — *хафа бўлмоқ*, *оғзининг таноби қочди* — *қувонмоқ* каби¹.

Дарҳақиқат, нутқий жараёнида фикримизни баён қилиш учун сўзлар ёрдамидагина эмас, балки бир неча сўзларнинг барқарор боғланишидан ҳосил бўлган бирикмалардан ҳам фойдаланамиз. Масалан, *Тошкентдаги истиқлол даврида қурилган иншоотларни кўриб, оғзим очилиб қолди*. Бу гапда *оғзим очилиб қолди* бирикмаси сўзловчи томонидан нутққа тайёр ҳолда олиб кирилган. *Оғиз очилиб қолмоқ* бирикмаси нутқ жараёнига қадар ҳам тайёр ҳолда барқарор бирикма сифатида мавжуд ва мазмунан бир лексема *ҳайрон бўлмоқ* лексемаси ифодалаган маънога тенг келади. Ёки *ер ҳайдамасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, дейди халқимиз*, жумласида *дейди халқимиз* бирикмаси таркибидаги сўзлар ўзаро эркин боғланган бўлса, ундан олдинги сўзлар сўзловчининг нутқига қадар халқимиз томонидан яратилган, тилимизда тайёр ҳолда сўзларнинг худди шундай таркибини доимий саклаган ҳолда мавжуддир. Хўш, шундай барқарор бирикмаларнинг ёзувчилар томонидан бадиий матнга олиб кирилишидан мақсад нимада?

Барқарор бирикмаларнинг бадиий матнда ифодаланиши адибнинг поэтик маҳоратини намоён этиб беради. Масалан, устоз А.Қаҳҳорнинг ўз ҳикояларига эпиграф танлашдаги маҳоратига эътибор қаратсак. Алиб ҳикояларига халқ мақолларининг энг гўзал намуналаридан фойдаланиб, мавзуни усталик билан очиб берган. Жумладан, “Ўғри” ҳикоясига “Отнинг ўлими – итнинг байрами”, “Бемор” ҳикоясига эса “Осмон йироқ, ер қаттиқ” каби барқарор бирикмаларни эпиграф қилиб олиниши асар мавзусини янада ёрқинроқ очиб беришга хизмат

¹ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2-босқич талабалари учун дарслик. – Тошкент: Илим нис, 2010.

килади. Ойбек домланинг деярли барча асарларида барқарор бирикмалардан усталик билан фойдаланганини кузатамиз: Арава бўлса алмисокдан қолган, яна синибди. Аравани курук олиб қочиш эви билан-да, аввал бурнингни арцангчи... Йўқлаб келибсан, бошим осмонга етди. Қизлар ҳар замонда ишдан бош кўтариб, бир-бирига гап отишади. ...Амада ишни издан чиқариб юборибсиз. Кавушини тўғрилаб қўйиш керак: қурилишни ҳам, коллективни ҳам сарик чақага сотади. Ҳожи хола кўзи илиниб, энди хуррак ота бошлаган эди. ...Унинг кўзлари кинидан чиқаёзди (*Ойбек*.)

Тоғай Муроднинг барқарор бирикмалардан усталик билан фойдаланганлик маҳоратини кузатсак: Қор лайлаклаб-лайлаклаб ёғди. Қор ерга тушиб-тушмай ёғди. Лайлакқор таққа тинди. Ерда қор тугул, нам-да бўлмади. Қор ҳавоси-да бўлмади. Ўйнаб қўяй, бундайин ҳавони оти нима бўлди? Қор ёғмади, дейин, дедим — ҳавода лайлаклаб қор ўйнади. Лайлаклаб қор ёғди, дейин, дедим — ерда қордан нишона бўлмади. Дехқон бундай ҳавони:

- Тулки қизига тўй берди, — дейди.

Кечаси йигилишда раисимиз кундалик яганани сўради. Йўл-йўриқлар берди.

Шунда раисимиз олдида турган телефон жиринглади.

Раисимиз телефонда салом-алик қилган бўлди.

Гап-сўзидан билдим — раисимиз идеология билан гапиришди. Об-ҳавони гапиришди. Чайнаб-чайнаб гапиришди.

Раисимиз шарақлатиб телефон дастасини ташлади. Деразага қараб, лаб бурди.

— Тавба. — деди, — ажаб вакиламиз бор-да! «Колхозларингда қор ёққан эмиш, гўза нима бўлди?» дейди.

— Қор ёққан, тулки қизига тўй берди, десам, «Тулкиям тўй қиладими?» дейди...

(*Тоғай Мурод. «Отамдан қолган далалар»*)

Хуллас. барқарор бирикмалар бадиий матннинг поэтик актуаллашувини таъминлашда асосий восита сифатида хизмат қилади.


**Зиёдахон Тешабоева,
мустақил тадқиқотчи**

“БОБУРНОМА”ДАГИ “МУЛОЗАМАТ” КОНЦЕПТИ

Маълумки, теурийзода, гайриоддий истеъдод эгаси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарини бутун умри давомида ёзди ва ушбу асар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди. Олимларимиз “Бобурнома”нинг дунё халқлари томонидан қайта-қайта ўрганилишини фанда илмий ҳодиса сифатида талқин қилишмоқда. “Бобурнома” лексикаси фразеологик бирликларга шу қадар бойки. ундаги кўп ибораларнинг ҳозирги замон ўзбек адабий тили илдизлари унинг асарларидан озуқа олаётганлигини гувоҳи бўламиз. Асарда қўллаган фразеологик бирликлар, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар ҳозирги

кунда ҳам ўз жозибасини йўқотмай, фикр ва туйғунинг равшан ифодасини топади.

“Мулозамат қилмоқ” ФБ (фразеологик бирлик) “Бобурнома”нинг 94 жойида ўз ифодасини топган. Қуйидаги “мулозамат қилмоқ” кластерини кузатайлик:



“Бобурнома”да ФБлар жуда кўп қўлланган, лекин бугунги кун ўқувчисининг иқтидори унинг маъносини англаб этиши бироз мушкул. Ёки тавозе *мулозамат* этикетининг кўринишлари қуйидаги сўзлар орқали ифодаланганда: *букилмоқ-таъзим қилмоқ* ва *юқунмоқ-тиз чўкмоқ*. *Юқунмоқ* “эгилмоқ, тиз чўкмоқ” маъносини билдирган оддий сўз бирикмаси кўринишидаги ФБларнинг маъносини фарқлаб олиш қийинроқ кечади. *Юқунмоқ* феъли фақат жисмоний эгилиш эмас, “бутун вужуди, борлиги билан эгилиш” маъносини англатади, рухий ҳолат, ҳаракат, инсоний эҳтиромни ифодалайди: “кўрушурда *уч қатлаюқунуб*, ёнганда ҳам *уч қатла*, сўрганда ва тортук тортқонда *бирор юқунди*”¹. “Астойдил, кўп бора эгилиш” тушунчаси *қалин юқунди* бирикмасида кўзга ташланади: “Тортик тортқанда ҳам *қалин юқунди*” (103а). Юқуниш шахс билан юзма-юз кўришиш жараёнида бажарилган: “Кўрушур ерга этишиб тўкқуз қатла *юқунуб келиб кўрушти*” [2,103]. Ҳаракатнинг такрорийлиги меъёрдан ошса, бу тавозедан кўра кўпроқ узр, авфни ифода этган. “Йиргимма беш, йиргимма олти қатла *паё-пай юқунди* ва борди ва келди” [2,123]; *борди* ва *келди* сўзлари юқунишнинг юқори даражасидан кейинги ҳаракат-ҳолатни ифодалаган. Шу билан бир қаторда *мулозамат қилмоқ* мазмуни турлича ҳолатда турлича маънони англатади. Бу фикрдан кўриниб турибдики, асардаги *мулозамат қилмоқ* айнан кўпқамровли маънолари мавжудлиги ва ФБ маъносини ҳам ўзига камраб олади [1,176].

Мулозамат қилмоқ ҳозирги адабий тилда ва оғзаки нутқда ҳам ижобий маънода қўлланади. *Мулозамат қилмоқ* ФБ маънолари: *мулозимлик қилмоқ*-вазифа ёки лавозим маъносида; *бош эгмоқ; тавозе қилмоқ* ФБ; *меҳмон қилмоқ; гина қудуратларни ювмоқ* ФБ; *учрашгани келмоқ; қариндошини йўқлаб бормоқ; хизматига кирмоқ* кабилар.

Миллий-маданий ўзига хосликни ифодалаган ва кўчма, ижобий маънода қўлланиладиган, айнан ўзбек миллатида учраб турадиган маданият белгиси.

¹БОБУР энциклопедияси. –Т. Шарқ, 2014. –Б. 744.

маънавий турмуш тарзи сифатида мулозамат қилмоқдаакс этади,бу эса “Бобурнома”дан келтирилган парчада куйидагича берилади:

Нечукки, мазкур бўлди, хотирга еттиким, ора мунча ёвуқ бўлгонда хон, чун ота огадурлар, бориб мулозамат қилсам, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарага яхши бўлғай деб келиб, Шохрухиядан ташқари Ҳайдарбек солгон боғда хонга мулозамат қилдим [2, 51].

Юқоридаги жумлада бориб мулозамат қилсам ФБи инглизча таржималарда турлича акс этади. Юқоридаги парчанинг “Бобурнома”ни биринчи инглиз таржимонлари (1826) Ж.Лейден ва Вильям Эрскинларникида куйидагича берилади:..., *that it would enable me to form a nearer and better idea of the real state of things at his court. Having formed this resolution, I went on, and waited on the Khan in the neighborhood of Shahrokhia, in a garden which had been laid out by Haydar Beg [4, 34].*

Таржиманинг мазмуни:..., *унга яқин бўлиш мени журъатли қилади ва чинакамига унинг саройида бўлиш фикрибу ерда бўлганданкўраяхшироқдир. Шундай қарорга келиб, мен бордим ва Шохрухиянинг ёнида жойлашган Ҳайдар Бек томонидан солинган боғда Хоннинг келишини кутиб турдим. Бориб мулозамат қилсам-to form a nearer-яқинроқ бўлсам тарзида акс этган бўлса, кудуратлар рафъ бўлғайнинг таржимаси саройида бўлиш фикри яхшироқ деб берилади.*

Энди юқоридаги аслият парчаси (1921) С.Беверижда: *It occurred to me that if since I was so close, I went and waited on him, he being, as it were, my father and my elder brother, and if bye-gone resentments were laid aside, it would be good hearing and seeing for far and near. So said, I went. I waited on The Khan in the garden Haidar-Kukiilddsh had made outside Shahrukhiya [3, 54].*

Таржиманинг мазмуни: Хотирамга келдики, агар мен унга шунчаликяқин бўлсам, отам, ака-укаларимдан ўтган хафагарчиликлар барҳам тоғай, буни узоқдан туриб эшитгандан кўра, яқин бўлиб кўрган афзал. Шундай қилиб мен бордим. Мен Хонни Шохрухиянинг ташқарисидаги Ҳайдар кўкалдош солдирган боғда кутдим.Бундабориб мулозамат қилсам-if since I was so close-агар мен унга шунчалик яқин бўлсам, кудуратлар рафъ бўлғай-хафачиликлар барҳам тоғай тарзида берган.

“Бобурнома”нинг сўнги таржимони (1996) В.Текстонда: *It crossed my mindthat since the distance was slight and the khan was like my father and elder brother, if I were to patch up our past differences, it would have excellent propagandistic value. So saying, I went to pay homage to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shahrukhiya [5, 38].*

Таржиманинг мазмуни: Миямда бир фикр айланардики, Хон узоқ бўлса ҳам акам ва отам каби қондошдир, агар уларни йўқлаб бориб, ўтган кудуратларни юмшатсам(силлиқласасам) кадрлашга лойик энг яхши тарғибот қилган бўламан. Шундай ўй билан Шохрухия ташқарисидаги Ҳайдарбек қурган бокқа хонни йўқлаб бордим. В.Текстондаги бориб мулозамат қилсам ФБи to pay homage-йўқлаб бормоқ, бориб кўрмоқ инглизча if I were to patch up-ўтган кудуратларни юмшатсам тарзида таржима қилинган. В.Текстон таржимада бориб кўрсам, йўқлаб борсам, таширф буюрсам каби “to pay homage”нинг кенг

қамровли мазмунини айни мулозамат қилмоқнинг муқобилини ифодалаган. Мулозамат қилмоқ ҳар уч турдаги Ж.Лейден ва Вильям Эрскин, Сусанна Бевериж ва Вильер Текстонларнинг таржималарида мазмунан акс этган дейиш мумкин. Лекин Ж.Лейден ва Вильям Эрскин, Сусанна Беверижларнинг таржимасида мулозамат қилмоқнинг маъносини акс эттирсалар, Вильер Текстон ФБ орқали, образли ифода этади. Услубан етук ва мумтоз асар “Бобурнома”нинг таржимасини яратиб, ҳар бир таржимон ўзининг таржима услубини яратган. Бу каби нодир асар таржималарининг бир эмас, бир неча марта чоп этилиши иборалар, мақол ва маталлар муқобилларининг яратилишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002.
3. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. – London, 1921.
4. Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan and London.
5. Thackston Wh. M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. – New York, 1996.

Б.Эшгўhtarova,
ўқитувчи

БАДИЙ МАТНДА ИМПЛИЦИТ АХБОРОТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Бадий матндаги имплицит ифодаланадиган фикр камида учта ахборот мазмунидан ташкил топади: бу биринчидан матндаги лисоний воситалар орқали ифодаланган ахборот; иккинчидан китобхонга аввалдан маълум бўлган, матнни тушунишга ёрдам берадиган фон билимлар; матнни мазмунидан ва лисоний воситаларнинг қўлланилиш усулларидан келиб чиқадиган, китобхон томонидан интуитив англонадиган янги ахборот.

Бинобарин, имплицитлик инсоннинг фикрлаш қобилиятининг бир тури сифатида, бадий асар муаллифи, персонажлар нутқида ўз аксини топадиган умуминсоний мантиқий фикрлаш доирасида матнда ва тилда яширин ифодаланадиган ахборот ва уни ифодаланиш усуллари сифатида ўрганилади. Матн таркибида ифодаланадиган бундай яширин ахборот ҳозирги замон тилшунослигида синонимлар сифатида қўлланилиб келинаётган пресуппозиция ва презумпция атамалари билан ҳам юритилади.

Тилда ва бадий матнда пресуппозиция ва презумпция сингари имплицит категорияларнинг мавжудлиги биринчи навбатда бадий асар муаллифи ёки асар персонажларининг нутқида сўзларни тежаб ишлатиш истаги, ёки тингловчига бу орқали кўпроқ эмоционал таъсир ўтказиш истаги билан боғлиқдир. Бу жараёнда ахборот компрессия қилинмайди, аксинч фикрнинг умумий мазмуни бузилмагани ҳолда имплицит ифодаланган ахборот ўқувчи

ёки суҳбатдош онгида экспликация қилинади, бошқача айтганда ўқувчи ёки тилгловчи яширин ифодаланган фикрни ўзининг ҳаётий тажрибаларига, фон билимларига таянгани ҳолда англаб олади. Бадиий матнда ифодаланадиган бундай имплицит ахборот тилшуносликда гап структурасидаги имплицит ифодаланган ахборотни синтактик жиҳатдан тадқиқ қилишга йўналтирилади. Бу ўринда матн ҳосил қилишда пресуппозицияга асосланган имплицит пропозицияли гап типлари ва имплицит презумцияга асосланган гап типлари аниқланади.

Имплицитликни лингвокогнитив нуқтаи назардан ўрганилишида бир-бирларини тўлдирувчи, гоҳида бир-бирлари билан синоним равишда қўлланиладиган, масалан, имплицит билим, имплицит маъно, имплицит мазмун сингари қатор атамаларга дуч келамиз. Имплицит билим дейилганида, одатда кўзда тутилган, аммо лисоний воситалар орқали ифодаланманган маъно-мазмунни англаб олишга доир аклий –манتيкий операциялар тушунилади. Бу атама тилшуносликка Л.В.Бондарко томонидан киритилган бўлиб, лисоний маънонинг интерпретатив компонентлари кўзда тугилади. Бу компонент грамматик категориялар: аспектваллик, темпораллик, модаллик, персоналлик, локативлик, поссессивлик каби категориялар орқали воқеланади¹.

Бадиий публицистик матнда имплицит ифодаланадиган ахборот подтекст–тағмаъно тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Муҳим маъновий категориялар ҳисобланмиш подтекст ва импликация тушунчаларининг умумий томонлари бўлса-да, улар ўртасида муайян даражада фарқлар ҳам мавжуд. Одатда подтекст–тағмаъно дейилганда кишиларга ўрганиш бўлиб қолган, кундалик турмушда суҳбат жараёнида қўлланиладиган яширин, ҳамма тушунавермайдиган маъно назарда тугилади. Имплицитлик атамаси эса терминологик характерга эга бўлиб у нутқнинг белгили лисоний ва психологик аспектларини назарда тутати. Подтекст дейилганида, кўпинча мулоқот жараёнида интуитив англаб олинадиган, новербал ифодаланган фикр ҳам назарда тугилади. Ана шу нуқтаи назардан ҳар иккала атама синонимик равишда қўлланилиб келинмоқда.

Бадиий публицистик матнда имплицит ифодаланадиган ахборот подтекст – тағмаъно тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Муҳим маъновий категориялар ҳисобланмиш подтекст ва импликация тушунчаларининг умумий томонлари бўлсада, улар ўртасида муайян даражада фарқлар ҳам мавжуд. Одатда подтекст –тағмаъно дейилганда кишиларга ўрганиш бўлиб қолган, кундалик турмушда суҳбат жараёнида қўлланиладиган яширин, ҳамма тушунавермайдиган маъно назарда тугилади. Имплицитлик атамаси эса терминологик характерга эга бўлиб у нутқнинг белгили лисоний ва психологик аспектларини назарда тутати. Подтекст дейилганида, кўпинча мулоқот жараёнида интуитив англаб олинадиган, новербал ифодаланган фикр ҳам назарда тугилади. Ана шу нуқтаи назардан ҳар иккала атама синонимик равишда қўлланилиб келинмоқда. Қатор тадқиқотларда имплицитлик ва подтекстнинг тўлиқсиз синонимлари сифатида

¹ Бондарко А.В. Эксплицитность/имплицитность в общей системе категоризации семантики // Эксплицитность/имплицитность выражения смыслов. - Калининград, Светлогорск, 2006. - С. 27

«яширин маъно», «маъно кўплилиги», «матний импликация» атамалари кўлланилишини ҳам кузатамиз.

Имплицитлик мулоқот жараёнида нутқ вазияти ва контекст орқали аниқланади. Бу ўринда нутқий имплицит маънонинг лисоний воситалар орқали ифодаланган имплицит мазмундан фарқлаш муҳимдир. Чунки нутқий имплицит маънони ҳосил қилишда турли-туман компонентлар: ситуатив контекст, аввалдан ўзлаштирилган энциклопедик, прагматик, коммуникатив билим ва малакалар ҳам иштирок этади.

Нутқ жараёни когнитив аспектда тадқиқ қилинган ишлар таҳлиладан куйидаги икки хулосага келиш мумкин: биринчидан, когнитив билимлар инсон онгида муайян маъно англатувчи структуралар шаклида сақланади. Улар индвиднинг муайян бир нутқ вазиятида кимлар биландир муносабатга киришув жараёнидагина фикрлашда ва нутқда воқеланади. Бундай структуралар инсон онгида категориялар, фреймлар, сценарийлар сифатида шаклланиб, сақланиб келинади. Шундай қилиб, инсон онгидаги когнитив билимлар нутқ жараёнида тизимли характерга эга бўлган прагма- коммуникатив ва баҳоловчи прагматик имплицит мазмунни вужудга келишига хизмат қилади. Иккинчи хулоса - фикр ментал репрезентация қилинади ва уларнинг турли типларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Масалан, ментал модел концептуал моделдан тилда аниқ структур анологлари мавжуд бўлмаслиги билан, тасаввур ва хотира ёрдамида воқеланиши билан фарқ қилади. Ўз навбатида пропозиционал модел гап структурасининг лингвистик моделига яқин туради. Ментал модел концептуал модел орқали формаллашуви мумкин, аммо бунда унинг сенсо-мотор аспектдаги қиймати тушиб кетади.

Имплицит маъно ахборотни концептуал репрезентация қилинишида иштирок этади ва инсон руҳиятининг перцептив, когнитив, аффектив доиралардаги фаолиятининг натижаси сифатида ҳосил бўлиб, бадний матнларда ўз аксини топади. Айни пайтда бадний матн ўқувчининг киёсловчи, фараз қилувчи интеллектуал фаолиятини ҳам назарда тутаяди. Прагматик жиҳатдан шартланган бундай фаолият тилда ва ўқувчи онгида шакланган муайян қонун-қоидалар асосида рўй беради. Яъни ўқувчи бадний матндаги имплицит ифодаланган ахборотни тўғри англаб олишлиги учун ўз диққат – эътиборини доимий равишда баён планидан (муаллиф ниятидан) дискурс планига (персонажлар нутқи, муайян эпизодлар баёни) ахборотнинг локал баён қилинишидан глобал баёнига мослаштириб боришига тўғри келади. Бундан ташқари имплицитликнинг прагматик ифодаланиши бирор бир нуқтаи назарни билвосита ифодаланиши билан ҳам боғлиқ. Бундай ҳолда муаллиф айрим ахборотларни англашни ўқувчи ихтиёрига қолдиради ва уни изохлаш маъсулиятини чекланади. Айни пайтда муаллиф мақсадидан фарқли уларок бундай имплицитлик асар персонажи тили орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондарко А.В. Эксплицитность/имплицитность в общей системе категоризации семантики//Эксплицитность/ имплицитность выражения смыслов. -Калининград; Светлогорск, 2006.

2. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. -М: Эдиториал УРСС, 2004.

3. Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологического изучения // Вопросы языкознания, 1982. - №4.

4. Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дис. докт. филол.наук. –Т.:УзГУМЯ,1993.

М. Раҳимова,
ўқитувчи

СЎЗНИНГ БЕЛГИЛИ ТАБИАТИ МОНОЛЕТАРИСТИК ОҚИМ ТАЛҚИНИДА

Ҳозирги назарий тилшунослик асосчиси Фердинанд де Соссюр ўз даврида тилга, хусусан, сўзга шартли белги сифатида қараган бўлса ҳам, сўзнинг белгили табиати ҳақида мунозаралар ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу масала бўйича сўзга бир томонлама белги деб қаровчи монолестаристик ва икки томонлама белги деб қаровчи билатералистик оқим вужудга келди.

Монолестаристик оқимнинг йирик вакили, назарий асосчиси рус тилшуноси В.М.Солнцевдир. Биз қуйида бу олимнинг сўзга монолестаристик қарашини шарҳлаб, унга ўз муносабатимизни кўрсатамиз.

В.М.Солнцев белги тушунчаси остида соф ёки шартли белгиларни назарда тутди (2, 17). Масалан, г+у+л товуш томон (номема) “кишига эстетик таъсир этувчи маданий ўсимлик” маъносининг белгисидир. В.М.Солнцев белгининг маънога эга бўлишига ёки сўзнинг бутунлигича (ифодаловчи+ифодаланмиш) белги дейилишига раддия билдиради. У белгини икки тарафлама моҳият деъовчиларга, Соссюр тарафдорлари қараш бўлган билатералистик оқимга қўшилмайди. Унинг айтишича, маънога эга бўлган сўзни бутунлигича белги ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, сўзнинг энг муҳим томони бўлган маъно инъикос категориясининг маҳсули бўлиб, у ташқи реал предмет билан табиий боғланишга, ўхшашлик муносабатига, мотивацияга эга. Шунинг учун ўз таркибига маънони қамраб олган сўз бутунлигича белги бўлиши мумкин эмас. Шу боис сўз предметнинг шартли, сунъий, конвенционал белгиси бўла олмайди. Сўзда унинг товуш томони маъносига нисбатангина белги бўла олади (1, 101). Шунингдек, В.М.Солнцев маънонинг мияда ҳосил бўлиши ва унинг товуш томон билан боғланиши ва шу асосда товушнинг маънони ушлаб туриш ва бошқага узатиш (юбориш) воситаси эканлигини ҳам эслатиб ўтади.

В.М.Солнцевнинг эътироф этишича, нарса – мазмун (маъно) – товуш муносабатида белги ситуацияси вужудга келади. Бунда мазмун (маъно) тафаккур соҳибини тақозо этади. Нарса ва товуш эса икки предметни ташкил этиб, иккинчиси (товуш) биринчисини (нарсани) ифодалаш учун хизмат қилади. Ифодалашни эса фикрловчи онг соҳиби амалга оширади. Ана шу вазиятда товуш томон белги мақомига эга бўлади. В.М.Солнцевнинг кўрсатишича, мазмун (тушунча) товуш томон билан конкрет предмет

боғланишига воситачилик қилади. Кишилар ижтимоий амалиётида тушунчани белгига (товуш томонга) бириктирадилар ва шу асосда тушунчага умумийлик, абстрактлик мақоми берилади. Ушбу тушунчанинг умумий абстракт ҳолати маънодир. Шу йўл билан тушунча белгининг (сўз товуш томонининг) маъносига айланади (1, 107). В. М. Солнцев белгини бир томонли моҳият деб тушунган ҳолда унинг икки, яъни муайян моддийликка (материалга, предметликка) ва ўзидан ташқарида бўлган предмет ҳақида хабар бериш вазифасига эгаллигини қайд этиб ўтади. Сўзнинг товуш белгиси маъноси билан шундай зич боғланганки, белги эсланиши билан унга бириктирилган маъно ҳам намоён бўлади. Товуш белги маънонинг таянчидир. Белги маъно билан ассоциатив (бири айтилиши билан иккинчисининг эсга тушиши) боғланишга эга. Белги товуш тил бирлиги бўлган сўзнинг ташкил этувчи қисм (компонентдир). У маънони намоён (манifestация) этувчи нисбий мустақил бирликдир. Белги (товуш томон) маънога нисбатан шарти, ихтиёрий олинган, кишилар томонидан ҳосил қилинган акустик ҳодисадир. Сўзнинг маъно томони ҳам, бутун ҳолати ҳам конвенционалликка, шартлиликка эга эмас. Сўз бутун ҳолатда турганда унинг товуш томони белгилик ёки ифодалаш ва кўрсатиш хусусиятига эга бўлади. Аслида бутун ҳолатдаги сўзнинг бир қисми (товуш томони) белгиликка эга бўлганлиги учун ҳам сўз бутунлигича ҳам белги дейилади. Бунда қисмнинг хусусияти бутунга олиб ўтилади. Товуш белги ўз-ўзича бевосита реал предметни кўрсата олмайди. Предметни кўрсатиш маъно орқали амалга оширилади. Белги умумлаштирувчи маънога эга бўлганлиги боис у муайян предметлар синфини ҳам, унинг муайян (якка) аъзосини ҳам кўрсата олади. Белги икки томонли моҳият сифатида ўз маъносига ва у асосида реал предметга муносабатда бўлади, зидланади ва ҳоказо.

Биз юқорида В.М.Солнцевнинг белгига оид қарашларини муфассал келтиришга ҳаракат қилдик. Зеро, унинг қарашлари белги муаммоси билан шуғулланувчи кишилар учун муҳимдир. Биз В.М.Солнцев қарашлари бўйича шуни айтишимиз мумкинки, у белгишунослик асосчиси Пирснинг белги тушунчасини тўлиқ қабул қилмайди. Шунингдек, унинг назариясида тил ва нутқ дихотомияси, маъно ва тушунча ҳодисаларининг белги ситуациясидаги ўрнига етарли даражада аҳамият берилмаган.

Хуллас, сўзнинг товуш томонигина белги деювчи монологреалистик оқим вакиллари белги турларидан фақат шартли белгиларнигина тан оладилар ва шу асосда белги ҳақида фикр юритадилар. В.М.Солнцевнинг ҳам сўзнинг белгили табиати ҳақидаги қарашлари нисбий, нотўлиқ бўлиб, унда маъно – тушунча – предмет муносабатлари, сўзнинг тил ва нутқдаги мақомлари (виртуал, актуал) каби омиллари ҳисобга олинмаган. Шундай бўлса ҳам В.М.Солнцев концепцияси сўздаги товуш, маъно томонлар, уларнинг муносабатлари чуқур тадқиқ этилганлиги билан диққатга лойиқдир.

Адабиётлар:

1. Солнцев В.М. Язык как системано-структурное образование. - Москва: Наука, 1978.
2. Солнцев В.М. Языковой знак и его свойства // Вопросы языкознания. - М, 1977. - № 2.

KO'P MA'NOLI SO'ZLAR TASNIFI

So'zlovchi o'zi bayon qilgan fikrni inglolvchiga ixcham, aniq, tushunarli va ta'sirchan qilib yetkazib berishga harakat qiladi. Uzundan uzoq jummalarni qatorlashtirib tashlashdan qochadi, biroq bu o'rinda o'z fikrini boshqa vositalardan foydalangan holda lo'nda va aniq tushuntirishga harakat qiladi. Inson butun umri davomida o'z nutqini takomillashtirib boradi. U tilimizning boy imkoniyatlaridan unumli foydalanish orqali nutqning go'zal, ravon, ifodali, ta'sirchan bo'lishiga intiladi. Zero, so'zlovchining o'z fikrini qisqa va batafsil ifodalab, tinglovchiga yetkazishi ham o'ziga xos san'atdir. Nutqning ta'sirchan va rang-barang bo'lishi so'zlovchining lug'at boyligiga bog'liq hodisa hisoblanadi. So'z boyligi tinglovchining, suhbatdoshining qiziqishini, saviyasini, dunyoqarashini hisobga olgan holda nutq vaziyatiga mos keluvchi so'zni tanlab qo'llash imkoniyatini oshiradi. Chunki har bir so'zning o'z ishlatiladigan o'rni, ma'nolari bor. Zero, bir so'z muayyan nutqiy vaziyatda nutqda turlicha ma'no kasb etishi mumkin.

Ma'lumki, har bir so'zni o'ylab, tanlab, ularning har bir ma'nosiga, ma'no qirralariga e'tibor qilib, ularni o'rinni ishlatish lozim. Tilda har bir so'zni, Grammatik formani, har bir sintaktik qurilmani o'z o'rnida, ya'ni shu so'z, shu grammatik shakl yoki sintaktik qurilma ishlatilayotgan vaziyatni (tinglovchi saviyasi, ularning holati kabilar) hisobga olgan holda to'g'ri qo'llash, ularning shu vaziyatga eng mos tushadiganini tanlab, nutq jarayonida ulardan unumli foydalanish, eng ixcham va fikrni lo'nda ifodalaydigan eng sodda va hammaga tushunarlisini ishlatish nutqning ravonligini, tushunarligini, aniqligini ta'minlaydi. Zero, adib A.Navoiy shunday deb ta'kidlaydi: «...Ko'ngil barcha ma'nolarni jamlagan ummondir, so'z – ko'ngil dengizidagi inju. Dengizdan injuni g'avvos olib chiqqani va uning qiymatini tayin etganidek, ko'ngildagi so'z injusi so'zlovchi ta'rafidan bezaladi, qiymati ham anglash darajasining nisbatiga ko'ra belgilanadi. Injuning qiymati haqida: darajalari ko'p, hatto; qiymati bir dirhamdan yuz ming dirhamgacha bo'lgan injular bor deyish mumkin... So'z injusining qiymati bundan-da ulug', darajasi bundanda yuksakdir. Uning ulug'ligi shu darajaki, o'lik tanga ruh bag'ishlaydi. Ayni paytda, tirik jonni ruhdan mahrum etmog'i mumkin. Har bir jamiyatning so'z boyligi boshqalaridan, so'zlarning ma'nolari-da o'z g'alaridan farqlidir va bir-birlarida bo'lmagan bir necha xususiyatlari bilan ajralib uradi. Qushlarning, hayvonlarning, yirtqichlarning tillari ham shundaydir. Har birining o'ziga xos gapirish tarzi, bir bo'lmagan tovush va sayrashlari bor. Ammo so'z ma'no ifodalash xususiyatiga, inson fikrlash salohiyatiga egadir. So'z – ma'no, inson esa bayon bulog'idir!...».

So'z til birligi sifatida mazmun va ifoda planiga ega bo'lib, o'zining semantik tizimida murakkab tuzilma sifatida xarakterlanadi. Zamonaviy tilshunoslikda so'z ma'nolari bir necha qatlamli tuzilma bo'lib, kamida to'rt turdagi ma'no mohiyatini, ya'ni haqiqiy dunyo kategoriyasi, insonning fikrlash kategoriyasi, pragmatic omillar, xususan inson faoliyatida tilni maqsadli qo'llash, hamda til sistemasidagi so'zlarning

¹Rafiyev A., G'ulomov N. Ona tili va adabiyot: Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – T.: Sharq, 2007. – B. 60.

o'zaro munosabatlarini bog'lanishi sifatida ko'riladi. Tildagi ma'lum bir so'z turli omillarga ko'ra bir necha xil ma'no anglatadi. Ayrim so'zlar shakily jihatdan, ayrimlari ma'no jihatdan, bir xillari esa talaffuzi jihatidan o'xshash bo'ladi. Ingliz tili leksikasida so'z ma'nosi haqida shunday deyiladi: «So'zning ma'no tomoni va uning o'zgarishi bilan bog'langan hodisalar ko'p (so'zning umumiy va xususiy ma'noda ishlatilishi, ko'chma ma'noda qo'llanilishi, polisemiya va omonimiya, bularning o'zaro munosabati: bir so'z doirasida qolish yoki boshqa-boshqa so'zlar tug'ilishi, ichki o'zgarishning –boshqalikning fonetik vosita orqali farqlanish hollari va boshqalar)¹...». A. I. Smirnitskiy fikricha, «значение это "ингредиент слова", V.V. Vinogradov esa ma'noga quyidagicha ta'rif beradi: «Под значением слова обычно понимают его предметно-вещественное содержание, оформленное по законам грамматики определенного языка и такой, который является элементом общей семантической системы словаря этого языка²».

Tilda so'zlarning bir yoki bir necha ma'noga ega bo'lishi so'z ma'nolarining o'zgarishi bilan bog'liq hodisadir. Chunki kishilar o'zaro so'zlashuv, muloqot va aloqa qilish jarayonida bir so'zni bir necha ma'noda qo'llaydilar. Tilda so'zlarning bir yoki bir necha ma'noga ega bo'lishi so'z ma'nolarining o'zgarishi bilan bog'liq hodisadir. Til taraqqiyoti jarayonida, uning barcha sohalarida va hodisalarida bo'lgani kabi, so'zning semantic qurilishida ham o'zgarish bo'ladi, yangi ma'no paydo bo'ladi yoki ma'no yo'qoladi. So'z ma'nosining rivojlanishi sifat va miqdor o'zgarishiga, hattoki tildan umuman tushib qolishiga olib keladi. So'zlar bir-biriga o'xshashligi, yaqinligi va nutq kontekstida ishlatilishiga ko'ra ma'nolarini o'zgartirish mumkin. So'zning qanday ma'no bildirishi gap ichida aniq anglashiladi. Boshqacha aytganda, so'z alohida olinganda bir xil ma'noni, gap ichida boshqacha ma'noni anglatishi mumkin. So'zning o'z va ko'chma ma'nolarda ishlatilishi barcha tillar uchun xosdir. Nutqning rang-barangligini ta'minlovchi lisoniy hodisalardan eng muhimi so'zlardagi ko'p ma'nilikdir. Ko'p ma'noli so'zlar nutqning ifoda imkoniyatlarini kengaytirishga ko'maklashuvchi lisoniy vosita hisoblanadi.

Ma'no mukammal tavsiflanganda, bu tavsifdanoq ushbu tilni eng nozik jihatlarigacha o'rgangan kishi so'z qaysi ma'no haqida ketayoyganini yaxshi anglaydi. So'z ma'nosiga ko'ra ikkiga bo'linadi. Atash ma'nosiga ega bo'lgan so'zlar bir va ko'p ma'noli so'zlarga bo'linadi. Aniq bir ma'noni ifodalash uchun qo'llaniladigan, gap ichida ham, gapdan tashqarida ham aynan bir ma'noni ifoda etuvchi so'zlar bir ma'noli so'zlar deyiladi. Bir ma'noli so'zlar qanday holatda kelishi va gaplarda qanday qo'llanilishidan qat'i nazar bir ma'noni anglatadi. Bir ma'noli so'zlar faqatgina bir leksik ma'noni ifodalaydi. Masalan, marmar, morfologiya, taassurot, xulosa, gigiena, g'oya, mimika, qobiliyat, fonema va boshqalar.

So'zlar ba'zan alohida holatda, nutqdan tashqarida bir xil ma'noni, gap tarkibida boshqa so'zlar bilan bog'liq holda boshqa bir ma'no anglatishi mumkin. Masalan, *pasaymoq* so'zi gapdan tashqarida olinganda yerga tomon yaqinlashmoq ma'nosini bildiradi. Gap tarkibida esa *bilimi pasaydi, ko'rish sezgisi pasaydi* kabi boshqa ma'nolarni bildiradi. Bu so'zlar birdan ortiq leksik ma'no

¹Будагов Р. А. Человек и его язык. – М., 1974. – С. 342.

²<http://www.repetitor.com/полисемия в английском языке>.

ifodalayotgani uchun ko'p ma'noli so'z sanaladi. Demak, nutqdan tashqarida bir ma'no, nutq tarkibida boshqa so'zlar bilan bog'liq holda yana boshqa ma'no ifodalovchi so'zlar ko'p ma'noli (polisemantik) so'zlar deyiladi. Polisemantik so'z qancha ma'noga ega bo'lmasin, bu ma'nolar o'zaro bog'langan bo'ladi. Xuddi shu xususiyat ko'p ma'noli so'zni omonimlardan farqlaydi. Masalan, quyida keltirilgan misollardagi *school* so'zi ot so'z turkumining sintaktik kategoriyasiga tegishli hisoblanadi, hamda gaplarda turli ma'nolarda ifodalangan bo'lishiga qaramasdan, ushbu iboralar bir xil etimologik tarixga ega.

- a) *The school is in Murray Street ('the building')*.
- b) *The boys love their school ('the institution')*.
- c) *The school will visit the old age home ('the pupils')*.
- d) *Working abroad is a hard school for anyone ('opportunity for learning')*.
- e) *The Prague School of Linguistics ('the group of scholars propagating a particular theoretical approach')*.

Polisemantik so'zlar asosiy ma'noga, shuningdek, yordamchi ma'noga ega bo'ladi. Bosh ma'no so'zning nutqdan tashqarida ifodalagan ma'nosi bo'lib, u boshqa ma'nolarning kelib chiqishiga asos bo'ladi. Alohida olingan gap ichida qaysi ma'noda ishlatilsa, shu ma'nouning bosh ma'nosi sanaladi. Yasama ma'no bosh ma'noning taraqqiyoti bilan yuzaga keladi. Masalan, *og'iz* so'zining bosh ma'nosi insonning tana a'zosi, *g'orning og'zi*, *qopning og'zi* yasama ma'no. So'zning yasama ma'nosi gapdagi boshqa so'zlar bilan bog'liq holda anglashiladi.

Ko'p ma'nolilik ham leksik, ham Grammatik bo'lishi mumkin. Misol uchun, ingliz tilidagi aniq artikl *the* aniqlovchi vazifasida *'The tiger was old'*, hamda umumlashtiruvchi *'The tiger is a cat-like animal'* vosita sifatida ishlatilishi mumkin. Leksik polisemiya turli obyektlar yoki voqelikdagi hodisalarni tasvirovchi bir so'z sifatida ifodalanishi mumkin. R. A. Budagov «Leksik polisemiya turli obyektlar va voqelikdagi hodisalarni ifodalashga xizmat qiluvchi so'z», deb ta'riflaydi.¹

So'zning ma'nolari ham doimiy rivojlanishda. Har qanday ko'p ma'noli so'zlarning ma'no tizimi asrlar davomida asta-sekinlik bilan so'zlarga yana yangi ma'nolar qo'shish orqaliri vojanadi. Ko'p ma'nolilik til taraqqiyoti davomida kelib chiqadi. Ko'p ma'noli so'zlarning vujudga kelishiga til tabiati va bilish arayonining qonuniyatlari sabab bo'ladi. Hayotni o'zgarishi munosabati bilan ba'zi so'zlarning oldingi ahamiyati, ma'nosini yo'qotib yangilarini paydo bo'lishiga zamin yaratadi.

Oqila Abdullayeva,
o'qituvchi

O'ZBEK TILIDA KELISHIKLAR SINONIMIYASI VA GAP BO'LAKLARINI AJRATISH MUAMMOLARI

Keyingi yillarda mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotida ro'y bergan o'zgarishlar davlatning ramziy belgilaridan biri. aloqa-aralashuvning muhim vositasi, ijtimoiy-ruhiy hodisa bo'lgan ana shu til va uning tadqiqi bilan shug'ullanuvchi tilshunoslik taraqqiyotida ham yangi davrni boshlab berdi. Bu

¹Будагов Р. А. Человек и его язык. – М., 1974. – С. 382.

boshqa fanlar qatori o'zbek tilshunosligida ham yangi-yangi qarashlar, fikrlarning rivojlanishiga turtki bo'ldi. Shunday qarashlardan biri sinonimiya hodisasining grammatik birliklarga ham aloqadorligi masalasidir.

Ma'nodoshlik (sinonimiya) o'zbek tilida atroflicha o'rganilgan hodisalardan hisoblanadi. Bu borada, ayniqsa, A.Hojjiyev, Sh.Rahmatullayev, A.G'ulomov kabi olimlarning xizmatlari katta. (1) Sinonimiya hatto Alisher Navoiyning ham nazariga tushgan hodisalardan. Bu sinonimiya hodisasini o'rganishning o'zbek tilshunosligida uzoq tarixga egaligini ko'rsatadi.

Sinonimiya hodisasi faqat leksik birliklarda emas, so'z yasovchi va grammatik shakl yasovchi qo'shimchalarda ham kuzatiladi. Ularga nisbatan mavjud darslik va qo'llanmalarda affiks sinonimlar, morfologik sinonimlar, grammatik sinonimlar, qo'shimchalar ma'nodoshligi terminlari ishlatiladi.

Ma'lumki, ismlarning gapda qanday bo'lak vazifasida kelishini kelishik shakllari belgilab beradi. Kelishik kategoriyasining umumiy grammatik ma'nosi "o'zi qo'shilgan so'zni keyingi so'zga tobelantirib bog'lash va gapdagi sintaktik vazifasini belgilash" (2) deb belgilanadi. Kelishik shakllarining sistemaviy tadqiqi bilan shug'ullangan Z.Qodirov "O'zbek tilida grammatik kategoriyalarni sistem tahlil qilish (kelishik kategoriyasi)" mavzusidagi nomzodlik ishida barcha kelishik shakli uchun umumiy bo'lgan «oldingi mustaqil so'zni keyingi mustaqil so'zga bog'lash» ma'nosi kelishik kategoriyasining umumiy grammatik ma'nosi ekanini ta'kidlaydi. (3)

Haqiqatdan ham, kelishik shakllarining sintaktik shakl yasovchilik tabiati uning shu vazifalarida ko'rinadi. Biroq sinonimiya hodisasining kelishiklarda yuzaga chiqishi maktab va akademik litsey ona tili darolarida gap bo'laklari va so'z birikmasi turlarini ajratishda bir muncha muammolarni keltirib chiqaradi. (4)

Kelishik shakllarining aksariyati, jumladan, chiqish kelishigi barcha kelishiklar o'rnida qo'llanishi, ma'nodosh bo'lishi mumkin. Masalan:

Bosh kelishik bilan: Bu kitobdan menda ham bor – Bu kitob menda ham bor.

Qaratqich kelishigi bilan: Qizlarning to'rttasi biz tomonga burildi – Qizlardan to'rttasi biz tomonga burildi.

Tushum kelishigi bilan: U stol ustidagi choyni ho'plab, gapida davom etdi – U stol ustidagi choydan ho'plab, gapida davom etdi.

Jo'nalish kelishigi bilan: Shu teshikka ho'kiz sig'ishiga kim ham ishonardi – Shu teshikdan ho'kiz sig'ishiga kim ham ishonardi.

O'rin-payt kelishigi bilan: U yo'lida adashdi – U yo'lidan adashdi.

Sinonimlik deyarli barcha kelishik shakllarida o'zaro boshqa kelishik shakli bilan, shuningdek, ko'makchilar bilan almashina olishda namoyon bo'ladi. Ayniqsa, chiqish kelishigi shakli barcha kelishiklar o'rnida qo'llanilishi, hatto ko'plab ko'makchilar bilan o'rin almasha olishi mumkin.

1. Bosh kelishik shakli:

– chiqish kelishigi bilan ma'nodosh bo'la oladi: *Bu sumkadan sizda ham bor ekan-da*. Demak, ega faqat bosh kelishikdagi so'z bilan emas, shartli ravishda chiqish kelishigidagi so'zlar ham ifodalanadi. Ammo *sumkadan bor* jumlasiga nisbatan boshqaruvli so'z birikmasi emas, predikativ aloqa sifatida qarash o'rinli.

2. Qaratqich kelishigi shakli:

– chiqish kelishigi bilan ma'nodosh bo'la oladi. Bunda qaratqich kelishigidagi so'z ko'p miqdordan oz miqdorni ajratib ifodalash, belgiga ta'kid berish, butunning qismini ifodalash ma'nosida keladi:

Qizlarning eng kichigi xonadan birinchi bo'lib chiqdi – Qizlardan eng kichigi xonadan birinchi bo'lib chiqdi.

Ko'chalardan to'rttasiga kirib chiqdik – Ko'chalarning to'rttasiga kirib chiqdik. Bolalardan ikkitasi orqada qoldi – Bolalarning ikkitasi orqada qoldi.

3. Tushum kelishigi shakli quyidagi kelishiklar bilan o'rin almashinishi mumkin:

Chiqish kelishigi: *Yigit choydan ichib gaplashib o'tirdi – Yigit choyni ichib gaplashib o'tirdi.*

Jo'nalish kelishigi: *gapingizni tushunmayapman – gapingizga tushunmayapman.*

Har ikki holatda ham tushum kelishigi bilan sinonim bo'lgan so'z vositasiz to'ldiruvchi bo'lib keladi, so'z birikmasi sifatida boshqaruvli birikma hisoblanadi.

4. Jo'nalish kelishigidagi so'z quyidagi kelishiklar bilan o'rin almashinishi mumkin:

Chiqish kelishigi bilan: *Dars tayyorlab kelmaganiga uyaldi – Dars tayyorlab kelmaganidan uyaldi. Mehrdan to'ymadik – Mehrga to'ymadik. Ko'rsatishga uyaldim – Ko'rsatishdan uyaldim. U bir so'z aytishdan (ga) cho'chir edi.*

Tushum kelishigi bilan: *Bu gapga tushunmadim – Bu gapni tushunmadim. Nima dedingiz, gapingizni (ga) tushunmadim.*

O'rin-payt kelishigi bilan: *Biz hashamatli bino oldiga to'plandik. – Biz hashamatli bino oldida to'plandik. Bugun uyda (ga) to'planamiz.*

Bunda so'z birikmasi turlari va gap bo'laklarini ajratishda tafovut bo'lmaydi. Faqat tushum kelishigi shakli bilan ma'nodosh bo'lganda vositasiz to'ldiruvchi sifatida qaraladi.

5. O'rin-payt kelishigi qo'shimchasi quyidagi kelishik shakllari bilan ma'nodosh bo'la oladi:

Tushum kelishigi bilan: *dalani kezdi – dalada kezdi;*

Jo'nalish kelishigi bilan: *yig'ilishga qatnashdi – yig'ilishda qatnashdi;*

Chiqish kelishigi bilan: *radiodan gapirdi – radioda gapirdi.*

Bunda ham tushum kelishigi shakli bilan ma'nodoshligini istisno qilganda so'z birikmasi turlari va gap bo'laklarini ajratishda tafovut bo'lmaydi.

6. Chiqish kelishigi:

– qaratqich kelishigidagi so'z bilan ma'nodosh bo'lganda qaratqich aniqlovchi va moslashuvli birikuv: *Gapdan gap chiqib, bulardan biri Karimaning otasi qamog' muddatini bitirib kelganini aytdi (A.Qahhor)*

– tushum kelishigidagi so'z bilan ma'nodosh bo'lganda vositasiz to'ldiruvchi va boshqaruvli birikuv: *U tog' lolasidan terib qaytdi.*

– bosh kelishik bilan ma'nodosh bo'lganda ega vazifasida keladi. Bunday bog'lanish so'z birikmasi emas, ega va kesim birikuvini yuzaga keltiradi: *Munirada shu kitobdan (bir nechitasi) bor.*

ADABIYOTLAR:

1. Gulomov A. O'zbek tilida kelishiklar. FA O'zbekiston filialining asarlari. II seriya. Filologiya. 2-kitob. - Toshkent. 1941.; Gulomov A. O'zbek tilida

- kelishiklar. FA O'zbekiston filialining asarlari. 11 seriya. Filologiya. 2-kitob. - Toshkent. 1941.; Karimjonova V. O'zbek tilida o'rin kelishikli birikmalar semantikasi: Filol. fan. nom. ... dis. avtoref. - Toshkent, 1994. - 24 b.
2. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek tili. - Toshkent. - 2007. - B. 264-377.
 3. Qodirov Z. O'zbek tilida grammatik kategoriyalarni sistem tahlil qilish (kelishik kategoriyasi): Filol. fan. nom. ... dis. avtoref. - Samarqand. 1993. - 21 b.
 4. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Akademik litsey va kasb-hunar kollejarining 2-kurs talabalari uchun darslik. A.Nurmonov va boshq.- T.: "ILM ZIYO", 2010. 277 b.;
Ona tili. 7-sinf uchun darslik. N.Mahmudov va b. -T.: "Ma'naviyat", 2009.128 b.

III ШҶЪБА. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЯНГИ СОҶАЛАР РИВОЖИ

Бахтиёр Менглиев, ф.ф.д., профессор,
Абусаид Норов, ўқитувчи

АЛИФБОНИНГ ВИРТУАЛ КЕНГАЙТМАСИ ҲАҚИДА

Таъкидлаш жоизки, техник тараққиёт шиддат билан тармоқ отиб бораётган бир даврда миллий алифбога хос фонограммалар негизида илмий мулоҳаза юритиш, халқаро илмий доирага кириш, ахборот жамиятига хос интеллектуал фаолият юритиш мушкул масала. Ўзбек тилини бугунги замонавий тараққиётнинг марказий бўғини ҳисобланмиш автоматлаштирилган ахборот тизимига олиб кириш учун унинг тадқиқот доирасини янада кенгайтириш талаб этилади. Бундай муаммони ҳал этишга қаратилган усуллар турли-туман, улардан бири алифбони виртуал кенгайтириш усулидир.

Замонавий қурилмаларга хос лингвистик дастурий таъминотни яратишда ёрдамчи вазифасини ўтайдиган қўшимча алифбонинг керак бўлиши дастурчиларга яхши маълум. Бунда замонавий қурилмалар деб мобил телефонлари, маиший техника, чўнтак компьютерларидан тортиб, интеллектуал системаларгача барча электрон воситалар тушунилади. Қўшимча алифбо эса бошқа тилда мавжуд бўлган ҳарф, символ ва турли фонетик белгилар тўпламидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Демак, тадқиқ этилаётган тилнинг, масалан, мавжуд орфографик имкониятлари янги тадқиқот ишлари учун етарли бўлмай қолганда, асосий алифбо қўшимча алифбо элементлари ҳисобига тўлдирилади. Бу алифбо илмий доирадаги алифбо бўлиб, у тилнинг лексикология, фонетика, морфология ва синтаксис каби соҳаларига оид баъзи етишмовчиликларни бартараф этиш ва илмий жиҳатдан янги моделларни ишлаб чиқишга замин бўлади.

Энди алифбони виртуал кенгайтиришнинг зарурати ва унинг амалий аҳамияти ҳақида батафсилроқ тўхталамиз. Алифбони виртуал кенгайтиришга бўлган эҳтиёжнинг энг катта улуши ўзбек тилининг айнан фонетикасига тўғри келади.

Маълумки, компьютер учун *ҳарф*, *рақам*, *тиниш белгилари* каби тушунчалар бегона, буларнинг барчаси бир сўз билан *символ* деб тан олинади. Бу символларнинг ҳар бири учун биттадан махсус код ажратилган, бу кодлар ўнлик ёки ўн олтилик сонлар ёрдамида ифодаланади. Масалан, 3 сонини ёзиш учун ўнлик санок системасидаги 51 сони, лотинча катта “А” ҳарфини ёзиш учун 65 сони, лотинча кичик “а” ҳарфини ёзиш учун 97 сони, пробел ташлаш учун эса 32 сони махсус код сифатида ажратилган ва ҳоказо. Шунга кўра, барча фонемалар компьютерга “тушунарли” тарзда аниқ талаффуз қилиниши учун уларнинг ҳар бири транскрипцион принциплар асосида такрорланмас символлар билан ифодаланиши лозим. Фикримиз тушунарли бўлиши учун бу борадаги 3-4 та муаммони аниқ мисолларда келтирамиз:

1) *журнал* ва *жўжа* сўзлари учун алифбомиздаги битта “ж” ҳарфини ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, балки мос равишда “ж” ва “ж” (агар лотинча

бўлса, “j” ва “j̄”) каби компьютерда мавжуд бўлган символларни қўллаш маъкул;

2) бўгин ажратиш ёки маттни тўғри талаффуз билан ўқиб берадиган дастурий таъминот яратмоқчи бўлсак, битта товушни англатувчи иккита ҳарф бирикмасидан (графемадан) фойдаланиш анча қийинчилик туғдиради;

3) сўзларнинг маъно ва шакл муносабатини (хусусан, омограф ёки омофон кабиларни) компьютерли моделлаштиришда ортиқча муаммо юзага келмаслиги учун иккита код билан ифодаланадиган “sh” фонемасининг ўрнига, бир кодли, масалан, “s̄” симболи қўллansa, ёки “ch” фонемасининг ўрнига “ç”, “g” фонемасининг ўрнига эса “ġ” каби символ қўлланилса, дастурлаш бирмунча осонлашади¹;

4) рус тилидан ўзлашган сўзларда “o” унлиси сўз таркибида тутган ўрнига қараб, баъзан “и” (*директор – директор*), баъзан “а” (*океан – океан*), баъзан эса “ў” (*электр токи – электр тўки*) товушларига яқин талаффуз қилинади. Демак, битта ҳарфнинг турли талаффузлари учун уларга мос шрифтлар модификациясини яратиш (ёки мавжуд транскрипцион белгиларни қабул қилиш) нутқий қўполликнинг олдини олишда фойдадан холи эмас.

Шу ўринда тилшунос олимлар орасида хануз мунозарага сабаб бўлаётган унли ва ундош товушлар таснифига оид айрим мулоҳазаларни келтиришни жоиз деб ҳисоблаймиз. Хусусан, М.Миртожиев ўзбек тилидаги нутқ товушлари сонини 48 та (лабланмаган унли – 10 та, лабланган унли – 6 та, сонантлар – 6 та ва консонантлар – 26 та) деб таъкидлайди ва уларнинг ҳар бирини транскрипцион белгиларда қайд этиб, тавсифларини келтиради [2, 128-129].

Тилшунос Ҳ.Жамолхоновнинг “Ўзбек тилининг назарий фонетикаси” номли китобида қуйидаги фикрлар келтирилган: “Ўзбек тилшунослигида ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари миқдори масаласида икки хил фикр мавжуд. Биринчи фикрга кўра, адабий тил унлилари олти: и, э, а, у, ў, о. (Бу фикр тарафдорлари қаторида Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, А.Ф.Фуломов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Камолов, А.Махмудов, С.Отамирзаева, А.Абдуазизов, А.Нурмонов, Ш.Рахматуллаев ва бошқалар бор). Иккинчи фикр тарафдорлариинг (Х.Дониёров, Б.Туйчибоев, М.Валиевларнинг) таъкидлашича, ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмида эски ўзбек адабий тилига ва ҳозирги қипчоқ лаҳжаларига хос бўлган контраст жуфтликлар (и-ы, э-а, у-у, в-о) мавжуд, шундан келиб чиқиб, адабий тил вокализми ва алифбо масалалари қайта кўриб чиқилиши – алифбога кўшимча ҳарфлар киритилиши керак” [1, 106].

Тилшунос олимларнинг бу борада аниқ бир тўхтамга келиши юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечими учун бир асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кейинги йилларда техник тараққиёт туфайли ўзбек тили лексикаси ҳажм жиҳатдан тобора кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, яқин йиллар ичида атоқли от сифатида айнан ўзлаштирилган (уларни калькалаб

¹ Айнан шу символлар бўлиши шарт эмас, бу ўзаро келишув асосида ҳал қилинадиган масала, уларнинг ўрнига битта код билан ифодаланадиган истилган бошқа символларни қабул қилиш ҳам мумкин.

бўлмайди) *Daewoo, Windows, Word* ва *PowerPoint* каби сўзлар аллақачон халқона терминга айланиб улгурди. Бу, ўз навбатида, “W” ва “w” ҳарфларини ҳамда, зарур бўлса, шунга ўхшаш бошқа сўзларда иштирок этадиган “*эт*” ҳарфларни ҳам виртуал алифбомизга киритишни тақозо этади.

Маълумки, ўзбек тилида эгалик аффиксларидан учинчи шахс кўрсаткичи ундош билан тугаган сўзларга қўшилганда ҳеч қандай фонетик вариант ҳосил қилмайди, яъни

китоб + и = китоби.

Буни *нг* фонемаси иштирок этган сўзлар орқали таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, *жанг* сўзининг III шахс шакли бўлган *жанги* сўзи адабий тил меъёрларига кўра *жа-нги* каби бўгинларга ажратилади. Бўгинлаб ўқиганда у барибир аниқ бўлмаган, формал талаффузни беради. Шундай экан, уни формал равишда *жан-ги* каби бўгинларга ажратса ҳам бўлади. Агар ҳақиқий талаффузни чиқариш керак бўлса, уни *жанг-нги* кўринишида ёзиш керак, деган фикрни билдирмоқчимиз. Бунда *нг* фонемани бир кодли символ (харф) билан алмаштирадиган бўлсак, у ҳолда бу сўз орфографик жиҳатдан *жанг-нги* каби кўринишга келади ва бу бўгинга ажратиш алгоритмидаги “CWC-CW” шаблонига ҳам айнан мос тушади.

Шу маънода *кўнгил* сўзини *кўнгил*, *тонгги* сўзини *тонгги*, *инга* сўзини *ингга*, *дўнгалак* сўзини *дўнгалак* ва ҳоказо каби ёзиш формал грамматика учун қўпол хато бўлмайди. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда “*н*” ва “*г*” лардан фарқли ўларок, ўрнига, агар лотинча бўлса, “*ng*” нинг ўрнига, масалан, “*й*” ни алифбога киритса бўлади. Шу ўринда И.А.Киссеннинг “*не*” фонемасига нисбатан билдирган муносабатини ифодаловчи ушбу фрагментни эътиборингизга ҳавола этамиз: “Саёз тил орқа “*не*” нинг мустақил фонемалиги ҳам шубҳали, чунки “*н*” ва “*г*” лар қўшилмаси барча ўринларда доимо битта тил орқа товуш тарзида талаффуз қилинади: *менга, бурунги, шлинган* каби. Интервокал ҳолатда (икки унли орасида) уларнинг иккита товушга ажралиб кетиши ҳатто бир фонема деб тасаввур қилинаётган “*не*” да ҳам яққол сезилиб туради: *янги, ранги, онги, тонги, танга* каби” [1, 120].

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар фақатгина алифбони виртуал кенгайтириш билан боғлиқ мулоҳазалар бўлиб, бу борада синтаксисда фақат битта жойда пунктуацион белгининг етишмаслиги ҳақида гапириш мумкин. Масалан, гап бўлақларини таъкидлаш маъносида қўлланилувчи ҳам боғловчи иштирок этган *Мен бугун ҳам хизматда, ҳам иззатда* гапнини оладиган бўлсак, бу ерда *бугун* сўзидан кейин интонацияни ифода этувчи битта пунктуацион белгининг бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки айнан шу гапда интонацияни жой-жойига қўйиб талаффуз қилиш учун матндан беҳабар ҳолда ўқиётган ўқувчидан зийраклик, тезкорлик ва грамматик саводхонлик талаб этилади.

Умуман айтганда, биз назарда тутган алифбо барча нутқ учун зарур бўлган товушлар, тиниш белгилари, рақамлар, лигатура ва диакритик белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда лингво-математик моделлаштириш ва шу орқали янги формал грамматикани яратиш учун “масаллик” вазифасини бажаради ва шунинг учун у зарурий ҳодиса деб қаралади.

Ўз навбатида, ўзбек тилининг янги формал грамматикаси инсон ва интеллектуал машиналар орасида табиий тилга жуда яқин бўлган мулоқот тизимини вужудга келтиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Биз интеллектуал система билан оғзаки мулоқотга киришганимизда, интеллектуал машина зиммасида иккита асосий масала туради: *биринчиси*, машина биздан “эшитган” (яъни қабул қилган) ахборотни тушуниши ва “мияси”да автоматик қайта ишлаши лозим; *иккинчиси*, сўровимизга мантқан тўғри жавоб бўлувчи ахборотни автоматик генерация қилиб, бизга қайта узатиши лозим.

Шунингдек, бизнинг ҳам зиммамизда битта вазифа туради, у ҳам бўлса, машинага узадиган ҳар бир ахборотимиз (гапимиз) машина тушунадиган формал тилга, ўзаро келишилган формаль моделга (грамматикага) мос тушиши лозим. Чунки ҳеч қачон табиий тилни мутлақ қамраб олувчи универсал моделни яратиш мумкин эмас.

“Инсон-машина” мулоқот тизимининг туб моҳияти охир-оқибатда автоматик таржима тизимига бориб тақалади. Автоматик таржима негизида эса табиий тилни қайта ишлаш ва генерация қилиш масаласи ётади. Шунга боғлиқ равишда, автоматик таржиманинг сифатлилик даражаси бир томонлама (сиртдан) қаралганда, гапнинг синтактик структураси беҳато, ўз ўрнига қўйилганлиги билан ҳам белгиланади.

Адабиётлар:

1. Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. — Т.: Фан, 2009.
2. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. — Тошкент: Фан, 2013.

**Югай Надежда Юрьевна,
старший преподаватель**

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ: ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ

Все языкознание пронизано культурно-историческим содержанием, ибо своим предметом имеет язык, который является условием, основой и продуктом культуры. В конце XX в., говоря словами Р.М.Фрумкиной, «открылся своего рода тупик: оказалось, что в науке о человеке нет места главному, что создало человека и его интеллект, ~ культуре».

Проблема взаимоотношения языка, культуры, этноса не нова. Еще в начале XIX в. их пытались решить немецкие ученые — братья Гримм, идеи которых нашли свое развитие в России в 60-70-х годах XIX в. -- в трудах Ф. И.Буслаева, А.Н.Афанасьева, А.А. Потебни.

Наиболее широкое распространение в мире получили идеи В. Гумбольдта. По В. Гумбольдту, язык есть «народный дух», он есть «само бытие» народа. Культура являет себя прежде всего в языке. Он есть истинная реальность культуры, он способен ввести человека в культуру. Язык есть фиксированный взгляд культуры на мироздание и себя самое.

Таким образом, в лингвистике конца XX в. стало возможным принять следующий постулат, который вытекает из достижений названных ученых - как русских, так и зарубежных: язык не только связан с культурой: он растет из нее и выражает ее. Язык одновременно является и орудием создания, развития, хранения (в виде текстов) культуры, и ее частью, потому что с помощью языка создаются реальные, объективно существующие произведения материальной и духовной культуры. На основе этой идеи на рубеже тысячелетий возникает новая наука - лингвокультурология.

Лингвокультурология — это наука, возникающая на стыке лингвистики и культурологии и исследующая проявления культуры народа, которые отразились и закрепились в языке. Вместе с тем не следует акцентировать внимание на «стыковом» характере новой науки, ибо это не простое «сложение» возможностей двух контактирующих наук, а именно разработка нового научного направления, способного преодолеть ограниченность «узковедомственного» изучения фактов и тем самым обеспечить новое их видение и объяснение.

При всем различии в существующих направлениях предметом современной лингвокультурологии является изучение культурной семантики языковых знаков, которая формируется при взаимодействии двух разных кодов - языка и культуры, так как каждая языковая личность одновременно является и культурной личностью. Поэтому языковые знаки способны выполнять функцию «языка» культуры, что выражается в способности языка отображать культурно-национальную ментальность его носителей. В этой связи можно говорить о «культурном барьере», который может возникнуть даже при условии соблюдения всех языковых норм.

Лингвокультурология как самостоятельная отрасль знаний должна решать свой специфические задачи и при этом ответить прежде всего на ряд вопросов, которые в наиболее общем виде можно сформулировать так:

- 1) как культура участвует в образовании языковых концептов;
- 2) к какой части значения языкового знака прикрепляются «культурные смыслы»;
- 3) осознаются ли эти смыслы говорящим и слушающим и как они влияют на речевые стратегии;
- 4) существует ли в реальности культурно-языковая компетенция носителя языка, на основании которой воплощаются в текстах и распознаются носителями языка культурные смыслы.
- 5) каковы концептосфера (совокупность основных концептов данной культуры), а также дискурсы культуры, ориентированные на репрезентацию носителями одной культуры, множества культур (универсалии); культурная семантика данных языковых знаков, которая формируется на основе взаимодействия двух разных предметных областей - языка и культуры;
- 6) как систематизировать основные понятия данной науки, т.е. создать понятийный аппарат, который не только позволил бы анализировать проблему взаимодействия языка и культуры в динамике, но обеспечил бы

взаимопонимание в пределах данной научной парадигмы - антропологической, или антропоцентрической.

Это так называемые высокие, или общезнакомые, задачи, которые Р.М.Фрумкина считает общими для всех наук, но есть еще частные задачи, связанные с проблемой перевода, обучения языку, составления словарей, где была бы учтена культурная информация, и т.д. При решении данных задач нужно учитывать одну чрезвычайно важную особенность, создающую дополнительную трудность в изучении данной проблемы: культурная информация языковых знаков имеет по преимуществу имплицитный характер, она как бы скрывается за языковыми значениями.

Сегодня уже нельзя работать в лингвистике, делая вид, будто лингвокультурологии не существует. Ее игнорирование нарушает это с научного сообщества, где одной из базовых посылок является требование преемственности (даже если оно идет в виде аргументированного отрицания). Нельзя не видеть, что есть многие вещи в жизни и поведении нации, которые объясняются культурными факторами.

Литература:

Фрумкина Р. М. Лингвистика в поисках эпистемологии // Лингвистика на исходе XX века: Итоги и перспективы: Тезисы Международной конференции. - М., 1995.

Халида Йўлдашева,
муस्ताқил-изланувчи

ТИЛШУНОСЛИҚДА НУТҚНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ МАСАЛАСИ

XX аср охири - XXI аср бошларида тилшуносликда когнитология, прагматика, культурология ва социолингвистиканинг ривожланиши анъанавий тилшуносликнинг кўплаб тушунчаларини қайтадан кўриб чиқиш, уларни янги ижтимоий буюртма, методология ва методика ҳамда методлар асосида баҳолаш заруриятини вужудга келтирди. Кейинги йилларда тилшуносликда нутқий ҳодисаларни тадқиқ қилишга қаратилган ишлар салмоғи ортди. Айнан тилни тадқиқ қилишда “тил эгаси” билан боғлиқ ҳолда ўрганиш юзасидан қатор изланишлар майдонга келди. Бу жиҳат тилшуносликда антропоцентрик тилшуносликни юзага келтирди. Бу йўналиш билан боғлиқ когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, социолингвистика каби тилшунослик фани йўналишларида илмий тадқиқотлар майдонга келди.

Нутқий ҳодисаларни социолингвистик тадқиқ қилиш юзасидан ҳам умутилшуносликда бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди. Тилшуносликнинг алоҳида парадигмаси сифатидаги социолингвистик йўналишнинг асосчиларидан бири А.Швейцернинг фикрича, социолингвистика тилшунослик, социология, социал психология ва этнография фанлари кесишмаси асосида ривожланаётган ва тилнинг ижтимоий ҳосланиш табиати

билан боғлиқ, унинг ижтимоий вазибалари, социал омиллари тилга таъсир қилиш механизми ва унинг жамият ҳаётидаги мақои билан боғлиқ қатор масалаларни ўрганаётган фандир¹. Тилнинг ҳаёт, жамият билан чамбарчас боғлиқлиги аслида тил ва социум муносабати асосида, шунингдек, миллий тил, миллий анъана ва миллий қадриятлари муаммоси ҳам маълум даражада социолингвистика тушунчаси моҳиятига мосдир. Бу социолингвистиканинг фан сифатида тилнинг умуминсоний ҳамда сиёсий хусусиятларини, шунингдек, тил ва жамият, тил ва мафкура, тил ва тафаккур, тил ва халқ, тил ва ёш, тил ва жинс, тил ва маданият кабилар муносабатини, шунингдек, тилнинг фалсафий хусусиятлари кабиларни ўрганиши билан боғлиқдир.

Социолингвистика тил бирликларининг жамиятдаги турли табақалар нутқида қай ҳолатда намоён бўлиши, буни таъминловчи ички ва ташқи омиллари ўрни ва вазибалари қўлланишининг ўзига хос томонларини текширади, ўзгаларга нутқи асосида баҳо бериш, муносабатда бўлиш, ўзганинг фикрини тўғри англаш, ўз фикрини нутқ шароитига ва суҳбатдошга мақбул вариантда тақдим этиш кўникма ва малакасини шакллантириш амалиёти механизмларни ишлаб чиқиш учун муайян назарий асосларни яратишга хизмат қилади.

Умумтилуносликда нутқнинг социолингвистик тадқиқи борасида бир қатор ишлар юзага келди. Жумладан, рус тилшуносларидан Р.Т.Белл, Ю.К.Волошин, Ю.О.Квартковина, Е.В.Сычалаина, Т.А. Ивушкина, Е.В.Власова, Э.А.Левина, И.Байсултановларнинг тадқиқот ишлари нутқнинг социолингвистик тадқиқ қилиш борсидаги фундаментал тадқиқотлар сифатида майдонга келди.² Рус тилшуносларидан Т.А.Ивушкинанинг тадқиқот иши биринчи ишлардан бири сифатида майдонга келди.³ Муаллиф докторлик диссертациясида англиз аристократлари нутқининг тилнинг турли сатҳлари доирасида тадқиқ қилди ҳамда XIX асрдаги англиз адабий тили ва бадий асар тилининг фарқли жиҳатларини ёритиб берди. Кўринадики, рус тилшунослигида

¹ Швейцер А.Д. Современная социолингвистика // Теория, проблемы, методы. - М., 1976.

² Белл Р.Т. Социолингвистика. Цели. Методы, проблемы. / Пер. с англ. М.: Международные отношения.; Байсултанов И. Социальная дифференциация лексического субстандарту англиского языка в Австралии. Дисс. кандидат филол.наук.автореф. – Пятигорск,2005.; Волошин Ю.К. Американский студенческий социолект// Лингвистические единицы разных уровней в языке и речи: Сб. науч. тр.-Краснодар: Изд-во Кубанского Ун-та, 1988.; Власова Е.В. Социолингвистический аспект изучения недооценки и переоценки в речи современного англичанина: На материале художественных произведений начала XXI века. Дисс. кандидат филол. наук.автореф. - Волгоград 2005.; Ивушкина Т.А. Социолингвистические аспекты развития английской речи (на материале речевых характеристик представителей высшего класса Великобритании в произведениях английской художественной литературы). Дисс. доктора филол. наук. - М., 1998.; Квартковина Ю.О. Речь английской художественной литературы XIX века. Дисс. кандидат филол.наук.автореф. - Волгоград, 2004.; Костецкая А.Г. Социолингвистические характеристики речи образованной молодежи Великобритании и США. Дисс. кан-та филол. наук. -Волгоград,2001.; Крюков Д.В. Социолингвистические характеристики писем английской аристократии Викторианской эпохи. Автореф. дис. кан-та филол. наук. -Волгоград,2001.; Левина Э.А. Языковые реалии в прагма- и социолингвистическом аспекте. на материале русских и немецких романов первой половины XX века и их переводов. Дисс. кандидат филол. наук.автореф. - Ростов-на-Дону, 2006.

³ Ивушкина Т.А. Социолингвистические аспекты развития английской речи (на материале речевых характеристик представителей высшего класса Великобритании в произведениях английской художественной литературы). Дисс. доктора филол. наук. М., 1998.;

нутқнинг социал хосланиши борасида тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилган.

Ўзбек тилшунослигида 90-йиллардан кейинги тадқиқотлардагина социалингвистикага оид тадқиқот ишларини кўриш мумкин. Формал ва структур тилшунослик лисоний бирликларни фақат унинг амал қилиш муҳитидан, ташқи омиллардан узиб олган ҳолда, шаклий ва маъновий томондан имконият сифатида ўрганишга асосий эътиборни қаратди. Бундай қараш, айниқса, тилга семантик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шаклдан иборат деб ҳисоблаш натижасида яна ҳам кучайди. Лисоний бирликларнинг ўзи ифодалаётган объектив борлиқ билан, ундан фойдаланувчи шахс билан муносабати эътибордан четда қолди. Кейинчалик тилни бундай ўрганиш бирёқлама эканлиги, шаклни маънодан узиб бўлмаслиги, шакл ва маънони эса лисоний шахс ва прагматик шароит ҳамда мулоқот муҳитидан айрича таҳлил қилиш имкони йўқлиги аён бўлди. Натижада лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиш муҳити ва вазияти, лисоний шахс билан муносабати томонига эътибор кучайди. "...ўтган асрнинг учинчи чорагида (60-70-йилларда) лисоний воситалар, ҳодисалар сираси систем-структур тилшунослик тадқиқ тамойиллари асосида аниқланиб, тугал тавсифлангач – асосий эътибор бу ҳодиса бирликларининг нутқда қўлланилиши ва улардан қайси йўсинда мумкин қадар самарали фойдаланиш йўлларига, бошқача қилиб айтганда, лисоний бирликларни унумли, самарали қўллаш, кам куч сарфлаб, кўп самара олиш йўлларини аниқлашга қаратилди¹."

Ўзбек тилшунослигида тил ва жамиятнинг муносабати масалалари Н.Махмудов, М.Миртожиёвлар² томонидан умумий тарзда тадқиқ қилинган бўлса, тилшунослигимизда мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусияти³, ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари⁴, ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши⁵, болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик хусусиятлари⁶, ўзбек тилидаги дастхатларнинг социоллингвистик жиҳатлари⁷, диалогик дискурдаги полиредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи⁸ каби бир қатор тадқиқотларда нутқнинг социал хосланиши ўз ифодасини топган.

"Таъкидлаш лозимки, тил ва жамият муносабатларини тадқиқ этувчи социоллингвистика йўналиши бугун дунё тилшунослигида энг устувор йўналишлардан бири сифатида тараққий топиб бораётганига қарамасдан,

¹ Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. - Самарқанд. 2007 –Б.4

² Махмудов Н. Тил. – Т: Ёзувчи, 1997.; Махмудов Н., Миртожиёв М. Тил ва маданият. – Т., 1992.

³ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: филол. фанлари д-ри ... дисс. - Т., 2000. – 235 б.

⁴ Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Самарқанд, 1993. – 26 б.

⁵ Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2008

⁶ Қурбонова М. Ўзбек болалар лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2009.

⁷ Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социоллингвистик хусусиятлари: филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2009.

⁸ Раулова Л. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик таҳлили: филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2012.

бизнинг тилшунослигимизда социолингвистик тадқиқотлар ҳали кўлам касб этиб улгурганича йўқ¹». Тилшунос олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, ўзбек тилшунослигида социолингвистик тадқиқотлар борасида ҳали етарлича ишлар амалга оширилгани йўқ. Бу эса унинг фан сифатида тилнинг умуминсоний ҳамда сиёсий хусусиятларини, шунингдек, тил ва жамият, тил ва мафкура, тил ва тафаккур, тил ва халқ, тил ва ёш, тил ва жинс, тил ва маданият муносабатини, шунингдек, тилнинг фалсафий хусусиятлари кабиларни ўрганиши билан боғлиқдир. Шунингдек, муайян бадиий асарлар тили, хусусан, тарихий мавзуга бағишланган романлар тили социолингвистик аспектда махсус тадқиқ қилинмаган. Тарихий романлар тилини социолингвистик ўрганиш муайян тарихий муҳитда лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишини тил ва маданият, тил ва нутқ, тил ва социум, тил ва вазият муштараклиги тамойили асосида текширишнинг таркибий қисмига мансуб бўлиб, тарихий роман тили кучли ижтимоий ҳосланиш хусусияти билан характерланади ва ўзида лисоний имкониятларнинг социум табиати ва дунёқарашига мос равишда воқеланишини намоён қилади. Тарихий романларда нутқнинг ижтимоий ҳосланиши тарихий давр ва шароит билан боғлиқ бўлиб, тарихий ҳолат билан белгиланувчи ижтимоий, маънавий-маърифий муҳитнинг ўзига ҳослиги билан белгиланади.

У. Йигиталев,
мустақил тадқиқотчи

УСЛУБИЙ ТИЗИМДА “ЖИНС” ЛИСОНИЙ КОНЦЕПТИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Услубий тизимда “жинс” лисоний концепти (ЛК)нинг воқеланиш кўламларини баён этишда лингвопоэтик ва лингвостилистик тадқиқотларнинг ютуқларига таяндик. Зероки, услуб (стил) тушунчаси табиий равишда лингвопоэтика билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, тадқиқ манбаи бўлган “жинс”: ЛКнинг биологик аспектдан ташқари социологик тавсифга ҳам эгаллигини ҳисобга олиб, социолингвистик тадқиқотларга ҳам суянишга тўғри келди.

Ўзбек тилшунослигида ўрганилган социолингвистик тадқиқотларда “жинс” тушунчаси, асосан, мулоқот, сукут, касб-ҳунар, шева, урф-одат ва нолисоний (паралингвистик) воситалар каби томонлар жихатдан алоҳида-алоҳида тадқиқ қилинган. Бироқ “жинс” тушунчаси бутун услублараро шунингдек, сатҳлараро воқеланиши ҳали тадқиқ этилмаганлиги боис, биз бу ерда стилистик – функционал тизимда “жинс” ЛК синининг воқеланиш кўламларини имкон қадар тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Бу ўринда ўзбек халқи менталитети ва психологиясига суяндик.

Шарқ мусулмон оламида, жумладан, ўзбек эркак ва аёлларининг шарият нуқтаи назаридан оиладаги ўрни, мулоқот даражаси, фарзандлар олдидagi мавқеи, албатта, тенг бўлмаган. Ўзбек эркак ва аёлларининг био-физиологик

¹ Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг бугунги муаммолари // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари / мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. –Б.156.

хатти-ҳаракатлари, психологик томонларидан ташқари, нутқлари ҳам кескин фарқ қилади. Чунончи, эркаклар нутқида “*хабаринг борми?...*”, “*эшитдингми – йўқми?...*”, “*биласанми?...*” каби жумлалар билан бошланиб, “*гап шуки...*”, “*гапнинг ўғил боласини айтганда...*”, “*хуллас...*” сингари ижтимоий нутқ бирликлари билан яқунланса, аёллар нутқида эса, “*нима десам экан...*”, “*гапни нимадан бошласам экан...*”, “*сизга нима деб тушунтирсам экан...*” каби иборалар билан бошланиб, “*вой, эсим курсин...*”, “*ха, айтмоқчи...*” каби жумлалар қолипланади.

Ўзбек аёллари нутқининг айрим хусусиятлари бўйича тадқиқот ўтказган Ш.Искандарованинг фикрига кўра, хотин-қизлар нутқида мансуб «*айланай*», «*ўргулай*», «*гирзиттон*», «*қоққиндик*» сингари сўзлар ижобий маъно нозиклигини ифодаловчи лексик воситалар ҳисобланади, улар кўпроқ кекса аёллар томонидан нутқий одатнинг турли вазиятларида қўлланади.

Ўзбек тилида шундай иборалар борки, улар фақат эркаклар нутқидагина қўлланилади. Жумладан, “*Бурнини ерга ишқамоқ*”, “*Дабдаласини чиқармоқ*”, “*Жигини эзиб қўймоқ*”, “*Отимни бошқа қўрман*” ва ҳоказо. Яна шуни айтиш жоизки, эркак ва аёл, бошқача қилиб айтганда, ота ва онанинг фарзандлар олдидаги мавқеи ҳамда бурчлари уларнинг “жинс” даражаси билан ҳам боғлиқ. Яъни шарқда, миллий маданиятимизда, ўзбек оиласида ўғил бола тарбияси ота билан боғлиқ бўлса, аксинча, қиз бола тарбияси она билан боғлиқлиги сир эмас. Ота ва ўғил муносабати хусусида сўз кетар экан, ҳақиқий ўзбекона муносабатларни ўзида мужассам этган машҳур “*Ўтган кунлар*” романидаги Юсуфбек хожи ва Отабекларнинг муносабати беихтиёр ёдимизга тушади ва ҳар қандай ҳолатда ота ҳурматини ўрнига қўя олган Отабек муомаласига яна бир қарра қойил қоламиз:

“*Ўзбекойим келиб ўтиргандан сўнг, Юсуфбек хожи бир неча вақт ўйлаб қолди... анчагина сўзсиз ўтирганидан сўнг хожи мулоимона сўз очди.*

- *Ўғлим, хали сен эшитдингми, йўқми, хайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...*

Отабек маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган» ишларини, албатта билар эди, шундай бўлса ҳам билмаганга солинди:

- *Ақли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари албатта, номаъқул бўлмас, -деди. Хожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради. Нима деб давом қилишни билмай қолди...*” матнга диққатга қилинса, ўғил тарбияси, уни уйлантириш ва оилада ҳал қилувчи фикр ота (оиланинг катта эркак жинси-У.Й.) нинг мавқеи билан боғланыпти.

Аждодларимиз удумига кўра, отага нисбатан “сен” сўзи қўлланилмайди. Отасини “сен”лаган фарзанд дўзахи ҳисобланади. Шу ўринда халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик достонида фикримизга ҳамоҳанг қуйидаги парчани ўқиймиз:

“*Ўзга одам: Тарозибон не деса шу, шионамиз-да! Қайси кунни йиглаб кетди бир муйсафид чол, Етти бора ҳажж савоби бўлмабди қабул.*

Йигит: Нечук энди?

Ўзга одам: У дунёда юз бериб қай хол,

Отасини сансираган экан бир бор ул.

*Йигит: Минг мартаба шукр бўлсин парвардигорга,
Мендан рози кетган экан қўблагҳоҳларим.
Эс билмаган гудакликни йўйсак бекорга
Сенсирраган эмасман мен, йўқ гуноҳларим.”*

Юқорида таъкидлаганимиздек, оилада қиз бола, шунингдек, келин тарбияси билан оналар шугулланишади. Халқимизда бир гап бор: “Қизим, сенга гапираман, келиним сен эшиг”. Бу гап фақат аёл жинсига мансуб, катта ёшдаги (келин кўрган – У.Й.) инсонларга тегишли. Дарҳақиқат, услубий тизимда “жинс” ЛКсининг воқеланиш кўламлирини давом эттириш мумкин, бироқ юқорида келтирилган далилларнинг ўзиёқ мазкур сатҳда “жинс” ЛКнинг воқеланиши ва шу асосда махсус концептуал гуруҳлар ташкил қилиши тўғрисидаги илмий фаразимишни далиллайди.

Адабиётлар:

1. Ўринбоев Б., Кўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадийий текстнинг лингвистик таҳлили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
2. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ оdatининг мулоқот шакллари: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. - Самарқанд, 1993.
3. Искандарова Ш. Аёллар нутқида ундов сўзларининг қўлланилиши // Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 1991.
4. Йулдашев М. Бадийий матн ва унинг лингвопоэтик талили асослари. - Тошкент: Фан, 2007.
5. Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. - Тошкент, НДА, 1998.
6. Ибрагимова Э.И. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. - Тошкент, НДА, 2001.
7. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. - Фаргона, НДА, 2004.
8. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. - Т., 2000.

Дилдора Тошева,
докторант (PhD)

“ОТ” КОМПОНЕНТЛИ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқимиз “От – мурод” деб айтади. Отнинг муродлиги замирида олам-олам маъно бор. Бу отнинг неча минг йиллар давомида халқимиз турмуши, ижтимоий, сиёсий, диний-этиқодий ҳаётида тутган мавқени кўрсатади¹. *От битди – қанот битди; Оти бор – ботир, оти йўқ – ётир; Оти борнинг қаноти бор; моли борнинг – бахти; Этик кийсанг, эр бўласан, отга минсанг, шер бўласан* мақолларида ҳам от мард ва жасур йигитлар орзу-ҳаваси, муродининг

¹ Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадийий талқини: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Тошкент, 2000. - Б. 3.

ҳосил бўлиши сифатида ифода этилган. Яъни куч-қудратда тенгсиз йигитлар эгарланган уловда қанотли куш мисол шиддат билан ҳаракат қилишган. Шу боис отли ботир – бахтли ботир саналган. Ўзбек халқида отлик йигит энгилмас куч-қудрат эгаси ҳисобланган. Шу билан бирга, отга инсоннинг мол-давлати, мавқини белгиловчи восита сифатида ҳам муносабатда бўлинган.

От хонадонга қут-барака, бахт ва омад келтирувчи асос сифатида қаралган. От савдоси амалга оширилган бозор “бахт бозори” дея сифатланган. *От бозори – бахт бозори* мақоли мазкур тушунчалар таъсирида шаклланган.

Азалдан туркий қабилалар отни қадрлашган ҳамда бедов бия ва байталларни қўлга ўргатиб хонакилаштиришган. Тарих зарвақларида Чинликлар эътиборини қозонган ва “Самовий отлар” дея довруғи оламга ёйилган айгирларни секин-асталик билан қўлга ўргатган Марказий Осиё аҳолиси ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Шунинг учун туркий халқлар тарихини отсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ота-боболаримиз илоҳий мўъжиза саналмиш бу ҳайвоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини биринчилардан бўлиб жуда яхши англаб, уни ардоқлаш, тарбиялаш ва ундан фойдаланиш борасида бошқа қўплаб халқларга ўрнак бўлишган. *Бошсиз бўрк¹ бўлмас, тотусиз² – турк* мақолида отнинг туркий халқлар ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этгани тасвирланган. Яъни қалпоқни бошсиз, туркий қавмларни эса отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси от билан биргаликда олиб борилади³.

От отсимонлар оиласига мансуб тоқ туёқли ўтхўр ҳайвонлар авлоди бўлиб, бошқа жониворлардан тез югуришга яхши мослашгани, катта тортиш кучига эгаллиги билан ажралиб туради. Дунёдаги барча мамлакатларда 250дан зиёд от зотлари мавжуд бўлиб, улар 25, баъзан 40 ва ундан ортиқ йил яшайди. Ўрта Осиё ва Европанинг жануби-шарқий қисмида хонаки отлар милоддан аввалги учинчи минг йилликдан мавжуд бўлган. Ёввойи отлар уюри Европа, Осиё ва Африкада учраган. Отлардан қўп асрлар мобайнида транспорт воситаси, қишлоқ хўжалигининг асосий иш ҳайвони сифатида фойдаланилган⁴. Техника имкониятларининг от кучи билан ўлчаниши ҳам шундан далолат беради. Бир от кучи 746/736 Watt га тенг.

Бир миҳ бир нағал⁵ ни, бир нағал бир отни тутар мақолида кишилик жамиятига хос тадрижийлик ўз ифодасини топган. Дунёни ларзага соладиган оламшумул воқеа-ҳодисалар ёки кашфиётлар ортида муайян шахс томонидан амалга оширилган ҳаракат ётади. Мақолда қўлланилган от, нағал ва миҳ образлари ҳаёт ҳақиқатини ёритишга хизмат қилган.

Ҳарбий юришларда ҳам қўшиннинг куч-қудрати ундаги отлик аскарлар сони ва жанг қилиш маҳорати билан баҳоланган. Ўз юрти ва халқи тинчлиги, фаровон ҳаёти учун курашган жасур ва мард йигитлар кўзи тўқлиги, босиқлиги, камтарин ва бир сўзли эканлиги билан ажралиб турган. Мақтанчоқ, ўзига бино

¹ қишлоқча телпак, қалпоқ

² кичкина, мўъжаз от, Қашқар оти, тоғ оти

³ Шомқасудов Ш., Шораҳмедов Ш. Кўрсатилган манба – Б. 308.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003 VI – 593 б.


⁵ пошна, тақа

қўйган, ўз куч-қудрати ва давлатига хаддан зиёд баҳо берадиган одамлар халқ орасида танқид қилиниб, қораланган. *Кишнаган айғирнинг уюрин кўр, чиранган йигитнинг* – уйин мақолида ҳам кўча-куйда мақтанадиган, мол-давлатини кўз-кўз қиладиган кимсалар назарда тутилган. Мақтанчоқ ва ҳавойи кимсаларнинг аслида ҳар бир хатти-ҳаракатни сунъий тарзда амалга ошириши, бировга орқа қилиши, ўзгалар ютуғини ўзиникидек кўрсатишга одатланганлиги қораланган. Кишнаган айғирнинг кучи уюр орасида билинса, мақтанган йигитнинг асл ҳоли уй тутишида намоён бўлади. Бу ўринда *уй* концепти шахснинг оиласи, яшаш тарзи, яқинларига муносабати, рўзгор тебратиш имконияти каби тушунчаларни ўз ичига олади.

От образи иштирокидаги мақоллар ўзбек халқ оғзаки ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади (246та). Уларда халқнинг кундалик турмуш тарзидан тортиб, насл-насаб, тарбия, оила, дўстлик, меҳнат каби тушунчалар ифодаси ҳам тасвирланган. Қуйидаги мақолларда баркамол авлод тарбияси учун муҳим саналган муомала маданияти, андиша ва ор-номус тушунчалари асрий кадрятларимиз инъикоси сифасида намоён бўлган. *Одам – сўзлагунча, йилқи – кишнагунча; От кишнашиб топишар, одам – эслашиб* мақолларида жамият асосини муомала маданияти ташкил этиши таъкидланган. Яъни киши ҳаётда ўз ўрнини топишида, атрофидаги инсонларнинг ҳурмат-эҳтироми ёки нафратига сазовор бўлишига унинг муомала маданияти сабаб бўлади. *Ғайрат – отда, ҳаё – кўзда* мақоли ҳам халқ донолиги намунаси сифатида асрлар давомида ўзбек тилида муомалададир. Маълумки, қадимдан тажрибали онахонлар, гапга чечан янгалар қизлардаги ҳаё ва ибони уларнинг кўзига қараб билишган. Аёллардаги ор-номус, эркаклардаги куч-ғайрат улар бўйнига тақиб юрадиган тумор мисол қадрланган. Мақолда шу каби жиҳатларга ишора қилинган. *Отангни кўрсанг, отдан тушма* мақолида эса ҳар қандай вазиятда киши ўз отасига ҳурмат кўрсатиши, иззатини жойига қўйиши лозимлиги таъкидланган. Зеро, инсон ҳаёти давомида эришган барча муваффақиятларнинг сабабчиси уни дунёга келтирган, вақтида тўғри тарбия берган ота-онаси саналади. Отани улуғлаш, қадрлаш ўзбек халқининг азалий қарашларини ифода этади. *Ота рози – Худо рози* жумласи замирида ҳам ўзбекона тарбия ва асрий анъаналар яширинган.

От образи иштирокидаги мақолларнинг аксариятида оила концепти ифодаси учун хизмат қилувчи масалалар ёритилган бўлиб, улар оиланинг ўзбек халқи ҳаётидаги аҳамиятини намоён этади. Масалан, *Қобил ўғил отга миндирар, ноқобил – отдан туширар* мақолида қобил ва ноқобил фарзанд хусусида фикр юритилган. Бинобарин, қобил фарзанд ота-онасининг ҳурмат-иззатини жойига қўяди. Қариган чоғида уларга тиргак бўлиб, кўлидан келганича асраб-авайлайди. Уйининг тўридан жой беради. Топган-тутганини биргаликда баҳам кўради. Эл ҳурматиغا сазовор этади. Ноқобил фарзанд эса ота-онаси умрининг эғови бўлади. Кўпчилик олдида юзини шувут қилади, обрўсизлантиради. Мақолда қўлланилган от образи қарилик даврининг роҳат-фарогати, тинч ва осойишта кунларни ифодалаш учун хизмат қилган.

Ўзбек тилидаги от тоонимини яширокидаги мақолларда қуйидаги
концентуал семалар ифодаланган.



Хуллас, отнинг ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни бекиёс. Айниқса, от асосий улов бўлган ўтган асрларда унинг баҳоси янада ортган. У отабоболаримизнинг тўйида ҳам, азасида ҳам асқатган.

Умуман, от бошқа ҳайвонлардан эгасига содиқлиги, ақллиги ва ниҳоят, ўзининг ноёб хислатлари билан ажралиб туради. От гўшти ва сутини истеъмол қилиш аждодларимиз соғлиғига ижобий таъсир этган. От минган чавандозлар бел оғриғи, умуртқа поғонасининг букилиши, бепуштлиқ каби касалликлардан фориғ бўлишган. У улугворлик ва куч-қудрат рамзи ҳисобланиб, барча буюк инсонлар от минган ҳолда тасвирланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2000.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III Том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
3. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1990.

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA "GUL" KONSEPTI

Ingliz va o'zbek tillarining lug'at boyligida jamlangan minglab so'zlar borki, ular nafaqat narsa va hodisalarning oddiy ifodalovchisi, balki dunyoqarashlar, madaniyat va ma'naviyatning ham yorqin ifoda vositasidir. Har bir xalqning o'ziga xos turmush-tarzi, madaniyati va qarashlariga turlicha bo'lib, bu holat uning tilida ham aks etib turishi tabiiy. Tilda, uning har bir birligida til egalarining qarashlari, madaniyati aks etmasdan qolmasligi haqida ham e'tiborli fikrlar bayon etilgan. Fikrlarimizni tilimiz tarkibidagi alohida birlik gul so'zi hamda ingliz tili tarkibida o'z o'rniga ega bo'lgan flower so'zi misolida asoslashga harakat qilamiz. Gul so'zi har bir millat yoki xalq hayotida ko'lam doirasi keng o'ziga xos ifoda vositasi sifatida o'rin egallaydi. Xususan, o'zbek va ingliz madaniy hayotida ham mazkur lisoniy va madaniy birlik o'ziga xos o'rin tutadi, ijtimoiy hayotda muhim ahamiyat kasb etadi, chunki gul tushunchasi xalqimiz madaniy hayotida uzoq davrlardan beri yashab keladi, madaniyatimizning tarkibiy qismida milliy dunyoqarashi asosida qayd qilinadi. Gul so'zi muloqot jarayonida turli vaziyat va maqsadlardan kelib chiqib, serqirra birlik sifatida kundalik nutqda, xalq ijodiyotida, maqol va matallarda, badiiy asar va san'at namunalari ifodalanadi. Hususan, xalq hikmatlari va maqollarida, badiiy adabiyot durdonalarida, xalq iboralarida *gul* ning semantik, pragmatik, kognitiv xususiyatlari namoyon bo'lganligiga guvoh bo'lish mumkin. Shuningdek, gul bilan bog'liq o'zbekona qarash, qadriyat, madaniyat kabilarga xos qiyofaning yanada yorqin tasavvur etilishi kuzatiladi.

Gul so'zi mustaqil lug'aviy birlik sifatida lug'aviy va grammatik ma'no ega. Uning qo'shimcha ma'nosi, ya'ni emotsional-ekspressiv (hissiy-ta'siriy) ma'nosi so'z asosida mavjud emas, lekin uning nutqiy ma'nolari nutq jarayonida kuzatiladi. Lug'aviy birlikning etakchi ma'nosi lug'aviy ma'no bo'lib, asosan, lug'atlarda ana shu ma'nosi e'tiborga olinib izohlanadi. Shunga ko'ra, gul so'zining semantik strukturasi kuzatish, uni tahlil qilishdan oldin uning izohli lug'atdagi ma'nosi bilan tanishishni lozim deb bilib "O'zbek tilining izohli lug'ati"ga murojaat qildik.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da gul leksemasiga shunday izoh beriladi: "*Gul*- 1(botanik ma'nosiga ko'ra). Urug'li o'simliklarning urchish uchun xizmat qiladigan, gulband, kosachabarglar, toj barglar, changchilar va urug'chidan iborat qismi. Olma guli. Nok guli. M: *Nurining hovlisidagi gilolar gullagan. Ularning oppoq, ko'rkam gullari quyosh murida juda nafis tovlanar* (Oybek, "Qutlug' qon").

2. Atirgul va umuman ziynat uchun ekiladigan yoki tabiiy, o'zi o'sadigan gulli o'simliklar, chechaklar. Pushti gul. Oq gul. Qo'qon gul. *Tikansiz gul bo'lmas, mashaqqatsiz -- hunar* (Maqol). *Dala yo'lining ikki tomonidagi bog'lar tutash gullar bilan qoplangan.* Oybek, Tanlangan asarlar. *Supalarining oralariga, atrofiga anvoyi gullar ekilgan* (A. Qahhor, "Asror bobo").

Qizil gul q. qizil I. Tuvak gul. Tuvakda o'stiriladigan xonaki gul.

3. Biror narsaga tabiatdagi gullar misolida chizib, tikib, bosib yoki o'yib terilgan bezak, naqsh: *Tez kunda albonning varaqlari fotosuratlar bo'yoq qalamda chizilgan gullarga bezandi* (H.Nazir, "Cho'l havosi").

4. ko'chma poet. Gul-gul ochilgan go'zal. *Gulni gulga qo'sh* (Maqol). *Ikkovi ham uzilgan gul* (Oybek, "Qutlug'qon").

1. ko'chma (1-sh. egalik qo'shimchasi (birinchi) murojaat shakli). Yor, sevikli ayol. *Gul senga aytar so'zim bor. Maktubimga. Javob yozmading, dildor, gulim ham bahor sensan, Gulbahor* (M. Alaviya).

2. Ko'chma (3-sh. egalik qo'shimchasi) ko'chma Eng yaxshisi, sarasi; fayz kirituvchisi. *Yigit (lar)ning guli. Ziyolilarning guli. Shoh qiz, shakar qiz, qizlarning guli, Qoshlaringni ko'rsatgil, men uning quli* (S. Ayniy, Doxunda). [3:196]

Ingliz tili lug'atlarida flower so'ziga quyidagicha ta'riflar berilgan:

A *flower* is a part of a plant. Flowers are also called the bloom or blossom of a plant. The plant grows on a stalk – a thin node – which supports the flower. Flowers have petals. Inside the petals are the parts which produce seeds.

Flowers are the reproductive structure of flowering plants, which are plants of the division Magnoliophyta, also called the Angiosperms.

In many plants, a flower is its most colourful part. We say the plant 'flowers', 'is flowering' or 'is in flower' when this colourful part begins to grow bigger and open out. There are many different kinds of flowers in different areas in the world. Even in the coldest places, for example the Arctic, flowers can grow during a few months. [2:44]

1. the seed-bearing part of a plant, consisting of reproductive organs (stamens and carpels) that are typically surrounded by a brightly coloured corolla (petals) and a green calyx (sepals)

2. a flower together with its stalk, picked for use as a decoration a bunch of flowers

3. [mass noun] the state or period in which a plant's flowers have developed and opened the roses were just coming into flower

4. (the flower of) the finest individuals out of a number of people or things he wasted the flower of French youth on his dreams of empire

5. [no obj.] (of a plant) produce flowers; bloom Michaelmas daisies can flower as late as October

6. be in or reach an optimum stage of development; develop fully and richly she flowered into as striking a beauty as her mother |

7. [as noun] (flowering) the flowering of Viennese intellectual life

8. [with obj.] induce (a plant) to produce flowers • Derivatives: flowerless flower-like Origin: Middle English flour, from Old French flour, flor, from Latin flos, flor-. The original spelling was no longer in use by the late 17th cent. except in its specialized sense 'ground grain' (see flour) flower [ˈflaʊə]

9. a bloom or blossom on a plant flower [ˈflaʊə(r)] flowers, flowering, flowered

10. (botany) the seed-bearing part of a plant, consisting of reproductive organs (stamens and carpels) that are typically surrounded by a brightly colored corolla (petals) and a green calyx (sepals)

Biz uchun izohlarning ahamiyatlisi izohli lug'atdagi tavsif bo'lib, gul so'zining umumiy ma'nosi shunda aks etadi. Biroq gul so'zi o'zining ma'noviy tabiatini turli nutq vaziyatlarida turlicha ifodalab o'zi va nolisoniy belgilarini ham ifodalaydi. [1:178]

Kuzatishlardan ma'lum bo'ladiki, gul so'zi ko'p ma'noli lug'aviy birlik va shakldosh so'z maqomida bo'lib, borliqda bir qancha tushuncha bilan bog'langan bo'lib, leksikografik izohlarda gul tushunchasi bilan aloqador ma'nolar aks ettirilgan. har bir ma'no o'ziga xos shakllanish asosiga egadir. Izohlarning birinchisi sohaviy tushuncha bilan bog'liq bo'lib, atamaviy ma'noning izohi hisoblanadi. Ikkinchi izoh esa sof lisoniy xarakterga ega bo'lib, jamiyat a'zolarining ongidagi ijtimoiy shartlangan lisoniy bosh ma'noni tavsiflagan. So'zning boshqa ma'nolari ana shu bosh ma'no asosida shakllangan. Izohlarning uchinchi ham oldingi ma'nodan o'sib chiqqan alohida ma'noning izohidir. Badiiy nutqqa xos ma'no tarzida izohlangan to'rtinchi, beshinchi va oltinchi ma'nolar ham hosila ma'nolar sanaladi. So'zning ettinchi ma'nosi sof etnografik tushuncha bilan bog'langan bo'lib, mazkur ma'no o'ziga xos alohidalik kasb etib keladi. Shuningdek, birikmalar tarkibida kelib, turli ma'noviy xususiyatlarini ham namoyon etganligi kuzatiladi. So'zning keltirilgan bosh va hosila, frazeologik ma'nolari izohi mazkur birlikning lisoniy va madaniy belgilari haqida atroflicha fikr yuritishga keng imkoniyat yaratadi. Mazkur izoh va shartlar til nuqtai nazaridan amalga oshirilgan bo'lsa-da, ularda muayyan ma'no va darajada til egalari madaniy qarashlarining izlari ham aks etganligi sezilib turibdi.

Shuningdek, gul tushunchasi turli birikmalar tarkibida ham va marosim otlari tarkibida ham barqarorlashib, madaniyatimiz, dunyoqarashimizning muhim ifodalovchisi tarzida ahamiyat kasb etib turishiga guvoh bo'lmoqdamiz. Yuqoridagilardan ma'lum bo'ladiki, gul birligining semantik strukturasi murakkab va keng qamrovli bo'lib, o'zida lisoniy va madaniy belgilarni ham mujassamlashtirgan. Gul so'zi mazkur ma'nolarini muloqot jarayonida nutq vaziyati, sharoiti, maqsadidan kelib chiqqan holda namoyon qiladi.

O'zbek tilidagi gul va ingliz tilidagi flower leksemalarining semantik tarkibi ham bosh ma'no ifodalovchi, ham ko'chma ma'nolar hosil bo'lishi uchun xizmat qiluvchi hosila ma'nolar yig'indisidan tarkib topadi. U bosh ma'noda biror bir o'simlikning tarkibiy qismi sifatida namoyon bo'ladi. Masalan, *bodom guli, o'rik guli, flowering cherry, flowering plum*. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, gul leksemasining semantik tarkibida jiddiy o'zgarish ro'y bergan. Ya'ni, hozirda gul leksemasining "yopiq urug'li o'simliklarning urchish uchun xizmat qiladigan, gulband, kosachabarglar, tojbarlar, changchilar va urug'chidan iborat qismi" ma'nosi emas, balki uning o'simlik nomini ifodalovchi ma'nosi bosh ma'no darajasiga ko'tarilgan. Biz gul deganda "yopiq urug'li o'simliklarning urchish uchun xizmat qiladigan, gulband, kosachabarglar, tojbarlar, changchilar va urug'chidan iborat qismi"ni emas aksincha ana shu qismni o'z ichiga olgan butun bir o'simlikni tushunamiz. Kontekstdan tashqarida ham uning aynan shu ma'nosi ifodalanadi. Gul - lola, atirgul, qoqigul, binafsha kabi. Flower-tulip, rose, narcissus.

Gul so'zi o'zining mazkur ma'nolarini muloqot tabiati, nutq vaziyati va talabiga ko'ra yuzaga chiqarib keladi. Tilimizda mazkur so'z o'zining bosh va ko'chma ma'nolari bilan turli qurshovlarda keng qo'llaniladi. Bunday holatda til

egalarining turli munosabat va tushunchalarini ifodalashga xizmat qilib, maishiy va madaniy qarashlarni ham birga qo'shib aks ettiradi.

**Nilufar Abdurakhmonova,
Doctoral student (PhD)**

SEMANTIC ISSUES OF MACHINE TRANSLATION

Due to globalization process, everything is getting to change into apace; additionally there is not any hindrance to unify cultural and social attitudes among people. So understanding other foreign language has become a very crucial thing that we cannot ignore it. Today the result of machine translation which was appeared last in the mid of century impacted expand researches in this sphere one is the direction of computational linguistics and state of the art information technologies give opportunity to use them in any kind of branches of public. As far as we know that, a good machine translation is one of the tools of the trade for translation procedure. There are so many types of systems like SYSTRAN, Prompt, Google translator and others that are being used somehow to translate any kind of texts. However, developing MT systems still are being tested out to improve correct translation. We could say the field of MT is fast-moving one. One more reason considered linguistically factors, especially in lexicography those new scientific and technical terms in society and facile way to get information from World Wide Web.

Very large investigations directed to raise quality of MT, so we cite one more example like: "A comprehensive review of EBMT techniques appeared as Somers (1999). The IBM statistical MT system is described in Brown et al. (1990); a general overview of the approach appears in Knight (1997). A good example of a multi-engine system is PANGLOSS (Frederking et al. 1994). Anaphora resolution in MT is the subject of a special issue of Machine Translation (Mitkov 1999). KBMT research at Carnegie-Mellon is described in Nirenburg et al. (1992). Latest ideas on interlingua-based MT have been presented at a series of AMTA SIG-IL Workshops, the latest of which was at the MT Summit in Santiago de Compostela (Farwell and Helmreich 2001). Spoken-language MT is represented by major research programmes such as VERBMOBIL (Wahlster 2000), SLT (Rayner et al. 2000). the C-Star consortium of several projects, and not a few others. A collection of articles on SLT is assembled in Krauer (2000). MT and other resources for minority languages was the subject of a workshop at LREC (LREC 2000), which includes a discussion by the present author of the particular case of NIMLS. Frederking et al. (2000) discuss DIPLOMAT, an example of a quickly developed ('rapid ramp-up') interactive MT system for Haitian Creole. Jones and Havrilla (1998) and Nirenburg and Raskin (1998) propose general approaches to this problem" [1, 502]

Translator who constantly deals with this activity can only not more than two or three subjects covered his/her individual experience. Nevertheless, it is necessary to translate at any time and any kind of genres of texts. Considered speed, flexible, economizing features of MT, it is helpful in translation process.

Mainly an amount of researches based on statistical MT. The fact that probabilistic and mathematical approaches to MT are useful, but somehow the essence of natural language should be not escaped like problems. Particularly English and Uzbek languages are separable particularities owing to linking of different language families. Machine-readable dictionaries are available now to adopt to MT, but then again to create linguistically database should be improved as we stated above. Therefore, we will show some strategies in this way.

ориентированному подходу. В casestudy сочетается индивидуальная работа обучающихся с проблемной ситуацией и групповое обсуждение предложений, подготовленных каждым членом группы. Данный метод важен для формирования профессиональных компетенций, поскольку позволяет устанавливать межпредметные связи, способствует развитию аналитического и системного мышления, освоению коммуникативных навыков и предполагает презентацию результатов проведенного анализа. Знания и навыки, полученные в процессе работы над кейс-стади, позволяют студентам не только овладеть английским языком для общения на указанную тему, но и эффективно применять эти знания для решения практических задач в будущем. Студент учится выходить из положения при получении и передаче информации в условиях дефицита языковых средств, в процессе ведения деловых переговоров, работает с информацией в устной и письменной форме. В результате происходит развитие как общих, так и профессиональных компетенций. Следование нормам и правилам Болонской декларации предполагает значительную самостоятельность студента при овладении знаниями, что требует особой информационной поддержки. В своей статье А.Тумалев рассматривает организацию самостоятельной работы студентов с использованием современных информационных технологий. Информационное взаимодействие осуществляется в высокотехнологичной информационной среде, где, во-первых, имеются новые субъекты системы учебного взаимодействия, которые принимают активное участие в процессе обучения. Во-вторых, усложняется структура этого взаимодействия в направлении развития коммуникативных и информационных реализаций. В третьих, появляется возможность организовывать виды учебной деятельности, которые обеспечивают высокий уровень самостоятельности и «открытость» образования, что полностью соответствует вхождению в Болонский процесс. Так, технология «offline» включает в себя: оперативную электронную переписку; телеконференцию распределенной группы; работу с электронными банками информации. Технология синхронного режима связи («online») включает не синхронизированную во времени дискуссию (форум), что предполагает обращение к новой информации только по инициативе самого участника форума; синхронизированную во времени дискуссию (чат); деятельность учащихся, которая направлена на поиск и анализ необходимой информации с использованием электронных информационных ресурсов, а также на создание собственных ресурсов, «продуктов» деятельности в сетях. Рамки данной статьи не позволяют нам более подробно остановиться на еще ряде инновационных педагогических технологий, которые получили широкое распространение в мировой методике обучения иностранным языкам в последнее десятилетие двадцатого и в начале двадцать первого века, а именно: обучение в малых группах сотрудничества, дискуссии, мозговые атаки, метод проектов и некоторых других. Следует заметить, что ни один из указанных методов и технологий не является универсальным. Целесообразно использовать отдельные виды в зависимости от материала, группы и т. п. Ошибочно было бы злоупотреблять каким-либо одним из указанных видов. Но, несомненно, все

перечисленные выше технологии займут важное место в образовательном процессе. Изначально следует уяснить, как согласуется социальный заказ общества – (подготовить в короткий срок специалиста, хорошо владеющего иностранным языком), с требованиями учебной программы неязыкового вуза и минимальным количеством часов в действующем учебном плане. Нам представляется, что добиться поставленной цели - научить студента в течение ограниченного учебными рамками периода говорить о проблемах своей специальности и понимать речь носителей языка в этом плане - можно, сочетая традиционные и инновационные методы, но делая решительный упор на принцип коммуникативности как в обучении, так и в построении используемых учебных материалов и учебных пособий. Изучение особенностей устной научной речи должно учитывать новейшие данные психологической и методической науки, с одной стороны, и коммуникативные особенности языка специальности в соответствии с профилем обучения, с другой. Традиционно обучение иностранному языку в неязыковом вузе было ориентировано на чтение, понимание и перевод специальных текстов, а также изучение проблем синтаксиса научного стиля. Сейчас необходимо думать о перемещении акцента в обучении на развитие навыков речевого общения на профессиональные темы и ведения научных дискуссий, тем более, что работа над ними не мешает развитию навыков, умений и знаний, так как на них базируется.

Литература:

1. Аппатова Р. С. Учебноролевая игра как средство интенсификации обучения групповому общению: Авторефер. дис.к.п.н. – М., 1987.
2. Кротовская М. А. Роль и значение ролевых игр в формировании социокультурной компетенции студентов-экономистов // Материалы межвузовской научно-практической конференции «Key skill sand knowledge student sneed top artic ipate successfully in the 21st century society». – М.: Изд. Академии бюджета и казначейства, 2009.
3. Миролобов А. А. Современные педагогические технологии // Методика обучения иностранным языкам: традиции и современность / под.ред. А. А. Миролобова. – Обнинск: Титул, 2010.

**Зебинисо Одинаева,
катта илмий ходим-изланувчи**

ТИЛ – ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИНГ АСОСИ

Маълумки тил - инсоният яралгандан бошлаб кишиларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишлари учун муҳим восита бўлиб, бугунги кунда унинг жамият, давлат ва миллат ҳаёти, унинг ўтмиши ҳамда келажакни белгиловчи асосий омил десак, айни ҳақиқатдир. Шунингдек, тил маънавий меросимизни ўзида акс эттирувчи кўзгудир. Миллий қадрият миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга молик жиҳатдир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, ҳаёт тарзи урф-одати, бугуни ва эртаси, аждод – авлодлари, ижтимоий қатламлар, миллий онг, миллий тил ва бошқа маънавий моддий бойликларининг барчаси тил

орқали намоён бўлади. Шу маънода, тил ўзбек миллий идентификациясининг асоси ҳамдир.

Ўзбек миллий адабиётларида “миллий идентификация” тушунчаси, унинг моҳияти ва намоён бўлиши хусусиятлари ниҳоятда кам ўрганилган масалалардан ҳисобланади. Аммо уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ниҳоятда тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси миллатларнинг миллий ўзлигини англашнинг кучаяётганлиги ва миллий омилнинг жаҳон миқёсида етакчи кучга айланаётганлиги билан боғлиқдир.

Миллий идентификация – алоҳида одамни ёки муайян миллатдаги катта гуруҳдаги одамларда шахснинг эркин равишда бир хил ҳисобланишидир. Айнан шунда, шахсни бошқа бир шахс билан ўз-ўзини белгилашида намоён бўлади. Ўзини муайян ёки миллатга мансуб деб билиб инсон инсониятнинг миллий гуруҳларга бўлиниши ва ўзини гуруҳ ёки миллий интеграцияга мансублиги фактини ифодалайди. Шахс ўзини бирон бир этник гуруҳнинг вакили деб ҳис қила олиши учун бирикиши ва муҳим қадам бу идентификация жараёнидир, яъни умумийлик мезонлари ва чегараларини аниқлашдир. Бошқача айтганда (лот. *identification*) бирлик, айнанлаштириш деган маъноларни англатиб, бирон бир нарсани бошқа бир нарсага айнанлаштирилиши, бирлик сифатида қараш ёки: “... бирор нарсани бошқа нарсага айнан ўхшашлиги, ўзаро бир-бирига тўла тенглик, яъни барча муҳим хусусиятларнинг ўзаро бир-бирига мослиги) шаклларида намоён бўлади. Нарса ва ҳодиса маълум нисбатдагина ўз-ўзига айнан бўлади, аслида у доимо унинг тўла батамом айнанлиги ҳақида фикр юритиш қийин. Онг ҳам ўз-ўзига айнан (тенг) бўлиши мумкин эмас, у тараққий этиб боради, лекин бу тараққиёт “МЕН”нинг тараққиёти тарзида кечеди¹”.

Демак, идентификация – бу бир категория бўлиб, уни биз табиат ва жамиятдаги турли жараёнларга нисбатан, ўша воқеаликнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ифодалашамиз мумкин. Масалан, инсонга нисбатан: инсон ҳис-ҳаяжонини, унинг бошқа бир намунали, идеал индивид билан ўзини тенглаштириш жараёнига айтилади.

Идентификация деганда, социология ва сиёсатшунослик адабиётларида одатда шахсиятни ижтимоийлаштириш механизми тушунилади. Бу механизм ўша ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган нормалар, идеаллар, қадриятларни шу билан биргаликда, ўша ижтимоий гуруҳ вакилини, ўзига намуна қилиб олишда намоён бўлади.

Миллат ва этник халққа нисбатан “бу тушунча, миллий бирликни тақозо этади. Миллатнинг объекти мавжудлиги бу миллий бирлик бўлиб, унинг индивидларини маълум ҳудудда ҳамжиҳатликка келтириб бўлмайди” - дейди Б.Андерсон. Миллатнинг бирлик сифатида мавжудлиги фактини нима шакллантиради ва белгилаб беради?-деган саволга Д.Ж. Каморов “тил, ҳудуд, тарих тақозоси. менталитет келиб чиқиши умумийлиги” - деб жавоб беради.

¹Фалсафа қомусий лугати. -Т.: Шарқ, 2004.

Шунга кўра миллий идентификация – бир миллатнинг ўз қадриятлари, келиб чиқиши, тили ва маданиятини бошқа миллатлар билан айнанлаштириш бўлиб, бунда миллат ўзлигини англаши орқали бошқа миллатлар билан мусобақалашади. Шунингдек, миллатдаги ўтмишда бўлган буюк шахслар ва улар эришган ютуқлар, кашфиётлар шу миллатга тегишли бўлган барча жиҳатлар муҳим роль ўйнайди. Бу эса ўз навбатида, миллий мансубликни юзага келтиради. Бирор миллат ёки халқ ўзининг миллий мансублигини эркин, баралла овозда айта олиши учун энг асосий этник омил миллий ўзликни англашдир.

Бугунги кунга келиб, дунё бўйлаб миллий интеграция жараёни кузатилмоқда. Хусусан, бундай ҳолат Марказий Осиё ва Европа давлатларидаги иктисодий ривожланиш, миллий ўзликни англаш ва ўз миллати тарихини ўтмишдаги буюк шахсларга тақалишини эътироф этиш. Ўз миллий қадриятини юксак даражада баҳолаб, бошқа миллатлар билан айнанлаштириш яққол намён бўлмоқда. У ёки бу тарихий даврининг ўтмишини англаш шахс ва жамиятнинг онгида рефлексив тенденцияларни уйғотади ва бу нарса идентификацияга бўлган юқори эътиборда ўз ифодасини топаётганлигини Марказий Осиё давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Россия империяси томонидан Марказий Осиёнинг забт этилиши минтақанинг жаҳонда тутган ўрнининг тубдан ўзгариши олиб келди. Марказий Осиё Россия манфаатларига бўйсундирилди ва унинг ташқи алоқалари Россиянинг назоратида бўлиб қолди. Бу эса минтақанинг халқаро майдонда мустамлака бўлиб шаклланишига олиб келди.

Демак, “миллий идентификация” тушунчаси бу бир сўз билан айтганда, бу бир миллат ичидаги халқларнинг ўзини ўз миллатига мансуб идеал шахсларга, идеал воқеиликка тенглаштириши орқали ўша миллат вакили эришган натижаларни ва шу миллатга хос бўлган урф-одат, анъана, тил ва динини айнанлаштиришга бевосита ўзини-ўзи олиб келади. Шу боисдан ҳам биз миллий идентификация – бу миллий ўз-ўзликни англаш жараёни сифатида намён бўлади деб айта оламиз.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳалда айтиш мумкинки, тил чин маънода инсоният бойлиги бўлиб, унда киши ўзи учун керак бўлган барча нарсаларнинг мазмун моҳияти, ҳаёт давомийлигини, қолаверса, бутун дунё халқлари мулоқотининг асосидир. Шу боис юртимиз мустақиллиги арафасида кўлга киритган илк ютуқларимиздан бири 1989 йил 21- октябрь ўзбек тилига давлат тили мақомини берилишидир. Бош қомусимизнинг 4-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, деб белгиланиши тилимизга берилган юксак эътибордир.

Бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашуви даврида баъзи бир ёвуз ниятли кимсаларнинг маънавий таҳдиди туфайли қанчадан қанча миллат вакиллари ўз тили дини ва миллийлигидан кечиб кетаётганини кузатишимиз мумкин. Маълумки ҳар бир миллат ўз миллийлигини, миллий ўзлигини, шунингдек миллий идентификацион хусусиятларини миллий тили орқали намён этади.


ТИЛ КОРПУСИНING ЛЕКСИКОГРАФИК АҲАМИЯТИ

Корпус асосида иш кўрадиган энг биринчи соҳа лексикография бўлиб, катта ҳажмли лугатларни тузиш учун асосий ва такрорланмас манба саналади. Бугун дунёдаги барча замонавий, сўнгги лугатлар корпусга асосланган бўлиб, улар мисолларининг ҳақиқий, ишонарлиги билан баҳоланади. Чунки корпусда тил жамиятда қандай яшаса, шундай акс этади, натижада, лугатдаги мисол ишонарли ҳамда асосли бўлади [2]. Вақт ўтиши билан корпуслар турли лингвистик йўналишлар учун аҳамиятли бўлиши билан кучли информацион ресурсга айланди. Чунки корпус лексикография соҳаси учун бой манба ҳисобланиб, улар асосида компьютер ёрдамида лугатлар аввалгига нисбатан тезлик билан тузилади ва қайта ишланади. Шу йўл билан иш бошланиш ва тугаш жараёнигача (нашргача) тилни акс эттириб туради, эскиришга улгурмайди.

Иккинчидан, лексикология соҳасидаги аҳамияти шундан иборатки, сўзнинг қўлланиш даври ва частотасини аниқлашда ҳеч қандай восита корпусга тенглаша олмайди. Корпус асосида маълум сўзнинг частотасини аниқлаш учун берилган қидирув натижасида диаграмма ва графиклар ёрдамида сўзнинг тартиб рақами унинг частотасига тесқари пропорционал бўлади, чунки иккинчи тартиб рақамида жойлашган сўз биринчи рақамли сўзга нисбатан камроқ, тўртинчиси учинчисига нисбатан камроқ ишлатилиши аниқ [2]. Бирорта частота лугати корпусчалик аниқ маълумот беролмайди, чунки тил доим ўзгаришда бўлиб, сўзнинг частотаси ҳам нисбий. Корпуснинг Ципфа қонунияти деб аталадиган бундай амалиёти асосида “Тил – энг камёб ҳодисалар йиғиндиси” деган хулосага келишга асос бўлади (2).

Корпусга маълум сўзнинг турли даврда асарларда қўлланилиш частотасини аниқлаш бўйича берилган сўров натижаси тахминан қуйидаги шаклда намоён бўлади. Натижани намоёиш этиш шаклини фойдаланувчи истагига кўра турли шаклда танлаши мумкин.

Эскирган сўзларнинг турли даврда бадний асарларда қўлланилиш частотаси



Бундан ташқари, корпус тилнинг луғат бойлигида бўлаётган ўзгариш (неологизмнинг пайдо бўлиши ва йўқолиши ходисиси)ни кузатишнинг энг қулай воситаси саналади. Сўзларнинг ўзаро лексик-семантик бириқиш имконияти таҳлилида корпус методини қўллаш янги авлод луғат ва грамматикалари, хусусан, тургун бирикмалар луғатини яратиш имконини берди. Корпус яратилиши ва тараққий этиши, тил корпуслари асри кириб келиши билан луғатшуносларда сўз қўлланиш ҳолатларига оид жуда катта матнлар тўплами билан ишлаш имконияти пайдо бўлди [3]. Корпус воситасида сўзнинг серкирралиги, бир пайтнинг ўзида бир неча семантик категорияга мансуб бўла олиши, бу семантик фарқни ажратиб олиш мумкинлиги ҳақида Е.В.Недовшина: “Лексикография бўйича тадқиқотлар семантика борасидаги изланишлар билан чамбарчас боғлиқ. Корпусда у ёки бу лингвистик бирликнинг қуршовини кузата туриб, ушбу бирликни характерловчи маълум семантик белгиларни аниқлаш мумкин. Сўз бир пайтнинг ўзида бир неча семантик категорияга мансуб бўлиши мумкин, шунинг учун сўзнинг у ёки бу категорияга тегишлилик даражасига қараб фикр юритиш лозим. Даража эса турли категория бўйича тақсимланиш частотасини санаш йўли билан аниқланади” [4], – деб ёзади. Демак, корпус ёрдамида сўзнинг семантик категорияларга мансублиги, ҳар бир категориядаги маъноси билан танишиш мумкин.

Тил корпуси ёрдамида ўтказилган илк лингвистик тадқиқотлар турли бирликнинг тилда қўлланиш частотасини статистик аниқлашни мақсад қиларди. Кўпинча, бундай элемент сўз, баъзида графема, морфема, сўз бирикмаси ҳам бўларди. Корпус лингвистикасининг кейинги тараққиёт босқичида статистик тақдид методи компьютер таржимаси, нутқни синтезлаш ва таниш, аниқлаш, орфографик текширув каби лингвистик амалларни бажаришда қўл кела бошлади. Корпусдан фойдаланиш лексик бирликни контекстда ўрганиш имконини берибгина қолмай, сўзшакл, лемма, грамматик категориялар частотаси, уларнинг бириқиш хусусияти ҳақида маълумот олиш учун ҳам муҳим. Ибора ёки тургун бирикмалар семантик жиҳатдан бўлинмас бирликни ташкил этгани учун лексикографияда матнга автоматик ишлов бериш жараёнида буни инобатга олиш жуда муҳим. Корпус материали асосида статистик метод орқали қайси сўзлар доим биргаликда қўлланиши, шунинг натижасида тургун бирикмага қанчалик алоқадор эканлигини аниқлаш мумкин [5].

Корпус лингвистикаси мутахассислари тажрибасига назар ташласак, корпус ёрдамида қандай амаллар бажарилиши мумкинлигига гувоҳ бўламиз. Рус тилида *реагировать* феълнинг (несовершенный вид) совершенный кўринишининг *прореагировать*, *отреагировать*, *среагировать* каби шакллари мавжуд. Ушбу олд кўшимчалардан қайси бири кўпроқ қўлланиши, қайси услубдаги контекстга хосланиши, қайси равишлар билан боғлана олиши, ҳозирги рус тилида қандай тартибда (бир пайтда ёки кетма-кет) ишлатилиши, тил тараққиётининг турли даврида қўлланиш частотасининг фарқи каби масалаларга корпус бир неча дақиқада ойдинлик киритиб беради [1].

Рус тилида от сўз туркуми мужской род бирлик парадигмасида кўшимча келишик категорияси (второй родительный падеж) мавжуд. *Сахар* сўзи бу келишикда *сахара* шаклида, иккинчи шаклда эса *сахару* шаклида қўлланади: *положите себе еще сахару*. Бундай турланиш шакли рус тилига XVI-XVII асрда кириб келган, XVII-XVIII асрларда энг кўп қўлланиш даври бўлиб, XIX асрда секин нутқдан чиқа бошлаган. Ҳозирги рус тилида ушбу шакл юздан бир ҳолатни ташкил этади ва келишикнинг биринчи шаклида қўлланаверади: *положите себе еще сахара*. Ҳозирги рус тилида ушбу келишик шаклининг қўлланиш частотаси, тил тараққиётининг турли даврида, турли муаллиф нутқида иккинчи родительный падежнинг қўлланиш ҳолатлари (*поднять с пола ёки поднять с полу*) масаласи санокли дақиқаларда статистик ва фактик асосда ҳал этилади [1]. Бундай мисоллар сирасини кўпайтириш, муаммони қийинроқ кўйиш мумкин. Корпуснинг тилшунос олдидаги амалий аҳамиятини аниқроқ кўрсатиш учун шундай оддий мисол келтирилди. Демак, корпус ёрдамида бир неча тугмани босиб ёрдамида олдинги даврда тилшунос йиллаб қиладиган меҳнат натижасини бир неча дақиқада қўлга киритиш мумкин. Рус ва Европа тилшунослигида тил бўйича қилинадиган барча тадқиқотларнинг тил корпусига асосланиши одатий ҳолга айланган ва ҳатто баъзи тадқиқотларда мажбурий ҳам саналади. Рус тилшунослари бу соҳада АҚШ, Европа, Япониядан орқада қолганини афеус билан тан олишади, ваҳоланки, рус корпус лингвистикаси анча тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бу борада ривожланган мамлакатларга тенглашяпти. Уларнинг фикрича, яқин орада тил ўрганаётган ўқувчи ёки унинг бирор жиҳатини тадқиқ этаётган киши бугунги кунда лугатга бўлган эҳтиёжи корпус кўчиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Плунгян В. Зачем мы делаем корпусы? // www.ruscorpora.ru
2. Кутузов А.Б. Курс «Корпусная лингвистика». – М., 2008. – 26 с.
3. Что такое корпус? (Электрон ресурс). www.ruscorpora.ru
4. Недовшина Е.В. Программа для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Работа с системой DDC. // Языковая инженерия: в поиске смыслов. (электронный ресурс).
5. Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – СПб, 2005. – 48 с.

ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОЕВ – АТОҚЛИ ТИЛШУНОС		
<i>Б. Абдушукуров</i>	Ибратли ҳаёт йўли	3
<i>Н. Маҳмудов</i>	Ўзбек тарихий терминологияси стакчиси	8
<i>И. Мирзаев</i>	Эски ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг ўрганилиши	12
<i>Қ. Содиков,</i>	Эски туркий тил манбалари билимдони	16
<i>Н. Хусанов</i>	Ўзбек лексикографияси ривожига кўшилган салмоқли улуш	19
<i>Ш. Усмонова</i>	Ўзбек лексикологиясининг мохир тадқиқотчиси	23
<i>З. Холмонова</i>	Ўзбек тилшунослигининг хориждаги тарғиботчиси	27
<i>Ш. Исқандарова</i>	Туркий терминологиянинг мохир тадқиқотчиси	31
<i>М. Жўрабоева</i>	Теран фикрли олим	33
<i>И. Носиров</i>	Нияти пок маърифатли олим	35
<i>Н. Маҳкамов</i>	Илмга садоқат	38
<i>З. Ҳамидов</i>	Серқирра, заҳматқаш ва сермахсул олим	39
<i>З. Дўсимов,</i> <i>А. Ўразбоев</i>	Ҳамидулла Дадабоев –Огаҳий асарлари тили тадқиқотчиси	42
<i>Д. Нуриддинова,</i> <i>Г. Зиёдуллаева</i>	Эзгуликка интилиб	46
<i>М. Исаева</i>	Ҳамидулла Дадабоев –гендер тилшунослиги тадқиқотчиси	48
І ШЎҒБА. ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИНING ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ		
<i>Х. Дадабоев</i>	“Девону луготит турк”да озиқ-овқат маҳсулотларининг ифодаланиши	51
<i>У. Санакулов</i>	Тил тарихини ўранишдаги долзарб масала	57
<i>Д. Кулмаматов</i>	К истории употребления синонимического ряда нумизматических терминов в старинных русских переводах хивинских челобитных XVII в.	60
<i>Ю. Ибрагимов</i>	Қорақалпоғистондаги жой номларининг лисоний талқини	64
<i>Қ. Омонов</i>	Туркий ҳужжатчилик анъанасининг кўшни давлатлар иш юритиш амалиётига таъсири	66
<i>М. Абдиев</i>	Она тилига хос терминларни асраб-авайлаш –давр талаби	70
<i>Н. Охунов</i>	“Бобурнома”даги антропонимларнинг морфологик тузилиши	73

<i>Н.Маҳкамов</i>	Илмий услубнинг айрим хусусиятлари	77
<i>И.Азимов</i>	Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилар системасининг шаклланишида жадид намояндаларининг ўрни	79
<i>М.Раҳматов</i>	Алишер Навоий поэтик асарларида ўзга гапли қурилмалар	85
<i>А.Примов</i>	“Зафарнома” асарининг ўзбекча таржимасидаги ҳарбий терминлар ҳақида	88
<i>Ж.Худойбердиев</i>	Биринчи туркийшунослар қурултойининг чақирилиши ҳақида	93
<i>Ш.Норбаева</i>	Эски ўзбек тилидаги айрим кийим-кечак номлари хусусида	102
<i>Н.Ҳамраев</i>	Куллочиликда ишлатиладиган хом-ашёларни ифодаловчи терминлар хусусида	106
<i>М.Абдуллаева</i>	Бадий фикр тадрижи ва сўз қўллаш имконияти	109
<i>А.Абдувалиев</i>	“Бобурнома”даги сифат ясовчи форсча ҳозирги замон феъл негизлари ҳақида	111
<i>Ғ.Раҳмонов</i>	Синонимларнинг компонент таҳлили хусусида	114
<i>Д.Маҳкамова</i>	Терминологияда изофали ясалиш	115
<i>Х.Даурова</i>	Ойконимлардаги ономастик конуниятлар	119
<i>Д.Абдувалиева</i>	Алишер Навоий тарихий асарларида қўлланган антропонимлар	121
<i>Ф.Жумаева</i>	Ўзбек халқ мақолларида антоним семали полисемем лексемаларнинг қўлланиши	124
<i>М.Холмурадова</i>	“Қутадғу билиг” Асаридаги айрим теонимлар	127
<i>З.Очилдиева</i>	Native borrowed words in english	129

II ШЎБА. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

<i>Ш.Сафаров</i>	Маънодаги ноаниклик ходисаси талқинидаги фарқ	132
<i>О.Бозоров</i>	Предикатив интонация, ундалма, ажратилган бўлак, кириш ва киритмалар	134
<i>Ҳ.Неъматов, М.Қурбонова</i>	Сўз-гапли гаплар	138
<i>Т.Эназаров</i>	Мутолаа маданияти хусусида	141
<i>А.Ҳасанов</i>	Бадий матнда барқарор бирикмаларнинг поэтик актуаллашуви	144
<i>З.Тешабоева</i>	“Бобурнома”даги “мулозамат” концепти	146
<i>Б.Эшитўхтарова</i>	Бадий матнда имплицит ахборотларнинг ифодаланиши	149
<i>М.Раҳимова</i>	Сўзнинг белгили табиати монолестаристик оким талқинида	152
<i>Д.Собирова</i>	Кўп маъноли сўзлар таснифи	154

<i>О.Абдуллаева</i>	Ўзбек тилида келишиқлар синонимияси ва гап бўлақларини ажратиш муаммолари	156
III ШЎЪБА. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЯНГИ СОҲАЛАР РИВОЖИ		
<i>Б.Менглиев, А.Норов</i>	Алифбонинг виртуал кенгайтмаси ҳақида	160
<i>Н.Югай</i>	Лингвокультурология: цели и задачи	163
<i>Х.Йўлдашева</i>	Тилшуносликда нутқнинг социолингвистик тадқиқи масаласи	165
<i>У.Йўзғалиев</i>	Услубий тизимда “жинс” лисоний концептининг вокеланиши	168
<i>Д.Тошева</i>	“От” компонентли халқ мақолларининг лисоний маданий хусусиятлари	170
<i>Ф.Жалолова</i>	Инглиз ва ўзбек тилларида “гул” концепти	174
<i>Н.Абдурахмонова</i>	Semantic issues of machine translation	177
<i>З.Маҳмадалиева</i>	Understanding the text and its psycholinguistic features	179
<i>Х.Валиева</i>	Лингвокультурные единицы как необходимый объект изучения в процессе обучения	183
<i>М.Абжалова</i>	Матнларга автоматик қайта ишлов берувчи дастурларнинг лингвистик таъминоти	185
<i>М.Хомидова</i>	Интертекстуаллик тамойили ва унинг тилшуносликда ўрганилиши	188
IV ШЎЪБА. ЎЗБЕК ТИЛИ МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ТИЛ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ		
<i>Б.Баҳриддинова, Н.Муслманова</i>	Ўзбек имлоси хусусида мулохазалар	191
<i>З.Агзамова</i>	Применение инновационных технологий и методик в учебном процессе	194
<i>Ҳ.Алимова</i>	Teaching the reading engagements	196
<i>Ш.Пидаева</i>	Компетентностный подход в обучении иноязычному общению	199
<i>К.Абдулкадирова</i>	How to incorporate culture into the foreign language classroom	201
<i>П.Хидирова, Н.Каххарова</i>	Рольевые игры при обучении иностранному языку	203
<i>З.Одинаева</i>	Ўзбек миллий идентификациясининг асоси	206
<i>Ш.Ҳамраева</i>	Тил корпусининг лексикографик аҳамияти	209

ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Илмий-назарий анжуман материаллари

Мақолалар мазмуни ва уларда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига
муаллифлар масъулдир.

Адади 100 нусха. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Босма табағи 13.5. "Times New Roman" Гарнитураси.
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.

